



Дурбёк Қўллошев

ИМПЕРАТОРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бобурнинг болалиги

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ

ИМПЕРАТОРНИНГ ТУГУЛИШИ

Бобурнинг болалиги

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2018

УЎТ: 821.512.133-94

КВТ 84(5Ў)6

Қ 90

Масъуд муҳаррир:

Ф. Ҳасанов – тарих фанлари номзоди

Тақризчилар:

С. Жаббаров – Андижон давлат университети
профессори

Б. Йўлдошев – бобуршунос олим

Қўлдошев, Дурбек.

Қ 90 **Императорнинг туғилгани:** тарихий ҳикоялар/ Д. Қўлдошев. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2018. – 320 б.

ISBN 978-9943-07-580-1

Буюк юртдошимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида дунё миқёсида кўплаб асарлар яратилган бўлса-да, ул зотнинг Андижон заминида кечган бахтли балалик даври кам ёритилган мавзу ҳисобланади.

Мазкур асар (узвий боғланган) 13 та ҳикоядан иборат бўлиб, Бобур Мирзонинг туғилган кунидан то Андижон тахтига ўтирган пайтигача ўтган 12 йиллик даврини ўз ичига олади. Ҳикояларда валиаҳд Бобур Мирзонинг тийнатиغا хос хислатлари ишонарли тарзда очиқ берилган.

Китоб улғ юртдошимиз Бобур Мирзонинг чин мухлислари, талаба ёшлар, кенг китобхон оmmasига мўлжалланган.

УЎТ: 821.512.133-94

КВТ 84(5Ў)6

Асар Андижон давлат университети илмий кенгашининг 2014 йил 30 декабрдаги 5-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-07-580-1

© Дурбек Қўлдошев, 2018.

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2018.

МУҚАДДИМА

«Миллий мафқурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир!»

Ўзбекистон Республикаси

Биринчи Президенти

И. Каримов

Бу кўҳна заминга номлари Инсоният тарихига мангу битилган, не-не улуғ ҳукмдорлару тенги йўқ саркардалар келиб кетмадилар...

Миллат учун не бахтки, улар сафида мудом ёруғ юлдуз янглиғ чарақлаб турган икки буюк зот – Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзода фотиҳ, шоҳ ва шоир Бобур Мирзо сиймолари алоҳида нуфузга эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Фахр - ифтихоримиз рамзи, бу икки жаҳонгашта сипоҳи солорнинг ҳаёти, ҳарб ва бунёдкорлик ишлари, адолат йўлида олиб борган саъй – ҳаракатлари, илм-фан, дин ривожига қўшган улкан ҳиссалари, бир сўз билан айтганда, бутун фаолиятларини чуқурроқ ўрганиб борарканмиз, улар, энг аввало, довюрак жангчи, жисмоний чиниққан гуштгир, метин иродали мубориз¹ бўлиш билан бирга диний ва дунёвий илмлар билимдони, етук инсонлар бўлганидан воқиф бўламиз. Ул зотлар босиб ўтган умр йўли зиддиятларга, таҳликали дамларга, руҳий кечинмаларга шу даражада бойки, бу тўғрида қанчадан – қанча тарихий, ҳужжатли, бадиий асарлар яратилган бўлса-да, мураккаб

¹ Мубориз – баҳодир, олижаноб одам.

тийнатларидаги айрим жиҳатлар мудом очилмай қолаётгандай, барибир, камдек туюлаверади. Чиндан ҳам, бундай шахслар тўғрисида мукаммал асарлар яратишнинг қийинлиги, биринчи навбатда, муаллифдан ўша замон колоритини чуқур англаш, етарли даражада тарихий билим, манбаларни аслидан ўқий олиш, қолаверса, юксак салоҳият талаб этадиган залворли юмуш эканлигида бўлса керак.

Не ажабки, бу улуғ сиймолар тўғрисида биздан кўра хорижда, хусусан Европа ва Америка Қўшма Штатларда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ҳамда мазмун-моҳияти жиҳатдан салмоқли асарлар яратилди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлар насли – Бобур Мирзо ҳақида яратилган асарлар тўғрисида гап борганда энг аввало, Ҳарольд Лэмбнинг «Бобур – Йўлбарс», Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Фриц Вюртленинг (айрим қусурлардан ҳоли бўлмаган) «Андижон шаҳзодаси» китобларини эслаш ўринли.

Тўғри, бизда, мустабид тузум даврида бу сиймолар тўғрисида кўп нарсадан воз кечиб, дадилроқ бир фикр (ҳақиқатни!) айтиш жасорат ҳисобланар эди. Афсус, бундай ноёб туйғу ҳамма ижодкорда ҳам бўлавермас экан. Бироқ, шу ўринда, Қизил Империя маддоҳларининг «Ўтмишни идеаллаштирди» деган тазйиқ ва зуғумларини мардларча енгиб ўтган матонатли инсонларнинг номи, қилган илмий-ижодий ишларини эҳтиром ила ёдга олиб ўтишни ўзимнинг шарафли бурчим ҳисоблайман.

Дастлаб, ўзбек зиёлилари орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бел боғлаган олим (қатағон даври қурбони) Абдурауф Фитрат домла бўлдилар. Илк бобуршунос олимнинг саъй-ҳаракати туфай-

ли 1928 йилдаёқ «Бобурнома»нинг Ҳиндистон қисмидан парчалар эълон қилинди.

Кейинроқ, 1948-1949 йиллар давомида адабиётшунос олимлар Порсоҳон Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар томонидан (таниқли рус шарқшунос олими Н.И. Ильминский таҳрири остида, 1857 йили Қозон босмаҳонасида чоп этилган варианты асосида) «Бобурнома» илк бор нашрга тайёрланди.

1979 йилга келиб эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» романида ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб Бобур Мирзо сиймосини яратди. Бу ўша давр шароитида ижодий жасорат намунаси эди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида эса академик Бўрибой Аҳмедовнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари босиб ўтган ҳаёт йўли ва фаолияти устида олиб борган кўп йиллик илмий изланишлари самараси ўлароқ «Амир Темур» романи дунёга келди.

(Аллоҳ, бу фидоий инсонларни ўз раҳматига олган бўлсин!)

Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётида яратилган яна бир йирик фундаментал бадиий-тарихий асар Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ Салтанат» тетралогияси бўлди. Ўйлаймизки, бу асар адабиётшунос олимларимиз томонидан ҳали чуқур ўрганилади, таҳлил қилинади ва адабиёт ихлосмандларига етказилади.

Маълумки, шу кунга қадар ҳам қалам аҳли бу улуғ зотлар шахсига қайта – қайта мурожаат этишдан тўхтамадилар. Мана, беш асрдан ўтиб бораёптики, император Бобур Мирзонинг сиймоси Тонг Юлдузи мисол, жаҳон пештоқиға мудом жило бериб турибди. Дунё олимлари томонидан унинг шахсига бўлган қизиқиш йилдан-йилга

ортиб бораётгани ҳам ўз ўзидан эмас, албатта. Бизнинг назаримизда бу жараён, энг аввало, Бобур Мирзо тийнатидаги фавқулодда жасурлик, бағрикенглик, метин ирода, ҳарб, давлатчилик ва бунёдкорлик ишларида эришган катта ютуқлари (ва албатта мағлубиятлари ҳам), серқирра ва бетакрор ижоди, тўғрисиўзлиги, қолаверса, юксак инсоний фазилатларидан бўлса керак. Қизиги шундаки, бундай ҳол дунёда бирон бир соҳиби тожнинг таржимаи ҳолида учрамаслиги...

Дарҳақиқат, Бобур Мирзодаги жаҳонгирлик ва юксак инсоний фазилатлар куртаги ўзи билан бирга дунёга келган бўлса-да, унинг камол топиб, комили мукамаллик даражасига эришишида устозларининг хизмати бениҳоя баланд бўлган. Табиийки, «баланд ҳимматлиқ» ва «улуғ доиялиқ» подшоҳ ота Умаршайх Мирзо тилаб-тилаб олган ўғли – валиаҳд Бобурбекнинг тарбияси билан махсус шуғулланди. Гарчанд Умаршайх Мирзода жанговарлик ва гуштгирлик хислатлари юқори бўлса-да, (икки маротаба баҳодирлик рутбасига эришган) «Бадмаошлиғи, мулкгирлик дардағаси», яъни қизиққонлиги сабаб саркардалик бобида катта ютуқларни қўлга кирита олмади. Муҳими, бу теурийзода ҳукмдор сийратидаги энг олижаноб фазилатлардан бири юксак адолат ва диёнат соҳиби бўлганлигида. (Тоғдаги қор кўчкисида қолиб ҳалок бўлган савдогарларнинг молларини икки йил давомида сақлаб, бус-бутун ҳолда, фарзандларига қайтартириб берганини эслаш кифоя). Умаршайх Мирзо Бобурбекни келажакда буюк саркарда, тенгсиз мубориз бўлиб етишишини жуда-жуда орзу қилди. Шу мақсадда унинг тарбиясига диний ва дунёвий билимлар билан бирга, жуда кичик ёшидан пуртажриба сипоҳлар, гуштгирлик илмининг пешволарини жалб этди.

Натижада Бобур Мирзода болалигиданоқ жасурлик, ўзига бўлган ишонч, ҳарбий ва жанговарлик маҳорати ўсди, камол топди. Хукмдор учун муҳим фазилат – ҳар қандай ёвуз душман қаршисига тик келиб жанг олиб бориш руҳи шаклланди. Ана ўшандай Бобурбекнинг устозлари раҳнамолигида ўтган, қизиқарли воқеаларга бой, болалик йиллари қаламга олинган, ҳозирги ёшларимиз севиб ўқийдиган, айрим фазилатларини ўзларига ибрат қилиб оладиган даражадаги бадиий асарларга бўлган маънавий эҳтиёж шу бутунга келиб, ҳар қачонгидан ҳам ортди. Бобур Мирзонинг ҳаёт йўли акс эттирилган энг мукаммал қомусий асар, агар «Бобурнома» бўлса, афсуски, унинг 18 йиллик тарихни ўз ичига олган тенг ярми шу кунга қадар топилгани йўқ. Болалик йиллари (туғилган кунидан то 12 ёшга, тахтга ўтирган кунига қадар) воқеалари тасвирланган сатрлар «Бобурнома»да фақат икки жойда келади холос. Бирида: «Умаршайх Мирзоға бу воқеа даст берганда мен Андижонда чаҳорборда эдим. Сешанба куни рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонга келди, изтироб била отланиб, қошимдаги навкар ва савдар била кўрғон азимати қилдим» («Бобурнома», 15-бет). Иккинчиси, амакиси – Самарқанд подшоҳи – Султон Аҳмад Мирзонинг уйланиш тўйида қатнашганлиги. Бироқ унда Самарқандга қандай қилиб, кимлар билан ташриф буюрганини ёзмайди. «Яна бир Хонзодабегим эди, Тирмиз хонзоларидан эди. Мен Самарқандга беш ёшимда Султон Аҳмад Мирзо қошига келган фурсатда олиб эди. Ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркона расм билан манга буюрдилар, мен юзини очдим», деб айтади. («Бобурнома», 20-бет)

Кўриниб турибдики, маълумотлар ҳажм жиҳатдан оз, бироқ жуда қимматли. Ажаб эмас, Бо-

бур Мирзо ҳазратлари ўзининг болалик даври воқеаларига бағишлаган сатрлари «Бобурнома»нинг йўқолган қисмида кўпроқ бўлса. Нима бўлганда ҳам, умид қиламизки ижод аҳли ҳали бу мавзуга қайта – қайта мурожаат этадилар ва бу улуғ сиймонинг завқли, бетимсол болалик давларини тасвирлаб берувчи кўплаб асарлар яратилади. Ахир буюк инсонларнинг болалик давлари, келажак авлодлар учун ибрат ва тимсол бўлиб қолиши табиий.

Қўлингиздаги ушбу китоб асли касби муҳандис, Бобур Мирзонинг содиқ мухлисларидан бири бўлган андижонлик бир ижодкорнинг бу улуғ сиймога бўлган чуқур эҳтироми сифатида ёзилган баҳоли қудрат машқлари, холос. Бобур Мирзо шахсига жуда ёшлик пайтимданоқ қизиқиб, ғурурланиб келганимдан, бу улуғ инсон тўғрисида ёзилган асарларни севиб ўқиб бораман. Бу ерда қаламга олинган воқеалар, аввало, «Бобурнома» ни узоқ йиллар давомида, чуқурроқ ўрганиш натижасида чиқарилган мантиқий хулосалар, Андижон халқи орасида бу шахс тўғрисида шу кунга қадар сўзлаб келинаётган айрим ривоятлар ва бошқа бир неча манбалар асосида ёзилган, бадиий – тарихий қисса деб қабул қилгайсизлар.

Албатта, китоб камчиликлардан ҳоли деб айтолмайман. Чунки, Бобур Мирзонинг чин мухлиси бўлсам-да, «Бобуршунослик» фани пешволари олдида ўзимни ҳамон авсат даражасидаги талаба ҳисоблайман.

Китоб тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламан.

Муаллиф
2008–2014, Андижон шаҳри.

ТАВАЛЛУД

...Орадан бир ярим аср ўтиб,
айнан шу куни,
Буюк Темурийлар сулоласида яна бир
Ёруф юлдузнинг дунёга келиши,
уни нафақат жаҳонгирликда, балки,
бунёдкорликда ҳам оламда ягона деб
тан олиниси фақат Тангригагина
аён эди, холос!

Андижон заминида ҳижрий 888 йил, му-
борак жума, муҳаррам ойи олтинчи кунининг
оппоқ тонги ёришиб келмоқда... Қиш чилласи
чиқиб бўлганига қарамай, эрталабки совуқ авж-
га минган. Баданни чимчилаб олувчи изғирин
ғувиллайди...

Тонг юлдузи – Чўлпон ҳавонинг мусоффолиги
боис осмонда бирин-кетин кўринмай бораётган
«майда-чуйда» юлдузлар орасида гўё кимнидир,
ниманидир кутаётгандай ҳамон чарақлаб туриб-
ди...

«Қишнинг бир кунидан қўрқ» деганларидай,
икки кун аввал ёриб ўтган қор бутун борлиқни яна
оппоқ либосга буркаб қўйган.

Саройга муҳим давлат юмушлари билан ташриф
бурган ўзгандлик икки мулозимнинг сўзларига
қараганда ҳам, Олатоғ ва унинг доманасига туш-
ган кечаги қор кўп қалин эрмиш... Бу – ёзи би-
лан Иламиш²да зироат мезони – оби ҳаётнинг мўл
бўлишидан далолат...

Султон Умаршайх Мирзо аркони давлатнинг
мустаҳкамлиги йўлида бир неча содиқ беклар-
ни олиб, қисқа муддатли сафар билан Ўш ва

² Иламиш – Қорадарёнинг ўша даврлардаги номи.

Марғинов қалъаларини кўздан кечириб келган-лигини ҳисобга олмаганда «Ҳар не бўлганда ҳам бу йил пойтахтда қишлаймен» – деган аҳдига содиқ турибди... Мана, бир неча кундирки, «беш кунлик дунё» ташвишларини унутиб, атрофига мавқибат аҳлини тўплаб олган ҳукмдор Заврақ тарафларда, тўқайзорлар ичида шикор билан машғул...

Сарой бир қарашда ҳар дамгидек сокин ва осойишта кўринса-да, кеча тундан бери подшоҳ хонадонидан андак безовталиқ... Боиси суюкли за-вжалари – Қутлуғ Нигорхонимнинг ой-кунлари яқин, орзу-ҳавасларнинг тотли меваси – фарзанд кутилмоқда...

Хонимнинг шоҳона безатилган хос хонала-ри даҳлизидан улуғ ёшли доя – Хосият момо бош бир неча ҳамширалар паст овозда нималарнидир суҳбатлашиб, Эсан Давлатбегимнинг биргина «Ки-ришсин!» деган сўзига маҳтал бўлиб ўтиришибди...

Суюкли қизининг бошида парвона бўлиб тонг оттираётган Пошшо буви³ нақшинкор кўшк ёнига келиб, Маҳди улёнинг қулоғига ўзларининг «тили» да (яна бир бор) далда бергувчи сўзлар айтиб пе-шанасидан ўпиб қўйди...

Салтанатга валиаҳд – тахт вориси, сулола давом-чиси – ўғил чақалоқ туғилишини нафақат подшоҳ хонадони соҳиблари, балки Тошканддай нуфузли юрт хони, улуғ ота – маърифат пешвоси Султон Юнусхон ҳам кўп йиллардан буён муштоқлик би-лан кутар, Тенгри рост келтуруб шу сафар унинг истидъоси амалга ошгудек бўлса, эл-юртга, дунё-вий ва ухровий илм соҳибларига дея яна беҳисоб ҳадялар улашишни кўнглига тутиб қўйган...

³ Пошшо буви – Эсан Давлатбегимни саройдагилар шун-дай атаганлар.

Ҳатто хонадон хизматкорларининг энахони Сожидабуш ҳам кенг, нақшин равоқли айвонда севинганидан куйиб-пишиб, қандайдир юмушларни бажариб юрган бўлса-да, бир қулоғи ичкарида... Янги меҳмоннинг овозини қачон эшитарканман, деб жони ҳалак...

Хиёл ўтмай, ёруғ жаҳонга, кўпдан бери интиқлик билан кутилаётган овоз – чақалоқнинг йиғиси таралиб, бутун борлиқ жаранглаб кетгандай бўлди!

Сожидабуш кўлидаги бир даста идишни жавонга олиб боришга ҳам сабри етмай апил-тапил, шундоққина қор устига қўйди-да, шошганча ўзини ичкарига урди... Йўлакда чопиб чиқаётган ҳамшира билан тўқнашиб кетди ва биринчи саволига – «Ўғул!» деган жавобни олгач, ўша тахлит ташқарига отилди... Қорда ноибалари ёнига халлослаганча чопиб бораркан, оғзини тўлдириб: – Суюнчи беринглар! Пошшо бувим ўғул набира кўрдилар! Пошшо бувим ўғул набира кўрдилар! – дея ҳайқирарди...

«Яхши хабарнинг қаноти бўлади» деганларидай, хушxabар бир зумдаёқ Арк ичига, кўп ўтмай бутун Фарғона мулкига тарқалди...

Қувончларини ичига сиғдиролмаётган Хосият момо чинқироқ саси оламни кўтариб юбораётган чақалоқни боши узра тутиб, мурғаккина жисмига разм соларкан:

– Олтмиш йил доялиқ қилибмен, вале, бундайн фариштали, хушсурат чақалоқни илк бор кўруб турушум» – деб қўйди таажуб ва ифтихор ҳисси билан.

Жажожи Мирзони оппоқ чойшабларга меҳр билан йўргакларкан:

«Хуш келибсиз, «Тилаболди чўмбрий», хуш келибсиз!», – дея чин дилдан эркалатди, унинг

миттигина қўлларини оқиста юзларига суртди. Кейин чақалоқдан кўз узмаганча қувонч ёшларини яширолмай турган Эсан Давлатбегимга қараб:

– Пошшохоним! Ўзингиз ҳам эшитгон бўлсангиз ажаб эрмас... Айтишларича, бу ёруғ дунёда икки муслимнинг нидоси ўша заҳотиёқ арши аълоға етиб борар эмуш... Бири – азон айтаётгон муаззиннинг, иккинчиси – янги туғилгон чақалоқнинг... Шу чинмукин? – деганди, Эсан Давлатбегим майин жилмайиб қўяркан:

– Ҳа! Тўғри айтадурсиз, момо, менинг ҳам шундай эшитгоним бор. Валлоҳу аълам, Яратганнинг ўзи билгувчироқ! Унинг карами кенг, қудрати улур!... Минг бор шукрим, мана, муродимиз ҳосил бўлди-ку! Ажабмас, миттибой шаҳзодамизнинг овозлари етти иқлимга қадар кетган бўлса! – деб жавоб қилди. Сўнг хонасидан бир халта кумуш танга олиб чиқиб, чақалоқнинг бошидан нисор қилди-да, ташқарида қаттиқ совуқни ҳам писанд қилмай ўз юмушларини сидқидилдан бажариб юрган хизматкорлар устидан сочқи қилиб юборди...

Кўнглига ёруғлик тушган Пошшо буви жарас ила айвонга сочилган шоҳружий тангаларни дув этиб донга ёпишган чумчуқлардай теришга тушган қаролларини завқ билан кузатди. Кейин нигоҳини кўкка, эндигина парпираб турган Тонг юлдузига қаратди...

Ажабо! Буюк воқеадан воқиф бўлган Чўлпон Қуёшнинг коинот ичра таратиб бораётган заррин нурлари ортига яширинганча, ўзининг фалак буржи бўйлаб сузиб кетган экан...

Эсан Давлатбегим ҳозиргина дунёга келган тахт ворисининг келажак ҳаёти билан борлиқ ширин режалар оғушида бир зум хушҳол тур-

ди. Кейин эса юзини қибла томонга қаратди ва қўлларини дуога очди... Сўнг Яратганга шукроналар келтириш учун аста-аста босиб жойнамозлар тўшаб қўйилган хона томон одимлаб кетди...

Хукмдорнинг хос чопари Мазид набира бу муждадан Умаршайх Мирзони воқиф қилиш учун отининг бошини шиддат билан Заврақ деҳаси тарафга бурди...

Чошгоҳга бормай, саройдагилар шутурпарини қўлида хушхабар битилган руқъа билан қалъанинг Мирзо дарвозасидан чиқиб, Тошкандга – Улуғ Хон ота қошига кўнундай елиб бораётган арабий «Зухал» тўриқ устида кўришди...

* * *

Қаранг, барибир қиш қишлигини қилди...

Чошгоҳга қадар чарақлаб турган бобо Қуёш юзини бирдан қалин туман қошлаб, бир-икки қадам нарини кўриб бўлмай қолди.

Мавжуд тартиб-қоидага кўра, йўлда кичик аравалар катталарига йўл бўшатиб туришлари лозим эди...

Афсус, ундай бўлмади... Нафс ғолиб келиб, кўп жойларда қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Аллоқибат бир талай одам ва отлар бевақт нобуд бўлдилар...

Туман пешиндан ўтиб, бироз сепсилгандай бўлса-да, энди, ғарб осмонида пайдо бўлган бир парча «Қора Булут» борган сари катталашиб, атрофни аста-секинлик билан ўз қамровига тартиб бормоқда эди... Ожир-оқибат вазият шу даражага етдики, бутун Турон заминга таҳлика солиб қўйди... Не ажабки, энг пуртажриба, кордон хукмдорлар ҳам бу куч олдида саросимага тушиб, не қиларини билмай қолдилар...

Афсус! Йўл ҳар қанча хатарли бўлмасин, «Катта арава» эгалари аччиқ ўкинч билан Буюк Туронни ташлаб, Улуғ Сафарга чиқиб кетишга мажбур бўлдилар...

МУҲИМ ХАБАР

Бобур Мирзонинг ҳайвонот оламигақизиқиши болаликдан юқори бўлган. Шундан бўлса керак, Ҳиндустон фатҳ этилгач, бу иқлимда яшайдиган жуда кўп жонзотнинг яшаш тарзини ўрганиб, бирма-бир таснифлаб чиқди.

Ҳ. ҲАСАНОВ, бобуршунос, географ олим

Ичкаридаги йўлакчадан болакайнинг катталар ўтирган хонага кириш учун рухсат этилмаётганидан норози овози жарангдорлиги боис то подшоҳ қабулхонасига қадар эшитилиб турарди...

Султон Умаршайх Мирзо машварат иштирокчилари фикрини диққат билан тинглаётган бўлсада, девони хос котибига «Нима гап?» дегандай кўз қирини ташлаб кўйди. Табиатан хушёр, ўткир зеҳн соҳиби бўлган Музаффар Содик ҳукмдорнинг нигоҳида не мазмун яширинганлигини дарҳол фаҳмлаб, кўлидаги қаламни қороз устига тез кўйди-да, даст ўрнидан туриб, ўтирилганича, бир зумда хонани тарк этди. Хиёл ўтмай эшик олдида яна унинг мулойим чеҳраси кўринди. Мушукдай шарпасиз, оёқ учида келиб хожасининг қулоғига бир нималар деганди, бундан олампаноҳнинг серсоқол фариштали юзига енгил табассум югургандай бўлди...

Ҳамма мулоҳазалар айтилиб, якуний гап фақат подшоҳ ҳазратларининг хулосасига қараб қолганидан, у олмос кўзли шоҳона кумуш узути безаб турган чап кўлини бироз кўтариб, ўрнидан турди. Тахтдан тушиб, салобат билан ташқарига юра бошлади.

Саройда машварат давомида хотиржам ўтирган ёши улугъ аёнлар ҳам дарҳол ўринларидан кўзгалиб, кўл қовуштирганларича нигоҳлари билан уни кузатиб қўйдилар.

Хукмдор қабулхонадан чиқиб келаётганини кўрган чухралар⁴ шу заҳотиёқ бир қадам ортга чекиниб, кўлларигаги туғли найзаларини ёнбошга олганларича хушёр тортидилар...

Йўлақда отасининг келаётганини кўрган Бобур Мирзо қувониб кетганидан, қизиқарли саволлар бериб, уни «ушлаб» турган, нима гаплигини эса сира билолмаётган ёши каттароқ соқчибошига ҳам парво қилмай, чопиб келиб падари бузрукворига бош эгиб салом берди-да, бағрига отилди... Ота-бола бир зум бир-бирларининг хушбўй мушқларига тўйишгач, Бобурбек ўта муҳим янгиликни етказмоқчи бўлган одамдай:

– Отажон, отажон! Хушхабар! – деди юзлари жиддий...

Хукмдор кўлларини жигарбандидан бўшатаркан:

– Хўш, Амирзодам, қандай мужда экан? – деди қизиқиб.

Валиаҳд кўзларини парпиратиб:

– Отажон! Ёдинғиздаму, Бухородан келтириб бергон кийигингиз бўлиб эди, ўша туғибди! Қуралайни ўз кўзим билан кўрдум. Унинг устида

⁴ Чухра – подшоҳлар ихтиёридаги махсус ҳарбий бўлинма жангчилари, тансоқчилар.

ҳам худди онасиникига ўжаш чиройли холлари бор экан!

Умаршайх Мирзо теурийзоданинг қоп-қора кўзларига, шижоат тўла оппоқ юзига суйиб тикиларкан, шу дамдаёқ унинг бошидан аркони давлатнинг барча ташвишлари учди – кетди!

Тилаб-тилаб олган тўнғич ўғли, кўзининг оқу қароси, тахт ворисининг тўқ билакларидан, ёшига қараганда бўйдорроқ жуссасидан кўз узолмай:

– Қаранг-а! Кийикчангиз муборак бўлсун, Мирзом! – дея қутлади.

Аслида, бир кун аввал, қуралай туғилган куниеқ, он ҳазратларини бундан воқиф қилишиб, суюнчи ҳам олиб бўлишганди.

– Сал улғайиб олса, ўзингиз боқасиз! – деди подшоҳ ота.

Бу топшириқдан қувонган Амирзода отасига қулук қилиб, икки кўлини кўксига босганча бош эгиб кўйди.

Бобурбекнинг қистови билан қурдирилган чоғроқ ҳайвонот боғчасида, бу пайтда бир жуфт етим қолган йўлбарс болалари ҳам сақланарди.

Ота-боланинг бир-бирларига айтадиган гаплари кўп бўлса-да, ҳукмдор Амирзодага кетиш учун изн бераркан: «Устозингиз шу ердаларму?» – деб сўради.

Ташқарида кўл қовуштириб турган кенг елкали Алп Баҳодирга кўзи тушгач, кўнгли таскин топиб, енгил бош ирғаб кўйди.

Бўлғуси император эса адолат деб аталмиш жажожи қиличини боши узра ўйнатганча устози томон чопқиллаб кетди...

Умаршайх Мирзо қабулхонага кириб келаётганида, уни муштоқ бўлиб кутиб турган мулозимларнинг паст овоздаги ўзаро суҳбатлари эшитилмай қолганди. Ҳукмдор ўз ўрнига келиб ўтирди.

Машварат аҳли ҳукмдорининг юз-кўзларига ҳар қанча тикилиб боқмасинлар бирор нарсани аниқ уқиб ололмадилар. Бироқ анчадан бери боши очиқ турган муаммо, негадир, шу машваратда ечилиб кетганидан ҳамма ҳайратда эди.

ЧИНДАН КЕЛТИРИЛГАН СОВҒА

«Кичикликдан бери Хитой сориға
ҳавасим бор эди...»

«Бобурнома»дан

Эрталабдан бери Бобурбекнинг қувончлари ичига сиғмайди.

Сабоқларда ҳам хаёллари сочилиб, устози берган бир неча саволларга паришонхотирлик билан жавоб қайтарди.

Унинг кўнгли нимагадир илҳақ бўлиб, ошиқиб турганлиги истарали чеҳрасидан ҳам сезилиб турарди.

Устоз шогирдининг шуурида нималар кечаётганини билишга қизиқиб:

– Амирзодам, нимадандир кўнглингиз тўлмай турадур, не сабаб? – деб сўрашга мажбур бўлди.

Бобурбек бир қадар истиҳола билан:

– Ҳа, дарвоқе, устоз, сизни кеча огоҳ қилиб қўйишни унутгон эканмен, бугун тушга қолмай устод Ҳусайн Ниёзий⁵ жаноблари келиб, Пошшо бувимлар Чиндан келтириб бергон «отча»мни тиклаб берадургон бўлгон эканлар. Рухсат берсангиз, шуни ўз кўзим билан тафарруж қилсам, – деди.

⁵ Устод Ҳусайн Ниёзий – ўша даврнинг етук муҳандиси, умрбод Темурийларга садоқат билан хизмат қилган инсон. Жарри сақил илми (механика фани)нинг дошворини ҳисобланган.

Бобурбек «отча»сининг зўр маҳорат билан ясалганига чин дилдан қойил қолар, у тиккаланиб борган сари, ҳайрат ва қувончлари ҳам ортиб борарди. Бир соатга қолмай «отча»ни битказиб бўлишди.

Устод Бобурбекга қараб:

– Амирзодам, мана, тўпчоқингиз тайёр! Энди миниб, хоҳлаган жойингизга бориб келаверасиз, – деганди, ҳаммалари енгил кулишиб олди.

Бобурбек ҳайратланганча устодга юзланиб:

– Устод, айтинг-чи, аввал ҳам шундай «отча»ни ясагон эдингизму? – деб сўраганди унинг бир мартанинг ўзидаёқ беҳато терилганига ишора қилиб.

– Йўқ, Амирзодам! Умримда биринчи бор кўришим, лек жуда маҳорат билан ясаибдур, қиймати ҳам яхши бир тавсан⁶ отнинг баҳоси билан баробар кўринадур, мана қамчиси, миниб кўринг-чи?! – деди.

Бобурбек «отча»нинг жажжи узангисига чап оёғини кўйди-да, чаққонлик билан бир сакраб миниб олувди, кутилмаганда «отча» қалқиб кетди. Эгарнинг қошини маҳкам тутган Бобурбек «отча»сининг устига энгашганча чайқалиб юриб ўзини зўрға тутиб қолди. Бундан ҳадиксираган Алп Баҳодир Бобурбекни йиқилиб тушади деб ўйлаб, уни ушлаб қолиш мақсадида турган жойида бир силтаниб кўйди.

Чавандозни отнинг устида маҳкам ўтиришга ўргатадиган бу «отча» тузилиши жиҳатидан худди шундай: қалқиб, тебраниб туришга мўлжалланган эди.

Устод Бобурбекга қараб:

⁶ Тавсан от – чопқир, учқур от.

– Амирзодам, ҳозир чап илгингиз билан эгарнинг қошини маҳкам тутиб, оёқларингиз билан «отча»нингизни қапталига ниқтаб-ниқтаб турсангиз, худди чопқир отда кетаётгандай бўласиз. «Отча»нинг чайқалиб, қалқиб туриши айни муддао, чунки бу ҳар қандай вазиятда ҳам йигитни от устида мувозанат сақлаб ўтиришга ўргатадур.

«Отча» шу аснода ясалган эдики, ҳар қандай чавандоз ҳам ҳушёр ўтириб, оёқлари билан отнинг қапталидан маҳкам қимтиб олмаса, бир тарафга оғиб, йиқилиб кетиши турган гап эди.

Ишлар битгач, устод бошқа хизматлар борлигини айтиб изн сўради-да, уларни тарк этди. Бобурбек билан устоз Алп Баҳодир устод Ҳусайн Ниёзийга самимий миннатдорчиликлар билдириб, уни ташқаригача кузатиб қўйдилар.

Хайрлашув олдидан Алп Баҳодир устодга:

– Устод, айтинг-чи, бундаин «тўпчоқ»ни ўзимизда ҳам ясайдурғон устолар борму? – деганди, устод мийиғида жилмайиб:

– Жаноб Алп Баҳодир, биласизму, бизда, бундан да мураккаброқ нарсалар яшашни уддалайдурғон нажжорлар бор! Фақат, аларга шароит яратиб, буюртма берилса бас, – деб қўйди қатъий ишонч билан.

САМАРҚАНД СОРИ

...Яна бири Хонзодабегим эди,
Тирмиз хонзодаларидин эди.
Мен Самарқандга беш ёшимда
Султон Аҳмад Мирзо қошига
келган фурсатда олиб эди.
Ҳануз юз ёпуғи бор эди.
Туркона расм била менга
буюрдилар, мен юзини очтим.

«Бобурнома»дан

Ҳижрий 892 йилнинг ёзи кўҳна Самарқанд за-
минида ўзгача шукуҳ ва тўкин-сочинликда ўтиб
борарди.

Подшоҳлик тахти кўп йиллардан бери, гар-
чи ихтиёри беклари қўлида бўлса-да, шижоатли
темурийзода, баланд ҳимматли ҳукмдор Султон
Аҳмад Мирзо илкида бўлиб, ҳарб ва давлат иш-
ларида кордонлиги боис юртда тинчлик-осой-
ишталик ҳукм сурар, шундан Самарқанд аҳли
рафоҳат ва фароҳатда умргузаронлик қилиб
келмоқда эди.

Мирзонинг юксак ҳимматини шундан ҳам
билса бўлардики, иниси Умаршайх Мирзонинг
бадмаошлиғи сабаб Хавос кентида бўлиб ўтган са-
вашда қўли баланд келса-да, ортиқча зиён-заҳмат
етказмай, қайтага ўлжа ва асирларни солим қилиб
қайтариб берди.

Бовужуд, кўп ўтмай қаламравида бўлган улус
шаҳарлардан бири Тошкандни, кетидан Сайром-
ни ҳам унга инъом қилиб юборди.

Аслида, бу темурийзодаларга хос, бобола-
ридан мерос, шоъе хислатлардан бўлса, ажаб
эмас.

Бобур Мирзо эсини танибдики, ота юрти – фирдавсмонанд Самарқандни кўриш орзусида.

Бу қутлуғ даргоҳга бориш истаги ёш валиаҳднинг кўнглида қачон туғилди экан-а?! Самарқандда ҳарбий таҳсилни олиб қайтгач, Умаршайх Мирзо черигида икки қатла баҳодирлик рутбасига эришган устози – Алп Баҳодирнинг қиссаларидан жунбушга келибми ёхуд боболари руҳи ундабми, нима бўлганда ҳам кейинги кунларда қатъият билан: «Бувижон, отажонимга айтингиз, мени Самарқандга жўнатсунлар?!» – деган тилакни тез-тез ёдларига солиб кўядиган бўлиб қолди.

«...Тушга нималар кирмайди», десалар-да, валиаҳд бир кун тушида қилич кўтариб Самарқандда, Улуғбек Мирзо мадрасаси томида юрган эмиш.

Бобур Мирзонинг бу истидъоси амалга ошиши учун йўл бермай турган бирдан-бир сабаб – ёшининг кичиклиги.

Чиндан-да, Самарқанд подшоҳи қондош амалкиси бўлганда ҳам, Фарғона мулкидан ташқарига чиқмаган, эндигина олти ёшга қадам кўяётган тахт ворисини бундай олис жойга жўнатиб юбора олмасдилар.

Катталар шу ужурда бир неча бор кенгашдилар. Охир-оқибат, Амирзоданинг бироз эркарроқ, лекин қатъиятли феъл-атворига қарши ўзларида руҳий куч тополмадилар.

Хуллас, бир пора чухралар муҳофазасида устози Алп Баҳодир бош яқин дўстларидан бири Абдуллоҳ ҳамроҳлигида Самарқанд сари отла нишга ружсати олий берилди.

Бу фармондан сарой аъёнлари ажабланмасликлари учун, Бобур Мирзонинг сафарини яқин орада Самарқандда, подшоҳ хонадониди бўлиб ўтадиган тўй шарофатига йўйиб қўя қолдилар.

Сафар тадоригига уч кун керак бўлди.

Шу кунлар ичида Шайх Бурҳонидин Қилич ҳазратлари қадамжоларидан бирига бориб, валиаҳднинг кокилига тиф урдириб келишга ҳам улгурдилар.

Йўл анжомлари, соябонли аравалар, захира отлари, икки ҳафтага етгулик озуқа, шахсан Султон Аҳмад Мирзога дея Андижоннинг олиймақом чавари— Муҳаммад дўзанда бош туриб тайёрланган қишлик ва ёзлик сарупо, барча оила аъзоларига ноёб совғалар, қимматбаҳо сувсар мўйналари, кундал, суқурлот, жужун матолари солинган сандиқлар, Андижон танаворидан буюртириб тикилган маҳси-кавушлар, икки харвор Ўзганд девзираси, бир неча даста тобулғу йиғочи ва яна бир талай анвойи атиқалар олампаноҳ назаридан ўтказилгач, «Юклансин!» деган буйруқ берилди.

Ҳа, айтгандай, сандиқларнинг бирига, самарқандлик подшоҳзода хонимларга атаб қўйган Қутлуғ Нигорхонимнинг махсус туҳфалари — бир неча тўп жилоси кўзни олувчи Маргинон атласидан жойлаб қўйишни ҳам ёддан чиқармадилар.

Бобур Мирзога устазода байтар — Бойқосим Буқо тавсияси билан бобоси Султон Юнусхон ўтган йили туркманлардан келтириб берган зоти олий тўпчоқи — «Жиғолтой» бурулни эгарлаб беришга қарор қилинди.

Сайёҳлар Подшоҳ отанинг сўнгги йўриқларини уқиб олишгач, шаъбон ойининг учинчи куни тонг саҳарда Самарқанд сари йўлга чиқиб кетдилар.

Подшоҳ ҳазратлари тахт ворисини қалъа ичиданоқ жўнатиб юборгани кўнгли бўлмай,

пири муршиди – Бурҳониддин Муҳиддин Қози ҳазратларини олиб, уларни то Намозгоҳ навоҳисигача кузатиб қайтдилар.

Сарой муаррихи бу воқеъани ўша кунидек салтанат солномаси саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйди.

Сафда бир жуфт баҳайбат нортуянинг борлиги, четдан қараган одамга кичикроқ карвонни эслатарди.

Дарвоқе, устоз ва шогирд ўзлари билан олган бир неча робита кабутарларни⁷ тобулғу қафасларга солиб, атроф яхши кўриниши учун туя кажаваларининг энг баланд жойига ўрнатдилар.

Юксак орзуси ушалаётганидан завқланган Бобурбекнинг қувончлари ичига сирмасди. У ўзини

⁷ Робита кабутарлари – хат ташувчи каптарлар. Қўлга ўргатилган – робита кабутарлари (почтальон каптарлар) тўғрисида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улар қали учолмайдиган, жўжалик пайтидан алоҳида, жуфт-жуфт (нар ва мода) қилиб парвариш қилинади. «Тоҳир-Зухро» қушлар вояга етгач, оила қуришади. Ҳамма каптарларни ҳам бу вазифага жалб қилиб бўлмайди. Улар зотли кабутарлар бўлиб, оддийларга қараганда бироз тик ва бақувват бўлади.

Хизматга асосан нар кабутар солинади. Сафарга отланган кабутар эгаси нар қушни қафасда, ўзи билан бирга, атрофни «кўрсатиб» олиб кетади. Манзилга боргач, етказмоқчи бўлган хабарни хатга тушириб, каптарнинг оёғига боғлаб (одатда эрталаб, куёш чиқиб, атроф ёруғ бўлган пайт) учуриб юборади. Жуфтини соғинган кабутар, шиддат билан маъшукаси ёнига парвоз қилади.

Кабутарнинг узоқ масофаларга уча олиш малакаси йиллар давомида шаклланади. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, минг чақирим ва ундан ортяқ жойдан қўйиб юборилганлари ҳам ўз (жуфти турган жой) маконини беҳато топиб келган. Ёзма манбаларда таъкидланишича, ўрта асрларда дунёга зотдор робита кабутарлари етиштириб беришда араб мамлакатлари етакчилик қилган. Асл зотли, бир жуфт робита кабутарини айтишларича, битта чопқир отга ҳам мавоза қилинмаган экан...

йигитчалардай ҳис этар, қизиқ-қизиқ саволлар бериб устозини шошириб ташлар, баъзида жўшиб кетганидан, Абдуллоҳнинг елкасидан маҳкам қучиб кўярди.

Шаҳар ҳудудидан чиқишлари ҳамоно табиат манзараларига маҳлиё бўлиб бораётган ёш сайёҳлар қандай қилиб Асакадан ўтиб, Кубога яқинлашиб қолганларини ҳам сезмадилар. Қасабага кириб бораверишдаги ўша машҳур катта ботқоқлик сувга лиқ тўла даври экан. Бир маромда мавжланиб турган кўм-кўк тўлқинлар тутдан ясалган кўприк устунларини кўмаман дейди.

Саф кўприкка яқин қолганда, Алп Баҳодирнинг буйруғи билан уловлар орасидаги масофа кенгайтириб қўйилди.

Роҳравлар ёғоч кўприк устидан бир маромда тебраниб ўтиб борардилар.

Бир пайт валиаҳднинг нигоҳи кўлларда сузиб юрган қалин сув қушларига тушиб, кўзлари парпираб кетди. Қирғоқ бўйлаб чайқалиб турган қамишзорлар ортида, «бозор» қилишаётган бунча кўп қушни аввал ҳам, бир маротаба, устози билан балиқ овига чиққанларида, Иламишнинг сўл соҳилидаги очик ҳавзаларда учратганди, лекин бирқозонни кўрмаган экан...

Ҳайратланиб кетган тахт вориси апил-тапил этикчаларини ечиб қўлига олди-да, атроф манзараларини яхшироқ тамошо қилиш мақсадида бир сакраб эгарнинг устига туриб олди, сўнг бир қўлини соябон қилганча қушлардан кўз узмай:

– Устоз, устоз! Айтинг-чи, ҳў ана бу, тумшуқлари йўғон, бесўнақай паррандалар қандай қушлар? – деб сўраб қолди. Қирғоққа яқин жойда навбатманавбат халтачали узун тумшуқларини кўтариб-тушириб, ўз тилларида бир-бирларига «қўшиқ»

айтиб бераётган бир гала йирик-йирик қушларга ишора қилиб.

Алп Баҳодир шогирдига юзланаркан:

– Амирзодам! Алар, бирқозон деб аталадур, иккинчи номи – сақоқуш! Сиз, ҳушёр туруб тафарруж этиб олсангиз, нариги жонибга ўтуб олгонимизда сўйлаб берамен, бу қушлар ҳақида, – деди.

Паррандаларнинг тинимсиз чағур-чуғурлари бутун атрофни тутиб кетганди...

Айниқса, галадаги ғозларнинг ғағиллашлари, қулоққа бошқаларникидан бир мунча баланд эшитилиб турарди...

Устоз! – деб қолди валиаҳд, яна, қушлардан кўз узолмай: «Биргина, илбосун тутуб олгонимизда эди», деганди, Алп Баҳодир мийиғида жилмайиб қўяркан:

– Амирзодам! Жоним била эрди, аслиға, буни ҳеч бир душвор жойи йўқ, бироқ, шу пайт ов била андармон бўлуб, йўлдан қолуб кетсак, Марғинонға «етти хуфтон»да кириб боришға тўғри келадур. Фолибо, Хўжанд атрофларида ҳам қушлар бундан-да бисёр жойлар бор. Тенгри рост келтурса, шикорни ўша кўлларда қилабиз, – деб қўйди.

Устозининг бу жавоби валиаҳднинг ўзига ҳам маъқул тушдими, ё подшоҳ отанинг: «Мирзом! Сафар чоғи устозингиз чизғон чизигидин бир қадам ҳам четға чиқмағайсиз!» деган ўтитига амал қилибми, ҳар ҳолда, ов ҳақидаги тадбир кейинга қолдирилди.

Бобур Мирзо гоҳо-гоҳо ўзигина эшитадиган овозда: «Ҳаб-бо-за-а!» дея пичирлаб қўяр, Қубонинг «қора» сувидан то нариги қирғоққа ўтиб олгунларига қадар, бир дақиқа бўлса-да, табиатнинг бу фусункор манзарасидан нигоҳини узолмасди...

Қофила бир маромда одимлаб Кубо марка-
зидан ўтиб борарди. Қасабада бозор кун экан.
Кўчалар зироат маҳсулотлари ортилган аравалар,
қуржун, қоп юкланган уловлар, мол-қўй етакла-
ганлар, ҳаммоллар, пиёдалар билан гавжум.

Ҳамма ўз ташвиши билан, қаергадир, нимага-
дир шошаётгандай.

Алп Баҳодир куболиклар ғайратига, меҳнат-
севарлигига ҳавас билан боқаркан: «Ҳа, эл-улус
тўққизни учга уруштуруш илинжида» дея жил-
майиб қўйди.

Кейин бир йигитча катта тандир ичидан боши-
ни чиқариб, шипиллаганча элтиб бораётганини
(бир қараган одамга тандир ўзи юриб кетаётган-
дай эди) завқ билан кузатиб бораётган шогирдига
юзланиб:

– Мирзом! Биласизму, агарчи, қасаба – кичик
қасаба, вале, чун мўътабар маскун! Бу замин буюк
аллома Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг киндик
қонлари тўкилган жой! Устод Ҳусайн Ниёзий жано-
бларининг айтишларича, мана олти асрдан ўтибди
ҳамки, ул зотнинг Араб дунёсида қилган ишлари
барчани лол қолдируб, ҳали ҳануз самара бериб
келаётган эмуш! – деб қўйди, ғурур билан. Бобур
Мирзо бу номни илк бор эшитаётганди, шундан:

– Устоз! Ул зот фотиҳму? – деб сўраганди, Алп
Баҳодир:

– Ҳа, Амирзодам! Ул зотни мажозан фотиҳ деса
ҳам бўладур! Аслида, улкан ақл ва заковат соҳиби,
фалакиёт ҳамда жарри сақил илмининг пешвоси
бўлганлар, – деб қўйди ифтихор билан.

Устозининг сўзлари Бобур Мирзонинг юзида
орзу ва ҳавас учқунларини елиб ўтгандай бўлиб,
киприклари пирпираб кетди. Буни кузатиб бора-
ётган Алп Баҳодир хиёл жилмайганча Бобур Мир-
зога юзланиб:

– Амирзодам! Сизга яна бир, маҳтум тарихдин бир шингилинигина сўйлаб берсам... Улуф бобонгиз Темурбек ҳазратлари Миср султони Малик аз Зоҳир Барқуқ жаноби олийларининг «таклифи» била, ҳижрий 803 йил жумодул-аввал ойида Қоҳирада бўлгонларида, атрофиға мавкибат аҳлини олиб, алломанинг Нил суйиға солгон ўлчагич иншоатларини тафарруж этиб келгон эканлар. Қурилманинг ўта жўн ва ишончли бўлгонидин ҳайратға тушган Темурбек ҳазратлари султон Барқуққа, филҳол олимнинг муборак равзаларини таъмирдин чиқориб, зиёратгоҳға айлантириш ҳақинда фармони олий бергон эканлар...^{*} Улар шу тахлит бир олам таассуротлар оғушида кун қандай ўтганини ҳам сезмай Марғинонга кириб келдилар.

Меҳмонларни шаҳар доруғаси⁸ (табиатан қўпол, тунд юзли бўлганидан, атрофдагилар «яхмалак» деб лақаб қўйиб қўйган) Али Дўст тағойи кутиб оларкан, юксак иззат-икромлар кўрсатиб, қалъа ичига тушган ўз ҳовлиси томон бошлади.

Алп Баҳодир хизматкорларга юкларни имкон қадар авайлаб тушириб, жобажо қилиб қўйишларини буюрди-да, шогирдларини олиб (шомга қолмай), рав бориб Бурҳонуддин Марғиноний ҳазратлари яшаб ижод қилган муборак хонадонни, «Ҳидоя» асарини ёзишга жазм қилган чилахоналарини зиёрат қилиб қайтдилар. Шундан кейингина андижонликлар кўнглига руҳий сокинлик иниб, зудлик билан гармобада⁹ ювиниб чиқдилар.

^{*} Маълумки, Амир Темур Қоҳирада ҳеч қачон бўлмаган. Юқоридаги «тарихдан бир шингил»ни муаллифнинг ҳаёлот ижодий маҳсули деб қарамоқ керак – Ф.Ҳасанов.

⁸ Доруға – шаҳар ҳокими

⁹ Гармоба – ҳаммом

Мезбонлар нозик табиат ёш темурийзода ва унинг садоқатли ҳамроҳларидан иборат киборлар кўнглини олиш учун марғинонликларга хос банд меҳмоннавозликлар кўрсатдилар.

Хизматда қасабанинг манаман деган олиймақом муғаннийлари, бовурчилар, дастурхончи ва баковуллари¹⁰ камарбаста турдилар.

Тахт ворисини ҳушнуд этиш мақсадида хонадонга шогирдлари билан Сотти қўғирчоқбоз таклиф этилган экан. Бор маҳоратларини ишга солиб, «Уч оғайни ботирлар», «Качал полвон», «Ёрилтош» эртакларидан парчалар намоиш қилиб бераётганди. Бобур Мирзо бу эртакларни ёддан билгани боис, бир-икки жойда ижрочиларга эртақ қаҳрамонлари сўзларида йўл қўйган хатоларни кўрсатиб қўйганди, хижолат бўлиб кетган қўғирчоқбозлар жовдираганларича бир-бирларига қараб саҳна кўринишларини давом эттира олмай қолдилар.

Доруға вазиятни юмшатиш учун ҳамёнидан бир сиқим ақча чиқариб дафнинг чарм филофига ташлаб қўяркан, няги билан дарвоза томонга ишора қилиб, «Бошқа келасизлар, жаноблар,» деганча уларга жавоб бериб юборди.

Давра совиб қолмаслиги учун бир имо билан навбатни аҳли нағма давом эттира кетди.

Сайёҳлар жадаллик билан етти йиғоч¹¹ масофани бир кунда босиб ўтган бўлсалар-да, хушов мутрибларнинг куй ва қўшиқлари янграгач, чарчоқларидан асар ҳам қолмади.

Базм узоқ давом этмади.

Муаззиннинг хуфтон намозига чорлаб чақирган азони эшитила бошлаганида болалар дам олиш учун ичкарига кириб кетгандилар.

¹⁰ Баковул – хоннинг ошпази

¹¹ Йиғоч – узунлик ўлчови (тахминан – 9 км)

Намозхонлар эса ўринларидан туриб таҳоратларини янгилаш учун тарқалдилар.

Бобур Мирзонинг Марғинон қалъасига келиб тушганидан хабар топган беклардан бир нечаси (ўзларини яқин олиб) ҳў, алламаҳалда, тахт вори сини кўриш ва имкон бўлса назаридан ўтиб қолиш илинжида доруғаннинг эшигига ташриф буюрган эканлар. Салом-алиқдан сўнг, Али Дўст тағойи уларни базми жамшиддан қайтаётганликларини билиб:

– Кимникида бўлишдинг? – деб сўради аввал совуқ овозда.

– Баҳодир дўкайникида... – деб жавоб беришди беклар.

– Тўкварибди-да, баччағар, – деб қўйди дўнғилаб.

Сўнг бекларга юзланиб:

– Гап мундоқ, йигитлар! Амирзодамиз йўл юруб ҳўб чарчагонлар, энди, ёнғонда учраштириб қўямен. Ҳозироқ уйлариингга бориб дамларингни олиш! – деб буюрди амрона овозда.

Улардан бири: «Амирзодамизга аталгон кичиккина совғамиз бор эди...», деганча қўйнидан қарға шоҳи чорсига ўроғлик бир нима чиқараётганди, «Ўшанда», «Ўшанда» деганча жойига қайтартириб қўйди.

Беклар ҳар қанча жангари бўлмасинлар доруғаннинг «қор ёғиб турган» қовоғига қараб, бир чимирилиб олдилар-да, улуғ меҳмонлар ҳурматида бир сўз қайтармай, ортга қайтиб кетдилар.

Болалар ўзлари учун ажратилган шинамгина хос хонага кирганларида Абдуллоҳни уйқу элита бошлаганди. Бояқиш роса чарчаган экан, апилтапил ечинди-да, пашшахонани ҳам туширмай ўзини ўринга отиб, бир зумдаёқ пишилаб улаб қолди.

Бобур Мирзо уст-бошларини ечди, саришталик билан тахлаб, бош тарафидаги жавон устига қўйди, ўринда кийиб ётадиган оппоқ либосларини олиб, эгнига илди, сўнг катталардай хонада бироз у ёқдан бу ёққа юрди.

Токчадаги фонус хирароқ ёритиб турган нақшинкор шипнинг гулли вассажуфтларини тамошо қилди. Ўзининг хобхонасидаги вассажуфтлар безаги буларга қараганда бежиримроқ эканлигининг гувоҳи бўлди.

Ҳар ҳолда, чарчаганлиги билинди чоғи, бориб чироқни пуфлаб ўчирди. Келиб пашшахонани очди-да, ичига кириб, четларини қимтиб чиқди. Шундан сўнггина ўринга кириб ётди. Ҳаво бироз дим бўлса-да, болаларнинг ҳовлида ухлашларига рухсат берилмаганди.

Янги жой, янги одамлар. Умрида биринчи марта саройдан ташқарида тунаб қолиши. Бир-икки у ёқдан бу ёққа ағанади, нималарнидир ўйлаб ётиб, кўп ўтмай уйқуга кетди.

Тун ярмидан оған... Амирзоданинг ором олаётганини билиб, чухралар ҳам бирин-кетин пинакка кетишган.

Бобур Мирзо туш кўрибди...

Тушида кимдир хавотир билан улар ётган хонага кириб: «Амирзодам! Тўпчоғингиз бўшалиб кетиб, ҳеч кимга тутқуч бермаётур!» деяётган эмиш.

Валиаҳд уйғониб кетди. Сапчиб туриб пашшахонадан чиқди-да, пардани четга суриб, деразадан ташқарига қаради. Ним қоронғи ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Бир зум қулоқ тутиб турди. Атрофдан фақат чирилдоқларнинг бетартиб чириллашларигина эшитиларди холос.

Кўнгли тинчимай, оёғига кавушчасини илдида, даҳлиздаги пинакка кетган соқчига бир қараб

қўйиб, ташқарига чиқди, кейин шарт ўтирилиб, отхона томон одимлаб кетди.

Отхона қоровули уйроқ экан.

Йўлақда оппоқ кийимда фариштадай бўлиб жадал босиб келаётган болага кўзи тушган ҳамоно осма фонусини қўлга олиб, ҳужрасидан чиқиб келди-да, қўлини пешанасига қўйиб унга бир лаҳза тикилиб турди.

Бу пайт Бобур Мирзо отхона дарвозасига яқинлашиб қолганди.

Қоровул бобо валиаҳдни таниб:

– Амирзодам! Не хизмат била ташриф буюрди-лар биз тарафларга? Амрингизга мунтазирмен! – деди, бироз хавотирда...

– Йўқ, ўзим, тўпчоғимни, – дея, узук-юлуқ жавоб қилиб қўйган валиаҳд, отхона эшигини очиш учун уринаётганди дамбалаб қўйилган экан.

Бобо шошганча чироқни ерга қўйиб, дарвоза тутқасидан ўтказиб қадаб қўйилган қалин тахтани четга олди ва кичкина эшикни ўзи очиб берди.

Бобур Мирзо остона ҳатлаб тўғрига бирикки қадам босганди, «Амирзодам! Учовинғизни отинғизни рудда чўмултуруб чиқиб, хос бўлмага олиб кириб қўйғонбиз», – деганча, чап тарафдаги биринчи эшикни очди.

Бобур Мирзо чироқ ёруғида кўзлари чақнаб турган «Жиғолтой»ни кўриб, қувониб кетди! Бир сакраб охурнинг деворига чиқди-да, тўпчоғининг бўйнидан қучоқлаб олди.

Бир зум ёлларини силаб, танасига юзини босиб турди.

Буни кузатиб турган қоровул бобо лабларини йиғиштиролмаб қолганди.

«Туғилғонимдин бери отлар ичидамен, илло, бундайин отга меҳр қўйғон шаҳзодани ҳам, бун-

дай кўркам тўпчоқни ҳам илк бор кўрушум», – деганча, ҳайрат билан бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

Бобур Мирзо, ётган жойидан шошиб ташқарига чиқиб кетгач, уларни кўриқлаб ўтирган чухра оёқ шарпасиданми, ғийт этган эшик овозиданми, ҳар ҳолда, уйғониб кетган экан. Бироз ўзига келиб, атрофга аланлаганди, иккала эшикни ҳам очиқ ҳолда кўрди. Даст туриб Бобур Мирзо ётган ўринни қаради, ҳеч ким кўринмади. Кўзларини ишқалаганча яна бир бор тикилганди ҳамки, Амирзода жойида йўқ. Абдуллоҳ эса ўз ўрнида, ўшандай ухлаб ётибди.

Шу заҳотиёқ соқчининг капалаги учиб кетди. Кўз олди қоронғилашганча ташқарига отилди... Ҳовлида эса ҳеч бир зот кўринмасди.

«Орқага ўтгон бўлсалар керак», – деган хаёл билан чопқиллаганча халожойнинг олдига бориб, бир-икки томоқ қириб кўрди, жавоб бўлмади. Ҳар қанча ноқулай бўлмасин, вужуди кўз бўлиб ҳожатхонани қия турган эшигидан мўралаганди, афсус, ичкари бўм-бўш экан. Калласига нима ўй келдийкин, бир лаҳза ҳам ўйланиб ўтирмай, кескин ўгирилди-да, ҳаллослаганча кўча дарвозаси томон чопиб кетди. Кела солиб дарвозани кўздан кечирди. Ҳайрият, лўкидон туширилмабди!

Шундан кейингина бояқиш чухранинг юзига бироз қон югургандай бўлиб, ўзини салгина босиб олди. «Демак, тахт вориси шу яқин атрофда, ҳовлининг ичида», хаёлидан ўтказди ва «Худога шукур-ей!» деганча ичига бир-икки туфлаб қўйди. Бироқ чухранинг ички саросимаси ҳали авжида эди... У шошганча ортга қайтди. Бир пайт йўлакда ўзаро суҳбатлашиб келаётган икки кишига: бири қўлида фонус кўтариб олган катта ёшдаги одам

ва оппоқ кийимдаги болага кўзи тушди. Масала ойдинлашганидан хурсанд бўлиб кетган чухра бир амаллаб ўзини кўлга олди-да, йўлакдан четга чиқиб, кўлларини кўксига босганча мусоҳибларга йўл бўшатиб турди. Улар яқин келгач, худди анчадан бери валиаҳднинг қайтишини кутиб турган одамга ўхшаб: «Тунги тафарружингиз яхши ўтдиму, Амирзодам?», – деб кўйди ҳансираган овозда. Бояқиш чухранинг ҳали ҳаяжонлари босилмаганди.

Қандай қилиб босилсин. Худо кўрсатмасин, мабодо, тахт ворисига бирор кор-ҳол бўлиб қолганда борми. Ҳай, ҳай, ҳай! Аллоҳ у кунни ҳаром қилсун! Чухра ўз бошига тушиши мумкин бўлган уқубатлардан бир шингилни ҳам тотиб кўрмаган бўлса-да, беш кўлдай яхши билди. Чунки шу лавозимга кўйилаётганда бир неча бор огоҳлантирилган-да! Жазолар шодасидаги биринчи чора, аввал, эсини киритиб, кўзини мошдек очиб кўйиш учун, орқасига атиги қирқтагина қалин чармдан пишиқ қилиб ўрилган дарра урилади. Албатта, катта қамчи баданга бир текис тушишини таъминлаш учун гуноҳкор ётқизирилиб, оёқ-кўллари тахтакачга борлаб кўйилади. У ердан омон чиққудек бўлса, (аслида даргумон), иккинчи босқичга ўтилади. Ўқувчининг асабларини эҳтиёт қилиш мақсадида иккинчи жазо нима эканлигини айтмай кўя қолганимиз маъқул. Хуллас, энг сўнгги, учинчиси магарам, шу жазога етиб келгудек бўлса, тирик ҳолда териси шилинади...

Қоровул бобо Бобур Мирзони бўлимсиз чухрага топшираркан:

– Тунингиз осуда ўтсун, Амирзодам! – деганча таъзим билан хайрлашиб ҳужраси томон кетди.

Бобур Мирзо сахна четидаги обдастани олиб, юз-қўлларини ювмоқчи бўлаётгани, чухра дарҳол уни ўз қўлига олиб, сув қуйиб берди. Сўнг, қозикда турган сочиқлардан бирини ёзиб Амирзодага тутди.

Валиаҳд сочиқни қайтариб бераркан: «Раҳмат, тағойи» деганча хобгоҳи томон йўл олди.

Меҳмонлар шу тариқа қўналғада бир кечагина тунаб, субҳидамдаёқ қалъани тарк этдилар.

Гап кўпаймаслик учун Бобур Мирзонинг тунги саргузаштлари пинҳон тутилди.

Али Дўст тағойи қўлларини кўксига босиб «яхмалак» юзидаги омонат табассум билан кузатиб қоларкан:

– Амирзодам! Вақтинғиз ғоят тигиз бўлғонидин шоъе меҳмон қила олмадук. Эмди ёнғонинғизда, албатта, бир-икки кеча ётиб кетасизлар, Тенгри рост келурса, ўшанда қуш овиға олиб чиқамен, – деб таъкидлади тавозе билан.

Бобур Мирзо доруға кўрсатган ҳурмат-эҳтиромларга жавобан болаларча самимият билан хайрлашаркан:

Али Дўст тағойи,
Меҳмондўст тағойи! –

дея берган баҳоси «яхмалак»ка ёғдек ёқиб тушди. Шу-шу марғинонликлар бу таърифни яхши ният билан доруғага маснад қилиб бердилар.

Вақт деган ўлчов кўзга кўринмаса-да, Буроқдай учқур, камон ўқидай қайтмас экан! Дунё яралибдики, бутун борлиқни ўзига бўйсундириб, итоат тизгинида ушлаб келади. Хоҳ жонли, хоҳ жонсиз бўлсин, Оламда бирон бир нарса йўқки, умр муддати вақт билан ўлчанмаган!

Шундан машойиҳлар: «Ҳамма нарсани вақт синовдан ўтказди ва саралайди», – деб бежиз айтмаган эканлар.

Кунлар ўтиб борган сари, сайёҳлар ҳам жадаллик билан катта-кичик шаҳарлар, қалъалар, қасабалару қишлоқлар, гоҳида кимсасиз, юлғун ва саксовуллар ўсиб ётган чўлу биёбонлар, сув сероб жойларда эса шоли, полиз, пахта экилган пайкаллар, баъзида ботқоғи чиқиб, ачиб ётган кўллар атрофидаги қамишзор-тўқайлар оралаб ғарбга томон бир маромда одимлаб борардилар.

Улар завқ билан табиат манзараларини кузатганларича, енгил шабадада атрофидаги қамиш ва кўғалар бир маромда чайқалиб турган кўлчалар ёнидан ўтиб кетаётгандилар, иттифоқо Алп Баҳодир шогирдига юзланиб: «Амирзодам! Мана, ва ниҳоят, Қубода Сизга ваъда қилгон жойга ҳам етиб келдик!» – деб қолди тантанали оҳангда.

Бу муждадан қувониб кетган Бобур Мирзо беихтиёр: «Ҳаб-боза» деб юборди.

Кўлларда сув қушларининг сероблигидан, чағир-чуғурлари то катта йўлга довури баралла эшитилиб турарди.

Алп Баҳодир сафдан икки чухрани ажратиб, ўзларига қўшиб олди-да, карвон ҳаракатда давом этаверишини тайинлаб, йўлга яқинроқ жойдаги бир ҳавза ёнига келдилар. Чавандозлар отларидан тушиб буталарнинг шохларига боғлаб қўйдилар ва бир зум қушларнинг хонишларини тинглаб турдилар.

Алп Баҳодирнинг имоси билан чухралардан бири қирғоққа яқин бориб, сув сатҳи яхши кўриниши учун ўтларни икки томонга ёриб қўйди.

Бобур Мирзо Қубонинг «қора суви»да кўрган қушлар гўё бу кўлларга учиб келиб қолгандек эди.

Улар бир-бирларини қувлашиб, бамайлихотир сузишиб юрар, ҳатто ҳў қирғоққа яқин жойдаги бир гала сақоқушлар ҳам, ўзлари билан ўзлари, атрофга парвойи фалак эди.

Осмонда эса уни ҳам, кўзи ҳам ўткир бир тўп чағалай ва оқчорлоқлар учиб юришибди.

Бобур Мирзо: «Устозим тўғри айтгон эканлар» деган ўй билан мамнун жилмайиб қўйди.

Бу икки ҳавзанинг фарқи фақат сув ўтларида экан. Бу ердагилар Кубодагига қараганда қалин, бироқ бўйи пастроқ эди.

Алп Баҳодир елкасидаги йигирма манлик камони чочийни олди-да, садодидан атайин кичикроқ тир чиқариб, ғозлардан бирини нишонга ола бошлади. Кўп ўйланиб ўтирмади. Бир кўзини қисганча, керишни енгилгина тортиб, қўйиб юборганди, ўқ «виз» этиб бориб илбосунга беҳато санчилди!

Галадаги ғозлар қанотларини чапиллатганларича анча нарига сузиб кетишди. Ўқ еган қуш эса бир қаноти билан ҳар қанча ҳаракат қилмасин, жойида айланиб-айланиб шерикларидан ажралиб қолди.

Манзарани кузатиб турган Бобур Мирзо жўшиб кетганидан ўлжани олиб чиқиш учун устозидан рухсат сўраганди, қатъиян рад жавобини олди.

Иккинчи чухра ечиниб, сувга ташлаш учун шай турганди. Унинг белида гупсари йўқлигини кўрган Алп Баҳодир: «Чухра! Ғўта ур-ма-а!» деб, тўхтатиб қўйди.

Чухра, узр сўраганча, чопиб бориб чармпўштидан гупсарини олди, уни пуфлаб ҳам ўтирмай, камаридан ўтказиб қўйди-да, ўзини сувга отди. Бир зум йўқ бўлиб кетиб, анча наридан чиқди. Кейин жадаллик билан бир чапга, бир ўнгга енгил қулоч отиб, атрофга сув ҳам сачрат-

май, шундай тез ва силлиқ сузиб кетдики, ҳашпаш дегунча ўлжанинг ёнида пайдо бўлди.

Бобур Мирзо чухранинг ортидан ҳавас-ла боқаркан: «Устоз, қачон мен ҳам шундоқ юзамен?» – деб, Алп Баҳодирга қараганди, у жилмайганча шогирдининг бошини силаб қўяркан: «Мирзом! Шу кунда ҳам, ёшингизга қараганда ёмон юзмайсиз. Бироз катта бўлуб олинг, мени айтди дерсиз, жами чухралар ортингизда қолиб кетадилар!» – деб қўйди ишонч билан.

Чухра ўқ еган розга қўлини теккизиб қўйди-да, икки билагини баланд кўтарганча сув тубига чўкиб кетди.

Бобур Мирзо хавотирлангандай бўлиб устозига қараганди, Алп Баҳодир ияги билан чухрага ишора қилиб: «Бўйлаяпти!» деб қўйди хотиржам.

Чухра қўлида ўлжа билан тездаёқ қирғоққа чиқиб келди. Уни қўшқўлаб Алп Баҳодирга топширди-да, бир четга ўтиб, шошганча оёқларига ёпишиб олган зулукларни сидира бошлади.

Бобур Мирзо устози тутиб турган рознинг узун бўйни, яссидан келган суякдек қаттиқ тумшугини, учидан ўткир тирноқлари чиқиб турган пардали панжаларини диққат билан кўздан кечирди.

Шогирдининг кўнгли ўрнига тушгач, уни чухрага қайтариб бераркан: «Умқи не миқдор эканин билмаймен, вале, паррандалар ичида энг юқори учадурғони қоз бўладур. Ташлаб юборманғизлар!» – деб тайинлади.

Кейин ҳаммага қарата: «Ёндук!» – деган буйруқ берди...

Сайёҳлар катта йўлга чиққанларида карвон анча илгарилаб кетган экан.

Алп Баҳодир чухраларга отларини чоптириб кетиш учун изн берди-да, улар кетидан ўзлари ҳам йўртиб кетдилар.

Карвон Марғинов ҳудудидан чиқиб кетгандан бери, орадан икки кеча-кундуз ўтди...Улар бир маромда тебраниб Конибодом қалъаси томон яқинлашиб борардилар...

Бироз чарчоқ ҳислари қамрай бошлаган ёш сайёҳлар кўрғон ичига келиб қўнганларида хали аср вақти кириб улгурмаганди.

Олий даража меҳмонларни кутиб олиш маросими ўз ниҳоясига етгач, бош сарбон ҳар ким ўз хоҳишларига қараб хордиқ чиқариб олишларига рухсат берди. Бобур Мирзонинг қистови билан Алп Баҳодир шогирдларини олиб қасабанинг диққатга сазовор жойларини кўрсатиб келди... Шомга қолмай қалъада бўлган Бобур Мирзолар кечани бир вақтгача, устозининг бир-биридан қизиқ қиссаларини тинглаб, мириқиб дам олиб ўтказдилар...

Алп Баҳодирнинг кўрсатмасига биноан сайёҳлар Конибодом қалъасидан субҳ кирмасданоқ йўлга чиқиб кетдилар.

Карвон қасаба ҳудудини тарк этиб бироз юргач, у шогирдларига юзланиб:

– Жаноблар! Ҳозир «Қайроққум» чўли сарҳадларига кириб борадурмиз...Биз босиб ўтадурғон йўл чўлнинг қоқ ўртасига тушғон. Аввал сўйлаб берғонимдек, бодиянинг ўзига яраша иссиғи, гармсери, учуб юргувчи қумларига қарши турмоғимиз керак бўлади...Магарам, шундай қийинчиликлар дуч келиб қолса, сабр била, қоим туруб энгиб ўтамузми? – деб, ёш сайёҳларга муурожаат этганди, улар бир овоздан: «Энгиб ўтабиз! Энгиб ўтабиз, устоз!» дея жавоб қайтардилар баралла.

Шундан сўнггина Алп Баҳодирнинг юзида қониқиш аломатлари зоҳир бўлиб, «Аҳсан!» деган-

ча хиёл жилмайиб қўйди. «Ғолибо, жаноблар!» дея сўзида давом этаркан: «Яна бир нарсани Сизларга айтиб берай... Бу чўлни халқ орасида дағи «Ҳо дарвеш!» деб ҳам атайдулар», деди.

Бобур Мирзо бу номни эшитибоқ: «Устоз! Нега бундайин таъбир била ҳам аталгон?» деб сўради, иборани ваҳжи тасмиясига қизиқиб.

- Ҳа, Амирзодам! Ривоят қилишларича бир неча дарвеш шу биёбондин ўтуб бораётгонларида маҳкам шамол кўпуб, қум уюрмасида қолиб кетгон эканлар... Йўлдин адашгон дарвешлар шу бало: «Ҳо дарвеш! Ҳо дарвеш!» дей-дей бир-бирларин чақирсалар ҳам эшитмай, барчаси ҳалок бўлгон эканлар, – деди чиндан ҳам дарвешларга ачинаётган одам қиёфасида...

Табиатнинг бундай мўъжизакор маконига илк бор дуч келаётган Бобур Мирзо: «Устоз! Чўлда неча кун юрабиз?» – деб сўради рағбат билан.

Алп Баҳодир:

– Амирзодам! Бир неча кун эмас, жадал одимласак, иншоолло, асрга қолмай босиб ўтабиз! – деб қўйди.

Чўлдан эсаётган тонги, алдамчи сарин шабада ёш сайёҳларнинг юз-кўзларига уриб, роҳат бағишлаб турар, оз фурсат ўтиб, Қуёш тиккага келгач, унинг ўрнини жазирама гармсер эгаллаб олишини хаёлларига ҳам келтирмай ичкарилаб борардилар.

Бобур Мирзо чўл, саҳро, дашт, биёбон, бодия деган сўзларни бир неча бор устозларидан эшитган, бироқ кўрган эмасди... Шундан бўлса керак, бундай жойларда бўлиш иштиёқи баланд эди. У тезроқ қум барханлари оралаб юришни, устози сўзлаб берган – сароб, самум, катта қум бўронлари каби ҳодисаларни, унинг ҳайвонот дунёсини ўз кўзи билан кўришни истаётганди...

Сайёҳлар қум тепаликлар узра бироз юришгач, Алп Баҳодирнинг топшириғига биноан чармпўштлиридан бадавий араблар бош кийими – ғўтрага ўжшаш оппоқ матоларини олиб бошларига ташлаб, устидан уни ушлаб туришга хизмат қилувчи, майин юнгдан тайёрланган чамбарак ўжласини ҳам қўндириб олдилар... Ташқаридан кўрганлар уларни «араб сайёҳлари экан» деб ўйлашлари табиий эди.

Сафар тадориги кўрилаётганда Алп Баҳодир ёш сайёҳларга: «Ҳар ким ўз чармпўштига шу либосни жойлаб қўйсун!» деб тайинлаганда, болалар: «Нима қилабиз экан бу либосни?!» дея ҳайрон бўлгандилар... Мана, кези келиб асқотиб турибди. Қумни ҳам, шамолни ҳам, қолаверса, иссиқни ҳам тўсади.

Бу-бир неча минг йиллар давомида, саҳронинг барча инжиқликларини кўриб синовдан ўтган бош кийим! Унинг ўрнини дунёда бошқа бирон бир либос босолмайди...

Бир маромда лўкиллаб, чўччайган лабларини осилтирганларича олға интилаётган туялар ортидан кузатиб бораётган валиаҳд, бир куни сарой отхонаси ёнидан ўтиб кетаётганларида, устози чўкиб турган салт туяни миниб олишга рухсат бермагани ёдига тушиб:

– Устоз! Муддатул умр, теваға миниб юруб кўрган эмасмен, – деб қўйди, афсуслангандай.

– Бу ишни бирон бир мушкул томони йўқ, Амирзодам, – дея отларни жадаллатиб, устига ва икки биқинига ҳам ҳайбатли туясандиқлар ортилган «Саҳро кемалари»дан бирининг ёнига яқинлашиб бордилар.

Устоз: «Ҳушёр бўлуб... Амирзодам!» деб туя томонга имо қилгани, Бобур Мирзо «Хўп бўлади» дегандай бош ирғаб қўйди-да, даст ирғиб «Жи-

ролтойнинг устига туриб олди. У ердан бир сапчиб туянинг қапталига ёпишди ва жаҳд билан тирмашиб кўз очиб юмгунча саррига чиқиб олди. Сандиқлар ортида, кўндаланг тортилган таранг арқонлардан бирини чангаллаганча чўнқайиб олган валиаҳд бироз юргач, туяни миниб олиш учун оёқларини ёзиб кўрди... Қани энди, бир тушиб, бир кўтарилиб ҳаракатланаётган кенг сиртини (ҳали кичик бўлган) оёқлари қамраб олса! Аслида, бу кенгликни устозининг тақимлари ҳам қимтиб ололмасди...

Амирзода кўниб олган жой бирмунча хавфли кўринса-да, бу баландликдан чор атроф кўзга яққол ташланиб турибди... Бобур Мирзо ҳар замонда бир, тик туриб олиб, завқ билан чўл манзараларини тамошо қилар, болалик ҳиссиётлари ичига сиғмаганидан ўзининг яхши кўрган ибораси – «Ҳаб-бо-за-а!» дея такрорлаб қўяди. Баъзида эса, туяни тезроқ ҳаракатланишга ундаб: «Чу, чу жонивор!» деб ниқтайди... Шу тахлит бироз йўл босишгач, дўсти Абдуллоҳни учқашиб олишга таклиф қилганди устазодани бундай хавфли «тепалик»ка чиқиб жойлашиб олишига кўзи етмади чоғи, икки кўлини кўксига босиб миннатдорчилик билдириб қўйди.

Дақиқалар ўтган сайин бобо Қуёш ҳам бутун атрофни секин-аста ўзининг олов гирдобига тортиб бормоқда...

Бундай бешафқат, жазирама сувсиз маконда фақат миллионлаб йиллар давомида муваффақият билан синовдан ўтган, табиий танланган, мослашган, қолаверса, бундай муҳитни ўзлари «ёқтириб» қолган жонзот ва ўсимликларгина ҳаёт кечира оладилар...

Чўл ўзининг баланд ҳарорати, кучли шамоллари, қум-чанги билан аксар одамларга ваҳимали

кўринса-да, негадир Бобур Мирзога мафтункор, жозибали туюлиб бораётганди... Балки унинг уфққа қадар туташиб кетган бепоён кенгликлари ўзига жалб қилаётгандир...

Чиндан ҳам, Бобир Мирзо шундоққина карвон йўли четида, барглари йўқлигидан қуриганга ўхшаб қорайиб турган саксовулар, янтоқ, «қуён суяк», шувоқзорлар оралаб чошиб кетаётган катта-кичик калтакесаклар, эркемарлар, илонлар, юмронлару сичқонларни гоҳ чап, гоҳ ўннга ўтирилиб юриб завқ билан кузатиб борар, гоҳида осмоннинг қаеридадир бўзлаб нола қилаётган тўрғайни ҳам кўриб олишга интилиб, ўқтин-ўқтин тепага қараб термулар, болаларча бегубор кўнгли тўлқинланиб кетаётганидан ҳар замонда бир «Ҳаб-бо-за!» иборасини такрорлаб қўярди.

Унинг нигоҳи қандайдир жонзотга тушиб қолса бас, филҳол шерикларига ҳам кўрсатиб қўйишга ошиқади... Бир пайт иссиқдан жон сақлаш учун саксовул шохларига осилиб қимир этмай ётган каттагина кўнғир илонни кўриб қолиб: «Дўстим Абдуллоҳ! Қаранг, қаранг, йилон!» – деб қолди...

Бояқиш Абдуллоҳни чарчоқ босиб, бошини ҳам қилганча от устидаёқ мудраб кетаётган экан...

Исми қулоғига кирган ҳамоно шоша-пиша: «Лаббай, Амирзодам! Лаббай!» – дея жавоб қилганди, қамчиси билан газанда ором олаётган томонни кўрсатиб: «Йилон!» деганди, Абдуллоҳ бир сесканиб тушди...

Бобур Мирзо жилмайганча устозига юзланиб:
– Устоз! Бу газанда заҳарлиму? – деб сўради.

Алп Баҳодир:

– Йўқ, Амирзодам! Чўл йилонлари орасида биргина шу – бўғма йилон, сувда эса сувилон заҳарли эмас... Вале ҳар иккалаларини ҳам заҳарли тиш-

лари бўлмаса-да, қопадилар... – деб қўйди. Кейин «Не ажабки, бўлма йилон тухм қўймай, тирик бола туғиб кўпаядур» дея қўшиб қўйди.

Бобур Мирзо шу тариқа туя ўркачларидай дўмпайиб ётган барханлар оралаб, мисдай қизиб бораётган чўлнинг ҳар бир манзарасини имкон қадар кўздан қочирмай кузатиб борар, кўп нарсаларни билиб олгиси келганидан, устозини кутилмаган саволлар дўлига рўбарў қилишдан чарчамасди...

Алп Баҳодир табиатан босиқ, ўта сабрли, пуртажриба инсон бўлганидан шогирдларининг ҳар бир саволига эринмай, батафсил жавоб беришга ҳаракат қилар, ҳатто Бобурбек: «Устоз! Ҳали Сиз сўйлаб берган дарвешлар қаерда ҳалок бўлгонларини кўрсатиб қўясизму?» деб сўраганиди, Алп Баҳодир аввалига ялт этиб шогирдига қаради, сўнг ўзини тўхтата олмай бутун чўлни ларзага солиб кулиб юборди...Бошини сарак-сарак қилганча кўз ёшларини артаркан, шогирдининг ёқимтой, бироқ катталардай жиддий юзига қарашга ботина олмади чоғи, базўр: «Ҳа, албатта, Амирзодам, албатта...» дея олди холос.

Сайёҳлар туш вақти ўтиб бораётганидан тамадди қилиб олиш мақсадида йўл четидаги, бир тўп одам ўраб олган, эски қудуқ ёнидаги қўнолғага келиб тўхтадилар.

Киборлар отларидан тушиб, юз-қўлларини ювиб улгурмаслариданоқ, қайнаб ётган қум юзаси бир четга сидириб ташланиб, дарҳол салқин қум устига чодир тикиб берилди...

Қўнолғада бу пайтда кичикроқ бир карвон уловларига дам бериб турган экан. Янги меҳмонлар учун жой бўшатиб беришни лозим топдиларми, ё ҳордиқ чиқариб бўлдиларми, ҳар ҳолда, улар тездаёқ жилиб кетдилар. Қудуқ ёнида эса шу жойнинг хиз-

маткорларидан бўлак ҳеч кимса қолмади. Бироқ, Бобур Мирзонинг нигоҳи сал нарида, томига саксовул шохлари ва боғ-боғ хашаклар ташлаб қўйилган бостирма соясида, теварак атрофдаги келди-кетдилар билан мутлақо иши йўқ, бақамти тиз чўкиб олган бир неча дарвешнамо одамларга тушиб, бир-икки назар ташлаб қўйди... Улар алланималар тўғрисида, ўзлари эшитадиган овоздагина, қизгин баҳслашиб ўтирар, бир-бирларини диққат билан тинглар, ёш бўлсалар-да, серсоқол, ҳорфин юзларида жиддийлик аломатлари сезилиб турарди.

Бобур Мирзо кўнглидан: «Зарурат юзасидин катта шаҳарлар томон йўлга чиққон пиёдалар бўлса керак...», деган фикрни ўтказиб қўйди.

Чўлаб кетган ёш сайёҳлар юз-қўлларини ювиб, муваққат матбах¹² ичидан ўз жойларини эгаллаб олдилар-да, муздек қудуқ суви берилишини кутиб ўтирдилар... Бироқ болалар ҳар қанча хоҳлаб турган бўлмасинлар, Алп Баҳодирнинг йўриғига биноан хос баковул бироз илиб қолган бўлса-да, дастурхонга ўзлари билан бирга олган заҳира сувдан тортди...

Хосчодир ичида яхна гўшт, нон ва мевалар билан тушлик қилиб олган сайёҳлар тездаёқ қўзғалиб, манзил томон йўлга чиқиб кетдилар...

Бобур Мирзо севимли тойчоғи устида, аввалги завқ-шавқ билан теварак атрофдан кўз узолмай кетиб борарди...

Абдуллоҳ отининг бошини Бобур Мирзонинг биқинига яқин олиб бориб: «Амирзодам! Хали биз кўрғон дарвешнамо оғалар ўзумиздин бориб Самарқанд мадрасаларида таҳсил олаётгон илм толиблари эркан. Сиз ҳожатга кириб кетгонингизда устоз алар ёнига боруб, андак мулоқот қилгон

¹² Матбах – ошхона

бўлдилар-да, ҳамёнидин бир талай ақча чиқориб, талабаларга тақсимлаб бердилар! Аларни хурсанд бўлуб миннатдорчилик билдиргонларини кўргонингизда эди...», дея пичирлаб қўйди.

Бобур Мирзонинг шижоат тўла фариштали юзида ҳам қониқиш аломатлари пайдо бўлиб, ўз хаёллари оғушида бир маромда тебраниб бораётган устозига ҳавас-ла боқиб қўйди...

Икки қадрдон дўст шу тариқа бир-бирлари билан жон-дилдан суҳбатлашиб борардилар...

Бобур Мирзонинг кўзи тўсатдан саксовулар панасида ўрмалаб кетаётган тўқ жигарранг тусдаги, бир қулочдан зиёд, баҳайбат илонга тушиб, ҳайратланиб кетганидан:

– Устоз! Қаранг, қаранг! Биз кўргон йилонлар ичида энг гови эркан! Бу қандай йилон? – деб қолди.

Алп Баҳодирнинг юзлари бирдан жиддийлашиб, кўрсаткич бармоғини газанда судралиб кетаётган томон қаратаркан:

– Амирзодам! Бу, ҳейли ноёб бўлгон, одамлар «Қошукбош» деб атайдургон чун заҳарли йилон!-деди ундан кўз узмай...

Валиаҳд шоша-пиша:

– Нега бу ном била аталгон? – деб сўраганиди, устози: «Биласизму, Мирзом! Ҳозир бу маҳлуқни олидан бирор жонзот чиқиб қолгудек бўлса, филҳол тўхтаб, бошини қошукқа ўхшатиб олади-да, чақишга шайланиб, вишиллаб қолади. Шунинг учун ҳам одамлар уни бундай атагон бўлсалар керак...» – деди.

– Устоз! Ҳозир отдан тушуб синаб кўрмайликму?! – деди қатъият билан... яна.

Алп Баҳодир сиполик билан шогирдига қараб: «Мирзом! Биз отдан тушуб, ёнига борғунимизга қадар йилон кетиб бўлгон бўлуб, бекор овора

бўлғонимиз қолади...», деб қўйди. Сўнг сўзида давом этаркан: «Амирзодам! Сизга яна бир муҳим нарсани айтсам... Мундин беш юз йил муқаддам улур аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний ҳазратлари Ҳиндустон деб аталмиш юртда бўлғонларида бу тахлит «қошукбош» йилонларнинг ўнга яқин турини учратғон эканлар. Ҳазрат ўзининг «Ҳиндустон» номли китобларида бизда йўқ бўлғон бир талай дарранда ва парранда турларини яшаш жойлари, фойда-зарари хусусинда, қўйингки, Ҳиндустондек буюк ўлка тўғрисида жуда кўп қимматли маълумотлар берғонлар... Бугина эмас, олим бобомиз бир қанча хорижий лаҳжалар била бирга қадимий ҳинду ва ўрганилиши мушкул бўлғон, санскрит деб аталғон тилни ҳам ўргануб, араб лаҳжасидаги бир қанча ноёб китобларни ҳинду тилига ўтириб берғон эканлар!

Буюк бобокалонингиз Соҳибқирон Темурбек ҳазратлари Ҳиндустонда бўлғонларида эса бу юртнинг табиатиға, ҳунармандлариға, табиий бойликлариға, санъатиға жуда юқори баҳо берғон бўлсалар-да, сиҳатлари важҳидин атиги икки ҳафтагина турғон эканлар холос. Катта бўлғонингизда, иншоолло, ўзингиз ўқуб, Тенгри рост келтурса балки, бу мамлакатларға бориб билиб олғайсиз...Манимча, бу йилоннинг ватани ўша-Ҳиндустон бўлса керак!.. Бу жойларға қандай келиб қолғони эса, фақат Ўзигагина аён...»

Бу гаплардан кейин Бобур Мирзонинг кўнглидан нималар кечди экан?!

Ёш сайёҳлар шундай қилиб, бир олам таассуротлар оғушида чўл ҳудудидан чиқиб бордилар...

Уларнинг кўҳна ва доимо гавжум Хўжанд шаҳридан ўтиб боришлари куннинг айни аср пайтига тўғри келди. Хўжандликлар аввалдан хабар

топган бўлсалар керак, Андижон шаҳзодасини кутиб олиш ва кузатиб қўйиш учун катта тайёргарлик кўрган эканлар. Бобур Мирзо ҳамроҳлари билан қалъага яқинлашганлари ҳамано бутун оламни тутиб карнай-сурнай, духул садолари янграб кетди. Меҳмонлар қадимий арк ичига зўр тантана билан кириб бордилар.

Олий даража меҳмонларни кутиб олиш маросими барча тўра – тамойиллар билан ниҳоясига етгач, хос меҳмонхонада тамадди қилган бўлдиларда, қайтишда, албатта, тунаб қолишларини айтиб зудлик билан яна йўлга чиқиб кетдилар.

Карвон шаҳар ташига чиқиб, назорат учун тизилганда, Бобур Мирзонинг зийрак нигоҳи устида икки харвор юк билан сафга катта бир нор туя қўшилиб қолганига тушди. Бу, Хўжанд доруғасининг Султон Аҳмад Мирзога аталган махсус пешкашлари бўлса керак.

Сайёҳлар катта йўлдан бир маромда мудом одимлаб борар, Бобур Мирзо эса теварак атрофни болаларча завқ билан кузатишдан чарчамасди...

Йўл четидаги улуғ қабристонларнинг бирида бир гуруҳ дарвеш зикр тушаётган экан. Умрида бундай манзарага дуч келмаган валнаҳд шошганча устозидан сўради:

– Устоз, устоз! Бу одамлар не қилаётирлар?

Алп Баҳодир улар турган тарафга имо қилиб қўяркан:

– Амирзодам, алар ҳамфикр биродарлар бўлғони сабаб самовий рақс ижро этмоқдалар, – деб жавоб берди.

Бу жавобдан қаноат ҳосил қилмаган Бобур Мирзо устозидан кўз узмай турганди, Алп Баҳодир:

– Мирзом, бу кимсалар, ўзларини ёруғ дунёнинг барча ташвишларидин фориғ қилгон сўфийлар.

Шул сабабдин ҳам алар на молу дунёға ва на роҳату фароғатға қизиқадурлар. Бир сўз билан айтғонда, Аллоҳ йўлида тарки дунё қилғон инсонлар, – дея қўшиб қўйди.

Бобур Мирзонинг юзидан унинг мутаҳҳар кўнглида кечаётган ажабланиш билан бирга қандайдир дарвешларга нисбатан ачиниш, хайрихоҳлик аломатларини ҳам сезиб олиш қийин эмасди.

Жулдур жандалик сўфийларнинг «Ёху, ёху»лари эса борган сари авжга миниб борар, айниқса, қўлидаги сафойилни моҳирлик билан ўйнатиб чалаётган баланд бўйли дарвешнинг ҳаракатлари ҳамроҳлариникидан ажралиб турарди.

Негадир, бу манзара анча вақтгача Бобур Мирзонинг хаёлидан нари кетмади...

Қизиқ, «Тушга нималар кирмайди» десалар-да, орадан кўп йиллар ўтиб, Бобур Мирзо бир кун тушида дарвешлар сафида зикр тушаётган эмиш...

Шу тариқа ҳар ким ўз хаёллари оғушида бир мунча жойни босиб ўтганларини ҳам сезмадилар.

Ҳозир улар ўтиб бораётган макон анчайин кенглик бўлиб, ўнг тарафда кўз етмас туз ер, чапда, унча узоқ бўлмаган масофада, оппоқ қорлар қоплаб олган тоғлар кўриниб турарди. Қуёш тиккада бўлса-да, тоғлар бағридан келаётган салқин шабада унинг кучини кесиб қўйган.

Бобур Мирзо кейинги икки- уч кун ичида қадрдон бувижонисини жуда-жуда соғинди. Негадир, бугун эрталабдан бери хомуш... Валиаҳд учун «Йўл азоби – гўр азоби» деган нақл чикора, аммо ташналикни енгиш қийин бўлар экан. «Узоқ йўл, унинг ўзиға яраша машаққатлари бўлади», – деб, кўп айтишганди. «Ҳаммасини бўйнимға оламен» деб сўз берган-ку, отасига. Энди кўнглида нималар кечаётганини устозига ҳам айтолмайди.

Хийладан бери сукутда келаётган Абдуллоҳ Бобур Мирзонинг зеркиб қолаётганини фаҳмлаб сўз очиб қолди.

Бу икки қадрдон дўстнинг бўй-басти тенг, диллари яқин бўлсалар-да, Абдуллоҳ Бобур Мирзога қараганда икки ёш катта. Энг муҳими, Амирзода дўстини юксак тарбия кўрган, илмга чанқоқ одобли бола бўлгани учун ҳам ҳурмат қилади.

– Амирзодам! Кўнглингиз рўйихушлуқ берса, кабутарлардин бирини Андижонга учириб юборғонимизда кўп шоъе иш бўлурмуди, – деганди, бу таклифдан валиаҳд шодланиб кетди.

– Яхши эслатдингиз, дўстим Абдуллоҳ! Айни пайти. Эрталаб ёдимга тушиб эди, бугун, албатта, учурамингиз, – деди-да, филҳол қафасдаги робита кабутарлардан бирини олиб келишларини буюрди.

Ўзи эса чармгўштидан қоғоз-қалам чиқариб эгар устидаёқ қитирлатиб Пошшо бувисига мактуб ёза бошлади.

Хатни тугатибоқ, устозига узатди. Алп Баҳодир шошилиночномани қўлига олиб бир қатор кўз югуртириб чиқди, шогирдидан қаламни олиб, матннинг бир жойига енгил уриб қўйди.

Кейин хафсала билан туморча қилиб тахлади ва озод бўлаётганидан қувониб, тим қора, жозибадор кўзлари парпираб турган қушнинг чап оёғига боғлаб, учириб юборди.

Қуш учун дунёда озодликдан, эркин парвоздан ортиқ бахт борми?! Боз устига, интизор бўлиб, кутиб турган жуфтининг қошига учаётган бўлса!

Кабутар қўлдан чиқибоқ патирлаганча тиккага ўрлаб бир зумда осмону фалакка кўтарилиб кетди. Худди Бобур Мирзо билан хайрлашаётгандай аввал улар теварагини икки-уч қатла айланиб, йўналишини аниқлаб олди чоғи севинчидан бир

неча бор олдинга ва орқага шўнғиб ўмбалоқ ошди, сўнг шарққа қараб ўқдек учиб кетди.

Сайёҳлар кабутар то кўзга илинмай қолгунга қадар, кўкдан нигоҳларини узмай кузатиб қолдилар.

* * *

«Юрган дарё...» деганларидек, андижонлик сайёҳларнинг йўлга чиққанларига бутун ўн кундан ошибди.

Алп Баҳодирнинг гапларига қараганда ҳадемай манзил сарҳадига кириб борар эмишлар. Босиб ўтилган масофа эса элик йиғочга яқинлашиб бормоқда эмиш.

Эрталабданоқ йўл гавжумлашиб, пиёдалар, юк кўтарган ҳаммоллар, от, туя, хачир қўшилган, филдираги ўзидан баланд салобатли кўқонаравалар, улов минган рокиблар¹³, гоҳида катта-кичик карвонлар, қўйингки, ҳар турли йўловчилар сафи тобора қалинлашмоқда.

Аҳён-аҳёнда, паранжи-чимматларга бурканиб олган шу яқин атрофларга йўлга чиққан аёл зотлари ҳам учраб турибди.

Бу катта шаҳар яқинлигидан дарак!

Ҳозиргина Бобур Мирзонинг ҳавасини келтириб улар ёнидан бир-бирларига ҳазил-ҳузуллар қилганча бир гуруҳ суворийлар ўтиб бораётганди.

Бир пайт икки рокиб чопқир отларини қуюндай елдириб сафдан чиқиб кетдилар-да, худди пойга ўйнаётган чавандозлардай шўх ҳайқаришиб бир-бирини қува кетдилар...

Қочган навкарнинг оти бедав экан, ҳаш-паш дегунча анча нарига бориб қолди. Улар кетмакет бироз чопишгач, қувиб бораётган сувори етиб

¹³ Рокиблар – суворийлар, улов минган кишилар.

олишга кўзи етмади шекилли, отининг бошини шартта қайтариб оларкан: «Ҳали қараб тургин сени», – дегандай, қамчи ўқталиб пўписи қилиб қўйди.

Ҳазилда суяксиз тилга эрк бериб юборган бўлса керак...

Муштини жағига тираганча, тирсагини эгарнинг қошига қўйиб, воқеаларни мароқ билан кузатиб бораётган Бобур Мирзонинг кўнглидан нималар кечди экан шу дамда. Бейхтиёр ғайрати жўшиб кетганидан кафтларини бир-бирига ишқалаб қўйди.

Бироз ўтгач, жийла каттароқ, юз уовли карвонга ўхшайди, Хитой ё Кошғарга йўл олган бозиргонлар бўлса керак, уйғур лаҳжасида сўзлашганларича ўтиб кетдилар.

Сафарга чиққан киши нималарни кўрмайди-ю кимларга дуч келмайди. Мутлоқ танимаган, билмаган инсонлар билан учрашасиз, феъл-атворларини, юриш-туришларини, ўзларини тўтиб туриш маданиятини кузатасиз. Синчиरोқ одам уларнинг сулукатларидан ҳам бу кимсаларнинг қандай инсонлар эканини сезиб олиши мумкин. ماشойихлар бежиз: «Одам, сафарда билинади» демаганлар-да. Ҳа, бу – узоқ аждодларимиз асос солиб кетган, мағриб билан машриқни туташтириб турувчи, дунёнинг энг кўҳна, энг серқатнов риштаси – БУЮК ИПАК ЙЎЛИ эди!

Бу улуғ йўлдан не-не инсонлар ўтмади. Жаҳонгашта саркардалар, лак-лак навкарларини бошлаб буюк фотиҳлар, ватанидан жудо бўлган ғарибу ғураболар, сон-саноқсиз асирлар, қанча-қанча қуллар ўтди бу йўлдан.

Чингиз лашкарлари ҳам мўру малаҳдек бўлиб, Мовароуннаҳрга шу йўл устидан бостириб келди.

Соҳибқирон Темурбек эса зафар нусрат лашкарларини бошлаб, юртни мўғуллардан тозалаш учун шимол ва шарққа томон қилган барча юришлари, айнан шу йўл узра бўлди.

Қолаверса, ҳў, ўша, милоддан аввал дунёни ларзага солган, Искандар Зулқарнайндай буюк саркарданинг ҳам пойқадами етган, энг қадимий, табаррук йўл бу!

* * *

Андижонлик меҳмонлар Самарқанд остонасига яқинлашиб қолганидан хабар топган Султон Аҳмад Мирзо мавкибат аҳлини олиб, шаҳар ташқарисидаги биҳишт ойинлик маъво – Кони-гилга чиқиб борди.

Бу ерда олий мартабали меҳмонлар шарафига бўлаётган асъасаю дабдабадан: «Подшоҳимизнинг бу галги меҳмонлари ким бўлди экан», – дея қизиқиш билан тамошога чиққанлар анчагина эди.

Карнай-сурнай садолари тингач, азиз меҳмонлар пойига тўшалган лоларанг духоба устида шаҳдам одимлаб келаётган Бобур Мирзо ҳукмдор қошига бир неча қадам қолганда тўхтаб, икки кўлини кўксига босганча уч бора юкиниб таъзим бажо келтирди ва баланд, жарангдор овозда: «Ассалому алайкум, амакижон!» деб салом берди. Султон Аҳмад Мирзо эса ёш темурийзоданинг саломини мамнуният билан қабул қилди.

Бобур Мирзо таомилга кўра, жадал юриб келиб олампаноҳнинг этагини тавоф қилиш учун энгашганди, подшоҳ бунга йўл бермай дарҳол тиз букиб ўтирди-да, жияни учун бағрини очди. Шундан кейингина уларнинг бўй-бастлари тенглашиб юзларини юзларига қўйиб кўришдилар.

Султон Аҳмад Мирзо Бобурбекни кечагина, гўдаклик пайти илк бор ақиқа тўйида кўрганини эслади. Бежилов вақтнинг ўтишини қаранг! Дўппини бир айлантиргунча тўрт-беш йил ортда қолибди-я, кўнглидан ўтказди у.

Аста бағридан қўйиб юбораркан, унинг шижоат тўла фариштали юзига, ёшига нисбатан бўйдорроқ, тик қаддига, қоп-қора қуюқ қошларига бир зум ҳавас билан боқди. Жиянининг чеҳрасида алақандай катталарга хос улувворлик сиймоси яширинганлигининг гувоҳи бўлди. Бироз ҳиссиётларини босиб олган ҳукмдор подшоҳлик ғурури билан Амирзодага юзланиб:

– Яхши келдингизму, Мирзом? Узоқ йўл толиқтириб қўймадиму? – деб, сўради. Шу тариқа яна бир неча саволларига жавоб олган подшоҳ Андижонда қолган жигарбандларини: иниси Султон Умаршайх Мирзо, келини Қутлуқ Нигорхонимларнинг сиҳат-саломатликлари билан қизикди. Уларнинг тинч-саломат эканликларини, салом айтиб юборганликларини эшитиб кўнгли бироз таскин топгандай бўлди.

Шу орада Бобур Мирзо мўъжазгина дасторининг қатидан отасининг улўф орасига бериб юборган хатини олиб тавозе билан эгасига узатди. Султон Аҳмад Мирзо руқъа сиртидаги ёзувга кўз югуртираркан, уни ҳурмат юзасидан ўпиб, пешанасига босди ва ёзлик чорқубининг ички чўнтагига солиб қўйди.

Меҳмонларни кутиб олиш маросими темурийзодаларга хос барча тўра-тамойиллар билан ниҳоясига етгач, мавкибат аҳли ўз мавқеларига қараб сафланганларича ҳукмдори ортидан сарой томон равона бўлдилар.

Катталар қолиб подшоҳ ҳазратлари билан бир сафда бораётган болани кўриб, таажубланган-

лар ҳам бўлди. Бола ким экани маълум бўлгач, кўплар унга қараб ҳавас билан кулиб қўйдилар.

Бобур Мирзонинг нигоҳи шарқираб оқаётган Обигирдонда, аниқроғи унга ўрнатилган қатор чархпалакларда. Самарқанддан олган биринчи таассуроти асосида: «Онча кўп чиғир бор жўй, Андижонда ҳам бўлмаса керак!», – дея кўнглидан ўтказди.

Ўша кичкина шаҳзода кўп ўтмай йигитчалик пайтидаёқ, Самарқанд тахтини қўлга киритиши, боз устига, вақтлар келиб Султон Аҳмад Мирзодек саховатпеша ҳукмдорга куёв – ўғил бўлиб қолиши танҳо Тангригагина аён эди.

Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Баъзилар: «Бу теурийзодаларга ҳайронсен. Бир қарасанг тахт учун бир-бирларига қилич кўтариб, чопиб ташлаш пайида бўладилар. Яна бир қарасанг, оғиз-бурун ўпушуб, гўдагини ҳам осмону фалакка чиқориб қўядилар», – деганлар ҳам бўлди.

Кўпчилик эса: «Тўғри, тахтни қўлга киритиб, ҳукмдорлик қилиш ҳар бир теурийзоданинг улуғ истидъоси! Бироқ, бу юмушни қандайдир тахт-параст мардак эмас, илқидин иш келадурғон, сермулоҳаза, шуъжо теурийзода олғони маъқул!» – дедилар...

Султон Аҳмад Мирзо андижонлик мўътабар меҳмонларни Ҳисори Даруннинг Фируза дарвозасига қадар юксак эҳтиром-ла кузатиб борди-да, дарвоза оғзида муштоқ бўлиб кутиб турган мезбонларга топширди, ўзи эса бек ва амирларини олиб, салтанатнинг муҳим юмушлари билан Боғи шимол даҳаси томон от суриб кетди.

* * *

Бобур Мирзо аввалги бир кеча кундузни амма-холалар, ёвуқ уруқ-қаёшлар даврасида, орада

бир-икки соат амакисининг қушларини завқ билан тамошо қилганини ҳисобга олмаганда, мана уч кундирки, вақтини ҳамроҳлари билан кун бўйи Самарқанднинг муқаддас қадамжоларида ўтказди. Дастлаб зиёратни улўф бобокалони соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг муборақ равзаларини тавоф қилишдан бошлади. Ўша ернинг ўзида кичик бобокалони Мироншоҳ Мирзо ва унинг жигарбандлари абадий қўним топган турбатларини зиёрат қилдилар. Устозининг изни билан дунёи фонийнинг видоъ қилиб кетган, аждоду жадлари руҳи покларига бағишлаб Куръони Каримдан бир неча оятни Бобур Мирзонинг ўзи ўқиди.

Рубъи маскун сайқалининг қоқ марказига тушган Регистон майдони атрофидаги маҳобатли обидалар, «Шоҳизинда» мажмуаси, аркдаги тўрт ошёнлик Кўксарой, қалъанинг Оҳанин дарвозаси яқинидаги жумъа масжиди, Улуғбек Мирзо мадрасаси ва расадхонаси олдида болаларча завқ ва ҳайрат билан термулиб қолар, кўп нарсаларни билгиси келганидан устозига қизиқ-қизиқ саволларни ёрдириб ташларди:

Айниқса, бир куни;

– Устоз! Айтинг-чи, нечун бундайин улкан бинолар Андижонимизда қурилмағон? – деган саволига Алп Баҳодир (андижонлик туб аслзода беклар авлодидан бўлганиданми, гўё бунда ўзининг ҳам айби бордай хижолат чекиб) ётиғи билан тушунтирди:

– Амирзодам! Биласизму, Самарқанд улўф бобокалонингиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари асос солғон Буюк Турон давлатининг пойтахти эрур! Бовужудким, ул зот тириклик пайтларида дунёнинг йигирма тўққиз мамлакати соҳибқироннинг қаламравида бўлғон! Сизга бироз соддароқ қилиб айтсам, ушбу мамлакатлар-

нинг итоат тизгини Темурбек кўрагоннинг илкида бўлса-да, рааё ва бараё мисли адолатли бир ота-онанинг фарзандларидек аҳил-иттифоқ бўлуб яшагон эканлар. Дейдиларки, ўша Буюк Турон давлатининг ул сарҳадидин бошида бир патнис тилло билан йўлга чиққон бола бу сарҳадира етиб келгунга қадар бир донаси ҳам йўқолмагон эмуш!

Энди Андижонимизга келсак, бу зумрад шаҳар ўша буюк давлатнинг бир пораси холос.

Не бўлғонда ҳам, аввал пойтахтни ободон қилмоқ керак! Зероки, дунёнинг ҳар турли ерларидин келадургон каттаю кичик, дўсту душманнинг қадами дастлаб шу ерга тушадур!

Катта бўлғонингизда, иншооллоҳ, бундаин олий иморатларни Андижонда ўзингиз қурдирадурсиз, Амирзодам, – деб жавоб қилди.

Устозининг бу сўзларидан тахт ворисининг хушрўй чеҳрасида шижоат ва ғайрат учқунлари чақнаб ўтгандай бўлди.

Бобур Мирзо зўр қизиқиш ва эҳтирослар билан тамошо қиладиган манзаралардан яна бири ҳар куни деярли бир вақтда, Регистон майдони ёнидан учқур отларини ўйнатиб ўтиб борувчи суворийлар сафи. Биринчи кўришидаёқ: «Булар кимлар?», – деб устозига қараганда, олампаноҳнинг хос навкарлари эканлигини айтганди. Валнаҳд бундай кўркам, абзалларига қимматбаҳо безаклар қадалган отлар устидаги бир хил кийимдаги навкарларни кўриб, ҳавас қилганидан вужуди кўз бўлиб термулиб қолар, бехтиёр, ўзини хоназоди тўпчоғи – «Жиғолтой»ни устида кўрарди.

* * *

Мана, бир неча кундирки, ҳарамнинг ғумаю ғунчачилари, иш битказувчи сўзамол вакилалар,

Тегина Бура тархон хонимнинг хос гумашталари оёқларини қўлга олиб хизматда.

Самарқанд билан Тирмиз орасидаги бордикелдилар эса бир кун бўлсада тинмай қолди.

Бобур Мирзо шу кунлар ичида икки муҳим янгиликдан воқиф бўлди. Бири шу яқин кунлар ичида саройда тўй бўлиб ўтар эмиш. Амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг ишқи, Тирмиз хонзолари орасида энг сулуви – Хонзодабегимга тушиб қолганмиш.

Иккинчиси Андижондан волидаи муҳтарамалари Қутлуғ Нигорхоним бош, эгачиси ва бир неча ёвуқ-қаёшлар тўйга ташриф буюриш учун йўлга отланибдилар.

Биринчи хабар валиаҳдни унчалик қизиқтирмади, бироқ иккинчи муждадан боши осмонга етди.

Бувижониси Эсан Давлатбегим ҳам йўлга чиқибдими, йўқми, кўп сўраб-суриштирди, бироқ бу ҳақда ҳеч кимдан тайинлироқ жавоб ололмади.

Подшоҳ саройидаги тўй-маросимлар ўзгача тантана, асъасаю дабдаба, ўн-ўн беш кунлаб ўйин-кулгилар, турли-туман кўнгилочар тамошолар билан ўтар, карнай-сурнайларнинг эса саси тинмайди.

Самарқанднинг мана ман деган муғаннийлари, дастурхончию офтобачилари куну тун саройда, хизматда. Минглаб меҳмонларга ош тортиш, куй-қўшиқлар, хуштакаллуфликлар билан хурсанд этиб кузатиб қўйишнинг ўзи бўлмайди-ку!

Юртнинг кўзга кўринган аксар аъёну киромлари, беклар, амирлар, аркони давлатнинг барча мулозимларини ҳам тўйдан топасиз.

Ҳаммаларини ширговул бош меҳмон кузатишда бажарадиган ўзларига яраша вазифалари бор.

Айниқса, юқори мартабали меҳмонларни кутиб олиш, зериктирмай улар кўнглини олиш каби ўта масъулиятли вазифалар ҳукмдорнинг энг яқинлари: Жонибек дўлдой, Аҳмад Ҳожибек, Дарвеш Муҳаммад тархон каби умаросига топширилган.

Мана, подшоҳ саройида ўн кундан бери давом этаётган тўй маросими охирига, меҳмонлар сафи сепсилиб бормоқда. Кеча мартабали меҳмонлар гуруҳидан машҳадлик ва ҳирийликларга анвойи совға-саломлар тортиқ қилиниб, ҳурмат-эҳтиромлар ила кузатиб қўйилди.

Ҳаммадан ҳам Султон Аҳмад Мирзонинг пири муршидлари – Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ташриф буюрган кун тўйга ўзгача файз ва тароват бағишлади.

Кониғилда эса муросасиз ўтган кўпқари, чавгон, қабақ уриш, кураш мусобақаларига яқин ясадилар. Айтишларига қараганда, аълоҳазрат бу мусобақалар учун совринни аямаган эмиш.

Ҳаммалари келди-кетдилар билан бўлиб, болалар дунёси эътибордан четда қолмадимикин?! Бир нигоҳ ташлаб қўйайлик-чи?!

Болалар кун бўйи Ҳисори Даруннинг сўлим гўшаларида бир-бирларига қизиқиб ўйнаб юрганларидан, тонг отиб, кеч кирганини, баъзида эса, ҳатто очиқиб кетганларини ҳам эсдан чиқариб юборардилар.

Хайриятки, ҳар бир болани кўздан қочирмай, азмойишини олиб турадиган тарбиячи ва назоратчилар бор! Бир қарашда мулойим, назокатли кўринсалар-да, аслида, улар ўта қаттиққўл ва талабчан устозлар. Урмайдилар, сўкмайдилар, лоақал, «сен» деб қўймайдилар, уларнинг тарбия қуроллари: сўз ва қошу қовоқлари...

Ахир, Шарқда қадим-қадимдан, бола тарбияси давлат аҳамиятидаги жиддий масала ҳисобланиб келинган-ку! Хорижда, жуда олижаноб кўринган урф-одатлар ҳам туркона, исломий удумларимизга мос тушмаса, жамиятга мутлақо яқинлаштирилган эмас!

Ҳа, Темур бобо тарбияда ҳам ана шундай мустаҳкам тартиб ва интизом ўрнатиб кетганлар.

Бу кунлар ичида тўй шарофати билан болаларни хурсанд этиш мақсадида саройга кимлар келиб кетмади. Кўғирчоқбозлар, ёғоч от минган чавандозлар, пойи чўбин усталари – зангбозлар, маймун, айиқ, ҳатто илон ўйнатадиган морбозлар ҳам келишди.

Тўғри, кейинги икки қавм аҳли тамошолари болалар учун хавфли ҳисобланиб, Гозуристон дарвозасиданоқ кузатиб қўйилди. Бироқ улар ҳам подшоҳ ҳадясидан бебаҳра қолмадилар.

Бобур Мирзо эндигина болалар емакхонасида дўсти Абдуллоҳ ва бир неча темурийзода дўстлари даврасида нонушта қилаётганди.

Валнаҳднинг юксак одоби, самимий ва ёқимтой феъл-атворидан саройдаги катта-кичик хизматкорларнинг барчаси биринчи келган кунлардаёқ танишиб олиб, ёқтириб қолгандилар. Амирзодага бирон хизмат кўрсатилиши лозим бўлиб қолса, жон-диллари билан, талашиб-тортишиб юриб бажаришар, дуч келиб қолгудек бўлса, турли саволлар билан мурожаат этишиб, узоқроқ мулоқотда тутиб туришга интилардилар.

Ўша хизматкорлардан бир эмас, иккиси шошганча Бобур Мирзонинг қаршисига келиб, таъзим бажо келтирдилар-да: «Мирзом! Сизни ташқорида устозинғиз тилаяптилар»,– деган хабарни етказдилар, негадир қувончлари ичига сиғмай...

Бобур Мирзо ҳар иккала опачасига ҳам: «Раҳмат», дегандай бош ирғаб, қўлидаги заррин коса-чада қолган бир қултум ширчойни ичиб қўйди-да, сочиқни олиб, шоша-пиша лабларини ва қўлларини артди. Атрофидагиларга узр айтиб, катталардай қўлларини юзига тортиб қўяркан туриб ташқарига йўналди.

Икки четини, бошдан оёқ анвойи гуллар безаб турган, ложувард мармар гиштчалар билан фарш қилинган хиёбонда, сабрсизлик билан Алп Баҳодир кутиб турган экан.

Шогирдининг саломига алик олибоқ: «Амирзодам! Сизни жуда улуғ бир зот йўқлаяптилар!» – деди, мамнун оҳангда.

Бобур Мирзо: «Ким бўлди экан, мен танир эканманму?», – деган ўй билан қошлари бироз чимирилаётганди, Алп Баҳодир: «Биласизму, Мирзом! Сизни исминғизни мактуб орқали қўюб бергон киши, шул зот бўладилар!» – деди.

Бобур Мирзога бу улуғ инсон ҳақида аввал ҳам отаси ва устозлари кўп нарсаларни сўзлаб бергандилар. Шундан бўлса керак, ул кишига нисбатан кўнглида қандайдир олий ҳурмат, ғойибона хайрихоҳлик аломатларини сақлаб келарди.

Бу отиядан Бобур Мирзонинг дилида шу лаҳзадаёқ ул зотни кўриш истаги пайдо бўлди!

«Ҳозир қаердалар?», деган савол билан устозига қараганди, у қўли билан хос меҳмонхона тарафни кўрсатиб: «Хожа, у ердалар», деди-да, шогирдининг қўлидан олиб, ўша томон бошлаб кетди.

Улар йўл-йўлакай обхонага кириб, бир зумда, юз-қўллари, оғиз-бурунларини чайиб олдилар...

Равоқлари нақшинкор, фақат нуфузли меҳмонлар учун ажратилган кошона айвонига келганларида хизматкорлардан бири: «Жаноблар!

Пир ҳазратлари, Сизларни мана бу хонада кутяптилар», – деди, қўш қанотли ҳашамдор эшикни кўрсатиб.

Устоз ва шогирд оёқ кийимларини бир четга ечиб жадаллик билан айвон саҳнига кўтарилдилар.

Эшик бўсағасида турган тақво либосидаги хушсурат йигит уларга бош эгиб таъзим қилганча, унинг бир табақасини очиб қўли билан ичкарига марҳамат қилди.

Икковлари ҳам бир-бирларига йўл бериб, тўхтаб қолгандилар, устозининг ишораси билан хонага остона ҳатлаб, аввал Бобур Мирзо кирди.

Китоб жавонли чоғроқ хона ўртасига қўйилган чўзинчоқ хонтахта тўрисида либоси ҳам, соқоллари ҳам қордай оппоқ улур ёшдаги мўйсафид чехрасидан нур ёрилиб ўтирарди...

Хонага: «Ассалому алайкум» деган залворли сўз таралгач, сеҳрли кўзларини очди, бошини хиёл кўтариб қўлидаги тасбеҳни хонтахта четига қўйди.

Нигоҳини боладан узмай, салобат билан ўрнидан туриб, очиқ чехра билан алик олди. Кейин қўлларини узатиб: «Хуш келибсиз, Заҳируддин Муҳаммад Мирзо! Хуш келибсиз!» – дея ёнига чорлади.

Бобур Мирзо тез юриб келиб, авлиёнинг муборак қўлларидан тутди ва сирли юзларига тик боқишга ботинолмай, дарҳол ерга қараб олди. Амирзода фавқулодда ҳолатга тушиб қолганди. Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратлари Бобур Мирзони илк бор кўриб турганидан унинг истарали чехрасига меҳр ва таажжуб ҳислари ила боқаркан: «Яхши келдингизму, Мирзом?! Узоқ йўл толиқтириб қўймадиму? Ота-онангиз соғ-омонмулар?» деб берган бир неча саволларига унсиз, бош ирғаб,

жавоб қилиб қўяр, бироқ: «Самарқанд сизга ёқдим, Мирзом?!» – деб сўраганда, Бобур Мирзо жарангдор овозда: «Жуда!!!» – деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бу жавобдан пир Хожа бобо мийиғида жилмайиб қўйди.

«Ғолибо, тўғри айтадурсиз, Мирзом! Мана, умрим Қуёши ботиб борадур-ки, ман ҳам Самарқанди фирдавсмонанддин кўнгул узолмай, кечалари била тушларимда зоти бутум бўлғон – «Бористон»имни кўруб чиқамен», – деб қўйди, қандайдир армон ҳисси билан жилмайиб. Шу зайл дилдан давом этаётган суҳбатни эшик қия очилиб, ҳалиги тақво либосидаги йигитнинг: «Пирим! Афу этгайсиз?! Меҳмонлар, жамоага дуо қилиб берсунлар», – деб сўраяптилар экан», – деган сўзлари бўлиб қўйди.

Эшон ҳазратлари «хўп» дегандай бош ирғаб қўйди-да, кўзларини юмганча муборақ кўлларини очиб ҳар иккалаларини ҳам дуо қилди.

Хонани тарк эта туриб унсиз бир нималар деган бўлди-да, ихлос билан Бобур Мирзонинг пешанасидан ўпиб, дум-думалоқ бошини меҳрла силаб қўйди.

Валнаҳднинг наздида бу учрашув, гўё арши аълода, тушда бўлиб ўтгандай туйилар, айниқса, бир умр излаган одамини топиб олгандай устозининг қувончлари ичига сиғмасди. «Яхшиямки, тўй бошланишидаёқ ширғовул жаноблариға: Ҳоло, тўйға жаноби Хожа Эшон ҳазратлари ташриф буюруб қолгудек бўлсалар, албатта, бизни рўбарў қилиб қўясиз», – деб тайинлаганини эслаб кўнгли чуқур таскин топгандай бўлди. Не ажабки, бўлиб ўтган бу қисқа мулоқот башарият тарихида икки улур зотнинг илк ва сўнги жонли учрашуви бўлиб қолди!..

«Самимийлик ва мурувватпешалик –улуғликнинг белгиси», деб бежиз айтмаган эканлар. Бобур Мирзо ҳазратнинг назаридан ўтиб қолган экан. Қарангки, ул зот дорул бақога рижлат этиб кетгач ҳам, муборак руҳи поклари валиаҳдни энг таҳликали дамларда мадад қилиб турди-да!

* * *

Шу кунлар ичида эркак зотига кўринмасаларда, катта ўйин-кулгилардан, албатта, аёллар ҳам четда қолмадилар.

Балки, ҳаммадан кўпроқ улар ўйнаб-кулган бўлсалар ажаб эмас.

Саройнинг оқсуяк хонимларинигина эмас, кечаю кундуз тиним билмай, ўз вазифаларини адо этиб келаётган хизматкорлару жорияларнинг ҳам, ҳали-ҳануз юз-кўзларидан табассум аригани йўқ.

Ахир тўй дегани ҳар куни бўлавермайди-ку!

Улар тарафдан мудом шўх-шодон кулгилару дутор ва чилдирма садолари эшитилиб турибди.

Мана, бугун тонг саҳардан бери Хонзодабегимнинг юз очди маросимини ўтказиш учун қилинаётган тайёргарлик авжи паллада. Ҳарамдан, янги келин учун ажратилган кенг, ёруғ хос хоналардан бири меҳмонлар билан лиқ тўла.

Тўридан, қўр тўкиб, куёв тўранинг волидаи муҳтарамалари Тегина Буға тархон хоним жой олганлар.

Ажаб, андижонликлар Пошшо буви деб Эсан Давлатбегимга мурожаат этсалар, самарқандликларнинг Пошшо бувилари – Тегина Буға тархон бегим экан.

Ўзларидан хушбўй мушқу анбарлар таратиб, узун, ҳарир зарбоф кўйлақларда, кўзни олувчи ранг-баранг, ноёб тилло тақинчоқлар, шодашода марваридлар билан безанган темурийзо-

да хонимлар, маликалар, Олампаноҳнинг қатор завжалари, канизаклар ва подшоҳ хонадонига яқин, шаҳарнинг нуфузли зодагон оялари ўз мавқеларига қараб, Пошшо бувининг икки тарафини тўлдириб ўтиришибди.

«Чимдиб қўйилгандай» хушбичим бурунларини ҳам жавоҳирлар безаб, виқор билан ўтирган тиллақошли нозанин хонимларнинг барчаси – те-мурийзода маликалар!

Дастурхон усти ҳар турли анвойи ноз-неъматлар, лазиз таомлар, ширинликлар, бир неча усулда тайёрланган яхна гўшт ва салқин ичимликлар, қўйингки, етти иқлим мевалари билан бисёр.

Хонимлар учун энг муҳими – дилдан суҳбат ва ўйин-кулги.

Дастурхончилар учун ажратилган, ўртадаги йўлакчада сарой таомилида ясангириб қўйилган икки хушрўй қизча кўлидаги кенг, мовий ранг, дастали елпигичлар тинимсиз, бир маромда, меҳмонларга ёқимли шабада бахш этиб турибди.

Самарқандда аёллар базмининг гули – хушовоз навозанда Зубайда хоним бош бир неча мутрибалар дутор, уд, қонун, доира, барбат каби чолғуларда ҳирийлик номдор мусанниф Фулом Шодийнинг оялар ёқтириб эшитадиган, янги нақшларидан бирини пастроқ пардаларда ижро этишмоқда.

Муғанниялар ортида, куй усулига тебранганча, «бир коса сув билан ютиб юборгудек бўлиб» рақс маликаси – гўзал Шодиябегим ўтирибдилар. Бозанданинг ҳозиргина ижро этган бир жуфт рақсидан завқ олган хонимлар хушнуд эканликларини билдириш учун ҳар замонда бир-бир нигоҳ ташлаб бозандага табассум ҳадя этишиб қўймоқда.

Йиллаб бир-бирларини кўролмаётган соғинган те-мурийзода хонимлар, маликаларнинг ўзаро, меҳр тўла кўзларига тикилганларича, дилдан қилаётган суҳбатлари эса бир зум бўлса-да, тинмайди.

Бир пайт ёши катта хизматкорлардан бири Пошшо буви олдига келиб таъзим бажо келтирар-кан:

– Бувижон! Келинингиз юзочди маросимира тайёр! – деган ахборотни берди-да, орти билан юриб чиқиб кетди.

Пошшо буви салобат билан бош ирғаб қўяркан, хонимларга қараб:

– Қани, меҳмонлар, келиннинг хонасира ўтабиз! – деб шошилмай ўрнидан турди, виқор билан чимилдиқ ясаб қўйилган хона томон қадам босди.

Сукут сақлаб, қўллари кўксида турган барча хонимлар бирин-кетин ёши ва мавқеларига қараб Тегина Буға Тархон хоним ортидан эргашдилар.

Хона у даражада катта бўлмаганидан, дав-ра қилиб тўшаб қўйилган қирмизи баркут тўшаклардан мартабали хонимларгина жой олди-лар.

«Туркий одатимизга кўра, келиннинг юзини ким очади» – деган савол билан яна Пошшо бу-вига мурожаат қилгандилар, юзида ним табассум билан Қутлуғ Нигорхонимга қараб қўяркан: «Андижондин ташриф буюрган улуғ меҳмонимиз бор, бу юмушни шу Мирзомизга топшурсак» – деб жа-воб қилди.

Ҳамма бир овоздан Пошшо бувининг таклифи-ни маъқуладилар.

Бу пайт Бобур Мирзо ичкининг болалар бўлмасида тўйга келган темурийзода дўстларига сафар таассуротларидан сўзлаб бераётган экан.

Улар турган хона эшиги бир-икки тикирлади-да, қия очилиб, аёл кишининг: «Андижонлиқ шаҳзода

Бобур Мирзони ичкарида волидаи муҳтарамалари тилаяптилар» – деган овози эшитилди.

Бобур Мирзо дўстларига узр айтиб ташқарига чиққан эди, бироз нарида хотинбашара бир киши илжайганча кутиб турган экан. Бир бош эгиб қўйди-да, ингичка, билинар-билинемас мўйловини бир томонга учириб ўзини: «Амирзодам! Мани, хожасаро Сотим никуз дейдилар!» деб таништирди, «хожасаро» сўзига алоҳида урғу бериб.

Унинг талаффуз оҳанги худди: «Амакингизни ички қўшинларига ўзим қўмондонмен!» деган маънони англатмоқда эди.

Бобур Мирзо арк ичида дўстлари билан ўйнаб юриб бу одамни бир неча бор шипилаганча ҳарамга кириб кетаётганига кўзи тушганди.

Султон Аҳмад Мирзодан сўнг ичкарига ҳарам остонасини ҳатлаб ўтиш ҳуқуқи фақат шу «эркак»ка берилган, холос!

Сотим Бобур Мирзонинг қўлидан олиб хотинлар давраси томон етаклаб бораркан:

– Амирзодам! Беговта қилғонимиз учун узр. Биз тарафларда, Сизга, кичиккина юмуш туғулуб эди, шуни уддалаб берасиз... – деб ўта қизиқарли воқеа содир бўладигандай чап қўли билан оғзини беркитганча ҳиринглаб қўйди.

Уни жўш уриб қувонаётганини кўрган одам хотинни олампапоҳ эмас, хожасаро оляптимикин, деган хаёлга бориши табиий эди.

Шу тариқа беш-ўн қадам юришганди, Бобур Мирзо қўлини бўшатиб олиб олдинга ўтди ва оналари ўтирган хона томон тез одимлаб кетди.

Остонада Бобур Мирзонинг ёқимтой чехраси кўриниши ҳамоно хонимлар жим бўлиб қолдилар. Хонага кириб, барчага бош эгиб салом бергач, шаҳдам юриб келди-да, Қутлуғ Нигор хонимнинг рўпарасида тўхтади.

– Онажон! Хизматинғизга тайёрмен! – деди, жарангдор овозда.

Ҳамманинг нигоҳи Бобур Мирзода эди. Қутлуғ Нигор хоним меҳр билан ўғлига боқаркан:

– Мирзом! Сизни икки юмуш била йўқлағон эдук. Бири, янги келиннинг юзини очиш, Сизга топшурилади.

Иккинчиси деганча, давомини айтмай, «кейин», аввал шу юмушни бажарайлук, – деб қўйди.

Аёллардан бири, дастурхондаги нонлардан энг чиройлисини танлаб олиб, ўртасидан тобулғу чўпини ўтказди-да, Бобур Мирзога тутқазиб: «Келинойинғизнинг юзини очинг, амирзодам!» – деди тавозе билан.

Бобур Мирзо энг ва ёқалари зарҳал ҳошиялик хушбичим ҳулла кийиб ўтирган Хонзодабегимга яқинроқ келиб, аввал бош эгиб салом берди, сўнг малак сиймо чеҳрасини тўсиб турган ҳарир рўмолини аста кўтарди.

Машойиҳлардан бири: «Аёл зотининг ақлу ҳуши кўзида бўлади», – деб бежиз айтмаган экан.

Келиннинг сутга чайиб олгандай симбар юзлари, Ой шуъласи тушиб турган икки ёноғи, тутаб ётган тим қора қошларию қайрилма киприклари қуршаб олган сузук кўзларига нигоҳи тушган хонимлар беихтиёр: «Вуй-й-й!» деб юборганларини билмай қолдилар.

Хонзодабегим ерга қараб ўтирган жойида Бобур Мирзони ёнига имлаб, миннатдорчилик рамзи сифатида қўлларидан ўпиб қўйди.

Ана энди кўринг, хотинлар орасидаги ҳавас ва таажубларнинг акс-садолари бўлмиш «шивир-шивир» ларни.

«Э, во-ой, роса чиройли қиз эканми-а!» деган гаплар ҳў ташқариларда ҳам эшитилиб турарди.

Бу мафтункор, гулгун чехрадан фақат уч нафар аёлгина ўзларини йўқотиб қўйгандилар.

Наҳотки, шундай жазирама воҳада, бундаин гулрў, гўзал паривашлар туғилиши мумкинлигига ишонгилари келмасди.

Кундошлар: Меҳр Нигорхоним, Тархон Бегим ва Қутуқ Бегимлар бу қизнинг ҳусн-латофат бобидаги таърифини тўйдан аввал ҳам эшитгандилар, бироқ менсимайгина «Ҳа, шунчаки бироз ёқимтойроқ бўлса керак-да», – деб ўйлагандилар.

Ҳаммалари Хонзодабегимнинг ҳусни-жамолига анграйиб қолган бўлса, Хўб Нигорхонимнинг нигоҳи Бобур Мирзода эди.

Жиянининг бўй-бастига, шижоат тўла истарали юзига, ўзига ярашиб турган бежирим шоҳона либосларига ҳавас билан термулганча кўнглидан нималар ўтди экан.

Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон дуғлатга тушгандан бери, бори-йўғи бир қиз кўрди, холос. Айни жувонлик даври эса ўтиб борарди.

Ҳукмдорлар учун ўғил туғмаган хотин чўридай гап.

Яратгандан илтижо қилиб: «Қани энди, менинг ҳам Бобур Мирзодай ажойиб ўғлим бўлса» – дея орзу қилиб кўзларидан оқиб тушган бир-икки ёш томчиларини ҳам сезмади.

Ҳа, Тангрининг карами кенг экан!

Хўб Нигорхонимнинг шу дамдаги илтижолари мустажоб бўлиши учун кўп эмас, оз эмас, роппароса ўн бир йил керак бўлди!

Ва ниҳоят, уларнинг хонадонида бир ўғил дунёга келди, келганда ҳам, Бобур Мирзодай шоҳ, шоир, муаррих олим, етук саркарда маснадлари билан жаҳон тарихида улўф ном қолдирган темурийзода Муҳаммад Ҳайдар Мирзо эди! Ҳавас қилганлар, етар муродга, – дегани шу бўлса керак-да!

Энди тўйхонага қайтсак.

Бироз ўзини босиб олган Қутуқ бегим Тархон бегимга юзланиб:

– Опажон! Мана, энди, Олампаноҳимизни ҳам бир икки йил кўрмайдурғон бўл-ду-ук! – деганди, («бўлдук» сўзини атайин чўзиб) ҳамма хонимлар шарақлаб кулиб юбордилар.

Кулги босилгач, Меҳр Нигорхоним Қутуқ Бегимга қараб:

– Сингилжон! Ҳукмдоринғизнинг ҳирийлиқ бир мусаввирга торттирғон сувратлари бўлиб эди, ўшани бош тарафинғизга қўйиб олиб термулиб ўтираверасиз-да, – деганди яна кулги кўтарилди.

Қутуқ Бегим: «Опажон!» – деганча, гажагини бураб яна сўзни илиб кетди: «Ахир, ҳалво деб қўйғон била оғиз чучимайди-ку!» – деб, жавоб қилганди, хонимларнинг кулгиси ҳаммаёқни жанглатиб юборди.

Пошшо буви қараса, хотинларнинг тагдор аскиялари борган сари авжга миниб бормоқда. Қутуқ Бегимни жеркиб бермоқчи ҳам бўлди, бироқ, меҳмонларнинг кўнглига келиб қолишдан истиҳола қилди.

Атайин қовоғини уйиб олган Пошшо буви уларни тартибга чақирган бўлиб: «Ҳой келинлар! Сизлар, чийзи бўлса-да, меҳмонлар олдида уёлишни ҳам биласизларму?!» – деганди Қутуқ бегимнинг яна шаддодлиги тутиб:

– Пошшо бувижон, ахир, уёлиб-уёлиб, ерга қараб ўтираберсак, олампаноҳимизга ўғилни ким туғиб беради, – деди.

Пошшо бувининг жаҳли чиқаётганини сезиб қолган хонимлар дастрўмолларини оғзиларига босганларича ўзларини хандон отиб кулиб юборишдан зўрға тийиб қолдилар.

Пошшо буви юзида сохта табассум ва мулой-имлик билан:

– Ҳа, Қутуқ!? – деганча, унинг олдида тўн-тариглик турган гулли аёққа ишора қилиб: «Ваъдангни унутубсен-да! Бу ишинг, бир кун бошингга етмаса деб, кўрқамен», – деди, итоб билан. Чиндан ҳам шу пайт Қутуқ ойимга «икки дунё бир қадам» бўлиб қолган экан.

Чоғирнинг таъсиридан бўриқиб кетган қипқизил, чиройли юзидан шарм-ҳаё қочган эди.

(Ислом кишиси учун, ҳар қандай турдаги маст қилувчи ичимлик қатъиян ман этилган бўлса, аёлларга мутлоқ таъқиқланибгина қолмай, балки жамоат олдида ўта беномуслик, кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим ҳисобланган).

Бобур Мирзо ё чиқиб кетишни, ё қолишни билмай иккинчи топшириқни кутиб, кўшни хонада турганди, яна чақириб қолдилар.

– Мирзом! Маъзур тутгайсиз бизларни, Сизни кутдириб қўйдук. Энди иккинчи тадбиримизга ўтсак. Ойиша Султонбегимни олиб келингизлар! – деб буюрди, Пошшо буви.

Уни қизлар хонасидан дарҳол ўзи юргани ҳам қўймай кўлда кўтариб Бобур Мирзонинг ёнига келтириб қўйдилар. Бобур Мирзо гап нимада эканлигини тушунолмаб ҳайрон бўлиб турганди, Қутлуғ Нигор хоним олдига чорлаб:

– Мирзом! Энди, сўнги юмуш, яхши ният била Ойиша қизнинг қуловини тишлаб қўясиз! – деди, кулиб. Бобур Мирзо ҳеч иккиланмай: «Хўп бўлади, онажон!», – деганча шартта бориб уялганидан ерга қараб турган қизчанинг қулоқ солинчагини охиста тишлаб қўйди-да, ўзини ташқарига урди. Хонимларнинг шодон қий-чув ва олқишлари эса оламни тутиб кетди. Эрка қизалоқнинг бу ҳолдан норози бўлиб,

йирлаб юборганини эса ҳеч ким эшитмай қол-
ганди...

Келинчакнинг ҳусни-жамолига тўйиб олган хонимлар Пошшо бувининг: «Энди, ўз жойимизга ўтабиз!» – деган фармонлари билан дув этиб ўринларидан турдилар ва яна ўша тартибда меҳмонхона томон йўл олдилар.

Мутрибалар уларни кутиб шай турган эканлар... Хонимлар ўз жойларини эгаллашлари ҳамано, филҳол шўх яллалардан бирини шундай иштиёқ ва шавқ билан ижро эта бошладиларки, Пошшо буви беихтиёр: «Қани хотинлар, навбат рақсга! ... Аввал меҳмонлардан бўлсун!» – дея бориб, эҳтиром билан Қутлуф Нигорхонимни тортиб қўйди.

Хоним ҳам тўлқинланиб турган экан чоғи, даврани ортиқча мунтазир қилиб қўймади... Ўртага чиқибоқ қўлларини кўксига босиб аввал меҳмонларга таъзим бажо келтириб қўйдиларда, ижродаги куйни тўхтатиб, «Танавор»ни буюрдилар. Сўнг енгил ишва билан хиром айлаб рақс туша кетдилар... Қутлуф Нигорхонимнинг жозибага тўла ҳар бир ҳаракати оҳанг зарбига монанд тушар, қўшиқ ҳам, куй ҳам юксак маҳорат ила ижро этилаётганидан гоҳи-гоҳида, Зубайда хонимга табассум ҳадя этиб қўярди... Қутлуф Нигорхонимнинг ўзгача, мафтункор рақси бир зумда хонимларни ром этиб қўйди.

Жонланиб кетган базм иштирокчилари эса қўлларини кўксига босиб: «Айланай қоматингиздан! Тасаддуфингиз кетай!» – дея қуллуқ қилиб қўйишар, бир-бирларига қараб, беихтиёр: «Ложарам, рақсда андижонлуқларга тенг келадурғони йўқ-да!» – дея шивирлашиб қўярдилар.

Кекса дастурхончи аёл ҳам ўз юмушларини ёшига қараганда бир мунча чаққон, саришталик

билан адо этар, хонимларни тез-тез назокат-ла, дастурхондаги нозу неъматлардан олиб ўтиришга ундар, бўшаган чойнак, тақсимча ва бошқа идишларни ўша заҳотиёқ чиқартириб юборар, янги таомга жой ҳозирлатиб кўяр, қандай бўлмасин, олий мартабали меҳмонларнинг кўнглини олиш учун кўли-кўлига тегмай хизмат қилаётган бўлса-да, бир кўзи Пошшо бувисида.

Шу орада даврани зийраклик билан кузатиб бораётган Тегина Буға Тархон хоним унга кўз қирини ташлаб кўяркан, чап кўлини хиёл кўтариб чимчалоғини кўрсатиб кўйди. Шифовул хоним: «Хўп бўлади, бувижон!» – дегандай, унсиз бош ирраб ташқарига йўналди...

Зум ўтмай, даҳлизда Сотимнинг итоаткорона чеҳраси кўринди. Пошшо буви, қандай топшириқ бўлишини кутиб қулоғи динг турган хожасарога кўз ишораси билан қандайдир муҳим вазифани уқтирди. Ҳамма ўзлари билан ўзлари бўлиб, бу сирли мулоқотни сезмадилар ҳам.

Никуз: «Тушундим» – деган маънода бош ирраб ташқарига бир чиқиб келди-да, меҳмонлар ўтирган хонага кириб борди. Хонимларга тавозе билан таъзим бажо келтиргач, тўрида ўтирган Қутуқ Бегимнинг рўпарасига келиб: «Қутуқ опа! Хобхонангиз эшиги олида Сизни икки муаннас кутиб турадур», – деди паст овозда. Бу хабарни эшитган Қутуқ Бегим ёнидаги суҳбатлашиб ўтирган хонимга узр айтиб кўйишни ҳам унутиб, сархуш бошини бир ёнга хиёл энгаштирганча аста-аста босиб даҳлизга чиқди. Соҳибқирон Темурбек бобо ҳаётлик пайтида, ҳў, ўша Париж фаранглари томонидан ясаиб, лутфан Сароймулк-хонимга тортиқ этилган кумуш гардишли катта тошойна қаршисида тўхтаб, нилий ранг гулдор рўмолини тўғрилади, сочини, гажакларини бир

сидра қўлдан ўтказди. Худди ўзини кўзгуда энди кўраётгандай, гўзал чеҳрасига, лоладай қизариб кетган ёноқларига, қовоқлари остига из сола бошлаган «қайсар» чизиқларга, нисбатан мўйдор хатига қайта-қайта тикилиб турди... Хусни-чиroyидан кўнгли тўлмади шекилли, ёнидаги тилло ранг ҳуққасини очиб, ўзига бироз оро берди. Йўл-йўлакай у ер-бу ерларини тўғрилаган бўлиб ташқарига чиқиб кетди.

Хоним хобхонасининг олдига келганда атрофда Сотимдан бўлак ҳеч кимса кўринмасди...

Хожасарога еб юборгидай ўқрайкан: – «Қани, мени кутаётган ўша муаннасинг?!», – деди тутоқиб. Каловланиб қолган никуз: – «Қутуқ опагон! Мени афу этгайсиз! Бу Пошшо бувимларнинг буйруқлари. «Кириб дам олсун!» – деб айтдилар, – деди, гуноҳкор одамдай таъзим қилиб...

Шу замон, хонимнинг фигони кўкка кўтарилди. Қутуқ Бегимнинг даҳанидан шундай сўзлар отилиб чиқа бошладики, бунга илонлар пўст ташлаб юборадиган даражада заққум эди!

Бечора Сотим ҳар қанча тазарруъ билан кечирим сўраса-да, хоним унинг биронта гапига қулоқ солмасди... Қайтага, оғзига шу даражада эрк бериб юбордики, Хожа сарони энди очикдан-очик ҳақоратлашга ўтди.

Сотимнинг сабр косаси чил парчин бўлиб кетди чоғи: «Опа! Бори айб ўзингизда! Қаранг! Издиҳомда мингдин ортуқ аёл иштирок этадур. Бироқ Сиз қилгон номақбул ишни биронтаси қилмайдур!».

– Улар, подшоҳнинг завжалари эмас, майда хотинлар! Тушундингму, чикалдак?! – дея пуркаб ташлади яна.

Сотим ҳам аяб ўтирмади:

– Билиб кўйинг! Олампаноҳнинг хотинлари борчага ибрат бўлмоғи лузум! Сиз бўлсангиз, меҳмонлар олида тамасхур¹⁴ бўлиб аълоҳазратнинг нуфузига футур етқазадурсиз!...

Хожасаронинг бу гапини кўтара олмаган хоним:

– Йў-қол, кўзимга кўринма! Пучма!!! – деб юборди. Сотим бу ҳақоратни сингдира олмаганидан, аввалига дув қизариб кетди-да, аламдан ўзини йўқотиб кўяёзди... Чунки ўзи даҳлсиз бўлган бу «айби»ни ҳали саройда бирон кимса юзига солмаган эди-да!..

Куйиб-ёниб кетган Хожа саро кўрсаткич бармоғини хонимга ўқталаркан:

– Опаш! Ҳали қараб туринг! Бу гапларингиз учун аълоҳазратнинг қошида бошингиз била жавоб берасиз! – деди-да, шартта бурилиб жилиб кетди. Ўшанда ҳам Қутуқ Бегимнинг чакаги чакагига тегмай, Сотимнинг ортидан: «Эримга қаерим била жавоб беришни ўзим яхши биламен, менга ўргатма, қилтириқ!» – дея бир-икки қадам олдинга босганди ҳамки, рўпарада, хўмрайганча қўли белида турган Пошшо бувига кўзи тушди!.. Шу лаҳзадаёқ Хонимнинг ранги ҳам, шанғиллаб чиқаётган овози ҳам қув ўчди, қолди... Бир амаллаб қадамларини ўнглаб олган Қутуқ Бегим, ортга ҳам қарамай зуввиллаганича хобхонасига кириб кетди...

«Қари билганни пари билмас» деганлари рост экан. Пошшо буви бежиз хавотирга тушмабди. Не ажабки, кўп ўтмай Султон Аҳмад Мирзо темурийзодалик шаъни ва ор-номуси йўлида, тили ва нафсини жиловлай олмаган суюкли хотинини жаҳл устида бўғиб қўйганини билмай қолди.

¹⁴ Тамасхур – масҳара.

«Хурсандчилик билан ташвиш ёнма-ён юради» – деганлари рост экан. Кундузи билан чопқиллаб ўйнаб яна бир қанча мужим юмушларни уддасидан чиққан Бобур Мирзо кечга бориб уйқуси қочиб тоби айнигандай бўлиб ётиб қолди. Бундан хабар топган амма-холаларию саройнинг бутун аҳли-аёллари бир зумдаёқ оёққа туриб кетдилар. Улар, бироз кўнгли айниб жунжуккандай ғужанак бўлиб олган Бобур Мирзонинг теварагида парвона эдилар...

Бобур Мирзо ҳар замонда қандайдир, қаердадир ўқиган ёхуд эшитиб қулоғига қуйиб олган шеърый сўзларни пичирлаб, бирор нарса таклиф қилишса, кўзини очмай қўли билан «йўқ» ишорасини қилиб қўярди.

Унамаганига қўймай, «кап-катта йигитча»ни кучоғига ётқизиб олган Қутлуф Нигорхоним жигарбандига термулганча: «Мирзом, аслида гўдакликдин сергак ва кам уйқу. Вале, бундай пайтда уюхлаб қолгон бўлишлари керак эди», – деганча бошини силаб: «Мирзом! Айтинг, қаерингиз оғриётур? Кўнглингиз бирор нарса тусайдиму?» – дея такрор-такрор сўраб қўяр, болажонисининг қайси жойи оғриётганини билолмай жони ҳалак эди.

Бир пайт кўлининг орқасини ўғлининг пешанасига тегизиб «Мирзомни бироз иссиғи ҳам бор кўринадур!» деб қўйди ташвиш билан.

Кимдир: «Мирзом ўйин била бўлуб, тамадди қилиб олишни ҳам унутгон бўлсалар керак», – деганди бир зумдаёқ дастурхон ёзилиб ҳамма нарса бисёр қилиб ташланди. Хўб Нигорхоним дарҳол бир дона катта норунжни пўстлоғидан ажратиб бўлакларга бўлди-да, таксимчага териб жиянига тутди. Бобур Мирзо: «Раҳмат» дегандай, холажо-

нисига қараб бош ирраб кўнгил учун бир бўлагини олди-да, егиси келмаганидан хонтахта четига қўйиб қўйди.

Бобур Мирзо дастурхондаги ноз-неъматлардан бир чимдимини ҳам оғзига солмади фақат пиёладаги муздек ўрик шарбатидан бир-икки хўплаган бўлди, холос.

Ичкарида нима гаплар экан?

Хонимлар ичкари ўз «ташвиш»лари билан ўзлари андармон бўлиб, бу нохушлиқдан беҳабар бўлсалар керак, деб ўйлашганди. Аксинча, ундай эмас экан. Даҳлиздаги янга ва хизматкорларнинг шивир-шивирлари қулоғига кириб, Хонзодабегим Бобур Мирзонинг аҳволдан воқиф бўлиб ўтирган экан.

Эгнидаги енг ва пешлари узун, бир-икки қават ёзлик шоҳона либос, устидан абришим чорқуб, нақшинкор садафлар қадалган кўнжлари узун, қайрилма оқ этик, оғирдан оғир қарқара ўтағаси санчилган чорпеч дастори ва олтин тўқалик, энли тиллоранг чарм камарлардан фориг бўлган Султон Аҳмад Мирзо анчадан бери, оддий одамга ўхшаб енгил, оппоқ кийимда, илк бор Хонзодабегим билан бир дастурхон атрофида, сулув қайлиғининг беназир ҳуснидан ҳузурланиб ўтирарди.

Келинчак қиздан таралаётган хушбўй ипор, куёвининг димоғини ҳар қанча қитиқламасин, ўзининг вазмин ва сипо тийнатини сақлаб турибди.

Хотин кўрмаган, бўз йигит бўлсайкан, ўзини тутолмай қолса. Ҳарамида бир эмас уч нафар хотини, бир неча канизаклари бор, ёши уч мучалдан ўтган подшоҳ-ку!

Мавкибат аҳли: «Подшоҳимиз агарчи оми, вале барча оми подшоҳларга ибрат бўладурғон

маснадда ҳуққ-атворлиқ», – деб, баҳо берганларича бор.

Султон Аҳмад Мирзо ўзини осойишта ва хотиржам тутишида яна бир муҳим сабаб, унинг наздида юртга тажовуз қилиши мумкин бўлган бирон бир кучнинг ўзи йўқ! Буюк Туронни бўлиб олиб, ҳукмронлик қилаётган бўлсалар-да, Темурбек бобокалони яратиб кетган ўша тинчлик-осойишталик мудом давом этиб келмоқда.

Султон Аҳмад Мирзо таъбири билан айтганда, бугун вилоят маъмур, раият шокир, хизона мавфур, сипоҳи-навкарлар улүфаси мункасир эмас.

Шундан бўлса керак, олампаноҳнинг кўнгли, олти ой қамал тутиб, мустаҳкам қалъани мусаххар этган фотиҳ кўнглидай баланд.

Бўлиб ўтган тўйдан: «Подшоҳ яна ҳарамини кучайтиряпти экан-да», – дея истеҳзоли кулиб қўйганлар ҳам бўлди.

Бироқ нима қилсин?! Ажир, подшоҳ деган зотга сулола давомчиси, тахт вориси – ўғил керак-да!

Тўғри, подшоҳ хонадонида бир эмас, икки ўғил дунёга келди, лекин умрлари қисқа экан, йўлга юрмаслариданоқ Тангри раҳматига бордилар.

Суйиб-суйиб олгани, париваш Қутуқ Бегим эса қаторасига тўртта қиздан нарига ўтолмади. Энди эса асабларини жиловлай олмаган бегойим аламини чоғирдан оляпти. Ҳусни-жамолига ортиқча баҳо бериб юборган хонимнинг ўжар феъл – атвоарида яна тантиқлик аломатлари ҳам бор экан. Нажотни Қодири мутлақдан эмас, алақаерлардаги азайимхонлардан, уларнинг эзиб ичкиларидан излади...

Бермаса қийин экан... «Саройда ўзум Пошшобуви бўлуб қоламен», – деган режалари ожир-оқибат сароб бўлиб чиқди.

Ажаб эмас, Олампаноҳ кутган ўғилларни қатор-латиб Хонзодабегим туғиб берса!

Хонзодабегим ердан кўз узмай заррин косада норунж шарбати узатаркан, унинг ойдек юзига кўланка солиб турган хавотирликни сезган Султон Аҳмад Мирзо:

– Бегим! Чехрангиз нега очилмайдур, ё...? – деб сўради.

Бу саволдан унинг юзлари лоладай қизариб кетди-да:

– Йўр-э, – деганча ялт этиб куёвига қараб қўйди. Кейин бироз хижолат чекиб: «Олампаноҳ! Даҳлиздағиларнинг айтишлариға қарағанда, Бобур Мирзонинг чийзи тоблари қочғон эмуш», – деди мулойимлик билан.

Бу хабардан Султон Аҳмад Мирзонинг юзлари жиддийлашаркан: «Нега энди?» – деганча даст ўрнидан туриб қўшни хонага йўналди.

Хонзодабегим куёв кишисининг ортидан беихтиёр нигоҳ ташлаб қўйди. Унинг бўйдор қоматини биринчи марта кўриб турганиданми ёхуд эркак зоти билан илк бор бир хонада ўтирганиданми, ҳар ҳолда, темурийзода ҳукмдорнинг салобати бокира қизнинг ҳуркак кўнглига қўрқув аломатлари солиб турганди, шу пайт онасининг тўйдан аввал: «Қизим, ахир, бошлари осмонда бўлғонда ҳам: «Хон, хонға, хон боруб хотунға йиқиладур», – деганларини эслаб жилмайиб қўйди.

Подшоҳ ҳазратлари хос хонасидаги фақат зарур пайтлардагина Сотимни чақирриш учун ишлатадиган болғачани олиб, осирлик турган пўлат лапакка урди...

Сотим деганини ҳушёрлигига гап йўқ экан! Айниқса, бундаин долзарб соатларда.

Осмондан тушдими, ердан чиқдими ё эшикни ортида кутиб турганмиди?

Ҳукмдорини бир дақиқага ҳам муштоқ қилиб қўймади.

Ташқаридан:

– Амрингизга мунтазирмен, Олампаноҳ! – деган ингичка жарангдор овоз эшитилди.

Ҳукмдор: «Қулоқ сол!» деганча унга дераза орқали бир неча муҳим топшириқлар берди.

Хожасаронинг даҳанидан «Хўп бўлади, Хўп бўлади, Оре, Оре»дан бўлак, бирон сўз чиқмай эшитди ва тез юриб ҳарамдан чиқиб кетди.

Бир зум ўтиб, қалъанинг нақшинкор зирҳли Оҳанин дарвозаси очилиб, сабрсизлик-ла кутиб турган нақлиёт хизматидаги¹⁵ соябонли аравалардан бири шитоб билан ташқарига чиқди-да, шаҳарнинг қадимий «Мулозимлар» маҳалласи томон жиғиб кетди.

Кеч бўлишига қарамай кўҳна Самарқанднинг осма фонуслар билан ёритилган кўчаларидаги ҳаракат ҳали тинмаган эди.

Кўп ўтмай Бобур Мирзо ётган хонага: «Ҳақим жаноблари келди, аёллар бошқа хонага ўтуб турасизлар экан», – деган хабар берилди.

Хонага салом бериб, Самарқанднинг ўша пайтдаги «Ибн Сино»си таърифини олган ҳозики табиб Малик Жавҳарий билан устози Алп Баҳодир кириб келдилар.

Бояқиш Алп Баҳодир бу нохуш хабарни эшитгандан бери хонасида хижолат тортиб ўтирган экан.

Бобур Мирзо туриш учун ўрнидан кўзга-лаётганди, ҳақим жаноблари жуда меҳрибон инсон экан, тез келиб валиаҳднинг қўлларидан олиб кўришди, елкасига қўлини қўйиб жойидан кўзғолмасликни буюрди.

¹⁵ Нақлиёт хизмати – транспорт хизмати.

Малик Жавҳарий Бобур Мирзони илк бор кўриб турган бўлса-да, улар бир зумда эски қадрдонлардай мусоҳабага киришиб кетдилар.

Ҳозирги табиб «бемор»нинг аввал томирини тутди, қўлларини, тирноғини, кўз қини ва тилини очиб кўрди.

Валиаҳднинг танасида бирон-бир касаллик белгилари кўринмаётган бўлса-да, кўп йиллардан бери тутила бериб ярқиллаб кетган хос чармпўштидан оппоқ чинни идиш чиқариб: «Амирзодам! Шунга имкон борича пешобингиздин чиқориб берасиз? Кўрушум керак!» – деди.

Сухбатни давом эттираркан (Алп Баҳодирдан билиб олган бўлса керак) тўпчоғини, робита кабутарларидан неча жуфт борлигини, қанчасини Самарқандга олиб келганликларини, Андижонда қолган дўстлари ҳақида қизиқиб сўради.

Ўзи заҳар танқиб турган экан, Бобур Мирзо кўшни хонага чиқмоқчи бўлаётганди, рухсат бермадилар. Алп Баҳодирнинг кўмагига ҳам унамай, шундай ўгирилганча, бурчакка бориб бир залп билан табиб берган идишни тўлдириб қўя қолди. Буни кўрган табиб: «Боракалло Амирзодам! Боракалло!» – деганча идишга алақандай кукунли дори солиб, уни текширувдан ўтказди.

Хайриятки, ҳеч қандай иллат аломатлари топилмади.

Кўнгли ўрнига тушган Малик Жавҳарийнинг мошгуруч соқоли мулойим чеҳраси ёришиб, қуруқ бўлмасин учун нўхотдек хапдори олди-да: «Амирзодам! Ушбун тилингиз остига солиб, шимиб юборсангиз, яна тўпчоғингиз «Жиғолтой»дек бўлуб кетгайсиз, иншооллоҳ», – дея хайрлашганча ташқарига йўналди. Аравага ўтираётиб: «Жаноб Алп Баҳодир! Амирзодани ёмон кўзлардан Ўзи асрасун! Вужудлари жуда бикр ва дуркун экан.

Баайни, секкиз ёш атрофидаги бундай болаларда сут тишлари тушуб чиқгон бўлиши керак эди», – деб қўйди бироз таажжублангандай.

Алп Баҳодир ҳақимнинг фикрига ойдинлик киритаркан: «Тўғри айтадурсиз, Малик Жавҳарий жаноблари, вале Амирзодамиз эндигина олти ёшга қадам қўйдилар, холос», – деди қандайдир ички ифтихор билан. Ҳозики табиб қўларини дуога очаркан: «Илоё, шогирдингиз, келгусида паҳлавон мубориз бўлуб етишсун! Салтанат, мана шундай кишиларга муносиб», – деб қўйди самимият билан. Шу аснода ўз касбининг пешволари бўлмиш бу икки зот кўнгилларига ёруғлик тушгандай бўлиб бир фурсат суҳбатлашиб турдилар.

«Ибн Сино» жаноблари андижонлик муборизга юзланаркан:

– Шукрларким, илм излаб Машриқнинг бир талай шаҳарлари қатори муқаддас жойларида қадамим етди. Ҳатто Бағдодда-да бўлуб, «Хизонат ул-ҳикмат»да икки йил сабоқ олдум, вале Андижон тарафларга бориш ҳеч насиб этмади, – деди, афсуслангандай бўлиб.

Алп Баҳодир табибнинг ёшига қараганда бир мунча бардам кўринишига ишора қилгандай:

– Надоматга ўрин йўқ, ҳақим жаноблари! Фосила¹⁶ атиги элик йиғоч йўл! Ҳали бир эмас, Тенгри рост келурса, бир неча қатла сафар қилишга ҳам улгурғайсиз, – деб қўйди, самимият билан. Кейин ўзи туғилиб ўсган шаҳри тўғрисида бироз сўзлаб бергиси келди чоғи: «Ҳақим жаноблари! Борғонда кўруб, ўзингиз ҳам шоҳид бўларсиз, қалъамиз катта ва мустаҳкамлиги жиҳатдин Мовароуннаҳрда Сизларнинг кўрғонингиздин сўнг биринчи ўринда турадур. Еримиз серунум,

¹⁶ Фосила – оралиқ масофа.

хушхаво борларимиз бисёр. деҳқонларимиз миришкор, ҳунармандларимизнинг эса қўли гул! Шундан бўлса керак, бозорларимиз қишин-ёзин тўкин-сочин! Ўзунгиз воқиф, Андижон қовуни била ношпотисининг таърифи етти иқлимгада кетгон. Мўғулларни қўя турайлик, Худо раҳмати, ҳў, ўша ислом сипоҳи солори Қутайба ибн Муслим ҳам, голибо, муборақ равзалари шаҳардин чийзи нарида, нарсаларга тўлуб-тошиб ётгон бозор расталарини кўруб: «Во ажаб! Ҳақиқий жаннатга келиб қолдикмикин-а?!», дея ҳайратга тушуб қолгон эканлар»-деди гурур билан.

Алп Баҳодирнинг сўзларидан жўшиб кетган Малик Жавҳарий: «Аллоҳ насиб этса, келгуси йили-ўқ Сизлар тарафга сафар қилишни азимат қилиб қўйдум! Ҳа, дарвоқе, буюк мусанниф бобомиз Хожа Юсуф Андижоний ҳазратларининг равзалари ҳам Андижондаму?»-деб сўраганиди, Алп Баҳодир бироз ўкинч билан: «Йўқ, ҳақим жаноблари. Ул зот Ҳиротдин абадий қўнум топгонлар»-деб жавоб берди. Сўнг қўларини кўксига босиб: «Жанобларининг сўзлари чин бўлсалар, иншоолло, ўшанда Малик Жавҳарий деган зотни Андижонда ўзум кутиб олиб, хизматларида бўлурмен!», дея меҳмоннавозлик билан кузатиб қўйди ҳозиқ табибни.

Эркаклар чиқиб кетишлари билан Бобур Мирзонинг ёнига дув этиб яна аёллар кириб олишди.

Алп Баҳодир ҳақимнинг ҳамма гапларидан Қутлуф Нигорхонимни бохабар қилиб қўйди-да, кўнгли таскин топиб ўз хонасига чиқиб кетди.

Бу муолажадан кейин ҳам бари бир, хотинларнинг кўнгли жойига тушмади.

Меҳр Нигорхонимнинг таклифи билан «Бобур Мирзога, энди кинна солдириб юбориш керак», - деган қарорга келинди.

«Қарантлар-а, бирортамизнинг ҳам хотиримизга келмабди», дейишиб бир-бирларидан ўп-калашиб ҳам қўйдилар.

Маълум бўлдики, Самарқандда, олий тоифа йўймачилар рўйхатида биринчи рақам «Оғачалар» маҳалласидаги Солиҳа биби деган кампирга тегишли экан. Йўймачини бир зумдаёқ оёғини ерга теккизмай саройга келтириб ташладилар.

Гап нимада эканлигини билиб олгунча Солиҳа бибининг юраги тушиб қолган бўлса ажаб эмас.

Ахир, ярим кечада, бўлиб ҳам, аркка, зудлик билан Кўк саройга олиб кетишмоқчи бўлиб туришса-я! Даҳшат!...

Кинначи кампир бир қўлида бўғча, бир қўлида «асо Мусо» калтагидан қилинган эгри-бугри ҳассасини дўқиллатиб, эшикнинг тагиданоқ қаттиқ эснаб кириб келди. Хонимлар билан қовоғини очмай наридан бери кўришган бўлдида, ортиқча такалуфни ҳам кутмай, тўғри бориб Амирзоданинг ёнига ўтирди ва узундан-узоқ дуо қилди.

Тугунини ечаётиб: «Кулуҳдин бўлек ҳамма нерсамни олғоч келганмен», – деганча, яна бир бор жағлари илгагидан чиқиб кетгудай бўлиб эснади, кейин, туртиб чиққан чўзинчоқ иягини олдинга бир чиқариб қўйиб: «Бай, бай, бай! Шаҳзодага жуда қаттиқ кирно кирипти», – деб қўйди, ўзига ўзи.

Йўймачининг писандасини тушунган хизматкорлардан бири чопиб чиқиб, уч-тўрт бўлакча тоза кесак олиб келиб тутқазди.

Хонимлар зўр қизиқиш билан тугунчадаги рангбаранг тошлар, жингул новдасидан олинган бир неча жингалак, бўрининг тирноқлари, кичикки-на халтачага солиб қўйилган илон пўсти, исириқ, седана, бир тизим кўзмунчоқ ва яна қандайдир

чарм гилоф қопланган туморча каби атиқаларни берилиб, жилмайганларича, бир-бирларининг елкалари оша термулиб томоша қилардилар.

Солиҳа биби аввал чайир қуруқшаб кетган қўллари билан «бемор»ни боши, елкалари, қўлоёқларини бир сидра, итоб билан «кўч, кўч, кўч!», – деб уқалаб чиқди. Ана ундан кейингина асосий ишига ўтди.

У тез-тез: «гарр-гарр» кекириб қўяр, эсноқларининг эса адоғи кўринмасди...

Ҳомуза юқумли бўлади, дегани рост экан. Эсноқ энди хонимларнинг жағига ўтганди.

Хонада эснамаган одам қолмади, ҳамма бирин-кетин эснарди.

Ҳатто ташқарида куймаланиб юрган хизматкорлар ҳам вақт алламаҳал бўлганиданми, чарчоқми, ҳарҳолда оғизларини катта очиб ҳомуза тортиб қўярдилар.

Меҳр Нигорхоним чап қўлининг орқаси билан ҳуққаларини тўсганча: «Ана, айтдим-ку! Мирзоға маҳкам кирно кирғон», – деб қайта-қайта таъкидлаб қўяр, бу тадбирнинг амалга ошаётганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

Бобур Мирзо эса Солиҳа биби ўқиётган қизиқ-қизиқ, қофияли «дуо»ларни мириқиб тинглаб ётарди.

Айниқса «қон ялаган қассобга бор», «ун ялаган аллофга бор», «бўри еган итга бор» деган ибораларни эшитганда мийиғида жилмайиб қўярди.

Чиндан ҳам Бобур Мирзода қандайдир энгиллик аломатлари пайдо бўла бошлаганди.

Момонинг «даволаш» жараёни нужумий бир соат давом этди.

Охирида: «Мана бу исириқни солиб юборинглар, кесакларни ҳовлига ирғитиб ташланглар, муни у қилинглари, муни бу қилинглари, – деб таъ-

кидлаганча анжомларини йириштириб яна дуога қўл очди.

Бир мунча ақча ва талайгина назр-ниёзларни қўлтиқлаб олган Солиҳа биби аввал Меҳр Нигорхонимга юзланиб, ҳар қандай хизмат бўлса тайёр эканлигини билдирди, сўнг барча хонимлар билан эски қадрдонлардай, мамнун хайрлашиб чиқиб кетаётганди, (олдиндан нимани билмоқчи бўлдийкин) Хўб Нигорхоним: «Момо, фол ҳам очасизму?» – деб қолди. Солиҳа биби бир тўхтаб олди-да: «Ҳай, ҳай, ҳай! Фол очиш, муслиманинг иши эмас, қизим! Фолниме, лўлилар очадур, биз, оғачаларбиз!» – дея таъкидлаб, ташқарига йўналди.

Меҳр Нигорхоним йўймачини кузатиб кирганда Бобур Мирзони уйқу элтиб ширингина пинакка кетган экан.

Ичларига ёруғлик тушган хонимлар хонада она билан болани қолдириб, бир-бирларига хайрли тун тилаганларича, оёқ учларида юриб ўз хобгоҳларига чиқиб кетдилар.

Кечаги қувончу тунги ташвишлардан толиққан Қутлуғ Нигорхоним қаттиқ ухлаб қолибди...Яхшиямки, хос хизматкори Бичка халифага тайинлаб қўйган экан, эрталаб бомдод намозига ўша уйғотди. Туриб қараса, Бобур Мирзо ўринда йўқ.

Кейин маълум бўлди, тонгга яқин уйғонган валиаҳд: «Дўстим Абдуллоҳ ўзи ёлғуз қолди», – деган ташвиш билан болалар учун ажратилган бўлмага чиқиб кетган экан.

Меҳмонлар тўйдан сўнг Самарқандда кўп қолмадилар.

«Шодиёна тантаналар тутагач, кейинги маросимларни биргаликда ўтказайлик», деган таклифларга ҳам қарамай, йўл тадоригини кўра бошладилар.

Нақши Жаҳонда ва Боғи Дилкушода бир кечадан зиёфат берган мезбонлар бир талай совға саломлар билан андижонликларни Кониғилдан кузатиб кўйдилар.

Меҳмонларнинг ҳар бирига ҳатто Андижонда қолганларга ҳам қимматбаҳо совғалар солинган сандиқлар қатори сифати аъло Самарқанд қоғози, Бағдод ва Ҳиротдан келтирилган даста-даста китоблар, жилваси кўзни олувчи ранг-баранг духобалар, сояки кишмиш ва акбарий хандон писталар ортилган карвон Шарқ томон бироз юргач, Бобур Мирзо «Жиғолтой»нинг устидан ортига ўтирилганча, ундан кўз узолмай: «Самарқандға энди, қачон келамен экан», – деган ўтли фикр билан кетиб борарди...

Самарқанд Бобур Мирзода бағоят катта таассурот қолдирганди.

ҲАНДАЛАК САЙЛИ ЁХУД БИРИНЧИ ЧАНДИҚ

...Андижондурким, васатта
воқеъ бўлбтур,
Фарғона вилоятининг пойтахтидур.
Ошлиғи вофир, меваси фаровон,
қовун ва узуми яхши бўлур.
Қовун маҳалида полиз бошида
қовун сотмоқ расм эмас.

«Бобурнома»дан

Ҳижрий 898 йилнинг ёзи. Андижон. Хон саройи. Ички.

«Кошғардан Эсан Давлатбегим йўлга чиқиб_дилар» деган хушхабар барчанинг кайфиятига байрамона шукӯҳ бағишлаб қўйди.

Тонг саҳардан тиним билмай, елиб-югуриб ўз юмушларини адо этиб келаётган хизматкорлар, катта-кичик барча жорияларнинг бир зумгагина оёқлари тиниб, кичик тошқовуз бўйидаги, атрофида муаттар анвойи гуллар барқ уриб турган салқин айвончага жам бўлишган. Боиси ҳар йили ҳосил пишди дегунча, четан аравани тўлдириб «Сарой аҳлига дея» ташлаб кетадиган полизкор Исмоил бобонинг ҳандалакларидан ўз насибаларини олиш.

Ажаб, катта чарх товоқларга тилиб тортилган чилги қовунларнинг барчаси бир-биридан ширин ва хушбўй чиқди.

Саройда худди эртага тўй бўлаётгандек, ҳам-маларининг димоғлари чоғ, юзлари шодон. Ички хизматкорлар аҳлига бош-қош, подшоҳ хонадонининг «ўтидан кириб, кулидан чиқиб» улғайган ёши катта Сожидабуш бир тилигини олиб татиб кўраркан:

– Вой-буй! Ҳандалак ҳам шундайин лазиз бўладиму? Худди «миртемурий» – а?! – деганча «Олинглар!» дея, қўли билан ноибаларига¹⁷ имо қилгандан сўнггина, улар одоб билан янгиликка қўл узатдилар.

Ҳандалакхўрлик тугагач, даврада ўтирган қизлардан бири дарров туриб, мулойимлик билан опаларининг қўлига сув қуйиб, сочиқ тутди. Ҳаммалари бир ниятда етиштирган деҳқонга: «Қўллари дард кўрмасун, умрлари зиёда бўлсун», қизчага эса: «Бахтинг кавардек очулсун», – дея, дуога қўл очдилар. Кейин ҳар дафъа, сафардан қайтганларида ҳеч бирини ёдидан чиқармай, хизматларига яраша тақдирлаб турадиган, қўли очиқ, бағри кенг, оқила Пошшо бувилари «Бу сафар бизларга қандай совға олиб келаркинлар» хусусида фол очишиб чуғурлашлари, йўлакдан шитоб ўтиб бораётган ёш Амирзодага кўзлари тушган ҳамоно таққа тинди.

Аслида, уларгина эмас, подшоҳ хонадонига яқин бўлган шаҳарнинг энг нуфузли оялари ва бегойимлари ҳам, маҳди улёнинг ташрифларини муштоқлик билан кутадилар, пурмаъно суҳбатларини олиш илинжида бўладилар.

Саройда бўлганларида кўнар-кўнмай: «Қўйинглар мени, Бобурбеки тилаб қолади», – деган истиҳолаларини ҳам инobatга олгилари келмай, ўзларининг катта йиринларига, издиҳомларига олиб кетиш пайида бўладилар.

Мана, бир неча кундирки, Қутлуғ Нигорхонимнинг кўрсатмалари билан Пошшо буви суюкли набирасининг ёнида бўлганларида истиқомат қиладиган алоҳида, кенг, ёруғ хосхоналарининг аввал (меҳроб жавонларидан ташқари) ҳамма

¹⁷ Ноибалар – қўл остидаги хизматкорлар.

анжомлари ташқарига олиб чиқилди, ичкариларга яна бир карра қўли гул усталар томонидан «ё» тушса ялагундек» қилиб оҳор берилди. Гиламлар ёқутдай товланиб кўзни қамаштирувчи эронийларига алмаштирилди. «Кўналға» у кишининг назоратидан ўтгач: «Шундай турсин!» деган топшириқ берилиб, эшиклари маҳкам ёпиб қўйилди...

Подшоҳ ҳазратлари ҳам мўътабар қайин оналарига юксак ҳурмат бажо келтириб, уларни кутиб олиш учун ўтган куни садоқатли ясовулбоши, инисидек бўлиб қолган Тоҳир Қавчинни бош қилиб чапдаст суворий навкарлар паноҳида бир неча араваларда чегарага вакиллар жўнатди.

Эсан Давлатбегимнинг келаётганидан, айниқса, Бобурбекнинг қувончи чексиз, ичига сирмайди! Ахир, у сафар хайрлашаётганларида: «Сизга атаб Чиннинг моҳир усталариға бир ажойиб нарса буюруб қўйғон эдим, тайёр қилғон бўлсалар, ёнғонда, албатта, олғоч келамен», – деб айтганлари худди кечагидек қулоғи остида жаранглаб турибди. Жилловсиз вақтнинг ўтишини қаранг! Мисоли камон ўқи, бир онини ҳам тутиб қололмайсиз!

Мана, ўшанга ҳам уч ой бўлибди. Бобурбек эсини танибдики, меҳрибон бувижонисининг бунчалик кўп муддат ёнларида йўқ бўлиб қолганларини эслолмайди. Кун бўйи сабоқларидан, мутолаасидан, гуштгирлик¹⁸ илми машқларидан ортган озгина фурсат ичида ёлғиз қолишни хоҳлар, беғубор болалик хаёллари оғушида бувижонисини эслаб, баъзан кўзларида ёш қалқиб қолганини ҳам сезмай қоларди. Амирзода шуларни хаёлидан ўтказганча енгил томоқ қириб, оналари ўтирган уйнинг даҳлизига кириб борди.

¹⁸ Гуштгирлик – эпчиллик, чаққонлик ва бадан тарбия, кураш ҳам.

Ичкарида безатилган хонтахта тўрисида волидаи муҳтарамалари Қутлуф Нигорхоним билан нималарнидир суҳбатлашиб ўтирган эгачиси Хонзодабегим Бобурбек кираётганини билиб даст ўрнидан турди-да, инисини кутиб олиш учун эшик томон интилди. Уларни сал нарида туриб беозоргина елпиётган дастёр қизча шоҳона елпуғичини олиб одоб билан бош эгганча ўзини кўшни хонага олди. Салом бериб кириб келган ёш Амирзода аввал югуриб бориб онасининг кўлларини ўпди, сўнг йигитлардай ўнг елкасини тутди. Бундан кўнгли тўлмаган Қутлуф Нигорхоним ўрнидан туриб, ўғлини бағрига босганча интиҳоси порлоқ, бироқ чархнинг кўп аччиқ қисматлари яширинган пешанасидан ўпиб кўйди. Зеҳн ва заковат бобида беназир, ҳусну латофати кун сайин ойдайд тўлишиб бораётган эгачисидан эса, дилдан ҳол сўраб нигоҳлари билангина сўрашди. Кейин муҳим бир нарсани айтмоқ истагида Қутлуф Нигорхонимга юзланиб:

– Онажон! Отажонимга айтингиз, бир аравада бориб келсак ҳам бўладур. Ортиқча хизматкорларга не ҳожат? Ахир, борадурғон жойимиз бир йиғоч ҳам келмайдурғон Экин-тикин деҳаси бўлса! Ҳандалак сайлига ҳам шунча одам билан чиқиладимиз? Аввалги сафар бўлғонимизда ҳам тумонат одам тўпланиб, дўстларим олида кўп ҳижолат чекканмен.

Қутлуф Нигорхоним ўғлининг катталардай мулоҳазасига, валиаҳд бўлишига қарамай, ортиқча ҳою ҳашамларни ёқтирмаслигини кўриб, ичида суюқлисининг фикрига кўшилиб турган бўлса ҳам:

– Жон ўғлим! Бу отангизнинг ихтиёрлари. Ул зот «Шундай бўлсун!» деб буюрганлар,– дегандан сўнггина эътирозларга ўрин қолмади.

Хонзодабегимнинг бир чеккада туриб, ялинчоқлик билан:

– Мирзом, мени ҳам бирга олиб кетинглар, – деган илтижосига унинг:

– Бажону дил эрди, опажон, бироқ у ерда қиз болалар бўлмайдилар, – деган жавоби бу масалани ҳам узил-кесил ҳал қилди-қўйди.

* * *

Бобур Мирзо ҳамроҳлари билан йўлга чиққанларида кун чошгоҳга келиб қолганди. Шоҳона безатилган соябонли аравалар сафи арк ичидан чиқиб, катта тош йўлга тушиб олди-да, шаҳарнинг шимол тарафига қараб бир маромда йўртиб кетди.

Бу йилги ёз Андижонга ҳар доимгидан эртароқ келгандай эди.

Бозор атрофи мева-чева ортилган аравалар, нозу неъматлар тўла баркаш ва сават кўтарган одамлар билан гавжум.

Мол олиб келаётган деҳқоннинг ҳам, ҳўлфуруш савдогарнинг ҳам, юк ташиётган ҳаммолнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди.

Бир-бирларига қуйиб қўйгандек ўжшаш, таналари офтоб нурида ялтиллаб турган, бир жуфт нуқра ранг бикр йўрғалар тортиб бораётган аравада икки дўсти Абобакр ва Абдуллоҳларни ҳамроҳ қилиб олган Бобур Мирзо кетиб боряпти.

Отлар бўйнидаги жажжигина мис қўнғироқчалардан таралаётган ёқимли садо киши қўнғилига ҳузур бағишлайди. Жониворлар ўзлари сезибмисезмайми, шу куй усулида бир маромда қадам ташлаб борар, янги тақаланган туёқлари тош йўлга бир текис тушишидан чиқаётган овоз билан қўшилиб, атрофга ўзгача, тантанаворлик руҳи таралмоқда.

Устоз Алп Баҳодир эса эсини танибдики, умри подшоҳ саройининг отхонасида ўтган Ҳасан мирохурнинг¹⁹ ёлғиз ўғли, шоп мўйловли уста чавандоз Бойқосим Буқонинг ёнидан жой олган. Бир умр отлар ичида бўлганлиги боис, саройдагилар эркалатишиб уни «Тойқосим Буқо» деб қўйишган.

Орқада Бобурбеклар нималар ҳақида суҳбатлашиб бораётганликларини аниқ уқиб бўлмаса-да, саройнинг жидди ҳазил устаси Хурсандбек қизиқнинг ўғли Абобакрнинг қизиқ-қизиқ ҳангомаларидан ҳар замонда бир қиқирлаб кулишаётганлари эшитилиб турибди.

Катталар мусоҳабасида бош мавзу улур меҳмонни кутиб олиш учун жўнатилган суворийлар ва отлар ҳақида бормоқда. «Тойқосим Буқо»нинг гапларига қараганда йўлга чиққан отлар энг сара-наследор ҳисобланиб, тинимсиз уч кун юрганда ҳам чарчамайдиганларидан эмиш.

Подшоҳ хонадонини қўриқлаш ва нақлиёт хизматидагилар, бундай пайтларда байрамлардагидай хушқайфият, хушфеъл бўлиб кетишади. Хонадондан бирор кишини айтилган манзилга элтиб қўйиш, белгиланган жойда, келаётган меҳмонни кутиб олиш каби муҳим ишлар, буларнинг жону дили, бутун вужудлари ва садоқат билан бажарадилар.

Айниқса, ёз бўйи икки кўҳна шаҳар, Андижон билан Аҳси ўртасидаги борди-келдилар бир зум бўлса-да, тинмайди. Подшоҳ ҳазратларининг қимматбаҳо хат ташувчи робита кабутарлари ҳам бундан мустасно эмас. Уларни ўқтин-ўқтин икки сарой ҳавозалари орасида, парвозда кўрасиз.

Йўлда бир дарвешнинг, хон саройининг уловлари йўлга чиққанлигини кўриб ичида ким бор-

¹⁹ Мирохур – подшоҳ отхонасининг бошлиғи.

лигини билолмаган бўлса-да, қўлларини кенг очиб қилаётган дуосига кўзи тушган Бобурбекнинг сафни тўхтатиб унга ҳады бериб ўтганлигини ҳисобга олмаганда, бошқа ҳеч қандай воқеа содир бўлмай, полизпояга ҳам етиб келинди.

Улар пайкалдан берида, кенг сайҳонликда тўхтадилар. Қишлоқча ясантириб олган икки на-бирасининг ёнида, содда тавозе билан турган (подшоҳ ҳазратларининг алоҳида ҳурматига сазо-вор бўлган) уста полизкор Ниёз бободан ташқари, яна саройнинг икки чухрасини ҳам кўрган Амирзода: «Булар осмондан тушдиларму ё ердан чиқдиларму?» – деб ўйлаб қўйди-ю, сўнг уларга ортиқча эътибор бермади.

Аравадан аввал устози Алп Баҳодир тушиб, Бобурбекга қўл узатганди, унинг қўлини тутмай, «Ўзум!» деганча сакраб тушиб, учлари қайрилма, қўнжиларига эса нақшинкор садафлар қадалган, бежирим, оппоқ этикчалари билан дала йўлининг чангини бир тўзитиб қўйди. Меҳмонлар бирин-кетин, Алп Баҳодир бош мезбонлар билан қўшқўллашиб сўрашиб чиқдилар. Ниёз бобонинг таклифи билан улар қапа олдидаги (аввалги йили подшо ҳазратларининг ўзлари ҳам қадам ранжида қилган) мўъжазгина соя-салқин айвончага, хизматкорлар эса сал нарида супаларга жойла-нишгач, «Олампаноҳ подшоҳимизга, ёш Амир-зодамизга омонлик, юртга тинчлик-тотувлик, хирмонларимизга барака» тилаб дуога қўл очди-лар. Бобо Бобурбекнинг бўй-бастига, теурий-зодаларга мансуб шоҳона либосига ҳавас билан қараркан:

– Амирзодам, биз тарафларга ташриф бу-юрмағонингиздин берин бўйларингиз ўсуб, кат-та йигит бўлиб кетибсиз-ку! – деб, қувонтириб қўйганидан, у олдин бобога, сўнг тартиб сақлаб

ўтирган дўстларига қараб мамнун жилмайиб қўйди.

Ниёз бобо устоз Алп Баҳодирга юзланиб:

– Тақсир, мана, ош вақти ҳам бўлай деб қопти, йигитлар бир тиликдин ҳандалак, бир пиёладин чой ичишиб олиб, сўнг дала айлангани чиқилса, маъкул бўлурмикин, – деганди, устоз савол назари билан шогирдига қараб қўйди.

Бобур Мирзо: – Устоз! Биз эргалаб нонушта қилиб олгонбиз, қорнимиз ҳам очмади. Аввал дала айланамиз, ҳандалакни эса қайтиб келгонимиздин сўнг еябиз, – деганча шошиб, ҳарбий юришларда навкарлар орқага осиб юрадиган чармпўштини кўтариб қапага кириб кетдилар. Зум ўтмай учовлари ҳам пўрим либосларини бир хил, қишлоқ болалариникидай оқ ятак, бўз иштонга алмаштириб чиқдилар. Белбоғлари оддий матодан бўлса ҳам дид билан боғлаб олишганди. Атрофдагилар уларга қараб ҳайрон бўлишганча жилмайиб қўйдилар. Бир қарашда уларни оддий қишлоқ болаларидан фарқлаб бўлмасди.

Одми, жўнгина тикилган бу кийимлар Бобурбекга қўйиб қўйгандек ярашиб турарди. Кейин маълум бўлдики, Амирзода бу либосларни (ҳеч кимга овоза қилмай) дўстлари ва ўзи учун буюриб, тайёрлатиб қўйган экан.

Ниёз бобо ҳам аввал тайёрлатиб қўйганми, шай турган йигитчаларнинг қўлига «ҳар эҳтимолга қарши» дея биттадан заранг сўйил тутқазаркан: «Болажонларим, ҳазир бўласизлар, бу атрофда тулки, шақал ва бошқа сабуълар кўп! Устозингиздан йироқлашиб кетмангизлар!» – деб тайинлади. Улар жилиб кетишгач: «Ўзингга омонат» – деб дуо қилиб қўйди.

Болалар таёқларни қўлларига олишлари ҳаммоно, йўл-йўлакай, қилич уриштираётган навкар-

лардай ҳаракатлар қилишиб, пайкалнинг кун чиқиш тарафига тутшиб кетган, ҳў адирлик тепаларга қараб чопишиб кетди.

Назоратдан қолдирмаслик учун Алп Баҳодир ҳам уларнинг кетидан югурди. Болажонлар интилиб чиқиб бораётган туя ўркачларидай тизилган тепаликлар серфайз Экин-тикин адирларининг бошланиши.

Баҳор серёгин келган йиллари қишлоқнинг деҳқонлари учун Худо берди деяверинг. Қайроқи буғдойнинг дони ҳам мўл, сомони ҳам сероб.

Шу пайт чопиб кетаётганларнинг қай биридан чиқдийкин бу таклиф, бир чақиримдан узоқда, чўнқайиб турган, адирнинг энг баланд чўққисига ким аввал чиқиш учун мусобақа бошланиб кетди...

Бобурбеклар қий-чувлашганларича гоҳ пастликка тушиб, гоҳ тепаликка интилиб, чопиб боришарди. Шу дам улар:

– Ана, тулки, тулки! – деганларича «июв»лашиб қолишди. Жилғадаги қалин ўтлар орасида писиб ётган экан. Болаларнинг шовқинидан чўчиб, узун, бароқ думини ликкилатганча ўтлар орасидан чиқиб, бир зумдаёқ кўздан ғойиб бўлди.

Болалар баланд тепаликлар ортида гоҳ кўринишиб, гоҳ кўринишмай қолишар, пириллашиб чопганларича қападан анча нарига кетиб қолгандилар. Бобурбек дўстлар ичида дам олдин, дам кейин қолиб, югуриб бораётган бўлса ҳам, сўнгги икки тепаликни шиддат билан чопиб ўтиб чўққига ҳаммадан олдин етиб келди. Деярли ҳеч қанча ўтмай, қолганлар ҳам бирин-кетин чиқишиб бордилар. Улар лоладай қизариб кетган юзларидан терни артишаркан, қувонганларидан ғайратларини ичига сиғдира олмай, бир-бирларига осилишиб ўйнашарди.

Мусобақа ҳаммадан ҳам анчадан бери бундай-ин залворли машқ бажармай юрган Алп Баҳодирга қийин кечди. Болалардан ортда қолмайин деб чопганидан қора терга ботиб қолганди. Бир пас ўтириб олгиси келиб турган бўлса-да, Амирзода шогирди олдида ҳижолат тортганидан кўлларини ёзиб, чуқур-чуқур нафас олганча, тездагина ўзига келиб олди. «Демак, узоқ масофага чопиш машқини ҳам канда қилмай муттасил бажариб боришимиз керак!» – деган фикрни кўнглига туғиб қўйди.

Ҳаммалари бир оз тин олишгач, атроф манзараларига ҳавас билан тикилишарди. Бу ердан теваарак-атроф кафтдек кўриниб, шимол тараф кўз етгунча бепоён Тешиктош ва Отчопар адирликларига туташиб кетар, жанубда эса икки адир оралиғини эгаллаб, Андижонсой оқмоқда. Бу ерларда унинг икки қирғоғи ҳам чангалзор тўқай билан қопланган. Енгил шаббодада кўм-кўк қамишларнинг учлари кўл сувининг майин тўлқинларидай чайқалиб турарди.

Қирғоқнинг ҳар жой ҳар жойидан булоқлар чиқиб, муздек шаффоф сувларини сойга қуймоқда.

Улар турган чўққининг шундайгина пастда эрта баҳордан бери қўй боқиб юрган болалар ўзларига қуёш нуридан тўсиниш учун қапа тикишиб, ташлаб кетишган экан. Чайлани кўриш учун қизиқиб пастга тушган Бобурбек қуриб ётган ўтлар остида бир жуфт катта-катта эркемар беркиниб олганини кўриб, улардан бирини ушлаб олмоқчи бўлаётганди, кутилмаганда дарранда оғзидан кўпик сачратиб юборди. Буни кўрган Алп Баҳодир чопиб бориб, Амирзодани буёққа тортиб олди-да, кўлидаги сўйил билан эркемарни селпиб, бир урганди, шиддатли зарба кучидан чавгон

гўйидай²⁰ думалаганча анча нарига бориб тушди ва ўша жойнинг ўзидаёқ бир-икки типирчилаб, жон берди.

Буни кузатиб турган Абобакр орага тушган ва-зиятни илитиш учун:

– Устознинг бу зарбасидан ҳали эчкемар экан, кариёл бўлғонда ҳам мияси суйилиб, сулайиб қолғон бўлур эди, – деб қўйди.

Бу гапдан ҳаммалари хандон отиб кулдилар.

Бобур Мирзо даррандага раҳми келгандай бўлиб:

– Устоз, бу жонзотни зарарсиз дейилган-ку! – деганди, – Йўқ, Амирзодам! Зарарсиз деб бўлмайдур, унинг сўлаги заҳарли, яхшиямки сизга тегмади, – деб қўйди.

Болалар бир оз ўтиб оёқлари остидаги, сув-сизликдан сарғая бошлаган ўт-ўланларни шитирлатганларича пастга, сой томон чошиб кетдилар.

Алп Баҳодир шогирдларининг шаштини кўриб:

– Амирзодам, тўқайга яқин бориб бўлмайдур, хавфли! У ерда тункус, марал, тўқай мушуги, олисроқда палангни ҳам кўришғон эканлар! – дейишига ҳам қарамай, чошиб боришарди.

Болалар ҳаш-паш дегунча қирғоққа яқин бориб қолдилар.

Бир пайт пастда, тўқай четида, Наврўз байрамларида қишлоқ аҳли айтиб юрадиган: «Уйингга бурдой тўлсун!» қўшиғини мароқ билан куйлаётган бир киши уч-тўртта болалар билан қамиш ўришаётган экан. Уларни кўриб, шундай хилват жойда ҳам одам борлигидан қувониб кетишди. Ўроқчилар шундоққина рўпараларида, яқин жойда турганлари билан ёнларига бориш

²⁰ Чавгон гўйи – чавгон тўпи, дум-думалоқ қилиб ёғочдан ясалади.

учун юз элик қадамча наридаги, ўзанга тушиш учун атайлаб қилинган зинали йўлакча орқали айланиб ўтиш керак эди. Болаларнинг олдида, чуқурлиги икки қулочча келадиган жарлик турарди. Улар айланма йўлдан юришни хоҳлашмай, Амирзода бош бўлиб, болаларча шўхлик билан бирин-кетин жарликдан қумлоқ очиқ жойга сакраб тушишди.

Салом беришиб, тенгқурлари кимлар эканликларини билиш учун ўроқчиларнинг олдига боришди.

Бошида бироз униқиб қолган кулоҳ, пешанасини эса қийиқ билан танғиб олган бўйдор одам (уларнинг оталари бўлса керак) меҳмонларни кўриб:

– Келинлар йигитлар! Кимни қидириб юрибсизлар? – деб сўраб қўйди.

Сўзга чечан Абобакр ҳеч кимни қидирмаётганликларини, ўзлари сайр қилиб юрганликларини, хуллас Ниёзбобонинг пайкалига шаҳардан ҳандалак сайлига чиққанликларини мамнунлик билан айтиб ўтди.

Буни эшитган бўйдор киши келиб болалар билан бир-бир қўл олиб кўришди...

Ўроқчилар қорақўрғонлик бўйрачилар экан. Бир пайт ўша «бўйдор киши» йирик панжалари билан Бобурбекнинг билагидан тутиб:

– Полвонча, кураш тушишни ҳам биласизму? – деб қолди.

Бобурбекдан: «Бир нав», деган жавобни эшитгач, «Мардонали, бери келинг, ўғлим» деганди, кўлидаги ўроғини қўйиб, чопганча бўйлари Амирзоданинг бўйлари билан деярли бир хил, қорачадан келган, юзлари дум-думалоқ миқтигина бола келди. Ота: «Меҳмонлар билан сўрашинг!» дегандан сўнггина улар билан қўл бе-

риб кўришди. Кейин Бобур Мирзони кўрсатиб: «Шу йигитча билан кураш туша оласизму?» – деб ўғлига қараганди, рози бўлгандай елкаларини бир кўтариб қўйди. Шу савол билан Бобурбекга мурожаат этганди, у росмана бош ирғаб, рози бўлди.

Шундан сўнг «бўйрачи ота» дарров болаларни белбоғларидан тутқазиб, курашга солиб қўйди. Улар бир-икки дақиқа чапдастлик билан бир-бирларининг елкаларига иякларини қадаганларича билак кучлари орқали таналаридаги қувватни синаб кўрган бўлишди.

Кейин шиддат-ла йиқитиш пайига тушиб кетишди. Мардонали дегани анойилардан эмас экан.

Катталардай оёқларини кенг ёзиб Бобурбекнинг белига канадай ёпишиб олганча, ўмганини кўтартиргани қўймасди. Амирзода аввалига рақибини ўнг елкаси билан бир-икки ниқтаб, унинг белини тиккаламоқчи бўлди, бироқ осон бўлмади. Бор кучини ишга солиб ердан узиб олмоқчи бўлгандай, икки-уч бор пайдар-пай ўзига тортиб кўрди, бироқ рақибининг қуввати ҳам, тажрибаси ҳам жойида эканлиги сезилиб турарди. Атрофдагилар эса улардан кўз узмай, қўлларини юқорига кўтарганларича: «Ҳа, Бобурбек! Ҳа, Мардонали! Бўш келманг!» деб хайқаришар, лекин уларнинг назарида бирортасининг ҳам қўли баланд келмаётгандай эди.

Худди шу пайт айланма йўлдан халлослаганча Алп Баҳодир етиб келди. Улар бир-бирларига чирмашиб олганини кўриб, капалаги учиб кетганидан, нима гаплигини тушунолмай, ёқалашаётганмикинлар деб ўйлади.

Қўлларини белбоғларда кўргач, Абдуллоҳни четга тортиб, ўта жиддий оҳангда:

– Ким ружсат берди бунга? – деганди, ундан:

– Ана бу тағойи ташкил қилдилар, кейин Амирзодамнинг ўзлари ҳам рози бўлдилар, – деган жавобни олди.

Куюкиб яна Абдуллоҳга қараркан:

– Устазода! Нега сиз тўхтатиб қолмадингиз ёки аввал ўзингиз тушмадингиз? Амирзодамга садоқатли дўст бундай қилмайду! – деган дашномлари уни ҳижолат қилиб юборганидан товонигача қизартириб ташлади.

Абдуллоҳ ҳам (ҳалол, бир сўзли инсон устазода отаси Муҳаммад Абдул Мусога тортганидан) болаларча тўғрисиўзлик билан ўзини оқларкан:

– Устоз! Амирзодамнинг у пайтдаги шижоатларини кўргонингизда эрди, сиз ҳам тўхтата олмагон бўлурдингиз, – дея олди, холос.

Хуллас, гишт қолипдан кўчган экан. «Бўйрачи амаки» курашга қизиқиб кетиб, даврага Алп Баҳодирнинг келиб қўшилганини ҳам сезмади.

Бу пайтда полвонлар жон-жаҳдлари билан бир-бирларини ердан кўтариб олиш пайида рақибларини ўзларига тортиб тиккалашиб қолгандилар.

Улар кичкина вужудларидаги бор қувватларини ишга солганларида ҳам томошабинлар тасавурида гўё кучлар нисбати барибир тенгдай эди.

Аслида, Амирзоданинг қурч вужудида гуштгирлик ва шарқона яккакураш илми машқларидан олган тажрибалари анчайин салмоқли бўлганидан ўзини хотиржам тутар, рақибини жон-жаҳди билан уни енгиш учун чиранаётганганига сабр билан қўйиб бериб турарди.

Энди фақат усул, озгина бўлса ҳам тажрибани ишга солиш кераклигини билиб турган Бобур Мирзо ташаббусни қўлга ола бошлади. У бир-икки алдамчи ҳаракатдан кейин шиддат билан аввал чапга сўнг ўнгга ўтирилиб, рақибини ён-

бошга чиқариб олди-да, ағдариб ташлади. Икковлари ҳам юмшоқ ўт устига бирин-кетин тушиб, қуритиш учун тўшаб қўйилган қамишлар устига-ча думалаб бордилар.

Терга ботган Амирзода бир сакраб туриб, яктакларини ўнглаётган эди, тирсагини қамиш тири кесиб юборган экан. Бир пайт ўша жойдан қон чиқаётгани кўришиб қолди. Томошабинлар ҳеч нарса билан иши йўқ: «Ҳалол», «Ҳалол» деб, бақиримоқда эдилар.

Алп Баҳодир қонни кўриб кўрқиб кетганидан, шоша-пиша дастрўмолини чиқариб, шарт иккига бўлди-да, қошларини чимирганча Бобурбекнинг кесилган жойини боғларкан:

– Тоғай! Бу ишни кимнинг рухсати била ташкил қилдингиз? – деб бўйрачи амакига қараганди, у хотиржамлик билан:

– Тақсир, ахир ўтул бола деган шундай қилиб, олишиб, курашиб катта бўлади-да, – деди. Бироз саросимада қолган Алп Баҳодир бўйрачи отани ёнига имлаб, қулоғига секин бир нималар деб қўйди.

Ана ундан кейин кўринг «томоша»ни! Бояқиш бўйрачи амаки қай аҳволга тушиб қолганини тасвирлашга каминанинг қалами ожизлик қилса керак.

У бирдан, бор овоз билан:

– Ал деб юборганди, бутун тўқайзор «жаранглаб» кетди! Сўнг: «Худо ҳаққи, ўлай агар, билганим йўқ!!!» – деб ўзини қўйгани жой тополмай қолди...

Икки қўлини кўксига қўйганча бош эгиб Алп Баҳодирдан кечирим сўради. Кейин югуриб бориб, Бобурбекка тазарруъ қиларкан:

– Жаноб Амирзодам! Худо ҳайрингизни берсун, бу қилгон номаъқулчилигим Олампаноҳнинг қулоғига етиб бормасун, – деб ўтинарди. Кап-

катта одамнинг забунлик билан қилаётган илтижосидан ҳижолат бўлиб кетган Бобурбек:

– Тағойи! Кўп андиша чекмангиз, сизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ! – деса ҳам, ўзини босолмай у ёқдан, бу ёққа юрар, нималар деяётганини уқиб бўлмасди. Бир пайт шарт ўтирилди-да, воз этиб тўқайга кириб кетди. Бир зум ўтмай, у ердан: «чарс-чурс» этган товушлар кела бошлади. Бундан ҳайрон бўлиб қолган Алп Баҳодир нима гап эканлигини тушунолмай, «гаранг» ҳолда турган Мардоналини чақириб:

– Боринг, болажон! Қиблагоҳингизга айтингиз, бундай номаъқулчиликни қайтиб такрорламасинлар! Меҳмонлар сизни бутунлай авф этибдилар, – деди.

Полвонча югургилаб тўқайга кириб кетиб, дарров қайтиб чиқди-да, «айтдим» деди.

Бобурбек «рақиб»и Мардоналига самимий қўл узатаркан:

– Тинч-омон бўлинг биродар, Аллоҳ насиб этса сиз била яна кўришурмиз! – деб хайрлашди. (Тангрининг «ўйини»ни қарангки, келгусида Мардонали, буюк саркарда – Бобур Мирзонинг энг садоқатли навкарлари қаторида то Деҳлига қадар, унга қалқон бўлиб боришлиги танҳо Ўзидан бўлак ҳеч кимга аён эмасди)

Ҳандалак сайлига чиққанлар кураш майдони тарк этаётганларида ҳар тутул ҳамма нарса ўз жойига тушиб қолганди.

* * *

Улар жарлик тагидаги сўқмоқдан жимгина юриб бориб, тепага чиқиш жойининг нарироғидан оқиб чиқаётган катта булоқ сувидан аввал тўйиб-тўйиб ичишди, кейин чанг, тупроқ иниб кетган дала либосларини ҳам ечмай, қий-чувлашганларича

ўзларини муздеккина, роҳатбахш сувга отдилар. Бир-бирларига сув сочиб ўйнашдилар, мириқиб чўмилишдилар.

Ҳатто «Сувга шўнғиб, сув тагида ким узоқ тура олади?» деган мусобақа ҳам ўйнаб олишди. Ҳовурларидан тушиб ҳозиргина бўлиб ўтган воқеаларни бир зумдаёқ хаёлларидан чиқариб юборган шодон, беғубор болаларни кўриб устознинг ҳам кўнглига ёруғлик тушгандай бўлди. Болалар бир муддат офтобда қуринишгач, пайкал томон йўл олдилар.

Ниёз бобо меҳмонларни қапада сабрсизлик ила хавотирда кутиб турган экан. Улар келишлари билан, бобонинг кўзи устозга тушгач:

– Андак ҳаяллаб қолдинглар, атрофни яхши тафарруж²¹ этиб келдингларму, тақсир? – деб сўраганди, у: – Ҳар ҳолда ёмонмас бобожон, баъзи бир тафсилотларини Амирзодамдан сўрагонингиз маъқул, – дея шогирдига қараб, енгил киноя билан мийиғида жилмайиб қўйди.

Бобо Бобурбекнинг боғланган билагига кўзи тушиб, дарров ёнига келиб, кўриб қўймоқчи бўлувди, «Ҳеч нарса эмас, бобожон, андеша чекмангиз», – деб шикастланган жойини кўрсатмади. Бу захм, Кажрафтор Чархнинг Бобур Мирзога атаган, юзлаб дарду шикастлар шодасидан мурғаккина жисмига тушган биринчи чандиқ эди, холос.

Сайр таассуротларини мухтасар қилиб Або-бакр сўзлаб берди. Ҳаммалари бу қисқа саёҳат пайтида бўлиб ўтган қизиқарли воқеаларни эшитиб, ўзларини тўхтатолмай, хоҳолашиб кулдилар. Айниқса, бобонинг икки набирасига бўлиб берди. Қоринларини ушлаганларича думалашиб юриб кулдилар.

²¹ Тафарруж – сайр, томоша.

Эҳтирослар босилгач, бобо Али бўйрачининг ёшлиқда таниқли полвон бўлганини, бу депарада биров унинг курагини ерга теккиза ололмаганини, қайси бир йили шаҳардаги Наврўз сайилларида, Подшо ҳазратларининг ўзлари ҳам, бу йигитнинг кураш тушганини томоша қилганлигини, унинг ютуқларидан қувониб кетиб, бир учқур от билан мукофотлаганини айтиб берди. Кенжа ўғли Мардоналининг ҳам ҳозир тенгқурлари орасида энг иқтидорли полвон бўлиб етишиб келаётганини таъкидлаб, охирида, бўйрачи полвонни «яхши ҳунарманд, содда, солиқ инсон», – деб мақтади. Кейин:

– Кечирасизлар, жаноблар! Гап билан андармон бўлиб сизларни дастурхонга таклиф этишни ҳам унутибмен, қарилик қурсун, узр, узр... – деганча набираларига қараб қўйганди, каттаси дарҳол меҳмонларнинг қўлига сув қуйди, кичиги сочиқ тутди.

Улар айвон тўрисиغا безаб қўйилган дастурхон атрофидан жой олдилар.

Ниёз бобони тўрға чиқиб ўтиришга ҳар қанча зўрламасинлар, у кўнмай:

– Улуғ меҳмонсизлар, сизлар бемалол ўтиб ўтиринглар, мезбоннинг ўрни шу ер, – деб пойгақдан жой олди.

Нонлар ушатилиб, бир пиёладан чой ичилгач, аввалига думбул солинган шўрва тортилди. Зиёфат охирида ҳаммалари ютқазган ўзи танлаган ҳандалакни охиригача ейиш шарти билан ширинак ўйнашдилар.

Бир дўнг ҳандалакдан ҳар ким навбат билан ўзига бир донадан танлаб олди-да, Ниёз бобо ҳакамлигида кимнинг ҳандалаги ширинлиги аниқланди. Бобо ҳассаси учининг салгина ёрдами билан бу мусобақада ҳам Бобурбек ғолиб чиқди.

Тановулдан сўнг ёшлар алоҳида, катталар алоҳида бўлиб, соябондаги супачаларда ўзаро суҳбатлашиб ўтирдилар. Гапнинг орасида устоз бобога икки савол билан мурожаат қилиб қолди.

– Бобожон, ёшингиз нечага чиқди, деганди у оппоқ соқолини тутамлаганча:

– Нима десам эркан, мен ўзумни жуда бахтли инсон санаймен, – деди ва ўнг қўлининг кафтларини ёзиб Бобурбекни кўрсатаркан:

– Сабаб, Амирзоданинг буюк бобоколони, соҳибқирон Амир Темур Ҳазратларининг ўғли – ҳоқони Саййид Шоҳруҳ Мирзо бирла замондош бўлганмен! Соҳибқирон боқий дунёга рихлат қилган пайтларида эса мен беш яшар бола бўлган эканмен, дея гурурланиб қўйди.

Иккинчиси, шу атрофда буданалар кўп бўларкан, деган саволингизга келсак, тўғри айтадурсиз, дея пайкалнинг пайнов тарафига ишора қилиб:

– Бир чақирим нарида Ўринбой деганининг бедапояси бор. Сайроқи қушлар ана ўша жойда бисёр, – деган жавоб Бобурбекда қизиқиш уйғотиб юборди чоғи ўтирилиб устозига қаради-да:

– Устоз, бобомиз айтаётган жой бу ердан олис эмас эркан, бизларни ўша жойга олиб боринг? – деб қолди.

Бугунги саёҳатда кўзда тутилмаган йўналиш бўлса ҳам, устоз Амирзоданинг раъйига қарши турсолмади. Туриб ҳаммалари таёқларини қўлларига олдилар-да, бедапоя томон жўнадилар.

Хайрият, бу сафар ҳалидан бери Бобурбекларга қўшилиб олгилари келиб, бироқ очиқ айтишдан истиқола қилишиб маъюсланиб юрган бобонинг иккала набирасини ҳам ўзларига ҳамроҳ қилиб олдилар. Улар ғажарчи-набиралар етовида қирғоқларини қалин ўт босган, лиммо-лим сув

оқаётган ариқ ёқалаб бедапояга етиб келганларида, узоқдан куйиб-ёниб сайраётган бир неча бедананинг «питбилдиқ, питбилдиқ» деган хониши эшитилиб турарди.

Болалар ўзаро чуғурлашиб келишлари ҳамон қушлар овози тиниб қолди.

Набиралар катта жийда дарахти соясидаги баланд ўтларни оёқлари билан текислаб, ҳамма учун ўтиргани жой ҳозирладилар ва меҳмонларни шу ерга ўтиб ўтиришга таклиф қилдилар. Бир зум ўтиб, бедазор ичидан қушларнинг яна навбатманавбат бор овозлари билан таратаётган хонишлари кела бошлади. Баъзида икки-учта бедана бирданига сайрашар, айниқса, Бобурбек уларнинг ёқимли, шўх, жарангдор овозини кўзларини юмиб олиб, мазза қилиб тингларди.

Сайрчилар анчагача қушлар ноласига маҳлиё бўлиб, чурқ этмай ўтирдилар. Кейин устознинг таклифи билан ўринларидан туриб, қайтамиз деб туришганди, узоқда, даланинг нариги четида, учтўрт киши қўлларида катта тўр билан бедана овланган юрганларига кўзлари тушиб қолди.

Овчилар билан бир суҳбатлашайлик, деган мақсадда чақириб келиш учун устоз Алп Баҳодир катта набирани уларнинг олдида вакил қилиб жўнатди. Болакай топшириқни олибоқ чавандозлардай таёғини «От» қилиб миниб, улар томон «чоптириб» кетди.

Ҳеч қанча юрмасидан «чавандоз»нинг олдидан уч-тўртта шалпанг-қулоқчаларини етаклаган она қуён чиқиб, қалин ўтлар орасига кириб кетди.

Буларни кўрган набира, худди «оти»да туриб ушлаб оладигандай, улар томонга қўлини чўзиб панжаларини сиқимлаб қўйди.

Бу манзарага биринчи бўлиб нигоҳи тушган Бобурбек:

– Ана, Товушқон! Товушқон! – деди завқ билан. Бошқалар ўзлари билан ўзлари бўлиб, бу ҳолдан бебаҳра қолгандилар.

Ҳеч қанча ўтмай, набира, йирик-йирик канопплардан тўқилган катта тўр қопда анчагина ўлжалари билан сайёдларни бошлаб келди. Маълум бўлдики, эртага шу қишлоқлик Олчинбек бойвачча дегани зиёфат бераётган экан. Марғинондан унинг қадрдон дўстлари ташриф буюраётганлиги, шикор шу сабабдан ташкил қилинганлигидан ҳам хабар бердилар.

Тўр қоп ичида бир-бирларининг устига чиқиб кетаётган бунча кўп беданани бир жойда кўрмаган Амирзоданинг кўзлари шошиб қолди.

Овчилар меҳмонларнинг (кимлар эканлиги албатта сир тутилди) шаҳардан чиққанликларини билиб беданалардан бир-нечтасини «Олинглар, болалар» деб, шиरोлға қилишаётганди, Амирзода миннатдорчилик билдириб, тортиқни олмади. Буни кўрган дўстлари ҳам: «Раҳмат, жаноблар!» – деганларича миннатдорчилик билдириб тухфага қўл чўзмадилар.

Бобурбекнинг кўнглидаги мақсад, муддао бутунлай бошқа: қандай бўлмасин овни кўриш, руҳсат берсалар унда қатнашиш эди. Алп Баҳодир шогирдининг ҳиссиётларга тўла кўзларига тикиларкан, унинг нимани хоҳлаётганини фаҳмлаб турарди. Шу сабаб Бобурбекнинг кулоғига секин бир нималар деди-да, бориб уларнинг каттасини чеккага тортиб, мақсадни тушунтирди.

Қишлоқ одамлари эмасми: «Ҳеч қандай муаммо йўқ, жаноб, бажонидил», – деган жавобни эшитган Амирзоданинг қоп-қора кўзлари порилаб кетди. Овчиларнинг каттаси Бобур Мирзони ёнига чорлаб, шикор тартиби билан қисқача таништириб қўйди. Амирзодага тўрнинг этак

қисми – «чиндовул»²² топширилди. Катта овчи, шериги ва Амирзодалардан ташқари ҳамма ўша жойда қолиб, улар бедазор ичкарасига қараб йўл олдилар. Имкон қадар энгашганларича худди жангга кириб бораётган пиёда навкарлардай ҳаракатлар қилишиб овоз чиқаётган тарафга шарпасиз одимлаб боришарди. Ҳамманинг кўзи уларда.

Бобур Мирзо ҳам худди бу юмушни аввал ҳам бажариб юрган одамдай, бутун вужуди билан шикорга берилиб кетганди. Улар бир жойга боришганда тўхташди. Ўша атрофда бир неча беданани навбатма-навбат тинмай сайраётгани шу ерғача эшитилиб турарди. Яқин бориб қолган овчилар пўйлаб туриб, уларнинг устига тўрни тортиб юбордилар. Ўз овозларидан, ўзлари маст бўлиб қолган қушлар тепаларига тўр келиб тушганини ҳам сезмай қолгандилар.

«Қопқон»га тушган беданаларни назоратдан қочирмай, тўрнинг чеккаларини қимтиб турдилар. Илинган паррандаларни тутиб чиқиш вазифаси Амирзодага топширилди. Бобурбек чаққонлик билан тўрнинг тагига кириб бир зумда иккала беданани ҳам ушлаб чиқди.

Хуллас, Бобурбек учун биринчи ов анчайин жозибали ўтганди. Бир тортишда икки қуш! Ажойиб натижа. Шикор бароридан келганидан, сайёдлар келишувга мувофиқ Амирзодани кузатиб қўйишаркан: «Омадли, абжир бола экан!» – деб мақтаб қўйишди устозига.

Ҳаммалари шодон чақчақлашганларича қапа томон йўл олдилар. Бобо ёнига келганларида билишди, овчилар Амирзодага сездирмай, набираларнинг қўлига биттадан бедана тутқазиб қўйишган экан.

²² Чиндовул – қўшиннинг қўйруқ қисми.

Азиз меҳмонларнинг юзларида барқ уриб турган севинч аломатларини кўрган Ниёзбобонинг ҳам кекса кўнгли яна ҳам чоғ бўлиб кетди.

Бугунги саёҳатдан, сайилдан, шикордан, айниқса, Бобур Мирзонинг қувончлари ичига сиғмасди:

– Пошшо бувим келганларида буларнинг ҳаммасини албатта сўзлаб берамен, – деб кўнглига тугиб қўйди.

Сафар қариб қолганди.

Ниёз бобо меҳмонларга кечки овқатни бирга тановул қилайлик, деб астойдил таклиф қилса ҳам: «Тезроқ қайтишимиз керак, шомға қолмай саройда бўлишимиз буюрилғон, хавотир оладилар!» – деб кўнмадилар.

Бобурбеклар устоз Алп Баҳодир бошчилигида Ниёз бобо билан хурсанд хайрлашиб, аравадан ўз жойларини эгаллашгач, тизгинни маҳкам тутган Бойқосим Буқонинг биргина: «Чу, жониворлар!» дейиши билан, йўлга шай турган отлар аста-аста босиб, салобатли араваларни бир зайлда тортиб кетишди.

Иккала қўлини кўксига босганларича мунрайишиб, жимгина уларга тикилиб қолган набираларнинг мутаҳҳар кўнгилларидан нималар кечди экан? «Амирзодамизни яна қачон кўрар эканмиз?» деган фикр ўтдими ё унинг танти, ёқимтой феъл-атворини кўриб меҳрлари тушиб қолдими, ҳар ҳолда маънос кўзлари қизаринқираб қолганди.

Меҳмонлар ўша таркибда, ўша тартибда қишлоқнинг ўртасидан ўтган, тупроқ йўл устида бир маромда тебраниб ўтаётганларида, Қуёш баланд дарахтлар ортига беркиниб, атрофда енгил, кечки шаббода эса бошлаганди.

Алп Баҳодир ораста қилиб супирилиб, сувлар сепиб қўйилган қишлоқ гузаридан ўтиб бораётганларида йўлнинг икки тарафини эгаллаб олган

болалар, ёш-яланглар, юзларини рўмолларининг учлари билан хиёл тўсиб олган қиз-жувонларни кўриб аввалига «Нима гап экан?» деб, ҳайрон бўлиб турганди, Бойқосим Буқо: «Амирзодамни кўрғони чиққанлар!» деб изоҳ берди.

Улар аравалар сафи яқинлашаётганларини кўриб, жонланиб қолишди. Одамларга кўзи тушган Бобур Мирзо олдидаги ҳашамдор барқут пардани бир четга суриб қўйди-да, энсизгина йўлакчага чиқиб халойиққа бир неча бор бош эгиб, ҳар икки тарафга ҳам ҳурмат билан таъзим бажо келтирди.

Уларнинг шодон ғала-ғовурлари ичидан: «Қаранглар! Қаранглар! Ана, валиаҳдимиз! Валиаҳдимиз!» – деган хитоблар, Бобур Мирзони аввал кўрмаган қиз-жувонларнинг: «Ажаб хушрўй йигитча эканму?!» – деган илиқ дил сўзлари аниқ эшитилиб турарди.

Кўп ўтмай, подшоҳ саройининг соябонли аравалар сафи Андижонсойнинг ёғоч кўпригидан ўтиб, шаҳар ҳудудига кириб келди.

Сарой дарвозаси олдидаги бош майдонга туташ катта тош йўлда соябонли араваларни виқор билан тортиб келаётган отлар туёқларидан чиқаётган тантанавор садоларни эшитган соқчи кафтдек туйнукчани қия очиб, ташқарига мўралади.

Таниш отлар, салобатли аравалар яқинлашаётганига кўзи тушгач, илдам юриб хонадан чиқди. Бойқосим Буқонинг баланд овоздаги ўрон²³ сўзини уқиб, дарҳол қалин темир зирҳли, нақшиндор дарвозани очишга тутинди. Саф арк ичига кириб бораркан, Бойқосим Буқога кўзи тушган соқчи қизиқиб: «Сайил қандай ўтди?» – деган маънода унга қарата иягини ун-

²³ Ўрон – белги (пароль).

сиз кўтариб қўйганди, у ҳам узун «бузоқбоши» қамчи ушлаган ўнг қўлининг бош бармоғини кўтариб, «Алло!» деган ишора билан жавоб бериб қўяқолди.

Саф арк ичидаги майдончага келиб кўнди. Амирзода аравадан бир сакраб тушиб, атрофда қўл қовуштириб турган мулозимларга ҳам ортиқча эътибор бермай, уларга қараб енгил бош эгиб қўйди-да, устози билан хайрлашиб, волидайн муҳтарамасининг ёнларига шитоб юриб кетди. Ҳашаматли равоқ чорпоясида Қутлуф Нигорхоним ҳам кўзининг оқу қораси – қуррат ул-айнини²⁴ сабрсизлик билан кутиб ўтирарди... Узоқдан Бобурбекнинг қорасига кўзи тушган она ўғлининг истиқболига пешвоз чиқишга шошилди.

Она-бола бир-бирларини худди бир неча кун кўришмагандай дийдорлашдилар. Қутлуф Нигорхоним ўғлининг саратон офтоби билан адир шабодасида бироз қизариб, товланиб қолган юзларига боқаркан:

– Сайил яхши ўтдиму? Иссиқ толиқтириб қўймадиму, болажоним? – деганди:

– Ҳаммаси яхши бўлди. Дўстларим бирла хўп мазза қилдук! – деди завқланиб.

– Қорнингиз ҳам очғондур? Ҳозир шарбат буюрамен, кечки тановулни эса бирга қилабиз. Эгачингиз ҳам сабоқ олаётгон жойидин: «Мирзо қайтдиларму?» – деб уч-тўрт сўрадилар. Сизни келса чўмилади деб, гармобани ҳам тайёрлатиб қўйгонмен, либосларингизни алмаштириб чиқсангиз, бир пасда тушуб чиқасиз, – деди меҳрибонлик билан.

– Хўп, онажон, аввал мен бориб қушларимдин, палангчаларимдин хабар олиб келай, – деганча

²⁴ Қурратул-айн – кўз қорачири, суюкли фарзанд.

ҳайвонот боғчаси томон чопис кетди. Унинг ортидан Кутлуғ Нигорхонимнинг:

– Мирзом, кўп ушланиб қолманг, мени муштоқ қилиб қўясиз, деган илтижосига йўл-йўлакай: «Бир зумдаёқ қайтамен, аяжон!» – деган жавоби эшитилди.

* * *

Она-бола, эгачиси Хонзодабегим – учовлари кечки дастурхон атрофида бирга бўлдилар. Таомдан сўнг садарайхонлар барқуриб, хушбўй ҳидлари таралиб турган катта тошҳовуз бўйидаги нақшинкор чорпояда бир-бирларининг меҳрларига тўйиб (Бобурбекнинг туриб кетишларига изн беришмай) анча вақт суҳбатлашиб ўтирдилар. Улар суҳбатининг бош мавзуси – бугунги ҳандалак сайлининг тафсилотлари хусусида бўлиб, Хонзодабегимнинг сайл қандай ўтганлигини билиш учун берган бир тўп саволлари асносида ўтди. Бобурбек бўлиб ўтган воқеаларни, сайилнинг тафсилотларини сўрашганда, фақат меҳрибонларгагина айтиб берадиган қисмини айтиб, кўп жойларини ошкор қилишни маъқул кўрмай, «сир»ни сирлигича қолдириб қўя қолди.

Хонзодабегимнинг: «Далада қандай жонзотлар кўрдинглар?» – деб берган саволига: «Дастлаб тулки, кейин эркемар, товушқон, беданалар», деган жавоби қониқтирмай, «Яна-чи?» деб сўрагани, Бобурбекнинг: «Бир тўп ҳандалак ҳам кўрдик», – деган жавобидан ҳаммалари мириқиб кулишди.

Умаршайх Мирзо давлат ишларидан ҳоли бўлиб, бироз кўнгилхушликдан сўнг, ҳарамга қайтганларида Амирзода бугунги кун зўриқишларидан чарчаб ухлаб қолган эди. Подшоҳ

ҳазратлари ўғлини кўриш учун, шарпасиз, аста юриб, унинг хос хобгоҳига кириб борди.

Бобурбек ўзининг нақшиндор кўшида ширингина уйқута кетган эди. Қўлидаги китобини бир-икки саҳифа ўқиган бўлса керак, келган жойига хатчўп қўйишга ҳам улгурмабди. Ота тахт ворисининг ёқимтой чеҳрасига меҳр билан тикиларкан, фонус шуъласи тушиб турган қизғиш ёноқлари бугунги сайилнинг анчайин жозибали ўтганлигидан далолат бериб турарди. Умаршайх Мирзо энгашиб эҳтиёткорлик билан Бобурбекнинг қўллари остида қолган китобни олди, очилиб қолган устига эса ҳарир чойшабини тортиб қўйди. Улар сайилдан қайтдимиди, йўқми, деб билиб келиш учун хали саройга икки бор иторчи юборганини ҳам хаёлидан ўтказди. Хайриятки, чиғаноридаги захм еган жойга кўзи тушмади.

Ҳукмдор хонани тарк этаркан, оталик меҳри жўшиб кетдимиди остонадан қайтиб, ўзлари ҳоли қолганда юракдан чиқариб, эркалатиб айтадиган сўзини пичирлаб, ўғлининг пешанасидан аста ўпиб қўйди...

ШИКОР

«...Сайхун дарёсининг Акси тарафи
даштгур. Оқ кийиги бисёр бўлур.
Андижон тарафи жангалдур.
Буғу-марал, қирғовул ва товушқони
кўп топилур, асру семиз бўлур.»

«Бобурнома»дан

1494 йил қаҳратон қиши Фарғона мулкида ўзининг қалин қорлари, қаттиқ совуқларию аччиқ изғиринлари билан одамлар ёдида кўп йиллар эса қоладиган бўлиб, ўтиб борарди.

Икки кундирки, қор гоҳ тезлаб, гоҳ бир оз секинлаб кеча шомдан бери эса бир маромда тинимсиз ёғиб турибди. Бутун борлиқни кўзни қамаштирувчи оқлик қамраб олган.

Шаҳарда ҳамма уюшган ҳолда уни кураш билан банд. Аввал томларни, сўнг йўлақларни қордан тозалаб қўйиш керак! Ким билади дейсиз, бу кетишда шундай ҳаво яна қанча ҳукмрон бўлиб тураркин. «Қиш – бекорчилик» десалар-да, бундай пайтларда хотиржамлик тарк этилади. Аслида, бу мавсум эл-улус учун она табиатнинг бир имтиҳони – ёзи билан унинг тадоригини ким қандай кўрди синов-бу!

Раият бундай катта қорларни, қаттиқ совуқларни биринчи кўришлари эмас, албатта. Маҳаллаларда, катта бозорлардан то кичик гузарларгача ҳар доимгидай ҳаёт қайнайди. Нонвойу косибни дейсизми, қассобу ошпазни дейсизми дўконлари тиним билмай ишлаб турибди.

Айниқса, қишнинг таровати болалар учун бўлди. Атрофдаги маҳаллаларда «қор бўрон» ўйнаётган, яхмалак отаётган ўсмирлар, ёш-яланг-

ларнинг шодон қий-чувлари, ғала-ғовурлари кечаси аламаҳалгача сарой ичкарасида ҳам қулоққа чалинади.

Подшоҳ саройида ҳам ўша қиш ташвишларини бартараф этиш учун қилинаётган саъй-ҳаракат авжида, ташқарига нисбатан бир қадар масъулияти, жозибаси баланд.

Қалъа ичи, Бош дарвоза олдидаги Катта майдон, подшоҳ ўтадиган асосий тош йўли имкон қадар очиб қўйиляпти.

Ерга ёруғ тушгани ҳамоно подшо ҳазратлари сарой кутволи²⁵ Муҳаммад Қавчинни ёнларига олиб, бутун Ҳисори Дарунни айланиб чиқдилар. Эшик орага муҳим ва керакли вазифаларни топширган ҳукмдор, унга ўз юмушларини бажариш учун изн берди-да, қалъанинг энг четига тушган отхона томон йўл олди.

Шоҳрухия ва Ўратепа орасида, оғаси Султон Аҳмад Мирзо билан бўлиб ўтган сўнги жангдаги мағлубият алами Умаршайх Мирзонинг руҳикайфиятини ҳаминқадар тушириб юборгани кечагидай ёдида. Омад юз ўгирдимиз, сипоҳу навкарлар орасида жанговарлик руҳи етишмадимиз, не бўлганда ҳам, ўша мағлуб – мухосаранинг бўлиб ўтганига ўн йилдан ўтибдики, уни ҳалиҳануз таҳлил қилиб, гоҳо-гоҳо кўнгил ойнасидан ўтказиб туради. Хотира ёзув эмас эканки, ўчириб қутулсанг! Ҳукмдор ҳаётида аламли, изтиробли дамлар эди ўшанда. Олампаноҳнинг дарз кетган кўнглини тунги базмлардаги чоғир ва маъжунлар тугул, ҳарамдаги гўзал маликалар ҳам ололмай қолганди.

Ахир, саваш Мирзонинг мулкгирлик дағдағасию бадмаошлиғи сабаб бўлиб ўтганди-да!

²⁵ Сарой кутволи – қалъа бошлиғи (комендант).

Салтанат жиловини шуур ва шамшир остида ушлаб туриш, бошқариш, аввало, ҳукмдор атрофидаги мавкибат аҳли аҳду садоқатига ва сипоҳу навкарларнинг жанговар руҳиятига бевосита боғлиқлигини, бунга эришмоқнинг бирдан бир йўли ҳар қандай вазиятда одамлар орасида бўлиш эканлигини янада чуқурроқ англаб, бу жабҳада шахсан ўзи масъул бўлган томонларини ўйлаб борар, шу боис, оёғи остидаги қорнинг мусаффо тонг ҳавосида таратаётган вазмин ғарчиллашлари ҳам қулоқларига кирмасди.

Йўлақда келаётган Умаршайх Мирзога кўзи тушган Ҳасан мирохур дарҳол қўл қовуштириб, таъзим бажо келтирганча унинг истиқболига пешвоз чиқди. Чорпо орасининг каллаи саҳарлаб ўз хизмат жойида эканини кўрган подшо сувсар мўйна бўркига инган қорни қоқиб, отхона айвонига ўтаркан:

– Мир Ҳасан! Кеча уйингга кетдингму ё отлар била қолдингму? – деди, мийиғида жилмайиб.

Олампаноҳнинг кайфияти андак «баланд» эканлигини кўрган Мирохур:

– Аълоҳазрат, замҳарир²⁶ қишнинг авзойи кўриниб турадур. Қор тўхтаётган демайдур, совуқ ҳам аламжон тутқон. Шундай ҳавода бир кеча, икки кеча жониворлар ёнида бўлмасак, бизларга мирохурлик чикора, – деди масъулият ҳисси билан.

Унинг жавобидан, бу ерда бажарилаётган бартартиб ишлардан, саранжом-саришталикдан мамнун бўлган Умаршайх Мирзо икки уч ахтанинг узун шоти қўйиб, эпчиллик билан баланд ғарамдан беда тушираётганига кўз қирини ташлаб қўйди-да, аста босиб фақат ўзигагина хизмат

²⁶ Замҳарир – қаҳратон, қаттиқ совуқ.

қилувчи отлар сақланадиган махсус бўлмага ўтиб борди.

Ичкаридан қуритилган пичаннинг киши кўнглини яйратувчи хушбўй ҳиди димоққа урилди.

Қатор бошида турган ашқор «Боджон» ўз эгасини таниб, «қурт-қурт» қилиб, суйиб чайнаётган бедасини ҳам ташлаб, охурдан бир силтаб бошини кўтарди-да, қалин ёлларини силкитганча кишнаб юборди.

Ҳукмдор жилмайганча бориб, отнинг текис пешанасидаги оппоқ холини меҳр билан силаб кўйди. (Ахир у олампаноҳнинг жанговар дўсти-ку! Оддий от эмас, жанг кўрган от! Тўғри, бир галаба нашидасини, бир мағлубият аламини бирга тоттишган.) Кейин бир оз нарида тавозеъ билан турган Ҳасан мирохурга ички қониқиш билан юзланиб:

– Эртагалик шикорға булардан қай бирини тавсия қиласен, Мир? – деб сўраганди, у бир зум сукут сақлаб турди-да:

– Менга қолса, аълоҳазрат, Оқ дўнонни миниб, захирасиға «Қора булут»ни олғонингиз маъқулмикин, – деди.

– Нега?

– Нега десангиз, аълоҳазрат, бу арғумоқларда чопмағонингизга ҳам анча бўлибдур. Отлар юракдагиларини айта олмасалар-да, бироқ, сизнинг хизматингизни бажаришни жуда-жуда орзулашғон. Аввало, сиз нима десангиз шу. Қолаверса, подшоҳим, еттов отингиз ҳам тавсан отлар! Бири-биридан учқур!

«Ахир, қанча суюкли бўлмасин, бир хотинингиз билан доим бирга бўлишлик адолатдан эмас-ку», демоқчи бўлганди, тилига чиқаришга истиҳола қилиб, ўз гапидан ўзи жилмайиб қўя қолди.

Ҳукмдор отхонани тарк этаркан:

– Майли, сен айтгонча ҳам бўлсун! Дарвоқе, «Тойқосим» кўринмайдур? – деди чиқа туриб.

Мирохур шошиб:

– Ҳа, аълоҳазрат, бояқиш устахонада араваларнинг гутчақларини ёғлаш билан банд эди, бирор юмуш бўлса чақиртирайинму? – деганди, Умаршайх Мирзо:

– Йўқ, кейин! – деганча ташқарига юрди.

Айвонда ҳукмдорни қандайдир хабар етказмоқчи бўлиб турган сарой иторчиларидан бири сабрсизлик билан кутмоқда эди.

* * *

Бугун тонг саҳардан Бобурбек ҳам ўз ўрнида эмас. Деразадан қорнинг кўплагини кўриб қувониб кетганидан апил-тапил бет-қўлларини ювди-да, ҳеч кимга сездирмай ташқарига отилди.

Кичик тошҳовуз бўйидаги майдончада (ўзи ёқтирган машғулотлардан бири) «Ҳарбий истехком» қуриш учун қор тўплашга тушиб кетди. Файрати жўшиб ҳаш-паш дегунча саҳндаги ҳамма қорни думалатиб, катта-кичик тўпчаларга айлантириб қўйди. Катталардай кўзлари билан чама-лаб майдоннинг ўртасига белги ўрнатди, йирик тўпларни доира шаклида зич қилиб «иншоат»нинг пойдеворига қўйиб чиқди. Қўлидаги ўзи ясаб олган андавага ўхшаш тахтачасида аввал тепасини, сўнг ён-атрофларини эринмай текислади. Кейин кичикроқ қор думалоқларини олиб унинг устига ҳафсала билан тахлаб, «қалъа»нинг атроф деворларини тиклай бошлади.

Ўзи икки кундан буён оғриб, азоб бераётган тишига кеча тунда саройнинг хос ҳақими, ҳозиқи табиб – Абдумалик Боқининг энг мукаммал муолажаси ҳам фойда бермагач, Пошшо бувининг розилиги билан олиб ташланди-ю, Амирзода-

нинг кўзлари ярқ этиб очилди, қолди. Иродасининг мустаҳкамлигидан, табиб олдида ақалли «вой!» деб қўймади. Аслида, Амирзодани суннатга ётқизганларида ҳам чурқ этган эмас.

Бомдоддан кейиноқ ўз хонасида, яқинда сарой кутубхонасига Ҳиротдан келтирилган бир дастаянги китоблар орасидан танлаб олган ҳазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони мутолаасига тушиб кетган Хонзодабегим, китобдаги воқеалар гирдобига шу қадар кириб қолдики, хизматкор қизнинг икки бора «Маликам, сизни нонуштага чиқишингизни сўраяптилар» деган таклифи ҳам қуловига кирмади.

* * *

Бобурбек ясаётган «ҳарбий истеҳком» деворларининг бўйи бир қулочга етиб қолди. Яна кўтариш керак! Бир ўзи яккалик қиляпти. Ишнинг залворидан терлаб-пишиб кетган. Бадани қизиби, эғнидаги қундуз ёқа калта пўстинчасини ечди, ёнига қўйиб устига бир зум ўтирди-да, сувсар мўйна бўркини бошидан олди. Амирзоданинг қоп-қора, тўлқин-тўлқин бўлиб кетган сочлари орасидан оппоқ ҳовур кўтарилиб турибди. Бир оз сув ичгиси келиб, рўпарадаги бинонинг бўғотида осилиб турган қатор шаффоф сумалаклардан бир нечасини қор билан уриб туширди. Тиш оғриғи берган азоблар ҳали ёдидан кўтарилмаган экан, уларни қўлига ҳам олмади.

– Қорни яна тўплаш керак, кўтариш керак! – дея кўнглидан ўтказди. – Бу баландликдаги девор қалъа учун етарли эмас! Ҳеч бўлмаганда, ҳозиргига икки баробар кўтарсам, унда бир нав.

Шуларни ўйлаб, ўрнидан ирғиб турувди ҳамки, Хонзодабегимнинг узоқдан куйинчаклик билан чақираётган овози эшитилди.

– Бобурбек-у, ҳу, Бобурбек!

Опажониси тез юриб келди-да, иниси қилган ишларни кўриб капалаги учиб кетди.

– Вой-буй! Бу қўрғонни ким қурди?!

– Мен десам, ишонасизму, опажон? – деди жиламайиб.

– Ахир, кечкурун бетоб эдингиз-ку! Ҳеч кимга билдирмай совуққа нега чиқиб олдингиз?! Пошшо бувимлар билиб қолсалар, биласизму, сизни нима қиладилар?! – деди яна куйиниб.

– Сиз ифшо²⁷ этиб қўймасангиз бас, у киши билмайдилар.

Хонзодабегим бир оз юмшаб:

– Агар у киши билмасликларини хоҳласангиз, филҳол олдимға тушинг!

– Хўп бўлади, опажон. Яна, ҳеч бўлмаганда, икки-уч қатор кўтариб қўяйин, сўнг.

Амирзоданинг феъл-атворини яхши билган эгачисининг ҳам болалиги тутиб кетдими ё кўмак бергиси келдими, инисининг ёнига кириб, у ҳам қор тўплашга киришиб кетди. Бир зумдаёқ «Иншоот»га қалъа кўриниши кириб қолди.

Бобур Мирзонинг кўнгли бироз таскин топиб: «Шиббалаш ишларини ҳали чиқиб қиламен», – деб мўлжаллаб қўйди-да, мўъжазгина қор қўрғонга ҳавас билан тикилганларича опа-ука ичкарига қараб йўл олдилар. Муюлишга етганларида Хонзодабегим тўхтаб, орқасига ўтириларкан:

– Мирзом! Биласизму бу қўрғонингиз узоқдан нимани эслатади?

– Йўқ, опажон, айтинг-чи?!

– Ахси қалъасини! – деб қўйди, Хонзодабегим ички ифтихор билан жиламайиб.

²⁷ Ифшо – ошкор.

Чошгоҳга бормай саройнинг Мирзо дарвозаси олдида ноғора ва карнай садолари янгради.

«Сурон»лар тингач, ўтқир унли Жакбар жарчининг отда юриб:

– Олампаноҳ шикор ихтиёр этдилар!

– Олампаноҳ шикор ихтиёр этдилар! – деган жарангдор овозаси узоқ-узоқларгача эшитилиб турарди.

Сал фурсат ўтиб, қалъанинг ҳайбатли Мирзо дарвозаси ланг очилиб, арк ичидан тавсан отларини гижинглатганларича бир гуруҳ суворийлар чиқа бошлади.

Саф аввалида, ўртада кенг яғринли, кўркам араби Оқ дўнон отида атрофини салтанатнинг кўзга кўринган беку амирлари ўраб олган ҳукмдор – Султон Умаршайх Мирзо кўринди.

Олампаноҳнинг белини олтин тўқа қадалган, энли сарғиш чарм камар сиқиб ушлаб турганига қарамай, йўғон, дум-думалоқ қорни эгарнинг қошигача ёпиб турибди. Совуқдан серсоқол юзлари лоладай қизариб кетган. Унинг ўнг тарафида садоқатли беклардан бири, қалин ўсиқ қошларига қор иниб қолган Ширимбек ўтиб боряпти. Эгарнинг қошини маҳкам тутган бек сал энгашган ҳолда ҳукмдорнинг қулоғига бўлиб ўтган қандайдир қизиқарли воқеани сўзлаб бераётган бўлса керак, олампаноҳнинг юзида ним табассум.

Бугунги шикорда қатнашишдан пинҳона бош тортганми, доимо Ҳукмдорнинг чап тарафини, суқилиб бўлса ҳам эгаллаб юрувчи, шоп мўйловли Аҳмад Танбалнинг қораси кўринмайди. Унинг ўрнини, бошига тулки мўйнасидан мўғулча бўрк кийиб олган, кўзлари айёрона қисик Шайх Мазидбек эгаллаган. Ундан кейин мошгуруч соқоли ёқимтой юзига ярашиб турган Хожа Ху-

сайнбекнинг чеҳраси кўринди. Унинг кайфияти бир қадар баландлиги, қайсидир қўшиқни паст овозда хиргойи қилиб бораётганидан ҳам билиниб турибди. Сафда Ҳасан Яъқуббек, Қосимбек қавчин, Вайс Лоғарий, Али Дарвеш ва бошқа бир неча бекларни таниб олиш қийин эмасди.

Хайрият, ана Амирзодага ҳам шикорда қатнашиш учун рухсат берилибди. Боз устига, олампаноҳнинг энг суюкли оти – ашқор «Боджон» устида ўтирибди.

От от бўлиб дунёга келибдики, подшоҳ ҳазратларидан бўлак ҳеч кимга миниш учун рухсат этилган эмас! Буни бўлғуси тахт ворисига бўлган улуғ ишончга ишора деб тушуниш керак!

Бобур Мирзонинг икки ёнида икки қадрдон дўсти: бири – кўлидаги чакас²⁸га бир жуфт шунқор кўндириб олган, қотмадан келган чувак юзли ёш қушчи Муҳиббали²⁹, ёнидагиси, лўппи кулча юзлари совуқдан қизариб кетган, жилмайганча қизик-қизик қангомалар сўзлаб бораётган (саройда жидди-ҳазил устаси, Хурсандбек тоғойининг ўғли) Абобакр.

Суворийларни ўктамлик билан элтиб бораётган салобатли отларнинг бурунларидан отилиб

²⁸ Чакас – ов қушлари кўниб турадиган ёроч кўноқ.

²⁹ Муҳиббали – тарихий шахс. Бобур Мирзонинг болаликдан қадрдон дўсти. Темурийзода ҳукмдор вафотидан кейин, буюк Бобурийлар империяси императори Акбаршоҳ, бобосининг улуғ дўсти деб билиб, у кишини Деҳқонининг ҳокими вазифасига тайинлади. Бу улуғ инсоннинг ёруғ дунёда қилиб ўтган ишлари бугина эмас. Ўша Муҳиббали – Низомиддин Али Халифани Форобий номи билан қуш овининг сир-асрорлари тўғрисида (XVI аср ўрталарида) дунёга машҳур «Бознома» деб номланган фундаментал рисола ёзиб қолдирган. Китоб Оврупода ҳам машҳур бўлиб, бир неча асрлар мобайнида, қуш ови ишқибозлари томонидан қимматли қўланма сифатида фойдаланиб келинган.

чиқаётган оппоқ ҳовур совуқ ҳавода кетма-кет, бир чапда, бир ўнгда ажойиб манзара касб этиб, ўша заҳотиёқ атрофга сингиб борарди.

Отлиқлар сафи «Катта бозор» майдони узра ўтиб бораётган эди.

Йўлнинг икки тарафида турган жами фуқаро филҳол таъзим бажо келтириб, аввало, подшо ҳазратларига, сўнг унинг атрофини ўраб бораётган аркони давлатнинг мавкибат аҳлига қулмуқ қилишга тутинди.

Саф ўтиб кетгач, такяхонада ўтирган икки каснинг ўзаро суҳбати кулоққа чалиниб қолди. Улардан бири:

– Қаранг, тақсир, бу дунёнинг ҳамма маишати подшоҳ ҳазратлари-ю, унинг атрофида юрғон мавкабларга экан-да! Кўнгиллари нима тиласа, шуни қиладилар. Мана, бутун шикор ихтиёр этибдилар, жўнаб кетяптилар, – деди. Шериги тушунган одам экан, унинг сўзларини маъқулламай:

– Йўқ, унсим, қисқа ўйлайдурсиз, фикрингизга қўшилмаймен... Аввало, давлатнинг, бутун юрт, эл-улуснинг тинчлик-омонлиғи-ю фаровонлиғи шу азаматларнинг уҳдасида! Кўриб турибсиз, бундай нотинч замонда юртнинг осойишталиғига кафолат йўқдур! Қолаверса, шикор ҳарбий машқ дегани, йигитнинг шижоатини ўткурлайдур.

– Кечирғайлар тақсир? Тўғри айтадурсиз, мен масаланинг бу жонибини мутлақо хотиримга келтирмабмен, – деб узр сўради.

Суворийлар сафи шаҳар ҳудудидан чиқишлари билан қор аста-аста секинлаб, охир тинди.

Шикор режасига кўра суворийлар аввал биринчи манзил қилиб Иламишнинг сўл соҳилига яқин жойдаги подшо ҳазратларининг ёзғи, кичик чорбоғига тўхталиши белгиланганди. Чорбоғ

дастлаб анча ичкарида, дарёга яқин жойда барпо қилинган бўлиб, бир неча йил аввал бўлиб ўтган катта тошқинда анча жойига зиён етганидан, берироққа, бирмунча хавфсиз жойга, яна ҳам шинамроқ қилиб қайта қурилган эди.

Бобурбеклар подшо ота бошчилигида шохлари қалин қордан эгилиб ётган, қуюқ дарахтлар ўраб турган чорбоғ ҳудудига кириб келганларида атроф саранжом-саришта қилиниб, ёзги катта айвон атрофлари, йўлаклар, то дарвоза ташига қадар қордан тозалаб қўйилган экан. Улар билан кетма-кет, қушбеги ва қўрчилар тасарруфидаги, ов қуроллари, ўқ-ёйлар солинган садоқлар юкланган аравалар, кўчма матбах анжомлари, баковул ва бовурчилар, сафнинг чиндовул қисмини эгаллаб, ўнга яқин зотдор този итлари билан бош сағбон Қобил совуқ кириб келди.

Умаршайх Мирзо чавгон майдонига ўзи учун тикилган, кўрмак тиллоранг хосчодирга кўз қирини ташлаб қўяркан, жиловдор кўмагига эътибор бермай, салобат билан отдан тушди. Унинг қўлига тобулғу сопли нақшиндор ўрма қамчи билан жиловни тутқазаркан:

– Қорнинг тингани хўп яхши бўлди! Бу шикор бароридан келишидин далолат, жаноблар! – деб қўйди.

Ҳаммалари бир овоздан ҳукмдорнинг гапини маъқуллагандай бўлишди. Унинг сўзлари сайдгарлар қалбида жанговарлик руҳини уйғотиб қўйганди.

Бундан илҳомланган Шайх Мазидбек ҳукмдорга юзланиб:

– Аълоҳазрат! Рад этмасалар, бир таклифим бор эди, – деб қолди.

Ҳукмдор шикорга алоқадор муҳимроқ бир нарса айтармикан, дегандай унга жиддий тикилиб:

– Хўш, Бек, қандай таклиф экан? Эшитайликчи? – деди.

– Олампаноҳ рози бўлсалар, совуққа қарши, бир аёқ чоғиру, бир бўлак яхна гўшт бирла «тадбир» ўткариб олсак, бахайр³⁰ иш бўлурмиди, дегандим...

Бу таклиф нафақат «чоғир аҳли»га, балки Умаршайх Мирзонинг ўзига ҳам маъқул тушиб турган бўлса-да, у тақводор беклардан Али Дарвешга қараб:

– Бу масалада Хуросон ўғлонининг фикри қандай экандур? «Тадбир» дегани дағи сабуҳий³¹ бўлиб қолмайдиму?! – деди. Унинг майин мутойибасидан ҳаммалари мириқиб кулиб олишди.

Али Дарвеш шоша-пиша, хушомад билан:

– Аввало, олампаноҳ қарши бўлмасалар, бу «тадбир» «чоғир аҳли» учун амри вожибдур. Иккиламчи, ҳадемай ош вақти кириб келадур, сабуҳий муддатининг ўткониға эса анча бўлибдур, – деб қўйди.

Подшоҳ ҳазратлари ҳам бир оз жилмайгандек бўлиб: «Боболаримиз, маслаҳатли тўй тарқалмабдур», – деганлар экан, деганча тахт ворисини ёнига олиб, хос чодирини томон илдам юриб кетди.

Кўп ўтмай улар шоҳона либосларини бир хил, улоқчиларнинг махсус кийимларига ўхшаш кийик терисидан тикилган, қалин пошналар михчўп ағдарма этик, чарм шим, эғнига майин эчки юнги солиб, пишиқ қилиб қавилган камзул, устидан эса енглари калтароқ қора чакманга алмаштириб чиққанларида айвончадаги катта чорпоя усти тўла қилиб дастурхонлар солиниб, ноз неъматлар тўкиб ташланган эди.

³⁰ Бахайр – хайрли, яхши.

³¹ Сабуҳий – тонгда май ичиш.

Офтобачи чаққонлик билан эгилиб бориб те-
мурийзода ҳукмдорнинг қўлига илиқ сув тут-
ди. Болалар ўйинни афзал кўришиб, қорбўрон
ўйнаганларича, дастурхонга яқин келмадилар.

«Тадбир» узоқ давом этмади.

Юзларида шижоат ва ғайрат учқунлари уфу-
риб турган шикор аҳли чорбоғ ҳудудини тарк
этиб, шимолга, дарё соҳили томон от суриб кет-
дилар. Қисқа муддатли от устида ўтказиладиган
анжуман – чонғида шикор режаси тузиб олиш
учун дарё бўйидаги тепалик, сайҳонликка келиб
тўхтадилар. У жойдан бутун атроф кафтда тур-
гандек яққол кўриниб турарди. Оқимнинг юқори
қисмини ҳам, қуйи қисмини ҳам, дарранда-ю
паррандалар макон қилиб олган, гоҳ сийрак, гоҳ
қалин, бир қарашда жонзот ўтиб бўлмайдиган
чангалзору тўқайзорлар эгаллаб ётибди.

Машваратда болалар ўзлари алоҳида Алп Ба-
ҳодир бошчилигида оқим бўйлаб пастда, чорбоққа
яқинроқ жойдаги унча баланд бўлмаган юлғунзор
ва бутазорлар орасида ов қилишлари белгиланди.

Аълоҳазрат билан бош қушбеги худди жанг-
дагидек навкарларни баронғор³² ва жавонғорга³³
бўлдилар. Тўрт нафар бек билан фулда³⁴ шоҳнинг
ўзи қолди.

Шундай қилиб, Аълоҳазрат бош катта суворий-
лар сафи ўнгга, дарё бўйлаб юқорига, Бобурбе-
клар эса устоз Алп Баҳодир саркорлигида ўзлари
учун белгиланган жойга қараб йўл олдилар.

Болалар ҳеч қанча юрмасданоқ қорда қуён,
кийик яна бироз нарида тўнғиз изларига дуч ке-
лишди.

³² Баронғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

³³ Жавонғор – қўшиннинг чап қаноти.

³⁴ Фул – қўшиннинг марказ қисми.

Муҳиббали кўлидаги ёғоч кўндоқ – чакасда ўтирган икки шунқордан бирини Бобурбекнинг биллагига кўндириб, қушларнинг бошидаги қалпоқчаларни авайлаб олиб кўйганди, уларнинг ўткир кўзлари бирданига ёруғликка чиқиб, оппоқ қор қоплаб олган борлиққа мослашолмай, бир зум бир нуқтага тикилганча туриб қолдилар. Бир оз ўтгач, қушлар ўзларига келди чори, жонланиб қолдилар. Муҳиббали кўлидаги қушнинг қулоғига худди у тушунадигандай (овчилар ирими билан) бир нималарни пичирлаб, тайинлаб, учириб юборганди, шунқор қанотларини патирлатиб, тиккасига ҳавога кўтарила бошлади.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас Бобурбек ҳам кўлидаги шаҳбозни бир силтаб кўйиб юборди. Худди келишиб олишгандай, иккала қарчиғай икки тарафга учиб кетишди.

Ҳамманинг кўзи осмондаги қушларда. Шунқорлар борган сари тиккага қараб ўрлаб борардилар.

Муҳиббали кўйиб юборган қуш ҳеч қанча ўтмасданоқ бир зум ҳавода муаллақ туриб қолдида, шиддат билан пастга шўнғий бошлади.

«Во ажабо! Тездай-ла қандай жонзотни кўриб қолди экан», – деб кўйди Муҳиббали. Қуш қанотларини икки ёнига маҳкам қимтиб олиб, шундай учқурлик билан пастлаб борардики, (кейинги суҳбатларда Абобакр: «Мен, шунқорға ўқ тегдимукин деб ўйлабмен», – деб айтиб юрди), тўрт-беш сониядаёқ кўздан ғойиб бўлиб қолди. Ҳайрон бўлган Муҳиббали: «Қизиқ бўлди-ю, қуш кўтарилиши керак эди», – деганча отнинг тизгинини шунқор човут солган томонга бурди. Амирзода ҳам дарҳол «Боджон»ининг бошини ўша тарафга йўналтирди.

Мусобақа ўйнаётган пойгачилардай ҳеч ёққа қарамасдан чоптиришиб келиб не кўз билан

кўришсинки, шунқор кичикроқ чуқурликда йирик бир қуённи панжалари остида маҳкам чангаллаганича қўйиб юбормай, рўпарасида ўлжасини тортиб олмоқчи бўлиб турган тулки билан олишаётган экан...

Қуш чўқиб олган бўлса керак, тулкининг тумшугидан тинмай қон оқиб турарди. Қарчиғай қанотларини кенг ёзиб, бўйнини ичига торганча шундай қаҳр билан чинқираётгандики, Муҳиббали дарҳол жиловни қўйиб юбориб, елкасидаги камонни олди-да, тулкига қарата ўқ узди, тегмади. Бобурбек ҳам камонидан отди, аксига олиб унинг найзаси ҳам нишонга тегмади. У ёқдан бу ёққа ўзини ташлаб турган айёр тулки ўлжадан умидини узган бўлса-да, шунқорнинг бунча кўп қуроолланган тарафдорлари олдида қочиб қолишни ҳам унутган эди.

Шу пайт тулкининг биқинига келиб бир ўқ санчилади. Тулки олди оёқлари билан найзани худди чиқариб ташламоқчи бўлгандай ҳаракатлар қилиб кўрди, бефойда. Найза йиртқичнинг танасига анчайин чуқур кириб борганидан уни одам боласи тортиб олиши ҳам мушкул эди.

Мерган Алп Баҳодир эди.

Устоз шошилмасдан қуролини жойига қўйди-да, отдан бир сакраб тушиб, ўқ захридан мажолсиз қолган тулкининг бошига чўқмори билан енгилгина уриб, тинчитиб қўйди. Тулки тўртала оёғини чўзганча қор устида жон берди. Шунқор шундан кейингина чангалидаги ўлжа билан кўтарилиб, воқеаларни синчковлик билан кузатиб ўтирган эгасининг олдига қўнди.

Муҳиббали қушнинг чангалидан қуённи бўшатиб оларкан:

– Тулкига олдирмаймен, деб жонивор товушқонни шундай чангаллабдики, тирноқлари ўлжа-

сининг танасига мутлоқ кириб кетибди-я! – деб қўйди.

Ҳамманинг хаёли ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа билан банд бўлиб, Бобурбек учирган иккинчи шунқор унутилиб қолинганди. Ўлжаларни йирик каноп иплар билан тўқилган ов халтасига ташлаб, эндигина нари кетишиб боришаётганди, узоқдан ер бағирлаб улар томон учиб келаётган шунқорни кўриб, ҳаммалари хурсанд бўлиб кетишди.

Қарчиғай тўғри келиб, чангалида семиз қирғовул билан Бобурбек ўтирган «Боджон»нинг устига қўнди. Шунқор чангалидаги ўлжани кўрган Амирзода қувонганидан: «Офарин шаҳбоз!» – деб қўйди.

Овда бай очилганидан кўнгиллари тўлган, кайфияти чоғ сайдгарлар бу жойни тарк этиб, пастга қараб жилиб боришаётганди, Бобурбек Алп Баҳодирга юзланиб:

– Устоз, шунча кўклай отғон бўлсам ҳам, менинг ўқим ҳам, Муҳиббали отғон ўқ ҳам нега нишонга тегмайдур? – деб сўраганди, Алп Баҳодир сиполик билан шогирдига қараб:

– Аввало, Амирзодам, ҳар қандай вазиятда, мумкун қадар ўзни тўхтатиб, сўнг совуққонлик била камондин ўқ узиш талаб қилинади. Ёдингизда бўлса, бу тўғрида аввал ҳам сўйлағонмен. Қани, илкингизни кўрайин-чи? – деб қолди.

Бобурбек шошиб иккала қўлини ёзиб кўрсатганди, устоз:

– Қани, камон отиш пайти бармоққа тақиб олинадурғон зиҳдер? Унингсиз камонни яхши отиб бўлмайдур! Чун, нохунсиз³⁵ танбурдан яхши

³⁵ Нохун – уни тамбур чалган пайтда кўрсаткич бармоққа тақиб олинади, медиатр.

куй чиқориб бўлмагондек, ҳар қанча мўлжални тўғри олгонингиз била камондин ҳам яхши отиб бўлмайдур, – дея таъкидлаб қўйди.

Хижолат бўлиб кетганларидан Бобурбек ҳам, Муҳиббали ҳам шоша-пиша киссаларидан зиҳгерларини қидириб қолишди.

Шунқорлар шу тариқа, кетма-кет тўрт-беш маротабадан овга солинди. Улар бирор марта ҳам ўлжасиз қайтмадилар. Ҳатто бир сафар ўзларидек йиртқич, абжир сассиққўзанни, кейин каламушни ҳам тутиб келтирдилар. Кемирувчи ўлимга мажҳум қилиниб, сассиққўзан қўйиб юборилди.

Муҳиббалининг таклифи билан энди қушларга дам берилиб, қафасларига жойлаб қўйилди.

Ҳа, шунқорлар ўз бурчларини садоқат билан адо этган эдилар.

Ва ниҳоят, яроғ билан ов қилиш пайти етиб келганди.

Суворийлар шу мақсадда яна ҳам қуйироққа, қиши билан одам қадами етмаган овлоқ жойларга қараб жилиб кетдилар.

Соҳил бўйлаб бир жойга келганларида унча баланд бўлмаган юлғунзор буталар орасида туёқлари билан титкилаб, қорнинг тагидаги қуриган майсаларни еб юрган бир тўп «хонгул» кийикларига кўзлари тушиб қолди. Имконни қўлдан чиқармай, дарҳол ширға³⁶ қилиниб, атроф мумкин қадар ўраб олинди. Сўнг бақамти туриб, секин-аста кийикларни исканжага ола бошладилар. Кийиклар ҳатарни сезиб қолишган чоғи буталар орасидан чиқиб атрофга тум-тарақай қоча бошладилар.

Шу пайт бири кутилмаганда Бобурбекнинг ёнгинасидан ўқдай ўтиб кетди.

³⁵ Ширға – ўлжани давра қилиб исканжага олиш.

Бу Амирзода ҳаётидаги биринчи катта ов, йирик жонзотлар билан илк бор тўқнашуви эди.

Бобур Мирзо ҳар қанча ўзини қўлга олиб отмасин, кийик камон тирига чап бериб кетганди. Садоғидан иккинчи ўқни олиб, ўтирилиб уни нишонга олгунча кийикнинг бўйнига келиб бир ўқ санчилди.

Амирзода чапдастлик билан отининг бошини кийик қочган томонга буриб, жиловни бўшатди-да, пошнаси билан унинг биқинига салгина ниқтаб қўйди. Жонивор худди шуни кутиб турганми, бамисоли қуюндай елиб кетди.

•Боджоннинг шиддатини кўрган Алп Баҳодир таъқиб қилаётган иккинчи кийикни ташлаб, дарҳол Амирзодага ёрдам бериш учун шайланди. Улар олдинма-кетин, кийикни қувиб анча жойгача бордилар. Бўйнидаги найза заҳмидан унинг қадамлари секинлай бошлаганди. Бобурбек ҳаяжонини босиб, хотиржамлик билан иккинчи ўқни узди. Ўқ тўғри бориб нишонга тегди! Кийик тамомила ҳолсизланиб қолаётганидан, туёқларини қордан суғуриб олиши ҳам қийинлашиб борарди. Кетма-кет чопиб келаётган Алп Баҳодир ўлжага яқин келиб қолган бўлса ҳам, олишувнинг якуний қисмини Амирзоданинг ўзига қўйиб берди. Бобурбек отни секинлатиб, эгчилик билан сакраб тушди-да, шиддат билан, базўр қочиб бораётган кийик устига ташланди. Икковлари ҳам йиқилиб, ярмигача қорга ботиб кетдилар. Ўлжа Амирзоданинг тагида ётган жойида, жон талвасасида бошини силтаб юборганди, шоҳининг учи Бобурбекнинг пастки лабига келиб тегди. Алп Баҳодир буни кўрмай қолган бўлса ҳам:

– Амирзодам, кийик ҳеч қаёққа қочолмайдур, фақат шоҳлариға эҳтиёт бўлсангиз, бас! – деб тайинларди.

Чиндан ҳам қувонмай, ҳаяжонланмай бўладими, ахир, валиаҳд бундайн катта шикорда илк бор, бевосита иштирок этиб, ўлжани тагига босиб турган бўлса!

Бобурбек, устозининг овозини эшитиб, унинг шу ерда эканлигидан кўнгли таскин топгандай бўлди.

Устоз шогирдига яқин бориб ёнидан отнинг қилидан пухта қилиб ўрилган бир қулоч арқон чиқарди-да, кийикнинг тўртала оёғини бир қилиб боғладилар.

Кейин Бобурбекнинг қўлига шикорларда фойдаланадиган калтагина бурғуни бериб:

– Ёрдамчи қушбегиларни чақиринг, – деди.

Амирзода бурғуни олиб чалиш учун лабларига босганда билди, пастки лаби захм еганини. Бурғу овозини эшитган ёрдамчилар дарҳол ўлжа ташийдиган катта ёғоч чаналарини судрашганларича чопиб келишди. Улар амирзоданинг қўлига авайлаб қундуз мўйна бўркини топшираркан (йўлда отнинг шиддатидан бошидан учиб кетган эди): «Қордан топиб олдук, амирзодам», – дейишди, мамнун.

Бобур Мирзо миннатдорчилик билан:

– Раҳмат сизларга, жаноблар! – деганча дарров бошига кийиб олди. Алп Баҳодир шогирдига акаларча ғамхўрлик билан қулоқчинларини иягига тортиб, ипларини боғлаб қўйди.

Ёрдамчилар қорда ётган кийикни кўришиб:

– Ў-ҳў, ўлжа муборак, амирзодам! – деб қўйишди ҳавас билан.

Совуқнинг авжи ҳар қанча баланд бўлмасин Бобурбекнинг ғайратига, шижоатига заррача таъсир қилолмай, фақат икки юзини лоладай қизартириб қўйганди холос.

Устоз Алп Баҳодир шогирдини отда катталардай эркин, ҳар қандай вазиятда мувозанатни

Йўқотмай ўтирганидан хурсанд бўлиб, ҳў ўша, Чиндан келтирилган ёроч тўтқовида орттирган тажрибалари бесамар кетмаганини эслади ва ички қониқиш билан амирзодага қараб, мийиғида жилмайиб қўйди.

Улар бирин-кетин бўлиб, аввалги жойга келишганда Муҳиббалилар кўринмасди.

Бобурбек қоровул турган ёрдамчилардан дўстларини сўради.

Ёрдамчилардан бири: «Улар бир кийикни қавлаб шу жонибга кетишиб эди, ёнмадилар», – деди, қўли билан қуйи томонни кўрсатиб.

Бобурбек савол назари билан устозига қараганди, у: «Кетдик!» ишорасини қилди.

Устоз ва шогирд отларининг бошини зудлик билан ўша томонга бурдилар.

Қуюндай елиб бораётган чавандозлар бир жойга келганларида қордаги излар иккига айрилганини кўришди. От устидаёқ ров кўз уриштириб, Бобурбек тўғридаги, Алп Баҳодир эса чапдаги изни қоралаб кетди.

Бобурбекнинг ўнг томонида Иламишнинг қалин муз қоплаб олган ҳайҳотдек ўзани, чап тарафида эса қамиш ва буталар чатишиб кетган тўқайзор ястаниб ётибди. Куппа-кундуз бўлишига қарамай, бу жойларга одам боласининг бир ўзи кириб бориши хавфли эди. Чангалзорнинг зичлигидан аҳён-аҳёнда, ёввойи жонзотлар кириб чиқавериб, ўзлари ясаб олган, омбирга ўхшаш пастқам туйнукчаларни, тор, энсиз йўлакчаларни учратиш мумкин эди.

Фикр-хаёли дўстларида бўлган Бобурбек шиддат-ла бориб кичикроқ очиқ жойга чиқиб қолди. У ерда бир неча бўри эндигина қўлга тушириб олган кийик боласини қор устида тортқилашиб ғажишаётган экан. «Боджон» хатарни сезиб қолган

экан (тизгини тортилмай туриб), қулоқларини чимирганча кишнаб, таққа тўхтаб қолди.

Бобурбек шу лаҳзадаёқ вазиятни англаб, филҳол қиличини суғурди-да, ҳеч иккиланмай, йиртқичлардан ҳимояланишга киришди.

Бўрилар тўртта: қалин, пахмоқ жунлари хурпайиб кетган каттаси она бўри, қолган учтаси анча улғайиб қолган болалари экан.

Она бўри ўлжасини қизғанганидан қон оқиб турган ўткир сўйлоқ тишларини чиқариб, хирилаганча отга яқинлаша бошлади. Баҳайбат калласини осилтириб олган урғочи қашқир бирдан чопиб келиб рўпарадан ташланиб қолди.

Буни кутган «Боджон» қаттиқ кишнаб юборди-да, бир силтаниб орқа оёқларида туриб олди. Амирзоданинг йиртқич ҳамласига шай қилиб қўйган қиличи эса ҳавода қолиб кетди.

Айғирнинг қалтис ҳаракатидан чўчиган қашқир чекинишга мажбур бўлди.

Бобурбек ўнг қўлида шамшир, чап қўлида тизгинни чангаллаб, имкон қадар ўнг тарафга энгашганча бўрини кўздан қочирмасликка ҳаракат қиларди.

Йиртқичнинг қайта ташланишини сезган «Боджон» уни янги тақаланган туёқлари билан қарши олиш учун олдинги оёқларини тушириб, шартта бўри тарафга ўтирилиб олди.

Ахир, «Отнинг тепкисини от кўтаради», – деб бежиз айтишмаган-ку! Ҳали, тажовуз қилаётган бўри экан, бу тепкидан баҳайбат айиқ ҳам бир умрга мажруҳ бўлиб қолиши аниқ.

Ҳа, вазият чиндан-да кескин тус олганди...

Отнинг орқасидан ҳамла қилиш ҳалокат эканини пайқаган бўри, алдамчи ҳаракат билан дарҳол ён томонга ўтиб, тез чопиб келди-да, унинг човига ташланди.

Бўрининг навбатдаги ҳамласини ҳушёрлик билан пойлаётган Бобур Мирзо, кўтариб, шай қилиб турган қиличини ўта шиддат билан йиртқичнинг бўйни аралаш бошига тортиб юборди.

Ахсикентнинг дунёга донғи кетган моҳир ҳаддодлари³⁷ ясаб берган шамшир ўз йўлида бўрининг териси билан этинигина эмас, ҳатто бирмунча мустаҳкам устихонини ҳам қирқиб, ўнг қулоғи тагидан, бўйнининг анча жойини очиб қўйганди. Шу заҳотиёқ тиф ўтган ердан шариллаб қон оқа бошлади. Бўри заҳм кучидан нафақат қайта ҳужумга ўтиш, балки оёқларида туриши ҳам қийинлашиб қолганди.

Кутилмаганда елдай учиб келган Алп Баҳодир сапчиб отдан тушди-да, чопиб борганча рамақи жони билан хириллаб турган бўрига қилич солиб бошини узиб ташлади.

Йиртқичнинг қайнаб турган қони бир зумда оппоқ қор устида қизғиш манзаралар ясаб қўйди. Унинг жасади бирмунча ҳайбатли бўлиб, арлонниқидан қолишмасди. Бўриваччалар ҳеч нарса бўлмагандек ҳамон гўштдан бош кўтармасдилар...

Ҳаяжонлар босилгач, Бобурбек Алп Баҳодирга юзланиб:

– Устоз, вазиятдан хабар топиб келдингизму ё тасодифан? – деганди,

– Нега энди тасодифан бўларкан, Амирзодам, ахир, «Боджон» сирли кишнаб хатардан вуқуф қилиб қўйди-ку! – деди хотиржам.

Устоз ва шогирд бир-бирларига меҳр кўзлари билан тикилганларича ёнма-ён бўлишиб, Алп Баҳодир келган томонга қараб от суриб кетдилар.

³⁷ Ҳаддод – темирчи (журолсоз).

Бир оз чопишгач, узоқда икки кишининг қораси кўрингандай бўлди. Яқин бориб билишдики, битта кийикнинг боласини қувлаб бораётган Абобакрнинг оти суви музлаб, устини қор босиб қолган чуқурчага тушиб, олди туёқлари санчилиб қолибди-да, от ағанаб, чавандоз анча нарига учиб тушибди. Муҳиббали уни қорнинг ичидан тортиб олмагунча беҳуш ётиб қолибди. Ҳайриятки, бўйнининг сал қайрилиб кетгани билан тилини тишлаб олганини ҳисобга олмаганда, бошқа жиддий шикаст етмаган экан!

Алп Баҳодир Абобакрнинг ҳамма жойларини яна бир қатор кўздан кечириб, кейин отга миндирди. Манзилгача ҳамма жиддий тусда, Абобакрнинг кўнглини кўтарадиган сўзлар айтиб, ҳамдардик билдириб келишди.

Муҳиббали Бобурбекга юзланиб:

– Амирзодам, кўлга бирор ўлжа киритдингларму, ё сизлар ҳам биз каби луччакмусизлар³⁸, – деганди, Бобурбек унга:

– Борғонда кўрарсизлар, – деб қўя қолди...

Осмондаги булутларнинг қалинлигидан куннинг қайси вақт эканлигини билиб олиш мушкул эди. Ёш сайёдлар аравалар турган жойга етиб келганларида подшо ҳазратлари уларни чақириб келиш учун жўнатган иторчига дуч келишди.

Унинг айтишича, катталар сал аввалроқ шикорни тугатиб, бир талай ўлжалар билан чорбоққа келиб бўлган эканлар.

Бобурбеклар ҳам бор ўлжаларини юклаб, устози етакчилигида чорбоғ ҳудудига кириб келганларида Умаршайх Мирзо раҳнамолигида бошланган шикор базми авжи паллада экан.

³⁸ Луччак – мажозан: қуруқ, ҳеч нарсаи йўқ.

Подшо ҳазратларининг хос чодирӣ рӯпарасига кенг, очик жойга ёқилган катта гулхан атрофини ҳукмдор бошлиқ сайдгарлар ширға қилиб эгаллаб олишибди.

Шундайгина текислаб қўйилган қор устига айлана қилиб ёзилган (нам ўтказмайдиган) юпқа чарм дастурхонлар усти ёз меваларидан тортиб, карч-карч қилиб қўйилган «қирқма» қовунлар билан ҳам безатилган.

Манқаллар тўла лаҳча чўр.

Чарсиллаб ёнаётган гулханга икки киши пайваст йирик-йирик саржинлар ташлаб, уни янада аланга олдиришиб турибди. Баковулар, дастурхончилар, соқийлар бор маҳоратларини кўрсатиб, ўз вазифаларини қор устида чаққонлик билан бажаришар, ҳукмдор иштирокидаги «дала базми»нинг юқори даражада ўтишига жон-дилдан интилаётганликлари шундоққина сезилиб турарди.

Ўтирганларнинг аксарият қисми кийик гўшtidан пешма-пеш тайёрланаётган сўлли кабобга буюртма беришар, айниқса, соқийларнинг қўли-қўлига тегмасди. Табиат қўйнида ўтаётган шоҳона базм қизиганда қизиб борарди. Ҳамма ўз кўрганларини, ўлжаларини қандай қилиб отиб олганликларини, ҳаммадан ҳам, Умаршайх Мирзо отдан тушибоқ, тушовга бўйин бермаётган катта бир эркак марални бўйнига бир мушт уриб ҳушидан кетказиб қўйганини завқ-шавқ билан сўзлашар, даврада голибона кайфият ҳукмрон эди.

Подшоҳ ота Алп Баҳодир ёнида мардонавор қадам ташлаб, даврага яқинлашаётган Бобурбекни кўриб, хурсанд бўлиб кетганидан беихтиёр ўтирган жойидан туриб, ёш сайдгарлар истиқболига пешвоз чиқди.

Улар олампаноҳ турган жойга тўрт-беш қадам қолганларида тўхтаб, уч бора юкиндилар. Ўлжалар ортилган ёғоч чана эса ҳукмдорнинг қаршисига келтирилди. Умаршайх Мирзо яқин келиб ёшлар кўлга киритган ўлжаларни бир-бир, синчковлик билан кўздан кечирди. Ҳамма, ҳаммасини – қуёндан кийиккача, тулқидан бўрсиқкача ҳавас билан кўриб чиқди. Бир пайт улар орасида ётган қирғовулга кўзи тушиб уни дарҳол кўлига олди-да, ёш овчиларга қараб:

– Ўҳў-ҳў!.. Бу ишинглар кўп ғариб бўлиптир! – деди баланд овозда. Мамнун бориб Амирзоданинг елкасига кўлини кўйди-да, мавкибат аҳли томон ўгирилиб:

– Биз, кўпчилик бўлсак-да, биронта илбосун уролмадук, тўғриму, жаноблар?! – деганди, барча сайдгарлар чин дилдан: «Тўғри, тўғри, аълоҳазрат!» – деб таъкидлашиб, ёш овчиларга таҳсинлар айтиб рағбатлантирдилар. Ҳукмдор қирғовулни бир ирғитиб дастурхончининг кўлига тутқазиб кўяркан:

– Баковулға бер! Жасталасун! – деб кўйди амрона. Сўнг энгашиб, из тушмаган қордан бир ҳовуч олди-да, аввал кафтларига, кейин сермўй билакларига ишқалади. Хизматкор аълоҳазратнинг ховур чиқиб турган кўлига эгилиб сочиқ тутди. Чоғир сал бўлса-да, ўз кучини кўрсатиб, унинг бутун баданини қиздириб, бағрини кенг, кўнглини эса янада юмшатиб улгурганди.

Болалар ҳам ўз навбатида катталарнинг ўлжалари билан танишиб чиқдилар.

Икки ўқли узун чуқур аравада бир жуфт марал, бир неча «хонгул» кийиклари, беўжшов боши отнинг калласидан ҳам улканроқ, пастдан туртиб чиққан бир жуфт сўйлоқ тиши қонга беланиб ётган тўнғиз ва бошқа ҳайвонлар ётардилар.

Тўнғиз деган жонзотни биринчи марта, яқиндан кўраётган Бобурбек: «Ана, тунқус ҳам бор экан», – деганди, Мир Фиёс тоғойи амирзодага қараб:

– Амирзодам! Бу жинзирни атайин жаноб Бобоқули Бобо Алибекка деб отиб қўйдук! – деди уни ибодат қилмай юришига писанда қилиб.

Бу гапдан бир неча киши пиқирлаб кулдилар.

Бобурбек болаларча самимият ва жиддийлик билан:

– Тоғойи! Ахир, ислом кишиси учун тунқус гўшти ҳаром қилинган-ку! – деди.

Нохуш мулоқот ҳукмдорнинг қулоғига ҳам чалиниб қолди чоғи, бек Мир Фиёсга юзланиб:

– Жаноб бек! Даврада йўқ кишини тамасхур қилиш, йигитга ярашмайтурғон қусур, – дея танбеҳ берди.

Ноўрин ҳазилидан хижолат бўлган бек, енгил тазарруъ билан икки қўлини кўксига қўйиб ҳукмдордан узр сўради.

Вазиятни юмшатиш учун Алп Баҳодир суҳбатга қўшилиб:

– Жаноблар! Тунқус отғонинглар кўп яхши бўлибдур. Бунинг гўштини амирзодамизнинг палангчаларига берсак, айна муддао бўлур, – деганди, бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Аслида тўнғиз унга ташланган овчи итлардан бирининг қорнини сўйлоқ тишлари билан ёриб, ўлдириб қўйгани учун ўлимга мажҳум қилинган экан.

Шу пайт уларни ўраб турган беклардан бири:

– Амирзодам, қирговул хўп чиройлик, ҳам семиз эркан! Уни лочин бирла ушладингларму ё камондан отиб олдингларму? – деб сўраб қолди.

Бобурбек Муҳиббалани ёнига тортиб:

– Тоғойи, саволингизга яхшиси бу киши жавоб бергани маъқул, чунки дўстим Муҳиббали шу иш-

нинг миришкори саналадур, – деганча ийманиб турган ёш бозбонни ўртага тортди. Катталарнинг сири босиб қолдими, Муҳиббали зўрға:

– Албатта, қуш билан олинди, жаноблар, – дея олди холос.

– Лочинларингизни бир кўрайлик-чи? – қизиқишиб қолди беклар.

Муҳиббали чопиб бориб шунқорлардан бирини чакасига қўндирганча беклар ҳузурига олиб келганди, улар аввалига:

– Бу лочинму ё қирғийму? – деб сўрашди.

Муҳиббали кўлидаги қушига қараб:

– Жаноблар! Аввало, бу қушнинг номи сизлар айтганча лочин ҳам, қирғий ҳам, қолаверса сор ҳам эмас! Китобларда бу қушнинг номи шунқор деб ёзилган, амалда ҳам худди шундай! Шимол тарафларда буни яна «итолғу» деб ҳам аташар эканлар. Лочин дегани бундан ушоқроқ бўлиб, у билан, бу қушга қараганда кичикроқ жонзотлар овланадур! Устозимнинг айтишларича, қирғий ва сор бирла ов қилингани ҳали ҳеч бир жойда ёзилмаган эмуш.

– Уқоб³⁹ эмасму, унда? – деб, сўраб қолди кимдир.

– Йўқ тақсир! Бу қуш уқоб ҳам эмас! Уқобнинг жуссаси бундан кўра улканроқ бўладур!

Кимдир:

– Тумоқ қушга нега кийдириб қўйилган? Боши совуқ еб қолмасун дебму? – деб сўраганди, енгил кулги кўтарилади.

Муҳиббали ўта босиқлик билан:

– Йўқ, жаноблар, бу қуш совуқ ўлкаларнинг қуши бўлгани сабаб хейли маҳкам совуқларга ҳам чидайдур! Қалпоғи, кўзларини тўсиб туриши учун

³⁹ Уқоб – бургут.

хизмат қиладур, шундай турса, куш ҳеч нарсадан чўчимайдур!

– Оёқларидаги тушови нега қўйилгон, айтиб беринг? – деб қолишди.

– Жаноблар бу жуда йиртқич куш! Осмонда ҳам, ерда ҳам ўлжасига бир усулда ташланади, яъни аввал оёқлари билан тепиб, зарба беради ва ағанатишга уринади. Иккала оёғига боғланган бу бир суямлик қайиш тасма, ўлжасини тепганда оёқлари керилиб ёки олдинма-кетин бўлиб кетишдан сақлайдур, қолаверса, зарбанинг кучини оширадур! Мана, қаранглар у халқа билан маҳкамланган, – дея қўли билан кушнинг зарангдай қаттиқ оёқларига боғланган юпқа темир ҳалқачаларни кўрсатиб қўйди.

– Бу кушингизнинг энг катта ўлжаси қандай жонзот?

– Ҳозирча кушларимиз ёш, катта бўлгонларида кийик боласини ҳам бемалол овлай оладур.

Беклар хурсанд бўлиб кетишганларидан:

– Э-ҳе, қаранглар-а, жаноблар, куш овининг ҳам ўзига яраша кўп хилват томонлари бисёр эканку, билмай юргон эканбиз. Мана билиб ҳам олдук, – деганларича Муҳиббалига қуллуқ қилишди.

Миннатдор бўлган беклар:

– Умрингиз зиёда, мартабангиз баланд бўлсун, укажон. Катта бўлгонингизда улуғ кушбеги бўлинг! – деб, дуога қўл очдилар.

(Ё тавба! Чин юракдан қилинган дуонинг ижобат бўлганини... Кимдандир «шоҳнафас» чиқиб кетган бўлса ажаб эмас. Чунки ўша чувак юзли, қотмадан келган, оғир-босиқ йигитча Муҳиббали бир умр Бобур Мирзога садоқатли дўст, суянган ҳамроҳи, кейинчалик махсус овчиси – кушбеги бўлиб, аввал Кобулгача, кейин эса то Деҳлига қадар мудом ёнида бўлди).

Болалар учун ичкарига алоҳида жой ҳозирлаб қўйилган экан. Суҳбат тугагач, Алп Баҳодир бош бўлиб, илтиб қўйилган катта, ёруғ хонага кириб бордилар. Ичкарига киришибоқ, нам тортиб кетган устки кийимларини ечиб, чўғлар босиб қўйилган манқал теварагига илиб қўйдилар. Қўлларни ювиб, дид билан безатилган дастурхон атрофидан жой олишди.

Эрталабдан бери совуқда от чоптириб юраве-риб қоринлари очиқиб кетган бўлсалар ҳам устознинг дастурхонга қўл узатишини кутиб турган сайдгарларга қараб:

– Жаноблар, бировга ифшо қилмаймен, деб сўз берсанглар, биргина ўтинчим бор эди, – деб қолди Абобакр.

Ҳамма қизиқиб: «Қандай илтимос экан, айтинг, айтинг?! Ҳеч кимга айтмаймиз», – деб ваъда беришди.

– Ундай бўлса жаноблар, ҳали шикор пайти, одан йиқилгонимни бировга айтманглар? – деганича жовдираб дўстларига қараганди, ҳамма рози бўлиб, сўз беришди.

– Майли, майли, хотиржам бўлинг унсим, гап шу ерда қолади – деб Бобурбек ваъдани ҳамманинг номидан мустаҳкамлаб қўйди.

Шундан сўнггина улар одоб билан дастурхонга қўл узатдилар.

Ташқарида катталар базми қизигандан қизиб борарди. Сайдгарларнинг атрофни ларзага солувчи шодон қаҳқаҳалари, хайқириклари, сокин, мусаффо киш ҳавосида узоқ-узоқларга ҳам эшитилиб турибди.

Айниқса, подшо ҳазратларининг кўнгиллари чоғ, кайфиятлари осмон қадар баланд эди. Қўлидаги чоғир тўла косани кўтариб, сипқориб

ташлади-да, газак учун бир бўлак кабобни оғзига солиб, қўлларини артди. Хотиржам ўгирилиб олиб, қорда ялангоёқ «чавгон майдонини юз қатла эврулиб»⁴⁰ берамен» деб, беклар билан шартлашган Қосимбек қавчиннинг чопишини завқ билан кузатди. Файрати жўшиб кетдими, мушти билан кафтига бир уриб:

– Масофимда⁴¹ шундай азамат йигитлардин икки-уч пора бўлғонда эрди, улуғ Бобом орзу қилғон Чинни ҳам олғон бўлур эдим! – деб қўйди ғурур ва мулкгирлик дағдағаси билан.

Шу пайт олампаноҳ олдига махсус, чўзинчоқ шаклдаги заррин чинни идиш келтириб қўйишди. Дастурхончи сочиқ билан авайлаб қопқоғини очганди ундан оппоқ буғ кўтарилиб, ичида шарқона пазандачиликнинг юксак намунаси даражасида, лоларанг қилиб бутунича пиширилган (ҳалиги) семиз қирғовул кўринди. Антиқа таомдан димоғни қитиқловчи хушбўй ҳид таралиб турарди.

Умаршайх Мирзо ундан бир чимдим олиб татиб кўраркан, дастурхончига қараб:

– Олийжаноб тайёрланубдур! Ол буни, ҳамманинг оғзи тегсун! – деб тайинлади. Сахийлиги тутиб: – Бу иши учун баковулға бир кўчқор пешкаш қилинсун! – деб юборди.

Бундай базмларда Олампаноҳнинг меҳри дарёдай жўшиб кетар, кўнглига ёқиб қолган ёки бирор юмушни қойиллатиб қўйган кишига қимматбаҳо, ноёб нарсаларни ҳадя этиб юборар, кейин мутлақо ачинмас эди.

Сахийлик, бағрикентлик, тантилик каби олийжаноб хислатлар аълоҳазратга улуғ боболаридан мерос бўлиб ўтган бўлса ажаб эмас. Шундан бўлса

⁴⁰ Эврулиб – айланиб.

⁴¹ Масоф – аскарлар сафи, қўшин.

керак, Тошканд хони, мўътабар қайин отаси Султон Юнусхон, Умаршайх Мирзони ўзининг учала куёвидан ортиқ кўрар, улар худди ота-боладай бўлиб кетишганди.

Умаршайх Мирзонинг баланд ҳимматлик ва улур доиялик подшоҳ эканлигини шундан ҳам билса бўлардики, Юнусхонга аввалига Ўшни, сўнгралар Марғинонни ҳам иноят қилиб юборганди. Аълоҳазратнинг кайфияти ниҳоятда баланд эканлигини кўрган беклар жон-дилларидан ёзилишиб ўтирардилар.

Бобурбеклар ўтирган хонага кириб-чиқиб турган хизматкорлардан бири:

– Жаноблар, Қосимбек тоғойи беклар била шартлашиб, чавгон майдонини юз қатла ялангоёқ эвруляпти, – деб қолди.

Қизиқарли томошани кўргани ҳаммалари ташқарига чиқдилар.

Бобурбек қорда бир маромда чопаётган Қосимбек қавчинга кўзи тушган ҳамоно устозига юзланиб:

– Устоз, йўқ демасангиз, мен ҳам чопсам? – деб қолди қоп-қора кўзларини пориллатиб.

Алп Баҳодир шогирдининг чеҳрасидаги шижатдан, тошиб турган ғайратидан завқланаркан, «Майли, ўзингиз биласиз» дегандай жимгина елкаларини кўтариб қўйди. Бобурбек филҳол этикларини ечиб, пойчаларини шимарди-да, чопқиллаганича қорга кириб борди.

Буни кўрган беклар ҳайратланганларидан Амирзодага тикилиб қолгандилар...

Шу пайт кимнинг кўнглида ҳавас, кимнинг кўнглида ҳасад учқунлари пайдо бўлганини билиш жуда мушкул эди.

Бир зум ўтиб ҳалиги хизматкор шошиб келиб: «Тағойи, сизни Олампаноҳ тилаётгон эмушлар», –

деб қолди. Алп Баҳодир ўша заҳотиёқ тавозе билан ҳукмдор ҳузурига борди.

Умаршайх Мирзо бироз ташвишли оҳангда:

– Сиз рухсат бердингизму, жаноб Алп Баҳодир? – деганди, устоз хотиржам ва тўла ишонч билан:

– Ҳа, Олампаноҳ! Ташвишланишга мутлақо ҳожат йўқ! Амирзодамнинг муборак таналари бундай совуқларга чиниқиб улгурғон, иншоолло, қайтага яна чиниқадур, – деганди, аълоҳазрат ички қониқиш ҳисси билан билинар-билимас жилмайиб қўйди.

Бобурбек Қосимбек қавчин ёнида эндигина беш-олти давра айланганди ҳамки мусобақа поёнига етиб қолди.

Алп Баҳодир шогирдининг қизариб кетган, пайдор оёқларини артиб олиш учун сочиқ тутқазаркан:

– Пойинғизни яхшилаб артиб қурутуб, филҳол этигингизни кийиб олинг! – деб тайинлади.

Дастурхончилардан бири шу ернинг ўзидаёқ қўлида дурра ёзилган патнис билан Қосимбек қавчин ютиб олган ақчаларни тўплашга тушди. Қаторда аълоҳазрат ҳам дурра устига улгуржароқ бир «нарса» ташлангандай бўлди.

Ғолиб тўпланган совриндан йирик-йирик кепакийларни териб олди-да, «Қолғони ўзингга» деб қўйди, хушомад билан патнис кўтариб турган дастурхончига қараб.

Ҳазилкаш беклардан бири:

– Жаноб Қосимбек! Ютуқни дастурхончи била эмас, амирзодамиз била бўлишингиз лузум эди! Нега деганда, охирги давраларингизга у киши ёрдам бериб юборди-ку! – деди.

Бу ҳазилдан ҳаммалари мириқиб кулишди. Кулги босилгач, Қосимбек қавчин Бобурбекга қул-

луқ қилгандай таъзим айларкан, Умаршайх Мирзо ўтирган тарафга маъноли қараб қўйиб:

– Шукурларким, амирзодамиз ҳозир ҳеч қандай ёрмоққа муҳтож эмаслар! У кишининг улушларини, Тенгри рост келтурса, катта бўлгонларида ҳалол хизматим била қайтарамен, – деди самий.

Қосимбек қавчининг бу жавоби аълоҳазратга ҳам маъкул тушгандай бўлиб, беихтиёр бош ирғаб қўйди.

Одатда бундай пайтларда даврага нимадир жуда керак, зарур бўлиб қолади.

Аълоҳазрат беклардан Хожа Ҳусайнбекни сўраб қолди.

– Хожа! Хожа Ҳусайнбек жаноблари қани?!

Хизматкорлар бир зумда уни баковулар ёнидан топиб келишди. Хожа Ҳусайнбек таъзим билан подшоҳ қошига келаркан, кўтаринки руҳда:

– Олампаноҳ, амрингизга мунтазирмен, – деди.

– Биз ахир сизни нимага ҳам тилар эрдук, танбурингиз шу ердаму, хожам? Қани, бир кўнгиларни эритинг-чи, – деди, ҳурматини жойига қўйиб. (Ахир, не бўлганда ҳам ҳукмдорнинг қайин оталаридан бири-ку! Суюкли завжалари – Улус оға бегимнинг падари бузруквори бўладиларда...)

Хожа Ҳусайнбек истарали чехрасида табассум билан таъзим қиларкан:

– Бош устига, олампаноҳ! Қўлимиздан келгонча. Совуқда соз ушланиб турмаса айбга санамағайсизлар, жаноблар, – деганди ҳукмдор:

– Ўтга яқинроқ бориб оласиз-да, Хожам! – деди мулойимлик билан.

Танбурни созлаб қайси куйни чалай дегандай ҳукмдорга юзланди:

– «Навои танбурий»дан бошлангиз! Савтисига «Ушшоқ»ни чаласиз! – деб буюрди.

Танбурдан садо таралгач, атроф сув қўйгандай жимиб қолди. Унинг жозибали навоси олам-паноҳнинг эндигина баҳор тошқинларидай жўш уриб турган ҳиссиётларини жиловлаб қўйганди. Куй сеҳридан ҳамма ўз хаёллари оғушига чўмиб, тиниб қолдилар. Кетма-кет бир жуфт куй, учта мумтоз қўшиқ ижро этилди. Мутрибнинг ширали овози чиндан ҳам дилларни ром этиб қўйганди.

Даврадаги хуш кайфиятни бузиб юбормасликка ҳаракат қилган офтобачи узоқда, от чоптириб келаётган чопар Мазид набира эканини таниб, рикобдорга⁴² кўзи билан имо қилиб қўйганди, у даврани ташлаб шошиб чопарнинг истиқболига пешвоз чиқди.

Шутурпари отдан тушибоқ рикобдорнинг юзига ҳам қарамай бир бош ирғаб, тизгинни тутқаздида, илдам қадам ташлаб, Умаршайх Мирзо ҳузури томон юриб кетди.

«Муҳим хабар келтирган», деган ўй билан ҳеч ким уни тўхтатиб туришга ботинолмади. Ҳукмдорга тўрт-беш қадам қолганда қорга тиз чўкиб, таъзим бажо келтирди.

Туриб енги ичидан найсимон қилиб ўралган, пайгирга ўхшаш муҳрли номани олиб эгасига тутқазар экан: «Олампаноҳ, Тошканддан эмуш», деб қўйди жиддий оҳангда. Унинг овозидан куйиб-ёниб кетгани сезилиб турарди.

Умаршайх Мирзо чопар тутган хатни қўлига олиб филофидан чиқарди, кенг ёзиб, қошларини чимирганча ичида ўқий бошлади.

⁴² Рикобдор – подшоҳ ва аслзодаларнинг отига эгар урувчи Зинбардор.

Олампаноҳнинг аввалига қуюқ қошлари қаттиқ чимирилиб, серсоқол юзи жиддийлашди. Ҳамма самовий сукут ила кузатиб, ундан кўз узмай, тикилиб қолгандилар. Ҳукмдор мактубни мутолаа қилатуриб, чеҳраси икки карра ёришди. Номада нима битилганидан мутлақо беҳабар бекларнинг юзлари ҳам ҳукмдорга қараб, икки бор чимирилиб, икки бор ёзилди, охирида чеҳраси ёришган подшоҳ, юзида ним табассум билан яна бир қатор, у ёқ-бу ёрига назар солиб қўяркан, хизматкорни ёнига имлаб:

– Ушла! Бобурбек ҳам ўқисун! – деб тутқазди. Хизматкор хатни авайлаб ушлаганча Амирзодалар ўтирган хона томон чопиб кетди.

Мужда улуғ Хон ота – Юнусхондан эди.

Бир зум ўтгач, ичкаридан Бобурбекнинг болаларча шодон ҳайқириғи эшитилди. Чунки Улуғ хон отанинг икки набираси учун чилла чиқиши билан ўтказиладиган ақиқа тўйларига Бобурбек ҳам лутфан таклиф этилганди! Юнусхоннинг элга берадиган тўйлари бир-икки ҳафтасиз тутамас, катта кўпкариларсиз, дорбозларсиз, курашларсиз, қолаверса, юртнинг энг кўзга кўринган му-трибларию, таниқли қўғирчоқбозларисиз ўтмас эди.

Олампаноҳ сўз орасида ичлари ғумиллаб ўтирган бекларга хат мазмунини икки ориз сўз билан мухтасар қилиб айтиб ўтди.

Кайфияти баланд ҳукмдор ўз ўрнига яхшилаб ўрнашиб олгач:

– Соқий! – деб қўйди...

Сайдгарлар беш кунлик дунё ташвишларини унутиб, ширин суҳбатга шу даражада берилиб кетишгандиларки, атрофга эндигина қоронғи тушиб қолиши ҳеч кимнинг хаёлига келмас, бугунги шикор базмини қиёмига етказиб қўйиш учун

қишнинг бир тутам ёруф кунни озлик қилмоқда эди.

Ичкарида эса болаларнинг суҳбати охирлаб қолганди.

Бобурбекнинг уйда бажарадиган юмушлари бисёр: тил, риёзиёт, хандаса, фикрдан олган вази-фалари, гуштгирлик илмию майли, бутун кун бўйи устози билан бирга бўлди, бироқ бошқа фанлардан-чи? Бобурбек шуларни ўйлаб шарт ўрнидан туриб, бир парча қоғозга шоша-пиша икки энлик хат ёзди-да, подшо отага чиқариб юборди.

Хатда: «Отажон! Бизнинг ўзимизга рухсат эт-сангиз, шомга қолмай саройга етиб борсак, бутун-ги сабоқларим қолиб кетмасун дегандим, ўғлингиз Бобур», деб битибди.

Умаршайх Мирзо хатни қўлга олиб, ўқиб кў-раркан, бир жилмайиб қўйди-да:

– Бутунги куннинг жозибалиғини қаранглар, жаноблар! Бир эмас икки нома олиб турибмен! Бири Тошканддин, иккинчиси Андижондин, – деб қўйди, мийиғида кулиб. Сўнг сарой муаррихига юзланиб: – Музаффар Содик жаноблари! Бу кун вақоеларини салтанат солномасига мухтасар этуб битиб қўйинғиз! Ажаб эрмас, бизлар қандай яшаб ўтғонимизни, ке-лажак авлодларимиз шундан ўқуб, билиб олишса! – деди-да, бирдан юзлари жиддийлашиб:

– Йўқ! Ҳаммамиз бирга келдук, бирга қайтабиз! Қани йигитлар, бутунга бас, сафаримиз қариди. Илоҳи Омин! – деганларича, ҳаммалари подшоҳга иқтидо қилиб дуога қўл очдилар.

Сайдгарлар йўлга чиққанларида кечки «қора совуқ» тушиб забтига ола бошлаганди.

Бундай совуқлар суворийларнинг қизиб турган баданларига заррача таъсир қилолмас, қайтага Қосимбек қавчинга ўхшаш бир неча беклар мўйли тўшларини ҳам очиб олишганди.

ГЕЗАДА ҚАРШИ ОЛИНГАН ТОНГ

«Ушбу Парсаруда кеча таҳорат
қиладур эдим,
шамъ ёруғига қалин балиқлар
йиргилиб, сув юзига чиқдилар.
Мен ва яна ёвуғимдагилар
илик била қалин балиқ туттук.»
«Бобурнома»дан

Саратоннинг бир тутам туни ярмидан ора бошлаган...

Шаҳар тинч уйқуда. Сокин кеча қўйнида шу яқин атрофдан келаётган эломоннинг: «Аҳли муслимийн, осойишта уюхлайверинг! Юрт тинч!», деган таниш овозигина қулоққа чалинади.

Бир пайт Андижон қалъасининг нақшинкор зирҳли Шимолий дарвозаси «ғийт» этиб очилиб, ундан уч нафар отлиқ чиқиб келди. Чавандозлар Бош майдон узра юриб шаҳарнинг шимол тарафига элтувчи катта тош йўлга тушиб олдилар-да, жадаллик билан илгарилаб кетдилар.

Дарвоза соқчиларидан бири улар ортидан кузатиб қоларкан: «Шундай ширин паллада уйқудин воз кечиб қайға кетиб бораркинлар-а?! Ҳа, Мирзом тушмагур-ей, тиниб-тинчимайди-я! Бу боланинг қилаётган ишларини кўруб кап-катта навкармикин дейсан!», – деб қўйди.

Саф бўлиб бораётган суворийлар яқинроқ йўлни танладилар чоғи, ўша қадимий «Банди Солор» йўлидан бироз юришгач, биринчи чорраҳаданок ўнгга бурилиб олдилар...

Рокиблар шаҳар ташқарисига чиқиб, узоқдан қорайиб кўринаётган Мўғул тўпи маҳалласининг пастқам, лой томли уйлари четидан ўтиб борарди-

лар... Осуда кеча қаърида таралаётган отларнинг дупури динг қулоқларига кирган бўлса керак, бирдан ўша тарафдан (унинг тор ва эгри-бугри кўчаларида изғиб юрган) итларнинг ҳураётгани эшитила бошлади...

Отлиқлар яқинлашиб борган сари уларнинг ғала-ғовурлари ҳам авж олиб борарди...

«Оқ ит, қора ит, ҳаммаси бир ит», деб бежиз айтилмаган-ку! Сезгир қулоқларига ёт шарпа кирди, акиллайверадилар. Айниқса, бундайин ярим кечада.

Улуғ хон ота – Султон Юнусхон Мўғулистондан кўчирма қилдириб келган 2000 нафар мўғул лашкарининг оилаларига қўним бўлиб турган бу жойларни оралаб ўтиш, куппа-кундузида ҳам бир мунча хавотирли. Чунки, бу қавм аҳлининг қорни тўқ, усти бут бўлса-да, аввало, ўтганки йўловчига ташланаверадиган мана шундай бошвоқсиз итлари бор. Қолаверса, эгалари ҳам «ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қоламан», деганлар тоифасидан.

Мўғуллар, ҳунар ва зироатда нўноқ одамлар. Бироқ, чорпода пеш... Улар, айниқса, от билан бўладиган муомалада туркийлардан сўнг биринчи ўринда турадилар. Тарихий манбаларда келтирилишича, Салжуқийлар давридаёқ: «Бугун ҳеч бир гуруҳ отларни турклардан яхшироқ билмайди, чунки улар кеча-кундуз от билан шуғулланадилар ва жаҳон уларнинг қўлидадир», дея дунё тан олган экан.

Мўғулларнинг феъл-атвори, туриш-турмушидан яхши хабардор бўлган Бобур Мирзо улар тарафдан кўз узмай бораркан, ҳайфсингандай бўлиб, кўнглидан: «Қачон бизнинг одамлардай саришта яшашни одат қиларканлар-а?!» деган фикрни ўтказиб қўйди.

Валиаҳднинг бу қавм аҳлига ачиниб бораётганига сабаб, не бўлганда ҳам, уларнинг барча ташвишлари ва тақдири меҳрибон бувижониси – Эсан Давлатбегимнинг уҳдаларида-да! Шундан ҳам бу жамоада туғилган бирон-бир муаммо Пошшо бувининг аралашувисиз ечим топмайди...

Мўғуллардан олиш мумкин бўлган биргина ибрат бор, у ҳам бўлса, ночор ҳолга тушиб қолганларида ҳам бир-бирларига хиёнат қилмай, ҳамжиҳатликда кун кечирадилар.

Шу тобда валиаҳднинг мутаҳҳар кўнглидан яна нималар кечди экан? Унинг хушрўй чеҳраси жиддийлашиб, бир хўрсиниб қўйди...

Ўз хаёл дарёсига чўмиб бораётган суворийлар кенг, қалин ўтлар қолаб ётган қўриққа чиқиб олганларидан сўнггина мулоқотга киришдилар. Шогирдининг кечаги таклифи ёдига тушиб сергакланган Алп баҳодир, Бобур Мирзога юзланаркан: «Тенгри рост келтурса, устазода Абдуллоҳни кейинги дафъа, албатта қўшуб олабиз», деб қўйди.

Улар шу тахлит анча жойгача ундан-бундан суҳбатлашиб кетдилар. Сайёдларнинг қизиби бораётган гурунгини кун ботиш томонда ястаниб ётган «Тўнғиз тўсар» тўқайзорларидан келаётган йиртқичларнинг наъралари бузиб юборди. Айниқса, шу яқин атрофда увилаётган бўриларнинг овози атрофга ваҳимали шарпа таратиб турарди. Отлар бу сасни эшитишлари ҳамано қулоқларини чимириб депсиниб олдилар.

Бобур Мирзо олдинга энгашганча кафти билан тозий чарма «Зуҳал»ининг ёлдор бўйнига бирикки уриб қўяркан: «Чўчима, Зуҳал! Устингда ўзум ўлтурубмен! Бўри зотининг «аждарҳо»си бўлғонда ҳам, бир яқинлашиб кўрсинчи!» – деди, шужъолиги тутиб. Буни эшитиб бораётган Алп Баҳодир жилмайганча бош ирғаб шогирдига юзланаркан:

«Ўзингиз яхши биладурсиз, амирзодам! От зоти бағоят бедав бўлғонда ҳам ҳуркак жонивор саналадур... Бежиз моҳир суворий боболаримиз «Отнинг юраги чавандознинг юрагидин қувват оладур!» демаганлар», – деб қўйди.

Бобур Мирзо тўқай тарафдан нигоҳини узмай: «Ўхў-хў!», деди, катталардай маънодор жилмайиб. Алп Баҳодир шогирдининг нимага писанда қилаётганини фаҳмлаб: «Амирзодам! Овозлари чун таниш... Бултур, қишдағи шикорда омон қолғон бўрибаччалар улғайиб катталар сафиға кирғон кўринадур», деганди, бу луқмадан учовлари ҳам кулиб юбордилар... Ҳайвонот дунёсининг ашаддий мухлиси Бобур Мирзо: «Устоз! Айтингчи, сабуълар орасида нега бўриларгина кўкка қараб улийдилар?», – деб сўраганди, Алп Баҳодир шогирдларига қараб: «Бўриларнинг тунда, Ойға қараб увуллашлари хусусинда бир неча ривоятлар бўлуб, улардан бирида шундай дейилғон: «Узоқ аждодларимиз итларни, бўри болаларидин қўлга ўргатуб, хонакилаштириб олғон эканлар. Жумладин отларни ҳам. Ўша ривоятда таъкидланишича, бўрилар, гўё Ойға қараб: «Одамлар қавмларимизни қайтариб беришсунлар!» дея илтижо қилар эканлар», – деб жавоб берди.

Бир тўда чиябўри анчадан бери емиш илинжида сурлик билан отлар кетидан изма-из эргашиб келаётганди. Чавандозлар бундан воқиф бўлсалар-да, ўзларини сезмаганга олиб, йўлларида хотиржам давом этиб борардилар.

Шақаллар ҳар замонда йиғиға ўхшаш ёқимсиз акиллашиб қўяр, ўт-ўлан, буталар оралаб бўлса ҳам изма-из таъқиб қилишдан қолмасдилар.

Суворийлар бироз кенгроқ жойга чиқиб олганларида отларнинг тизгинларини тортиб қўйдилар.

Алп Баҳодир шогирдларига: «Камон!» ишорасини қилиб, елкасидан ёйни олди-да, бир тирни жойлади ва шартта ўтирилганча кўзлари ёниб турган йиртқичлар галаси томон тортиб юборди. Биринкетин визиллаганча учи кетган уч найза нишонга беҳато санчилган экан, улар хириллаганларича тумтарақай бўлиб, буталар орасига писиб кетдилар. Чавандозлар ўз йўлида давом этаётганларида ҳали ҳам бир неча вайваякнинг ғингшиётгани эшитилиб турарди.

Сайёдлар ширин суҳбатларини давом эттира бориб Иламишнинг чуқур жарликлари ёқалаб кетган илон изи якраҳага чиқиб келганларида чор атроф Ой шуъласида янада жозибали кўриниб борар, (ваҳимали пўртаналари билан пишқирганча ўтиб кетган баҳорги тошқинлар аллақачон тугаб) уфққа қадар чўзилиб оқаётган дарё суви бир текис жилоланиб ётарди. Тўлишиб бораётган тун малаги эса, кўкда жавоҳирлардай жимирлаб турган минглаб юлдузлар қошида олтин баркашдай бўлиб, мағрибга томон оғиб бормоқда эди.

Сайёдлар ўзанга тушиб-чиқиш учун қулай қилиб қўйилган жойга келганларида отлардан тушиб, етаклаб олдилар.

Албатта, Иламиш – Жайхун ёхуд Сайхун эмас! Бироқ, ўзан бир мунча кенг ва чуқур бўлиб, йил ўн икки ой сув узилмайди. Қолаверса, бу маконда муттасил салқин шабада эсиб, сувнинг шовқини келиб туради.

Отлиқлар ўзан ичига тушиб олдилар-да, жарлик остидаги йўлакдан оқим бўйлаб йўртиб кетдилар.

Бобур Мирзо чап тарафда беш пахсали девордан ҳам баланд бўлиб қаққайиб турган тик жарликка ишора қилиб: «Устоз! Нега энди бун-

дай учма секретки⁴³ дарёнинг нариги жонибида йўқ?», – деб сўради.

Алп Баҳодир қониқиш ҳисси билан шогирдига юзланаркан: «Амирзодам! Биласизму, Сизга илмий жиҳатдин тушунтуруб беролмасам-да, биздоғи барча рўдлар фақат ғарбга томон, аксар сўл жонибиға уруб оқадурлар. Шундан бўлса керак, қай бир дарёни олманг, жарликлар унинг жанубида воқъе бўлгон», – деб жавоб қилди.

Кейин узоқда йилтиллаб кўринаётган ўт шуъласига ишора қилиб: «Амирзодам! Бизларни олачўқда⁴⁴ Норбой бобонинг ўзлари кутиб ўтирибдилар», деди мамнун оҳангда. Бунга кўзи тушган Бобур Мирзо: «Ғариб бобомиз бор-да!», деб қўйди фахрланиб.

Рокиблар чайладан бироз берида, қалин ўтлар қоплаб ётган кўм-кўк майдончага келиб қўндилар.

Муҳиббали отдан тушибоқ чармпўштидан учта бир хил чилвир олиб, чаққонлик билан учов отни ҳам олди туёқларини тушовлаб, оғзидан сувлуқларини чиқариб қўйди-да, ўтлоққа қўйиб юборди. Отлар бир пишқиришиб олгач, ўзларини шарбат тўла кўкка урдилар. Чунки улар анчадан бери шабчорга қўйилмаган эдилар-да...

Барра ўт шу даражада қалин ва сўлим эканки, буни кўриб завқи тошиб кетган Бобур Мирзо энгашганча панжаларини кўкатлар узра юргизаркан: «Шабнам бўлмағонда, мазза қилиб думалаб-думалаб олғон бўлур эрдим», деб қўйди ички овозда.

Меҳмонлар чайла томон қадам босганлари ҳамоно, занжирини узиб юборгудек жаҳд билан ҳураётган бир эмас, икки итнинг йўғон ово-

⁴³ Учма секретки – тик жарлик.

⁴⁴ Олачўқ – қамишдан қурилган қапа, чайла.

зи қулоқларни қоматга келтириб юборди. Бобо қўриқчиларини ўдағайлаганча қўлида фонус билан чайласидан чиқди ва кафтини пешанасига қўйиб, улар кимлар эканлигини билиш учун бир зум туриб қолди. Эгасининг товушини эшитган итлар эса шу заҳотиёқ жимиб қолдилар.

Овчилар ташриф вақтини аввал хабар қилиб қўйгандилар. Бовужуд ўрон сўзини айтиб келатган навкарлардай, баланд овозда суҳбатлашиб яқинлашмоқда эдилар.

Норбой бобонинг кўзлари қоронғида меҳмонларни ажратиб олишга ожизлик қилиб турганди, Бобур Мирзонинг жарангдор ўткир овозини эшитибок, дарров таниб: «Хуш келибсиз, Мирзом! Хуш келибсизлар, жаноблар!», дея тавозе билан азиз меҳмонларнинг истиқболига қараб юрди. Салом-алиқдан сўнг улар чайлага кириб дуои фотиҳага қўл очдилар. Бир-бирларидан дилдан ҳол сўрадилар. Кечаю кундуз ўз иши билан машғул деҳқондан, саломатликдан сўнг яна нимани ҳам сўраш мумкин?!

Алп Баҳодир бу йилги шолининг ривожини тўғрисида қизиқди...

Норбой бобо бу йил сувнинг сероблиги, аксар майдонга олампапоҳ суйган «Марғовул», бир қисмига эса девзиранинг «Қора қилтириқ» нави уруғидан сепганини, шолиларнинг баравж ўсаётгани, алақачон ўтдан чиқариб қўйишгани, ўрдакларнинг беминнат «ёрдами» билан кўчатлар бисёр туплаб, шу кунларда бош тортиб қолганлиги ҳақида завқланиб сўзлаб берди. Шу орада тош ўчоқда шарақлаб қайнаб турган қумфондаги қайноқ сувга олма қоқисидан шарбат тайёрлаб кирди. Осма токчадаги тугунлардан бирини олиб, ундан марғизли ҳолва, майиз, новвот, қандак туршак каби ши-

ринликлардан дастурхонга қўяркан: «Олинглар, меҳмонлар, шарбатни куруқ ичманглар!», дея қистади. «Отчопар»нинг қайроқисига бўлган, патнисдаги жиззали нонлардан меҳмонлар олдига ушатиб қўяркан: «Эрталаб кампирим ёпғон экан. «Улуғ меҳмонлар ташриф буюрсалар, олдига синдилинг!» дея сизларга илиниб бериб юборибди», – деб қўйди жилмайиб.

Муҳиббалининг: «Бобожон, шарбатни мен қуяй», деган илтимосини ҳам инобатга олмай: «Сизлар, улуғ меҳмонсизлар! Самарқанд манзирати эмас, уйимда бўлғонингларда эди, оёқларинг остига қўй сўйғон бўлур эдим!», деб ўзи қуйиб узатди. Кейин: «Мирзом! Мана бу ҳовлимиздаги марвартак тутдан ўзум тайёрлағон қўлбола шинни. Дукурнинг гилида тиндирилғон! Татиб кўринглар, жаноблар!», дея сопол қувачанинг қопқорини очиб пиёлаларга қўйди ва меҳмонлар олдига суриб қўйди.

Қуш овига чиққан сайёдлар янги дамланган хушбўй ичимликдан ҳузур-ла бир-икки пиёладан ичиб, ширинликлардан татиб кўрган бўлдиларда: «Бобожон! Ҳозиргина субҳ кириб қолса, шошиб қолабиз», деган вазҳни айтиб, шикор жиҳозларини созлашга киришиб кетдилар.

Бундан бир неча йил муқаддам Алп Баҳодирнинг ихтироси билан ўрдак овида қўлланиладиган, ишлатиш усули худди ғалвир ёрдамида чумчуқ тутишга ўхшаш бу мосламанинг номи «Дарвоза тузоқ» деб аталиб, унинг шакли шамойили қуйидагича эди: учта бир хил йўғонликдаги, уч қулочдан иборат ходаларни дарвоза шаклида бир-бирига икки жойдан турум чармак усулда маҳкамланади ва ўша икки жойига ҳалқа ўрнатиб, иккита узун, алоҳида-алоҳида ип боғлаб қўйилади. Бу «Дарвоза тузоқ»нинг олди тарафи ҳисобланиб, орқа та-

рафига эса сўлқироқ қилиб, йирик кўзли матраб қопланади.

Ўрдаклар келиб тушадиган ҳавза қирроғига (сув юзи билан қирроқ кесишган жойга) аввалдан мажам қилиб (қоқиб) ўрнатилган икки устуннинг ўртасига «Дарвоза тузоқ» келтириб жойланади. «Дарвоза тузоқ»нинг узун ипларини ушлаб олган овчилар рўпарадаги гезага тушиб бекиниб олиб, ўрдаклар учиб келишини пойлаб ётадилар. Бир оёридан қирроққа боғлаб қўйилган бир неча макиён ўрдакни «Дарвоза тузоқ»нинг олдига, сувга қўйиб юборилади. Қовоқ идишга ем солиб, сув бетига қўйиб қўйилса, айти муддао.

Тонг саҳарда ҳавзага учиб келган ёввойи ўрдакларни кўрган «сотқин» ўрдаклар рағиллаганларича уларни ёнларига чорлай бошлайдилар. Ёввойи ўрдаклар кўп ноз қилиб ўтирмай, боғлаб қўйилган мода ўрдаклар ёнига сузиб келиб, «бозор» қилиб ўйнай бошлайдилар. Айти шу пайт гезада пойлаб турган овчилар қўлларидаги ипни шиддат билан тортиб, «Дарвоза тузоқ»ни ўрдаклар устига туширадилар. Тўр тагида қолган ўрдаклар бир шўнғиб қочиш кетиш ўрнига, ўзларини нуқул юқорига қараб ураберадилар...

Бу ёри энди овчиларнинг шиддатига боғлиқ, қанча тез ва чаққон ҳаракат қилинса, шунга яраша ўлжа олинади.

Ҳамма тайёргарлик ишларини пухта қилиб бажариб қўйган сайёдлар (Алп Баҳодир билан Бобур Мирзо) анчадан бери гезага тушиб олиб, қулай вазиятни пойлаб ётишибди. Нам ўтмаслик учун тўшаб қўйилган қуруқ пичандан таралаётган ёқимли ҳид димоққа урилиб, овчиларга ўзгача кайфият бағишлайди.

Алп Баҳодир бирушта шогирдига: «Амирзодам! Ипни фақат менинг ишорам била тортабиз!», деб

тайинлайди паст овозда. Чунки аввалги сафар овда кўп қуш тўпланганини кўриб жўшиб кетган Бобур Мирзо ипни бироз олдинроқ тортиб юбориб, бир неча ўрдак учиб кетишга улгурган эди. Шуларни эслади чоғи, росмана бош ирғаб: «Хўп бўлади, устоз!», деб қўйди.

Шу пайт дув этиб бир гала қуш овчилар устидан, жарангдор сас таратиб учиб ўтди. Қушлар қанотидан чиқадиган товушни яхши ажрата биладиган Алп Баҳодир кўлдан кўз узмаган ҳолда кўрсаткич барморини юқорига кўтариб: «Амирзодам! Ҳозирғи овозни эсда сақлаб қолинг! Булар – ўрдаклар!», деб қўйди ишонч билан. Бобур Мирзо така қилиб олган жойида: «Устоз! Паррандалар ичида бешарпа ва чуст учадурғони қарлуғочму?», деганди, «Ҳа, Амирзодам! Бизда, чун саҳарҳез қуш ҳам қарлуғоч саналадур. Фолибо, исломда, ўлдирилиши қатъиян ман этилгон олти жонзотнинг номлари хотиринғиздаму?» – деб сўраганди, Бобур Мирзо: «Ҳа, албатта, устоз! Кўк қарға, қўринжа, қарлуғоч, худхуд, сувбақаси ва асалари», деб бир пасда санаб берди.

Алп Баҳодир нигоҳини сув сатҳидан олмай, имкон қадар ўт-ўланлар орасидан мўралаб бўлса ҳам зийраклик билан кўлчани кузатиб тураркан: «Балли Мирзом!» дея бош ирғаб қўйди.

Бобур Мирзо қўлига ўраб олган ипни маҳкам чангаллаганича нигоҳини кўкка қадаб, биринкетин сўниб бораётган юлдузларни кузатаркан: «Устоз! «Карвон қуш» кўринмай қолди!» – деб қўйди. Алп Баҳодир бунини эшитиб: «Мирзом! Чўлпон кўриниб турадирму?», деб сўраганди, Бобур Мирзо: «Ҳа, устоз!» деб жавоб қилди.

Субҳи содиқ ўтиб бораётганидан осмон гумбази ҳам аста-секинлик билан оқариб борарди.

Бир пайт: «Устоз! Юлдуз учди!», деб қўйди, Бобур Мирзо пичирлаб.

Ким билади, бу икки «ашаддий» сайёднинг жиддий ҳаракатлари қачон бошланар экан?

Ҳозирча ҳаммаёқ жим-жит, сокинлик ҳукм сурмоқда... Ҳал қилувчи палланинг етиб келиши кутилмоқда. Сувнинг илишини кутаётган бўлсалар керак, ҳатто кўлчадаги бақалар ҳам «чурқ» этмайди. Вақт, Бобур Мирзонинг наздида, худди тўхтаб қолгандай. Мана, устоз ва шогирд гезага жойланиб олганларига ҳам бир сут пишимидан кўпроқ вақт ўтди. Унинг ҳар бир дақиқаси амирзода учун гўё соатдай туюлиб борарди...

Бу, оддий куннинг оддий дақиқалари эмас, балки кеча эрталабдан бери кутилаётган палланинг ибтидоси, бошланиши!

Албатта, шу чоғда валнаҳднинг ёнида устози бўлмаганда, бу дамлар қандай кечган бўларди экан?!

Бобур Мирзо устозига ўгирилиб: «Устоз! Бугун ўрдаклар бу ҳавзага келиб тушмасалар-чи?» – деб қўйди.

Алп Баҳодир қандайдир ишонч ҳисси билан шогирдига юзланаркан: «Нега энди? Ноумид шайтон», дейдилар. Ажир кечадан бери кутяпмизку бу дамни. Сабр қилабиз! Норбой бобонинг сўзларига эътибор бергандирсиз? Зироат аҳли эрта баҳордин то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар – йил ўн икки ой, тинимсиз тер тўкуб меҳнат қилади ва кутади. Биз эса бир куннигина ўтқариб турубмиз. Магарам, ўрдаклар бугун қўнамасалар, эртага албатта қўнадилар. Сиздек болалик пайгимда мен ҳам кўп нарсаларга сабр била кутуб турушга тоқатим етмасди. Кейин-кейин, ёшим катта бўлиб шу нарсага амин бўлдимки, сабрсизлик инсонга наф бермай, сабот ва

иродани сусайтириб кўяр экан. Бежиз «Сабрнинг туби сариқ олтун», демаганлар. Имоним комил! Сизнинг вужудингизда сабр ва бардош туйғулари ўзингиз ўйлагондин кўра ҳам зиёдрокдур! Фақат болалик шашти, ҳар бир нарсанинг тезроқ натижасини кўришга ошиқтиради», деб гапини тугатмасданоқ, қаёқдандир учиб келган бир гала ўрдак сув юзини енгил шалолатиб, бирин-кетин кўна бошладилар.

Бобонинг ўрдаклари ҳам дами ичида, айна шуни кутиб турган экан. Бирдан ҳаммаёқни бошига кўтариб рағиллашга тушиб кетдилар. Галадаги ўрдаклар кўп ноз қилиб ўтирмадилар. «Шерик»ларининг чорловини эшитишлари ҳамано «Дарвоза тўр» томон сузиб кела бошладилар. Улар бир-бирларини кўриб қувонганларидан аралаш-қуралаш бўлиб рағиллай кетдилар. Ҳозиргина сукунат ҳукм суриб турган кўлча бир зумда ўрдаклар бозорига айланди, қолди.

Манзарани кўриб завқланиб кетган Бобур Мирзо кўлидаги ипни кўрсатиб, устозига юзланганди, атрофни зийраклик билан назорат қилиб турган Алл Баҳодир шогирдига: «Сабр!» ишорасини билдирди. Чунки кўлга шу дамда яна бир кичикроқ гала келиб тушганди. Биринчи гала ҳаш-паш дегунча қовоқдаги емни паққос тушириб, бобонинг ўрдаклари билан апоқ-чалоқ бўлиб кетишди. «Ҳозир бу ўрдакларни ҳайдасанг ҳам учиб кетмайдилар», -деб кўйди Алл Баҳодир, ҳазиломуз.

Янги қўнган ўрдаклар эса, тушган жойларида ўзлари билан ўзлари қувлашмачоқ ўйнай бошладилар. Чиройли қанотларини сув юзига чапиллатиб уриб, калта-калта рағиллашиб кўяр, бир-бирларини қувлашар, энг шўх нарлари бошини пастга-тепага қилиб ўйнатиб сувга шўнғиб кетар, бир зум йўқ бўлиб кетиб, кутилмаган жойдан

чиқиб қолар, гўё макиёнлари олдида ўзларининг чаққон ва абжир эканликларини намойиш қилмоқда эдилар. Ўрдаклар худди бирор хатарни сезиб қолгандек, ўйинни тугатибоқ, икки гуруҳга бўлиндилар-да, бир гуруҳ-иккиланиб турганлари жойида қолиб, қолганлари жадаллик билан катта гала томон сузиб кетдилар.

Ана энди, айна кутилаётган онлар яқинлашаётганди. Вужуди кўз бўлиб, вазиятни кузатиб турган Бобур Мирзонинг бир қулоғи устозида.

Шу пайт Алп Баҳодирнинг: «Ҳайт!», деган нидоси янгради.

Икки устун орасига шундайгина ўрнатиб қўйилган «Дарвоза тўр» ҳам сайёдларнинг силташига қараб турган экан, кўз очиб юмгунча бир текис бўлиб ўрдаклар устига тушди. Тузоқ тагида қолган қушлар патир-патир қилганларича ўзларини тепага қараб ура бошладилар. Бир нечасининг боши матрабнинг тешикларидан чиқиб қолганди. Менман деган сона ўрдакнинг калласи ҳам товуқларникидан ортиқ ишлаб кетолмас экан. Улар шу даражада саросимада қолгандилардики, бошини тортиб бир шўнғиб тўрдан чиқиб кетиш ўрнига нуқул юқорига қараб интилардилар.

Бобурбек бир лаҳза ҳам кутиб ўтирмай гезадан ўқдек учиб чиқиб, ўзини сувга отди. Орадаги масофа айтарли узоқ бўлмаса-да, валнаҳд ўлжа томон шундай жадал ва силлиқ сузиб кетдики, бир зумдаёқ «Дарвоза тўр» ёнида пайдо бўлди.

Алп Баҳодир қирғоқ бўйлаб шошганча югуриб жела ёнига етиб келгунча Бобур Мирзо тўр тагига кириб, ўта чаққонлик билан ёввойи ўрдаклардан тўртта-бештасини: бирини қанотидан, бирини оёғидан, яна бирини бўйнидан чангаллаганича қирғоққа олиб чиқди-да, Муҳиббали тайёр қилиб турган қанор қопга ташлаб, ортига қайтди.

Бу пайтда Алп Баҳодир ҳам тўрнинг тагида ўрдак ушлашга киришиб кетганди.

Ана-мана дегунча бўлмай, «Дарвоза тўр»нинг тагида бобонинг тўртта хонаки ўрдагидан бошқа биронта ҳам қуш зоти қолмади. Тўғри, бироқ бу фатаратларда бир неча парранда қочиб кетишга ҳам улгурганди.

Сайёдлар қопдаги ўрдакларни кўтариб чайлага келганларида Норбой бобо ўлжаларни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Қизиққанидан қопдаги ўрдакларга назар солиб, улар ичидан энг чиройли, думида бир жуфт гажаги бор, қизғиш пардали оёқчалари калтагина, бўйнидаги оппоқ «ҳалқаси» эса ўзига ярашиб турган ўрдакни қўлга олиб, ҳавас билан қараркан: «Сона ўрдак экан!», деб қўйди.

Бобур Мирзо ялт этиб Норбой бобога юзланиб: «Бобо! Қаердан аниқлаб олдингиз, бу қушнинг нарлигин?», деб сўраганди, бобо: «Мирзом! Аввало, мана бу гажак, – дея думи устида турган бир жуфт жингалак патини кўрсатиб: «Нежабки, бундайин қашам ўрдакнинг сонасида бўлади. Нафсиламр, фақат илбосун зотининг нарларигина шундай чиройли қилиб яратилган!», – деди.

Улар шу аснода бир муддат сув паррандалари тўғрисида суҳбатлашиб турдилар. Бобо ёввойи ўрдаклар оиласига мансуб шомруқ, тўрамижоз, чағирқанот, суқсун, ҳайдаркокил каби сув қушларининг яшаш жойлари, бир-бирларидан фарқи, баъзи бир жиҳатлари тўғрисида сўйлаб берди. Ҳатто, энг кичкина ўрдакча-чуррақлар тўғрисида ҳам ўз билганларини айтиб, унинг гўштини маза-ли эканлигини, шомруқнинг халқ орасида «сура-лай роз» деб аталишини ҳам таъкидлаб қўйди.

Қушлар тўғрисидаги суҳбат поёнига етгач, овчилар бироз наридан оқиб ўтаётган законга

бориб ювиндилар ва либосларини алмаштириб олдилар. Сўнг Норбой бобо ҳафсала билан ёзган дастурхон атрофида иштаҳа билан нонушта қилдилар. Шикор завқини суриб, баланд кайфиятда чақчақлашиб ўтирдилар.

* * *

Меҳмонлар ташқарига чиққанларида Қуёш аллақачон борлиққа ўз сепини ёйиб, заррин нурларини соча бошлаган, вақт эса чошгоҳга томон яқинлашмоқда эди. Бобонинг: «Сув илиб олгунга қадар пичан ғарами устига полос тўшаб берайин, бироз мизғиб олсангизлар шоъе иш бўлур эди», - деган таклифига ҳам қарамай, бутунги кун режасидаги кейинги тадбир-қўл билан балиқ овлашга тайёргарлик кўра бошладилар.

Қуритиш учун, чайла олдидаги айрига илиб қўйилган катта, сап-сарик зоғора балиқни кўрган Бобур Мирзо: «Бобо! Ўзингиз тутдингизму?» - деб сўради қизиқиб.

- Ҳа, Мирзом! Аввалги кун шопипояга кириб қолгон экан, сангқида ушлаб олдим. Бирорта, кўнгулга яқинроқ одам келиб қолса, овбоши қиламен, деб, тузлаб қўйгон эдим. Мана, энди Сизларга насиб этиб турибди, - деб қўйди мамнун.

- Бу мавсумда ҳеч бир балиқ овламадингизму, бобо? - деб сўраганди, «Ҳа, балиқ овиға чиқиш учун аввало, фурсат бўлмади, қолаверса, уларнинг бироз эт олишини ҳам кутдум», - деди.

Бобонинг тавсияси билан овчилар, ҳў, этакроқдаги, аввал шопипоя бўлган саёз қўлчалар томон йўл олдилар.

Қалин ўт босиб кетган ҳавзалар ёнига келганларида кекса овчи унга бироз разм солиб турдида: «Айтғонимдай, сув ҳали илиб улгурмагон, шу

боис балиқлар ҳам сайрға чиқмабдилар, жаноблар», – деди.

Бобур Мирзо Норбой бобога қараб: «Бобо! Сувға тушмай ҳам, ҳавзада балиқ йўқ эканлигини қандай билиб олдингиз?», деб сўради қизиқиб.

Мўйсафид тахт ворисига қараб жилмайиб кўяркан: «Амирзодам! Сувда балиқлар бўлғонида эди, ҳали у жойда, ҳали бу жойда кўкатлар силкиниб, белги бериб турғон бўлур эди. Қаранг, шундай катта полда биронта ўт қилт этиб кўймайдур. Ҳали сув илиб қолғонда кўрасиз, бу манзарани», деди босиқлик билан.

Бироз сабр қилиш кераклигини тушунган сайёдлар вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида дарё ўзани узра сайр қилиб келишга қарор қилдилар.

Алп Баҳодир Муҳиббалини отларни олиб келиш учун жўнатди. Ҳаял ўтмай, ўзининг отини миниб олган ёш қушчи икки ёнида икки бедавни етаклаганча келиб, эгаларига топширди.

Бобо Андижон шаҳзодасининг тагида «Фиркўк»дай учаман деб ўйноқлаб турган, тўши ва мушаклари туртиб чиққан, узун чопқир оёқлари депсинаётган хосаки арғумоқдан кўз узолмай қолганди. Меҳри жўшиб кетганидан бориб, Зуҳалнинг қуюқ ёлларини, кучга тўла бўйни ва қаптаалларини силаб кўяркан: «Илоё, ўзингизга буюруб, насиб этсун, амирзодам!»-дея дуога кўл очди. Кейин жадларимиз: «Йигитға от андоғким, кўкка ой!», деб айтғон эканлар», – деб кўйди, кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб.

Шолипоярлар оралаб бораётган суворийлар бир пайкалдан иккинчи пайкалга ўтаётган бир гала хонаки ўрдакларни кўриб тизгинларни тортиб турдилар...

Улар тупроғи кўпчиб ётган дала йўли устидан дўмпайган ўмгакларини чиқариб лапанглаган-

ларича кесиб ўтдилар-да, морзани ошиб ўтибоқ бошларини сувга тиқиб яна овқатланишга тушиб кетдилар.

Мазалироқ емиш топиб олганлари ўша заҳотиёқ бошини кўтариб, бор овозда рағиллашиб кўярдилар.

Беҳисоб озуқа манбаи бўлган шолипоялар ўрдаклар учун ем солинган охурдай гап. Улар тонг сахардан то шомга қадар «кут-кут»лашиб беўлчов жиғилдонларини заплаш билан банд.

Алп Баҳодир ўрдакларни кузатиб турган шогирдларига қараб: «Ҳали Норбой бобо мақтаган беминнат ёрдамчилар шулар бўладилар, жаноблар» – деди.

Бобур Мирзо ўрдакларнинг миқти таналарини кўриб:

– Устоз! Булар уча оладиларму? – деб сўради.

Алп Баҳодир паррандалардан кўз узмай:

– Йўқ, амирзодам! Улар бир мунча танбал бўлиб қолгонлари сабаб уча олмайдулар... – деди.

Кейин жилмайиб кўяркан: «Ўрдаклар бундайин этли гавдаларини осмонга олиб чиқишлари учун қанотларини камида бир ярим ҳиссага катта-лаштиришлари керак бўлади» – дея қўшиб қўйди ҳазиломуз.

Болалар бу мутойибадан қиқирлаб кулдилар.

Муҳиббали: «Устоз! Далада юмушлар тугагач, бобо ўрдакларини бу ердан олиб кетадимму?», – деб сўради қизиқиб.

Алп Баҳодир шогирдига юзланиб:

– Йўқ, бозбон жаноблари! Хирмон кўтариш олидан келгуси йилга, насл беришлари учун бир нечасигина олиб қолниб, қолгон барча ўрдаклар сўйилиб тузланади ва хумларга босиб салқин жойга кўмиб қўйилади. Шоли ўримиға тушилгач-ўқ, хашарчиларнинг ошиға босиб берилади. Ўр-

дак гўшти копар иссиқлиқ бўлғони боис шоликорларнинг таналаридаги тамоми бодни қавлаб чиқаради, – деб қўйди.

Овчилар Иламиш узра борарканлар атроф манзараларига тикилиб тўйишмасди. Одамлардан бироз нарида, ҳоли жой бўлганиданми, бу ерларда ҳар турли анвои сув қушларини ва бошқа жонзотларни учратиш мумкин эди.

У ер бу ерда атрофини қамиш ва қўғалар ўраб олган ҳар хил катталиқдаги шаффоф сувли кўлчалар, булоқлар, уларда сузиб юрган бир талай сув қушлари, ялтироқ балиқчалар, бақалар, тепада эса чийиллашганларича учиб юрган чағалайлар, сув торғоқлар, кўк балиқчи қушлар билан тўлиб тошган. Улар орасида, қирғоққа яқин жойда ўзларига оро бериб сузиб юрган бир жуфт завқбахш кўринишли кўнғир қушни илк бор учратиб турган Бобур Мирзо ҳисларини яширолмай: «Устоз! Бу қушнинг бошидоғи ёл ва шохлари патданму?» – деб сўради. Алп Баҳодир шогирдига юзланиб: «Ҳа, Мирзом! Аларнинг бу зеб-ҳашамлари патдан», деб қўйди.

Илвасинлар бу жаннатмакон жойларда, рағиллаганларича бамайлихотир ўйноқлашиб юришарди.

Анча нарида, дарё қирғоғида, бир тўп шоликор қирғоққа катта-кичик тошлар, шох-шаббалар босиб, алишдан сувни жонлантириш учун ҳаракат қилаётган экан. Алп Баҳодир уларга қарата баланд овозда: «Ҳорманглар, биродарлар!»-деб қўйганди, улар ҳам: «Хў саломат бўлинглар!» – дея қуллуқ қилишиб қўйди.

Устоз шу ерга келганда шогирдларига қараб: «Ёндук!»-деди.

Улар жарликка яқинроқ, ўтлоқ жойдан қайтишга қарор қилдилар. Унча баланд бўлмаган май-

салар қоплаб олган йўлнинг текислигини кўриб қувониб кетган Бобур Мирзо: «Устоз! Отдан сач-раш машқини такрорлаб олсам?» – деб сўраганди, устоз: «Майлинғиз», - дея жавоб қилди.

Муҳиббали дарҳол отидан тушиб тизгинни Алп Баҳодирнинг қўлига тутқазди.

Улар салт отни ўртага олдилар-да, қуюндай елиб кетдилар...

Тахт вориси ҳеч бир қийинчиликсиз, бир неча бор, оти устидан бир сакраб, Муҳиббаланинг отига миниб олар, бироз чопишгач, яна ўзининг оти устида пайдо бўлиб қолар, машқни шундайин тез ва чаққонлик билан бажарардики, буни кўрган устози чопиб бораётган кези қониқиш ҳисси билан бош ирғаб қўярди.

Чавандозлар бу йўлда бир бориб қайтдилар, холос. Бобур Мирзо бу ишни неча бор бажарганини орқада Муҳиббали ҳисоблаб келаётган экан... У Бобур Мирзога қарата иккала қўлини баланд кўтариб ёзди-да, еттита панжасини кўрсатиб қўйди.

Улар шу тариқа машғулотни тамомлаб, балиқ овлаш учун мўлжаллаб қўйилган пол ёнига келганларида кун чошгоҳдан ўтган эди.

Бобур Мирзо отдан тушибоқ сув ўтларига разм соларкан, бобонинг айтганлари тўғри эканлигини кўриб, беихтиёр жилмайиб қўйди. Чунки, ҳавзада сув илиб, манзара тамомила бошқа кўринишни олган эди.

Овчилар аввал тайёрлаб қўйган кенг бўз иштонларини кийиб сарпойчан бўлиб олдилар-да, сувга биринчи бўлиб асталик билан Алп Баҳодир, кетидан шогирдлари тушиб бордилар.

Устоз икки оёғини кенг ёзиб, ўтирган жойидан бироз силжибоқ: «Жаноблар! Бай очилди!», деганча каттагина зорора балиқни чови остидан қўш

қўллаб олиб, шогирдларига кўрсатиб қўйди-да, қирғоққа отиб юборди. Зум ўтмай, Бобур Мирзо ҳам битта ушлади. Кетидан Муҳиббали... Ҳашпаш дегунча балиқ ови қизиб кетди.

Овчилар ушлаган балиқларини кетма-кет ўтлар устига отишар, қуруқликка чиқиб қолган жониворлар шиддатла типирчилашга тушардилар... Ўлжалар кўпайиб бораётганини сезган Муҳиббали шоша-пиша сувдан чиқди-да, чопиб бориб устозининг чармпўштидан тўр халта олиб келди. Териб олган балиқларни унга жойлади, кейин сувга ташлаб, қирғоққа маҳкамлаб қўйди.

Халқ орасида «чов босди» деб номланган бу усул асосан саёз ҳавзаларда қўлланилиб, унинг тартиби қуйидагича эди: Овчилар камида уч-тўрт киши бўлиб, сув ичида ўтириб оладилар-да, оёқларини кенг ёзганларича (оёқ учларини бир-бирлариникига тегизиб) балиқларни қирғоққа ҳайдаб, тўпланишга қистай бошлайдилар. Ширғага тушиб қолган балиқлар қаёққа қочишни билмай, ўзларини овчиларнинг оёқлари остига ура бошлайдилар. Шуниси қизиқки, у ерга кириб, беркиниб олган балиқ, бежавотир жойни топиб олдим деб «ўйлаб», то тутиб олмагунларича қилт этмай тураберади...

Ҳавзада балиқларнинг сероблиги боис, уларни ширға қилиб ўтиришга ҳам эҳтиёж қолмади.

Овга берилиб кетган Бобур Мирзо йирикроқ балиқларни қўлга киритиш илинжида (бир ўзи) ҳавзанинг нариги четидаги баланд, қалин ўтлар орасига кириб қолганини ҳам сезмади. Бу пайтда липпасига қистириб олган бир неча ўлжаси ҳам бор эди. Бобур Мирзо тўсатдан ўтлар орасида бошини кўтариб, лапанглаганча ўзи томон сузиб келаётган йўғон сувилонни кўриб қолди. Ҳар эҳтимолга қарши ўнг қўлини сув остида шай қилиб турса-да,

бир кўнгли: у ҳам ўлжасини таъқиб қилиб келаётган бўлса керак, мени кўргач, четга чиқиб кетади, деб ўйлади.

Йўқ! Вазият тахт вориси ўйлаганича бўлиб чиқмади. Илон ўша алпозда, ҳамон, тикка валиаҳд устига бостириб келмоқда эди!.. Бобур Мирзо яна бир лаҳза қўйиб берди, шаштидан қайтиш учун имкон бергандай. Нежабки, газанда ёвуз ниятда, айнан тахт ворисига ташланиш учун келаётган экан. Буни сезиб қолган Бобур Мирзо кутилмаганда ўта чаққонлик билан уни ортиқ бир баҳя ўтказмай, шартта сув остидан ўнг қўлини чиқарди-да, бўйнидан чангаллаб олди!

Исканжага тушиб қолган газанда заҳарли тишлари бўлмаса-да, оғзини карракдек очиб, пишиллаб кўяр, жон талвасасида липанглаб, совуқ кўзларини чақчайтириб олиб, сиқувдан чиқиб кетиш илинжида амирзоданинг билагига ўралиб кўрар, бироқ ҳар қанча чиранмасин, қутулиб кетиш учун қурби етмасди...

Бобур Мирзо даст ўрнидан турди-да, ўзидан нари қилиб, унинг бўй-бастига разм солди... Яра-мас, газанданинг энг гови экан!

Ов билан андармон бўлиб қолган Алп Баҳодир бирдан бу ҳолатга кўзи тушиб, саросима билан: «Амирзодам! Улоқтириб ташланг! Улоқтириб ташланг!» – дея қайта-қайта таъкидлади. Бобур Мирзо эса бош ирғаб: «Хўп! Хўп бўлади, устоз!» деб унинг сўзларини маъқуллаб қўйса-да, илонни қўйиб юбормасди. Қайтага жилмайганча: «Ҳа, маҳлуқ! Сенинг ҳудудинга сўроқсиз кириб қолдикму? Магарам, шундай ўйлаётган бўлсанг, билиб қўй! Бу ҳудуднинг асли эгасини яхшилаб таниб ол!» -деганча бир-икки силтаб уқтириб қўйган бўлди. Кейин ланг очиқ турган оғзига бир туфлаб, жаҳд билан улоқтириб ташлади.

Газанда осмонда чирпирак бўлиб шалоп этганча тошлар устига тушди. Устознинг шундан кейингина асаблари жойига келиб: «Жаноблар! Бугунга бас! Сафаримиз қариди!» деган фармони янгради.

Сайёдлар барча ов анжомларини саришта ҳолга келтириб, ўлжаларни сараладилар... Катта, йирик-йирик балиқларнигина қолдириб, қолганларини сувга қўйиб юбордилар ва навкарлардай жадаллик билан ювиниб-тараниб олдилар-да, чайла томон равона бўлдилар.

Тупроқ йўлда шодон ҳангомалашганларича келаётган меҳмонларнинг овозини эшитган Норбой бобо қўлидаги пазандалик ишини қўйиб, шитоб чайладан чиқди ва уларни кутиб олишга ошиқди.

Алп Баҳодирнинг: «Авф этгайсиз, бобо! Сизни бирмунча урунтуруб қўйдук?» – деган такаллуфига: «Нега ундоқ дейсиз, жаноб Алп Баҳодир? Ахир, кунда келиб юрибсизларму?! Қайтага, сизларни кўрғонимдин бери ёшлик райратларим жўшуб, талай ишларни бажариб қўйдум!»-деб жавоб берди.

Бу пайтда остида бир тўп учқун юлдузчалар галма-гал чақнаб турган қозондан дам еяётган паловнинг хушбўй ҳиди таралиб турар, чўғи тортиб қўйилган тош ўчоқ оғзидаги катта қора қумғон эса шарақлаб қайнаётганди...

СИРЛИ ҚОЯ

«Яна бир Косондур. Ахсининг шимолида
тушубдур. Кичикроқ қасабадур.
Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Акси
суйи, Косондин келур.
Яхши ҳаволиқ ердур.
Сафолиқ боғчалари бор.
Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида
воқеъ бўлгон учун,
«пўстини пеш берра» дебтурлар...»
«Бобурнома»дан

Саройнинг осмонўпар ҳавозаларидан бирига келиб тушган оппоқ кабутар баланд қўноқда бир зум ўтирди-да, у ердан кўтарилиб қушбозлар ҳужрасининг очиқ турган дераза рафига келиб қўнди.

Буни кўрган сарой тайрбози⁴⁵ Бадр Сиддиқ қўлидаги сувдонларни дарҳол ерга қўйди, сўнг: «Геҳ Оқпар, геҳ, геҳ, геҳ, геҳ!» – деганча шошиб қуш томон борди. Кабутар ўзи олиб келган мактубда муҳим хабар борлигини гўё билгандай дум-думалоқ, қора кўзларини пирпиратиб унинг истиқболига бир-икки қадам ташлаганди ҳамки қушбоз энгашиб, уни авайлабгина кафтлари орасига олди.

Оёғидаги туморча шаклидаги руқъани ечиб оларкан, аввал бир нималар деб эркалатди, сўнг лабларига яқин олиб келиб бир жуфт нори безаб турган минқоридан⁴⁶ ўпиб қўйди.

Кабутарнинг ютоқиб нафас олишидан, қизиб турган мўъжазгина танасидан тўққиз йиғоч ма-

⁴⁵ Тайрбоз – қушбоз.

⁴⁶ Минқор – қуш тумшуғи.

софани бир учишда забт этганлиги сезилиб турарди.

«Оқпар» Ахси қалъасидаги баланд кабутархоналарнинг бирида, шахсан Олампаноҳнинг назорати остида очирилганиданми, қимматбаҳо хат ташувчи кабутарлари орасида энг чапдасти, ҳам ишончлисиди. Зотан, «Оқпар» палаги тоза қуш бўлганидан, синаш учун (бир йил аввал) минг чақирим наридан учириб кўришганда ҳам жуфти қолган Ахси қалъасини беҳато топиб келганди. Шу боис, ҳукмдор аксар муҳим хатларни манзилига етказиш вазифасини фақат «Оқпар»га ишониб топширади.

Бадр Сиддиқ: «Узоқ йўлда толиққандирсен, балки қорнинг ҳам очғондир, – деганча қушнинг олдига аввал дон сочди, сўнг сув тўла сопол идишни суриб қўйди. Кабутар на донга ва на сувга қайрилиб боқди. Шу дамда қуш учун энг зарури бирозгина ҳаловат ва жуфтнинг ёнида бўлиш эди. Буни сезган бозбон уни ўз ҳолига қўйиб, қўлидаги мактуб билан Бобур Мирзо сабоқ олаётган хона томон шошилди.

Бадр Сиддиқ ичкарига изн сўрагандай енгил томоқ қириб, Амирзода ўтирган хона даҳлизи эшигининг занжирини шиқирлатганди, бутун фикри-зикрини жамлаб, ҳандасадан дарс қилиб ўтирган Амирзода вақтдан қизганди чоғи қўлидаги паргар ва қаламни қўйиб, уни очиқ турган дераза қаршисига чорлади. Тайрбоз таъзим билан келиб руқъани узатаркан: «Амирзодам! Безовта қилғоним учун узр! «Оқпар» Ахсидин, подшо ҳазратларидин мактуб келтурубдур...», – деди мамнун оҳангда.

Бобур Мирзо шошиб номани қўлга олиб: «Раҳмат сизга, тағойи», – дея миннатдорчилик билдирди-да, шу заҳотиёқ очиб ўқишга тутинди.

Бадр Сиддиқ мактубда нималар битилганлигини жон-дилдан билгиси келиб турган бўлсада, одоб нуқтаи назаридан паст овозда: «Куллуқ Амирзодам!», деганча бир-икки қадам орқага ташлаб ўз юмушлари томон жилаётганди, Бобур Мирзо хатдан кўз узмай:

– Бадр тағойи! Қушни ўз катагига – жуфти олдиға кўюб, дон-сувларидин бохабар бўлиб турингиз! Ҳа, дарвоқе, Аҳси қалъасига учириладурғон кабутарлардин бирини тайёрлаб қўйсангиз, жавоб мактуби била эрталаб ўзум кузатиб қўямен, – деб тайинлади.

Қўллари кўксида турган Бадр Сиддиқнинг даҳанидан: «Бош устиға, Амирзодам!» – деган итоаткорона жавоби эшитилди.

Хатда тинчлик-омонликдан сўнг: «Ўғлум Бобур Мирзо! Руқъа илкингиғизға тегиши ҳамоно филҳол волидаи муҳтарамангиз била йўл тадоригини кўрунгиз! Шу кунларда Косон қасабаси тоғларига чиқиб тафарруж ва шикор қилишни азимат қилиб туриббиз. Аввал ўзингиз кўрғондек, яна доминалар кўп сафолик, сой ёқолари эрса «пўстини пеш барра» бўлубдур. Устозингиз била кенгашиб дўстларингиздин бир-иккисини ҳамроҳ қилиб олсангиз яхши бўлур эди. Падари бузрукворингиз Умаршайх Мирзо», – деб имзо чекибдилар.

* * *

Султон Умаршайх Мирзо 1494 йилнинг замҳарир қиш ойларини Фарғона мулкининг пойтахти – Андижонда бир мунча беташвиш ва беталофат ўтқариб, ёзги қароргоҳи – Аҳси қалъасига кўчиб ўтганига ҳам иккинчи ой тўлиб боряпти. Ҳукмдор пойтахтни тарк этганда эндигина бодом гулга кирганди, мана энди ҳамма ёққа тўкилиб-сочилиб тут ҳам пишди.

Бобур Мирзо хатни ўқиб хурсанд бўлиб кетганидан беихтиёр юзига табассум югурди.

– Кўп соз бўлди, режадаги машғулотларим поёнига етиб қолғонди. Эрта тайёргарлик кўруб, индин йўлга чиқсак бўлаверади», – дея кўнглидан ўтказди.

Жаннатмакон Косон тоғларини барча ўш тоғларига таассуб этадилар. Чиндан ҳам, унинг бағрида гоят хушманзара дара ва унгурларни, тошдан тошга урилиб тушаётган шаффоф сувли ўйноқи жилғаларни, ранг-баранг очилиб кўзни қамаштирувчи минг турли хушбўй гуллари лолалар, шифобахш ўт-ўланлар қоплаб олган майдончаларни, қалин дарахтлар ичида учиб юрган сайроқи қушларни, маралу кийиклардан тортиб тўнғизу айиқларгача учратиш мумкин. Фақат бу ерларда ўсадиган пўсти қизил, танаси қаттиқ тобулғу йиғочи эса узоқ юртларда ҳам табаррук бўлиб кетган. Айниқса шашпар, табар, қамчи каби қуроллар сопи учун у айна муддао.

Бу маъвонинг табиати, набототи, ҳайвоноти Бобур Мирзони доимо ўзига маҳлиё этиб келади. Шунинг учун босиб ўтган, ҳар бир сўқмоғини, кечиб ўтган ҳар бир жилғасини ёдида сақлаб қолган. Ҳар сафар сайр қилгани чиққанида ҳайратидан бу манзараларни синчиклаб кузатиб, соатлар ўтиб кетганини сезмай қолар, одатига кўра, ёнидан қўймай, доимо олиб юрадиган дафтарчасига кўрган-билганларини, таассуротларини эринмай ёзиб қўярди.

Бобур Мирзо Ахсидан келган муждани кечга яқин волидаи муҳтарамалари Қутлуғ Нигор хонимга ўқиб берди. Маҳди улё⁴⁷ аввалига хурсанд

⁴⁷ Маҳди улё – подшоҳларнинг катта хотинига бериладиган фахрий унвон.

бўлиб эшитди, сўнг Фотима Султон бегим, Умида бегимлару майли ошиб-тошиб, яна бир неча ғумаю ғунчаларнинг, канизакларнинг ҳам қалъада эканликларини ёқтирмадими ёки бошқа бирон бир сабабданми, ҳар қолда бир оз тоби қочиб турганини айтиб сафарга чиқишга раъйи бўлмаётганди, Бобур Мирзонинг:

- Онажон! Ахир, Отажоним Сизнинг албатта боришингизни сўрабдилар-ку! Бормасангиз хафа бўладилар, шукурким, соғлигингиз аввалги ҳолга қайтди. Сиз бормасангиз, мен ҳам бормаймен! - деганидан сўнггина онаизор меҳрибон ўғлининг раъйини қайтаришга ўзида журъат тополмади.

* * *

Подшоҳ хонадонининг аъзолари тушган соябонли аравалар ва отлиқлар сафи шаҳарни ортда қолдириб, шимолий-ғарбга қараб чўзилиб кетган кенг йўлга чиқиб олганларида Қуёш эндигина ўз сепини борлиққа ёя бошлаган эди... Салқин, танга ҳузур бағишловчи тонгги насимдан атрофдаги ўтўланлар учи енгил чайқалиб турибди.

Жами жонзотдан аввал тонг қоронғусида уйғонадиган жарчи қалдирғочнинг чуғурлаши тиниб, улар энди кўпчилик бўлиб, ер бетида жимгина ризқларини териб бешарпа парвоз қилиб юришибди. Рўпарадан тўқнаш келиб қолаётганлари сафга яқин келиб қолгач, шиддат билан тиккага кўтарилаб кетар, сафни ошиб ўтибоқ яна ўз йўлида учишни давом эттириб борарди.

Бобур Мирзолардан ярим чақирим олдинда бораётган бир пора чухраларнинг ўзаро ҳазил-ҳузулларидан келаётган қаҳқаҳа ҳар замон - ҳар замонда қулоққа чалинади.

Бир жуфт нуқраранг бикр йўрғалар қўшилган, устазода чавандоз Бойқосим Буқо бош-

қариб бораётган салобатли соябон аравадан Қутлуғ Нигорхоним билан Хонзодабегимлар жой олганлар. Ўзларигина эшитадиган овозда суҳбатлашиб кетаётганларидан гул билан ғунча янглиғ, она-боланинг гапларидан бирор нарсани уқиб олиш қийин. Атрофда ёт одамлар бўлмаганидан бошларидаги бир хил, Чиннинг мовий ранг ҳарир шойи рўмоллари яноқлари лоладай товланиб турган, сутга чайиб олингандай оппоқ, малоҳатли чеҳраларини хиёл тўсиб турибди холос. Айниқса, Хонзодабегимнинг кун сайин ойдаи тўлишиб бораётган юзи, чап ёноғидаги қоп-қора бир дона холи унга кўзи тушиб қолган ҳар қандай йигитни Мажнун этиб қўйиш даражасида мафтункор.

Устоз Алп Баҳодир бошчилигида Бобур Мирзолар ҳам тавсан отларида саф тортиб бормоқдалар.

Устознинг ўнг тарафини суюкли араби «Саман» отида Амирзода, чап тарафини эса Абдуллоҳ билан Муҳиббалилар эгаллаганлар. Мулоқот мавзуси адабиётга, ғазалиётга таалуқли бўлганидан, ҳукмдори каби шеъроят шайдоси Алп Баҳодир шоирона қалб эгалари – шогирдларининг сўзларини маъқуллаб ёки рад этиб, бирон-бир фикр билдирилмаси-да, уларнинг қизғин мусоҳабаларини жон-дилдан тинглаб бормоқда...

Пойтахт биқинига кетма-кет жойлашган бир неча катта-кичик қишлоқлар босиб ўтиди. Қишлоқларнинг қоқ ўртасидан ўтган катта йўлнинг икки тарафи ҳам унча баланд бўлмаган, гувала ва пахсалар билан уриб, синглаб тикланган, лекин силлиқ қилиб дид билан сувалган лой томли уйлар. Иламишнинг лойқа суви йўл бўйлаб кетган маҳалла ариқларини тўлдириб оқмоқда. Тонг саҳардан кўчаларга сепилган сув чангни босиб қўйган.

Катталар ва болалар далада, ҳамма зироат билан банд. Кексалар эса умргузаронлик қилиб, қишлоқ гузарларида, чойхоналарда.

Айрим ҳовлиларда қўриқчи бўлиб фақат итларгина қолган. Ёз келиши билан Мовароуннаҳрнинг икки йирик шаҳри: Андижон билан Ахсини боғлаб турувчи Буюк Ипак йўлининг бир «ирмоғи» – «Банди солор» деб аталимиш бу қадимий йўлда узлуксиз пиёда ва отлиқлар сафи ўтиб турганидан итлар ҳам бу каби йўловчиларга кўникишиб кетган. Бир оз хуришиб хонадонда қўриқчи борлигини билдириб қўйишади-да, сўнг ўзларини ҳовлидаги ҳовузча атрофида барқ уриб ётган райҳонлар остига олишади.

Шарқнинг улуғ алломаларидан бири бу ёруғ дунёда учта буюк йўл: Фалакда «Сомон йўли», Ерда «Ипак йўли», Қалбда эса «Ҳақни танишга етакловчи илм йўли бор!» -деб айтган экан. Йўллар учун бундан ортиқ таъриф бўлмаса керак!

Ош вақти кириб келаётганидан йўловчилар бир оз хордиқ чиқариб олиш мақсадида катта йўлдан салгина четроққа жойлашган Учбулоққа кўниб ўтишга қарор қилдилар. Ер остидан тинимсиз чиқиб турган бир тегирмон мусаффо булоқ суви бу жойни кўп йиллардан бери зиёратгоҳга айлантириб қўйганди. Атрофга Қуёш нурини туширмай савлат тўкиб турган чинорларнинг баҳайбат таналари уларнинг ёшининг ҳам улуғлигини кўрсатиб турарди. Дид билан безатилган катта чорполар, супалар атрофига сувлар сепилиб ораста қилиб қўйилибди.

Подшоҳ хонадонининг аъзолари ташриф буюраётганини билиб, тўрдаги иккита кенг, баланд суфага шинам қилиб жой ҳозирлаб қўйилган экан. Азиз меҳмонлар бир зум бўлса-да, сарчашмада оёқ-қўлларини ёзиб, юмшоқ кўрпачалар усти-

да роҳат қилиб ўтирдилар. Ош-сув вофир бўлди. Сайлгоҳда шу пайт кўғирчоқбоз-қизиқчилар ҳам ҳозир эканлар, вақтни ғанимат билиб, дарҳол бор маҳоратларини намойиш этиб юқори мартабали меҳмонлар кўнглини хушнуд этишга ошиқдилар. Уларнинг ҳазил-мутуйибага бой, ибратомуз гаплари азиз меҳмонларнинг таҳсини ва яхшигина ҳадяларига ҳам сазовор бўлди. Айниқса, қизиқчиларнинг ичак узди хангомаларидан Хонзодабегим юзларини беркитиб олиб мириқиб кулди. Дил қулфлари очилиб кетган Қутлуф Нигор хонимнинг ташаббуслари билан қишлоқнинг ғарибу ғураболарига дея тортиқлар қилинди.

Рокиблар Учбулоқдан чиқишлари билан қизгин суҳбатларини давом эттира кетдилар. Мунозаралар мавзуси шеърининг фарзи саналмиш арузнинг баҳрлари тўғрисида борарди. Улар айниқса, хазажи ҳафиф баҳрининг нозик жиҳатларига кўпроқ тўхталдилар.

Табиатан оғир-вазмин йигитча Абдуллоҳ ҳали ижод намуналарини Бобур Мирзодан бўлак ҳеч кимга кўрсатмаган бўлса-да, илк машқларидан унинг кўп мутолаа қилганлиги, айниқса, ҳазрат Навоий, Жомий ва Ҳофиз шеъринидан анчайин бохабар эканлиги Амирзодани жуда қувонтирар, бадий сўз хусусида мулоқот олиб бориш учун Бобур Мирзога Абдуллоҳдан бўлак биронта кимса яхши мусоҳиб бўла олмасди. Закий дўстидаги илмга чанқоқликни сезган Амирзода (бир неча йил муқаддам) унга сарой кутубхонаси китобларидан фойдаланиш учун рухсат олиб берганди.

Бобур Мирзо Абдуллоҳнинг яна бир фазилати – юксак одоби билан хушсуханлиги, ғазални ифодали қилиб ёқимли овозда ўқишини жуда қадрлар, шу сабабли бўлғуси шоҳ ва шоир аксарият машқларини аввал Абдуллоҳга ўқитиб кўрарди.

Суворийларнинг суҳбатлари шу даражада қизиқ борардики, улар тонг саҳардан бери от устида йўртиб келаётганликларини, қанча йўл босиб қайси манзилга етганликларини хаёларига ҳам келтирмасдилар. Шу зайл йўл бўйига тушган катта-кичик қишлоқлар, ҳаккам-дуккам уйлар, қовун-тарвуз, ҳандалак экилган пайкаллар, шопипоялар, кеч қолган йўловчилар учун солинган уйчалар, одам оёғи етмаган ўтлоқлар, қамиш ва қўға босиб ётган тўқайлар, чангалзорларни ортда қолдириб, Сайхуннинг катта гузарларидан бири Тошкечикка яқинлашиб қолганликларини ҳам сезмадилар.

Вақти-вақти билан кўтарилиб турадиган баҳорги тошқинлар шу кунларда бир оз босилиб, дарё суви кечувда бутун ўзани эгаллаганча, бир текисда жимирлаб оқиб ётарди.

У тарафдан кечиб ўтган отлардан дарёнинг лужжаси⁴⁸ уларнинг қапталига етиб борганлиги кўриниб турибди. Кечув бошида қамиш ва бўйралардан ўзларига соябон қилиб олган майда савдогарлар мартабали йўловчилар ўтиб бораётганини билиб, уларга дарҳол қуртобалар, қорағат, ипга чизилган мағизлар, турли хил мева туршаклари, тирик ва қуритилган балиқлар таклиф қилдилар.

Олий даражадаги меҳмонлар гузар майдонига келиб тушишлари билан уларнинг истиқболига девқомат кекса зобит пешвоз чиқди.

Бобур Мирзо бу одамни аввал ҳам шу жойларда бир неча бор кўрганди. У отасининг масофида садоқат ва шижоат билан хизмат қилган навкарлардан бўлиб, баҳодирлик даражасига эришолмаган бўлса-да, яхши чопқулашганини эшитганди.

⁴⁸ Лужжа – дарёнинг энг чуқур жойи.

Хавос деган кентдаги сўнгги жангда олган қаттиқ жароҳатдан кейин олампаноҳнинг инояти бирлашу қишлоқ гузарига бошлиқ этиб тайинланганди.

Истеъфодаги зобит Бобур Мирзони кўриши ҳамоно отдан тушди, оқсоқланиб келиб тавозе билан уч бор юкиниб салом берди. Амирзода ҳам отидан тушгунча хотира дафтарининг тиниқ саҳифаларидан кекса жангчининг исмини бир лаҳзада топиб:

– Ассалому алайкум, Ҳайдар тағойи! – деганча бориб катталардай қўл бериб кўришди. Буни кўриб Амирзоданинг дўстлари ҳам чаққонлик билан отларидан тушиб, кекса зобитга бош эгиб ҳурмат бажо келтирдилар.

Ҳайдар тағойининг серсоқол, жиддий юзи ёришиб бир мунча истиҳола билан бўлса ҳам, Амирзоданинг ўқишларидан, ишларидан сўраган бўлди. Сўнг орқада соябонли аравада юзлари тўсирлик ўтирган аёллар томонга қараб икки қўлини кўксига қўйганча унсиз бош эгиб, бир неча бор таъзим бажо келтирди.

Аёллар солда, йигитлар ўз отларида то Сайхунни кечиб ўтиб бўлгунларига қадар Ҳайдар тағойи меҳмонларни жонсараклик билан, тўғрига – Намангон деҳасига⁴⁹, чапга – Аҳси шаҳрига олиб борадиган катта учкўчагача кузатиб қўяркан:

– Амирзодам! Падари бузрукворингизга каминангиз номидин салом айтишни унутманг! – деб тайинлади. Бобур Мирзо ҳам:

– Ҳайдар тағойи, саломингизни албатта етказурмен, андеша чекмангиз! – дея хайрлашди.

Отлиқлар ва соябонли аравалар сафи саратон Қуёшида куйиб, отлар туёғи ва аравалар филдираклари остида тупроғи кўпчиб ётган кенг

⁴⁹ Деҳа – қишлоқ.

йўлга чиқиб олишгач, Ахси қалъасини қоралаб бир маромда тебраниб кетдилар.

Ҳеч қанча юрилмай Бобур Мирзони элтиб бо-
раётган от оқсай бошлаганди, бир зумдаёқ эгар-
жабдуқлари заҳирадаги йўрғага ўрнатиб берилди.
Маълум бўлдики, «Саман» нинг тавсанлигидан, ке-
чув пайти унинг олди ўнг туёғи тош устида қаттиқ
сирғалиб кетиб қайрилиб қолган экан. Байтарлик
касбидан бохабар устазода Бойқосим Буқонинг
назоратидан сўнг захм «жиддий эмас» деб топил-
ди.

Кўп ўтмай ғарбда маҳобатли Ахси қалъасининг
улкан деворлари кўзга ташлана бошлади.

Кечадан, аниқроғи «Лулу» учиб келгандан
буён қалъада азиз меҳмонларни кутиб олиш
учун бошланган ҳаракат бир зум бўлса-да, тин-
мади. Ички, ҳатто ташқилар ҳам яна бир карра
«ёғ тушса ялагудек» қилиб супириб-сидирилди.
Четларида анвойи гуллар ўсиб ётган йўлакларга
намма-нам сувлар сепиб турилди. (Бир неча йил-
лар муқаддам қалъага муздек тоғ суви ер остидан
сопол қувурлар орқали Косондан тортиб келти-
рилган эди.) Подшо ҳазратларининг ўз режалари
тарҳида, мўътабар меҳмонларни кутиб олиш учун
нақшинкор равоқлари билан арақи усулида ёпил-
ган кенг, доирасимон айвонга жой ҳозирланиб зи-
наларигача барқут поёндозлар тўшалди.

Андижонлик меҳмонларнинг Ахси кўрғонига
яқинлашаётганидан хабар топган ҳукмдор
қалъадаги аҳли аёллари, ғумаю ғунчачилари, хос
канизакларининг барчасини ичкининг тошқовуз
бўйидаги сўлим майдончага тўпланишларини бу-
юрди.

Қалъа ёнида маҳаллот бўлмаса-да, Бош дарво-
за олдидан йўлнинг икки тарафига ҳам чухралар
саф тортди.

Хиёл ўтмай Тошқўрғон майдонини шода-шода марваридлар, ноёб тилло тақинчоқлару билакузу-клар, ёқут кўзли олтин исирғалар ва балдоқлар билан безанган, кўзни олувчи ҳар турли узун, ҳарир шоҳи кўйлақдаги, хушбуй мушклари таралиб турган бири-биридан гўзал хонимлар, болалар ва канизаклар эгалладилар. Ҳамма ўз мавқеига қараб жойланишгач, улар олдига қўйилган нақшинкор курсидан бироз тоblари қочиб турган бўлсаларда, қўр тўкиб Подшо ҳазратларининг волидаи муҳтарамалари Шоҳ Султонбегим жой олдилар.

Қалъа атрофга қараганда бир қадар баланд, баҳаво жойда барпо этилгани боис жазирама иссиқ ўз ҳукмини ўтказолмас, шундан мўътадил муҳит сақланиб, муттасил Сайхуннинг салқин шабадаси эсиб турарди.

Отлиқлар ва соябонли аравалар сафи Бош дарвозадан қалъа ҳудудига киришлари ҳамоно бир неча хизматкор, рикобдору жиловдорлар⁵⁰ бош эгиб таъзим қилганларича суворийлар қўлидан тизгин ва қамчиларни қабул қилиб олиш учун чопиб бордилар.

Бобур Мирзо асл темурийзода киборларга хос самимий такаллуф ва эҳтиром билан аввал волидаи муҳтарамалари Қутлуғ Нигор хоним бош аёллар сафини олдинга, Тошқўрғон сари ўткариб юбориб, бир оз кутиб турди-да, ҳамроҳларидан икки-уч қадам илгарилаб бориб Олампаноҳ отасига уч бора юкинди. Умаршайх Мирзо Амирозоданинг саломини мамнун қабул қилиб олгач, қўлларини кенг ёзиб, тахт ворисига бағрини очди.

⁵⁰ Рикобдору – жиловдорлар – подшоҳ ва аслзодаларнинг отига эгар урувчи, доимо уларнинг узангисида юрувчи хизматкорлар.

Бобур Мирзонинг бикр, бўйчан қадди отасининг унча баланд бўлмаган думалоқ гавдасига етиб қолаётганини кўрган меҳрибонларининг қувончлари кўзларидан ҳам билиниб турарди.

Подшо ота: «Яхши келдингизми, Мирзом», – деганча, ўғлини бир зум оғушидан қўйиб юбормай пешанасидан ўпиб, ўнг ёнига олди. Шу дам Умаршайх Мирзонинг дилдан нималар ўтди экан? Негадир, унинг киприкларида билинар – билинмас нам иниб қолганди. Буни кузатиб турган Фотима Султонбегим имо қилгандай, Жаҳонгир Мирзони подшо отасининг чап ёнига ўтиб туришга ундади. Бобур Мирзо дарҳол темурийзода иниси Жаҳонгир Мирзо билан худди бир қориндан тушган жигарбандлардек меҳр билан бағрига босиб кўришди.

Умид оға хоним ҳам тортинчоқлик қилиб турган болакай – ёш Носир Мирзони етаклаб, қўярда қўймай акалари сафига қўшиб қўйди. Бобур Мирзо иккала укасини ҳам бағрига босганча (подшо отага ўжшаб) пешаналаридан ўпиб, меҳр билан икки ёнига олди.

Бобур Мирзо энгашиб Носир Мирзонинг қулоғига нималарнидир пичирлаб қўйганди, унинг оғасининг ёқимтой чеҳрасига ўжшаш юзи бирдан ёришиб кетди-да, «Раҳмат акажон!»-дея бўйнидан кучоқлаб олди.

Буни кузатиб турганлар гап нимада эканлигини била ололмаган бўлсалар-да, темурийзода оға-иниларнинг иноқлигини кўриб, чин дилдан севиндилар.

Хурсандчилик боиси: Бобур Мирзо Пошшо буви Чиндан келтириб берган, ҳў ўша «тўпчоғи»ни иниси Носир Мирзога совға қилиш учун ўзи билан олиб келган экан.

Вақтлар келиб Носир Мирзо ҳам асл темурийзодаларга хос бағрикенглик билан, танти оғаси

Бобур Мирзога садоқат билан хизмат қилса ажаб эмас...

(Негадир, Бобур Мирзонинг шу инисига нисбатан меҳр-муруввати жуда баланд бўлиб, бир умр, энг оғир кунларда ҳам ҳибзи-ҳимоясида тутиб келди... Кобул забт этилгач, унга энг катта ва бой вилоят Кандаҳорни тортиқ қилиб берди).

Баланд мартабали меҳмонларни кутиб олиш маросими теурийлар таомилидаги барча тўра-тамойиллар билан ниҳоясига етгач, бош шифовулнинг таклифи билан (ҳар ким ўз мавқеига қараб) бирин-кетин шоҳона безатилган айвонга чиқиб бордилар. Олампаноҳ ўз жойини эгаллагач, унинг ҳузурида баланд маснадга эга бўлган мулозимларгина чордона қуриб ўтирдилар, қолганлар шинам адрас тўшаклар устига тиз чўкдилар.

Пир Ҳожи домла бош бўлиб Яратгандан аркони давлатнинг ҳукмдорига сиҳат-саломатлик, улусга тинчлик-осойишталик, ризқ-рўз манбаи – зироат ишларида барака тилаб дуога қўл очдилар...

Эркаклар кетидан аёллар ҳам йиллаб кўришмаган қадрдон эгачи-сингиллардай ачомлашиб кўришганларича Шоҳ Султонбегим бошчилигида бир-бирларига хуштакалуф манзиратлар қилиб, ичкарига – катта, муҳташам меҳмонхонага кириб кетдилар.

Ҳар икки тарафда ҳам дастурхонлар усти нознеъматларга тўла, тўкин-сочин эди.

«Беш кунлик дунё» ташвишлари унутилиб, меҳмонлар бисёр ёзилишиб ўтирардилар. Бир оздан сўнг дилни яйратувчи мумтоз куй ва наволар янграй бошлади. Кўп ўтмай аёллар жамоаси ўтирган тарафдан ҳам дутор ва даф овозлари кела бошлади.

Меҳмонлар Бобур Мирзони: «Ҳали тавре эмас, сайқал бериш керак, жаноблар», – деб кўн-

маётганига қўймай, «кейинги кунларда битрон машқларингиздин ўқуб беринг», – деб туриб олишди.

Албатта, кичик бўлса-да мағзи тўқ, сару сомонлиқ бир неча байтни қойилмақом қилиб Абдуллоҳ ўқиб берди. Ҳозир бўлганлар Бобур Мирзога: «Офарин Амирзодам, офарин!» – деганларича тасаннолар айтиб, эҳтиромлар кўрсатишди. Айниқса, Бобур Мирзо билан илк бор учрашиб турган ахсилик мўътабар шоир Асируддин Ахсикатий авлодидан бўлмиш мавлоно Садоий тўлқинланиб кетганидан Пир Хожи домлага юзланиб:

– Пирим! Бобур Мирзони бир дуо қилайлик, илоё, келажакда Ҳазрат Навоийдек буюк шоир бўлиб етишсунлар! – деганди, Умаршайх Мирзо ширинсуханлик билан кўшиб қўйди:

– Мавлоно! Амирзодамиз аввал соҳибқирон бобокалонларидек буюк саркарда, сўнг шоир!

Ҳамма шу ниятда чин дилдан дуога қўл очдилар.

Бундан жўшиб кетган Бобур Мирзо ўша жойнинг ўзидаёқ:

Эҳтиромлар манга бўлса, Ахсида қолғоним бўлсун,

Тенгри рост келтурса бир кун, дунёни олғоним бўлсун!

– деб ўқиган байти шеърят шайдоси Умаршайх Мирзонинг қалбини жунбушга келтириб юборганидан бош чайқаб хоҳолаб кулиб юбордида, даст ўрнидан туриб тахт ворисини меҳр билан бағрига босиб пешанасидан ўпиб қўйди.

Шоҳона айвон остида ўтаётган шоҳона базм машғалалар ёруғида ҳам аламаҳалгача давом

этди. Негадир, шу кеча соқийлар хизматига эҳтиёж бўлмади.

* * *

Бобур Мирзолар Ахси қалъасини тарк этиб, подшоҳ ота раҳнамолигида тоғлар бағрига кўчиб ўтганларига уч кун бўляпти. Олампаноҳ қўналға учун жойни бежиз улкан дарахтлар орасидаги текис ўтлоқдан танламаган экан. Бу ер қачонлардир юқоридан қулаб тушиб ўрнашиб қолган улкан тошнинг шундоққина биқинидан, «қайнагандай» оқиб чиқаётган муздек булоқ сувига яқин, чўққига олиб борадиган сўқмоқнинг бошида жойлашган бўлиб, яна бир муҳим жиҳати бу манзилдан тева-рак-атроф анчайин яққол кўриниб турарди.

Ҳар сафаргидек Подшо ҳазратлари учун ўртага ўзининг салобатли тиллоранг хос чодир, унинг ёнига болаларга деб Бобур Мирзонинг унча баланд бўлмаган кенг-мўл ложувард чодир тикилди.

Умаршайх Мирзо сафар чоғи ўзи билан олиб юрадиган кўчма матбах баковуллари, бовурчи, дастурхончи, кўрчи ва бошқа хизматкорлар сувга яқин бўлсин деб, жилға бўйидан кўним топдилар.

Маскан шундайин хушманзара ва баҳаво эдики, уни кўрган киши бундайин гўзал, жаннатмакон жойлар фақат эртақлардагина бўлиши мумкин деган хаёлга борарди.

Бу ерга келиб тушганлари ҳамано Бобур Мирзо аввал тузиб олган режасига мувофиқ биринчи навбатда тева-рак-атроф табиати билан танишишга киришиб кетди.

Амирзода шу икки кун ичида бир-биридан чиройли, ранг-баранг, хушбўй ҳидли гуллар, табобатда қўлланиладиган доривор гиёҳларнинг ўттиздан ортиқ хилини тўплади. Уларнинг кўпларини яхши билганидан дафтарига шакл-шамойилидан тор-

тиб, номларини ҳам битиб қўяр, айниқса, шифобахш «ябруҳус-санам», айиқ ўти, кийик ўти, оқ доғларга қарши қўлланиладиган камёб хашки печак, гармонуш, кангар, килдору ўтларини қуритиш учун алоҳида-алоҳида қилиб қўланка жойга ёйдирди. Ҳатто отлар учун созвор – бўтқа ўтидан ҳам намуналар олди.

Бу маъвода капалаклар олами ўзгача ва ҳайратланидиган даражада ранг-баранг эди. Ўтлоқлар устида беозоргина, гулдан-гулга қўниб, учиб юрган ёқимтой пардақанотли хашаротларнинг ўндан ортиқ турини учратди. Айрим катта-катта, Қуёш нурида кўзни қувонтириб товланидиганларини ёқтириб қолганидан бир-икки чаққон ҳаракатлар билан дум-думалоқ тўр дўпписи ёрдамида тутиб олар, буюк мусаввир – табиатнинг капалаклар қанотларига тушириб қўйган сирли, мутаносиб жилоларга маҳлиё бўлиб бир зум томоша қиларди, кейин қўйиб юборарди.

Бу заминда қушлар дунёси ҳам жуда бой ва хилма-хил эди. Бобур Мирзо кўпроқ сайроқиларининг мафтуни бўлганлигидан улар хонишини диққат билан тинглаб юриб олти хилини санади. Айниқса, тонг саҳардан бошлаб куйлайдиган булбулнинг, «какку»нинг, «Олтин тумшук»нинг ёқимли овозига завқ билан қулоқ тутар, неча хил усулда сайрай олишигача аниқлашга интиларди. Амирзода шу яқин атрофда хониш қилаётган биронта қушнинг овозини эшитиб қолгудек бўлса бас, уни дарахтлар оралаб юриб, (қалин шохлар орасида бўлса ҳам) зийраклик билан топиб олар, бу ноёб манзарани дўстларига ҳам кўрсатиб қўйгиси келарди.

Баъзида сайроқи қушларнинг жажжигина томоқпардаларидан таралаётган ноёб, дунёнинг бирон-бир чолғу асбоби ҳам яратиб бера

олмайдиган, жарангдор, жозибали куй сеҳридан ҳайратланиб, уларни нафақат хотира дафтари-нинг ёрқин варақларига, балки ҳозирча фақат ўзигина тушуна оладиган алақандай белгилар билан кундалик дафтари-нинг саҳифаларига ҳам муҳраб кўярди. Бобур Мирзо қушлар хонишини шу даражада фарқлай олардики, баъзида бирон қуш бошқа қушнинг овозига тақлид қилиб сайраб юборганини ҳам фаҳмлаб оларди.

Бобур Мирзо шу кунлар ичида ўт-ўланлар ора-сида чопқиллаб юриб тўрт бор илонга дуч келди. Амирзодани кўрибоқ ўзини олиб қочганларига тегмади, қайсарлик билан «менсимай» турган-ларини тобулғу таёқчаси билан уриб чўзилтириб ташлади.

Тоғ чўққиларида қорнинг қалинлиги сабаб шом тушиши билан қўналғада ҳаво анчайин пастлаб кетганидан дўстлари юнгли нимчаларда юрсалар-да, анча-мунча иссиқ-совуқни писанд қилмасликка одатланган Бобур Мирзо бу кийим-ни эгнига илмади.

Шу кунлар ичида ўрдугоҳга лутфан Бобур Мирзони йўқлаб келганлар ҳам кўп бўлди. Режадаги ишлари бисёр бўлишига қарамай, меҳмонларнинг кўнглини олиш учун хосчодири-да дўстлари ва устози билан биргаликда тўкин дастурхон атрофида самимий суҳбатлашиб ўтирди.

Аммо, ясатиғлик той, бир қанча қимматбаҳо совға-саломлар билан ташриф буюрган Косон доруғасининг ўғли Мубашширхонни (Амирзода-дан атиги икки ёшга катта эди) анчайин димоғдор, кибру ҳаволи бўлганидан қўналғада узоқ ушлаб турмади. Тўғрироғи, дўстлари Муҳиббали билан Абдуллоҳларни писанд қилмаганди. Бояқити Мубашширхон деганини Бобур Мирзо рўйиҳушлик

берса, бу жойда бир-икки кеча қолиш нияти ҳам бор экан.

Бугун ҳар кунгидек барвақт уйғонган ёш сайёҳлар устоз Алп Баҳодир бош махсус енгил кийимларда аввал чопиб келишди, сўнг гуштгирлик машқларини иштиёқ билан бажардилар-да, бир оз ҳовурларидан тушгач, булоқ сувида мазза қилиб ювиндилар. Навкарлардай тезлик билан кўчма матбах ичидаёқ нонушта қилишиб, «ҳали чошгоҳда Подшо ота ҳузурида кўчқорлар жанги ўтказилади» дейишларига ҳам қарамай, (яхши қуроолланган тўрт отлиқ) «Ўрта тўқай» дарасининг юқори тарафига жойлашган қалин ўрмонзорларни тафарруж қилгани чиқиб кетдилар.

Тоғ йўллари аксарият жилға бўйлаб юқорига қараб ўрлаб кетгани сабаб, тик ён бағирларда кўндаланг юришнинг имкони йўқ эди. Шу боис отлиқлар аввал бир оз қуйироққа, доманাগача тушиб келишди, кейин ғарбга, кун ботишга қараб от суриб кетдилар. Кўп ўтмай йўлни кесиб ўтган иккинчи сўқмоқдан ўнгга, юқорига қараб интилиб бордилар.

Бобур Мирзо диққат билан атрофга назар солиб бораркан:

– Устоз, аввал бу йўлдин ҳеч юрумаган эдук, – деган эди, Алп Баҳодир: «Тўғри айтадурсиз, Амирзодам, сиз бирла илк бор қадам босишимиз, чийзи тик бўлса-да, бовужуд, манзилга яқин якраҳа йўл – шу», – деб қўйди, шогирдининг сўзларини тасдиқлаб. Табиийки, отларнинг кичикроқ жилға ёқалаб кетган сўқмоқдан ҳаракат қилишлари учун баъзида майда тошлар халақит берар, гоҳ у, гоҳ бу отнинг туёғи сирғалиб кетар, улар тўрт оёқда бўлганидан бир зумда яна ўзларини ўнглаб олишарди.

Сайёҳлар узоқдан мўлжаллаб бораётган тепаликка қанча яқинлашганлари сари, уни забт этиш

ҳам шунча қийинлашиб бормоқда. Қачонки ардио бўлиб ўтган кучли zilzilалар оқибатидан, балки ҳар йили бўлиб турадиган катта қоронғи ва яри биланми, ҳар ҳолда юқоридан думалаб тушган йирик-йирик тошлар жилғанинг нариги бетида, у ер-бу ерда чўнқайиб, атрофга ўзгача манзара касб этиб турибди.

Йўл тоғлар оралаб пиёда юрган одамга қараганда от устидаги чавандозга хавфлироқ кўринсада, аслида, тоғ сўқмоқларида ҳаракат қилиш учун энг яхши, ишончли улов – отнинг ўрнини ҳеч бир жонзот босолмайди.

Суворийлар Алп Баҳодирнинг кўрсатмаси билан энг қалтис, хавфли жойларга келганларида отларидан тушиб, етаклаб олишди. Унча баланд бўлмаган сийрак арчазорлар, танасида қубба қовурғалар бўртиб турган «асо Мусо» буталарини оралаб, бир жойга келганларида йўл торайиб, ўнг тарафи бир мунча тик қоя, чап тарафини эса анчайин чуқур жарлик эгаллаб олган ердан чиқиб қолдилар. Жарликнинг тубидан, икки терак бўйи пастда, шалдираганча бир ирмоқ оқиб ўтмоқда эди...

Турнақатор бўлиб олган сайёҳлар олдида бораётган Алп Баҳодир шогирдларига тинмай оёқлари остига қараб қадам босишларини тайинлар, ҳушёрликни ошириб, мумкин қадар шошилмасдан ҳаракатланишларини уқдириб бормоқда эди.

Чиндан ҳам йўлнинг шу қисми жуда тор ва хавфли бўлганидан, биргина ножўя босилган қадам ҳалокатга олиб келишини сайёҳларгина эмас, гўё отлар ҳам тушунган ҳолда одим ташламоқда эдилар.

Бир пайт, кутилмаганда майда тошларни босиб олган бўлса керак, Абдуллоҳнинг оти тойилиб, тасир-тасир қилганча, оёқларида туриб қолиш

учун бир-икки шиддатли ҳаракатлар қилганига қарамай, ёни билан «гуп» этиб ўтириб қолди. «Учқур» кўп маротаба улоқ чопиб ўзини кўрсатган бедав бўлса-да, унинг орқа чап оёғи ердан узилиб, жарлик томонга ўтиб қолганди.

Олатасирдан кўрқиб кетган Алп Баҳодир:

– Амирзодам! Кимнинг оти тойилди, кимнинг? – деганча қаттиқ ҳаяжон билан орқасига ўтирилади ва сафнинг охирида келаётган Бобур Мирзодан:

– Абдуллоҳнинг оти, устоз! – деган ташвишли жавобни эшитди.

Шу заҳотиёқ Алп Баҳодирнинг: «Ҳеч ким жойидан кўзғолмасун! Устазода! Отни турғозишга зўрламанг! Ўз майлига қўйиб беринг! Ўз майлига!» – дея тайинлаётган овози тоғлар ичида ҳаяжон билан жарангларди.

Бу ҳолатда отга ҳеч ким ёрдам беролмаслиги аниқ эканидан ҳамма саросимада, бир зум қотиб қолгандилар.

Фалокат ёқасида турганини сезиб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзган жонивор бир оз ўзини босиб олгач, орқа оёқларини йиғиб олиш учун жардаги оёғини аста тортди, олд оёқларини букиб ерга тираганча бир силтаниб ўнгланиб олди-да, туриб кетди!

Вазиятни вужуди кўз бўлиб, ҳаяжон билан кузатаётган Алп Баҳодирнинг қаттиқ изтироб чеккан асаблари бир оз жойига тушди ва ўзига хос салобат-сири билан:

– Қадам босдук! – деб қўйди.

Сайёҳлар жимгина юриб келишиб бир оз текисроқ, хавфсиз жойга чиқиб олишганларида тўхтади. Улар хали босилмаган ҳаяжонлари билан бир-бирларига қараб қалтис ва қийин синовдан ўтиб олган болалардай самимият билан кулиб юборишди.

Абдуллоҳнинг ўнг қўлида ўроғлиқ турган отнинг тизгинига кўзи тушган устоз хавотир билан:

– Устазода Абдуллоҳ! Жиловни қўлингизга ҳозир ўраб олдингизму, ё? – деб сўрагани, – Йўқ устоз, анчадан бери шундай етаклаб келаётгандим, – деб жавоб қилди болаларча соддалик билан. Устоз бу сўзлардан «куйиб-ёниб» кетди.

– Устазода Абдуллоҳ! От етаклаган пайт, тизгини шундай қилиб қўлга ўраб олиш мутлақо мумкин эмаслигини билурмидингиз?! Ахир, шу кезде уловингиз учмага қулаб тушса, нима бўлур эди?! Хайриятки, иккингини ҳам Аллоҳнинг ўзи асради. Ҳар қандай вазиятда ҳайвон етаклаб юриш қондасини аввалроқ ўргатиб қўймагон эканмен, афсус, айб менда, бундоқ вартада қолабиз деб сира ўйламагон эдим, – деб, шогирдларидан афу ҳам сўради. Кейин: «Жаноблар! Бир умрга уқиб олишингларни сўраймен. Ҳар қандай зотдор, ноёб бўлгонда ҳам от топилади, вале инсон топилмай-дур! Бежиз муқаддас Китобимизда «Валақад каррамна бани адама» ояти зикр қилингон эмас, – деб бу қондани умрбод ёддан чиқармасликларини қайта таъкидлаб қўйди.

Улар бир оз тин олиш мақсадида, шу жойнинг ўзидаёқ отларини дарахтларнинг паст шохларига боғлаб, эндигина қалин майсалар устига ёнбошлагандилар, қаердандир осмонда бир тўда қора булут пайдо бўлиб Қуёш юзини тўсиб қўйди-да, аввалига енгил шамол турди, сўнг шаррос жала қуйиб юборди.

Сайёҳлар юзларига, қизиб турган баданларига урилаётган йирик-йирик томчилардан шодланаркан, бир-бирларига қараб: «Айни муддао бўлди...» – дея ҳозиргина четлаб ўтган фалокатни унутиб, болаларча шўхлик билан яна бир зумда айраб кетдилар.

Баъзан-баъзан тоғлар бағрида бўлиб ўтадиган бундай ўткинчи ёмғир бир фурсат ёғиб тинди-да, булутлар тарқади. Қуёш яна чарақлаб борлиққа заррин нурларини тарата бошлади. Мусаффо ёмғир сувидан эса теварак-атроф ойнадек тиниқлашиб, жозибадор бўлиб кетганди.

Бир пайт осмоннинг жануб томонида жилваланиб турган улкан камалакка кўзи тушган Бобур Мирзо завқланганидан:

– Устоз! Ҳар сафар кун очиқ пайти ёмғирдин сўнг кўринадурғон бу сирли ҳодиса ниманинг эвазига содир бўладур? – деб сўраб қолди.

Алп Баҳодир осмон мўъжизасига ҳавас билан тикиларкан:

– Тўғриси айтсам, амирзодам, халқ орасида Ҳасан-Ҳусанлар ёйи деб аталмиш бу ҳолнинг туб моҳиятини ўзим ўқуб билмағон бўлсам-да, Устод Ҳусайн Ниёзийнинг айтишлариға қараганда, ҳаводаги майда сув зарраларидан ўтаётғон Қуёш нури пайдо қилар эмуш, – деди.

Болалар камалакка тикилганларича ўткир кўзлари билан, «атайлаб тортилган» етти хил: қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, мовий, кўк ва бинафша рангли ёйсимон чизиқларни санадилар.

Кўп ўтмай сирли фалак кўзни қамаштириб турган сержило манзарасини одамлардан «яшириб» қўйса-да, болалар табиат гўзаллигидан руҳи, кайфиятлари кўтарилиб, қизғин суҳбатга киришиб кетдилар.

Шогирдларини кузатиб турган Алп Баҳодир иттифоқо баланд овозда: «Ёғий!» – деб қўйди.

Бу пайт Муҳиббали дўстларига йиртқич қушларни қўлга ўргатишнинг сир-асрорлари тўғрисида шавқ билан сўзлаб бераётганди. Ўта қизиқарли бўлган йўриқномани берилиб тинглаёт-

ган валиаҳд, устознинг овозини эшитган ҳамоно, тақя қилиб турган «пўстини пеш берра» майсалар устидан сапчиб туриб кетди-да, шартта қилич яланғочлаб олдинга интилди.

Устоз баланд кўтариб турган шамширини гўё душман тажовуз қилаётгандек зарб билан Бобур Мирзонинг устига тортиб юборди.

«Рақиб» ҳамласига шай турган тахт вориси шу заҳотиёқ яроғининг кетини, барқ суръатида тирнинг йўлига тутди. Қилич дами бесамар қайтгач, алдамчи ҳаракат билан бир сакраб чап тарафга ўтиб олди-да, «душман»нинг ён томонидан бостириб бориб, пайдарпай бир неча зарбалар беришга ҳам улгурди.

Шу тахлит Андижон шаҳзодаси Фарғона мулкининг энг моҳир қиличбозига қарши мардонановор олишувга кириб кетди, доврўғи мағрибга қадар овоза бўлган (Ахсикент ҳаддодлари қўлидан чиққан) кескир шамширлар жаранги эса бутун тоғлар бағрига ёйилди.

Қиличбозлар бир-бирларига нигоҳларини қадаб, тир ушлаган қўлларини тез ва шиддат-ла ўйнатишар, ҳужум ва мудофаада янги-янги усуллар қўллашар, баъзида худди чекинаётган навкардай бир-икки қадам орқага ташлаб, рақибини чалғитишга уринардилар-да, кутилмаганда ён тарафдан ҳамла қилиб қолардилар.

Сал фурсат ўтиб, жангчилар келишиб олгандек, тўқнашув майдонини бир мунча мураккаброқ жойга кўчириб олдилар.

Бобур Мирзо архар кўзисидек енгил ҳаракатлар билан тошдан тошга сакраб ўтар, гоҳида дарахт ва буталарни пана қилиб тўсатдан «ёғий» устига шердай ташланиб қоларди...

Алп Баҳодир темурийзоданинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай назоратда ушлаб тур-

ганидан мудофаада очик қолган кичиккина жойини ҳам дарҳол кўрсатиб қўярди-да, ўша жойдан тир ўтиб кетиши мумкинлигини таъкидларди.

Албатта, устоздаги бундаин олий маҳорат йиллар мобайнида муттасил машқлар эвазига шаклангани сир эмас. Боз устига, устоз икки карра катта жанг кўрган, пуртажриба сипоҳий! Бунга жиддий юзидаги ва томирлари бўртиб турган пайдор билакларидagi чақа-чандиқлар ҳам гувоҳлик бериб турибди. Ахир боболар: «Йигитнинг қалбини муҳаббат, танасини эса чандиқлар безайди», – деб бежиз айтмаганлар-ку!

Сипоҳийлар бир-бирларини шу зайл шижоат билан то қаро терга ботиб қолгунларига қадар (нужумий икки соат) «беаёв» савашдилар.

Бундаин жозибали муборазани кўрган ҳар қандай киши бўлиб ўтган ўқув жанггини ҳақиқий жангдан фарқлай ололмасди.

Муборизлар ҳали чарчоқ нима эканлигини сезмадилар, чунки ҳар икковларини ҳам захира нафаслари очилиб қолганди. Бовужуд, машқ устознинг биргина: «Бас!» деган амрона сўзи билан тўхтатилди.

Алп Баҳодир Бобур Мирзода кун сайин юксалиб бораётган жанговарлик маҳоратидан, ёшига қараганда бир мунча баланд бўлган жисмоний қувватдан кўнгли тўлаётганини сиртидан сездирмаса-да, бироқ шогирдининг иқтидориди, муттасил олти йиллик машаққатли меҳнатларининг самарасини кўраётгандек эди.

Шу боис: «Амирзодам! Паё пай такрорлаб келаётганимдек, ёрий била яккама-якка қилич чопқулаш бажид қалтис ва баҳодирона иш! Ўзингиз яхши биладурсиз, йўл қўйилгон биргина хато – муборизнинг халокати демакдур!

Сизга кичик бир танбеҳ: Мирзом! Жанг пайти бўш турғон илкингизни кенг ёзуб, имкон қадар ҳаволроқ тутуб турунг! Бу, Сизнинг мувозанатингизни сақлайдур. Худ, шунқор ўлжасига зарба бериш олдидан икки қанотини кенг ёзиб олиши қанчалик муҳим бўлса, жангда навкарнинг бўш турғон илки ҳам шу вазифани ўтайдур», – дея уқтирди.

Муборизлар қиличларини қинларига жойлаб, орқама – кетин ҳамроҳлари турган жойга келдилар. Маржондай оқиб тушаётган терларини артиб олишлари учун Абдуллоҳ шошиб уларга чармпуштларидан сочиқларини олиб тутди.

Устоз шогирдига миннатдорчилик билдира туриб, қизариб кетган юзи ва пешаналарини артаркан: «Жаноблар! Ёдда тутинглар! Мағрибда моҳир қиличбоз сипоҳийларни рицорлар деб атайдурлар. Алар халқи ва подшоҳлари олида бағоят улуғ мартабадаги қавм саналуб, биздоғидек юксак эҳтиромда турадурлар. Чавандозлик бобида эса, бизда дағи қуюндай елиб бораётгон отларига тақими била чиппа ёпушиб олғонча, истаган тарафига ўгурулуб, камондин душманни беҳато нишонга оладурғон тийрандозлар бисёр.

Сўнг Бобур Мирзога юзланиб: – Амирзодам! Ғолибо, улуғ Бобокалонингиз Темурбек ҳазратлари Оврупони титратгон буюк турк ҳоқони Султон Йилдирим Боязид жаноби олийларини қайсарлиғи туфайли, метиндек мустаҳкам дея таъриф этилгон, муътабар бўйинларини синдириб ташлағонда, ўша фаранг рицорлари қувонганларидан бошлари кўкка етиб: «Темурбек йигитлари асл драгунлар! Тангри аларнинг бошларини омон қилсун!» – дея қалпоқларини осмонга отиб ўйнашгон эканлар, – деб қўйди ғурур билан.

Тахт вориси улуғ муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» солномасидан бу оламшумул жанг тафсилотларини бир неча бор мутолаа қилган бўлса-да, ички ифтихор ҳисси ила, устозининг сўзларига самимий жилмайиб қўйди. Устоз сўзида давом этаркан: «Жаноблар икки нарса қулоқларингда бўлсун. Буюк аллома Умар Хайём ҳазратлари: «Дунёда биринчи бўлиб қилич ясагон киши пири Жамшид бўлгон», – деб ёзгон эканлар, иккинчиси: «Улуғ аждодларимиз темирни ихтиро қилмагонларида, дунё закари йўқ йигитга ўхшаб қолгон бўлур эди», – деган эканлар. Ўз ўрнида айтилган кейинги гапдан йигитчалар ҳандон отиб кулишди.

Сайёҳлар бу жойни ортда қолдириб, яна ҳам юқорироққа, кўм-кўк, қуюқ ўрмон сарҳадига чиқиб борганларида, жўка дарахтининг гуллари-дан таралаётган хушбўй ҳид бутун атрофни туги кетган экан. Ўрмоннинг қалинлигидан шохшаббалар оралаб ичкарига кириб бориш бирмунча мушкул эди.

Бобур Мирзо йўгон таналари сарвдек тик кўкка қараб бўй чўзиб турган чилғўза ва ножу дарахтлари четидаги бир жуфт тобулғу йиғочига кўзи тушиб:

– Устоз! Тобулғу! Тобулғу! Қаранг, таналари жуда тик, ҳам бежирим ўсибдур! Шохларидин совғага кесиб олишимиз керак! – деди шошиб. Бунчалик бўйчан тобулғуни аввал кўрмаган Алп Баҳодир ҳам: «Ҳа, албатта, амирзодам! Қайтишда бажарамиз бу юмушларни», – деб қўйди.

Ўрмон ичидан тинмай какку билан булбулнинг ёқимли хониши қулоққа чалиниб турарди.

Бобур Мирзо: «Қойил! Муттасил 151 қатла навозиш қилди-я!» деб қўйди, таажжуб билан кўрсаткич бармоғини ҳаволатиб.

Амирзода ҳамроҳлари билан мусоҳабада бўлса-да, зийраклик билан нар какқунинг сайрашини ҳисобини олиб турган экан!

Алп Баҳодир шогирдининг фикрини қувватлаб: «Бечора қуш, шу тарзда сўзона бўлуб то «маъшуқа»си жавоб қилмагунга қадар нола қилаверади. Маккоралиқта какқунинг модасиға етадурғон парранда бўлмаса керак! Жуфтининг овозини эшитаётғон бўлса ҳам, заррача парво қилмай, ўзини тағофулға солиб тураверади. Қурғур, унинг тантиқлиғи шу мақомдаки, тухмларини ўзи босиб очмай, ёт қушларға-да ташлаб беради! Қаердин олғон экан-а, бундайин дасисани?!» – деганча бош чайқаб жилмайиб қўйди.

Амирзода устозининг сўзларини диққат билан тинглаб олгач, шундоққина ёнида савлат тўкиб турган ҳайбатли чилғўза дарахтига яқин бориб, унинг сарвдек тик бўйини ҳавас билан томоша қилаётганди, тепадан чиройли бароқ думини ўйнатганча, унинг йўғон танаси бўйлаб бир олмахон пастга туша бошлади. Хурсанд бўлиб кетган Амирзода, беозор ёввойи ҳайвончага завқи келиб қўлни узатди, у эса панжаларини ҳидлаб-ҳидлаб қўйди.

Бобур Мирзо ўзини яқин тутаётган бу жонзотга меҳри жўшиб, сийлаб қўйгиси келди чори, чўнтақларини ковлаб, бирор егулик тополмади. Бунни кузатиб турган Алп Баҳодир шошиб чармпўштдаги сутли патир четидан бир бўлак синдириб, шогирдига узатди. Олмаҳон нозикки-на бўйинини чўзганча нонни аввал ўткир тишлари билан ушатди, унинг хушбўй тами ёқиб қолган булса керак, тез-тез чайнаб, бир қисминини еди, қолганини маҳкам тишлаб олганча чаққонлик билан юқорига олиб чиқиб кетди.

Сайёҳлар шохлар ичига кириб ғойиб бўлган олмахоннинг ортидан кузатиб қолишаркан:

– Жонивор, она олмахон экан, болаларига олиб чиқиб кетди. Ҳозир булар суюб еядурғон ножу, чилғўза, болут ёнроқларининг етилишига салгина бор, – деб қўйди Алп Баҳодир.

Бир пайт ўрмон ичидан (дарахтларнинг шохлари синганда чиқадиган) «қасур-қусур» шарпалар кела бошлади-да, кетидан бир айиқнинг бутун тоғлар бағрини ларзага солиб ўкираётган овози эшитилиб қолди. Отлар бу наърани эшитибоқ, хуркиб кетганларидан қулоқларини чимирганча бошларини кўтариб депсиниб қолишди.

Сайёҳлар ҳушёр тортиб тинчлантириш учун отларнинг ёнига бордилар.

Бобур Мирзо узоқда серрайиб турган айиқни кўриб:

– Устоз! Қаранг, Хирс! Хирс! – деб юборди, завқ билан, худди бориб миниб олиб ўйнайдигандай, беихтиёр бир-икки қадам олдинга интилиб.

Элик қадамча нарида, шохлар орасида, уларга тикилиб баҳайбат қўнғир айиқнинг ёлдор калласи кўриниб турарди.

– Ҳа, худди ўша! Бу ўрмоннинг хўжайини Қўнғир! Аввалги дафъа чиққонимизда ҳам кўрғон эрдук, – деб қўйди устоз айиққа қараб бепарвогина.

Табиатан мулойим Абдуллоҳ бир оз шошиб қолганидан саросима билан:

– Устоз! Хирс бизга ташланмайдиму? – деганди, Алп Баҳодир ўта хотиржам жилмайиб қўйди-да:

– Йўқ, устазода! Таваҳҳумға⁵¹ ўрин йўқ! Хужум қилолмайду! Чунки, биз кўпчиликбиз! Агар, айрилиб, якка-якка бўлғонимизда эрди, унда, ал-

⁵¹ Таваҳҳум – ваҳимага тушмоқ, қўрқмоқ.

батта, хужум қилгон бўлур эрди, – деди «маймоқ» йиртқичдан кўз узмай.

Сунг: Бежиз айтилмагон: «Айрилгонни айиқ ер», – деб кўшиб кўйди.

Ўрмон «хўжайин»и худди сайёҳларга ўзининг бўй-бастини кўрсатиб кўймоқчи бўлгандай, бир силтаниб орқа икки оёғида тик туриб олди-да, ўкирганча ўрмон ичкарисига кириб кетди.

«Айиқ ўйини» тугагач, сайёҳлар отларини етаклаб яна ҳам юқориоққа чиқиб бордилар. Улар гоҳ отда, гоҳ пиёда тинимсиз тирмашавериб, кўп ўтмай катта бир тепаликка, эрталабдан бери кўзланган манзилга етиб келдилар. Улар чиқиб борган жой қирнинг энг баланд нуқтаси экан, унинг шимол тарафида улкан, табиий ботиқлик – ҳайҳотдай дара ястаниб ётарди.

Узоқда, даранинг ўртасида, илон изига ўхшаш бурмалари билан кўм-кўк сувини кўз-кўз қилиб, тоғлар тенгдоши кўҳна Косонсой оқмоқда. Сув юзасидан кўтарилаётган нам ҳаво, сой усти бўйлаб енгил туманга ўхшаш ажиб бир манзара пайдо қилган. Бир оз нафасларини ростлаб олишгач, Алп Баҳодир шогирдларига қараб:

– Худди мана шу улкан яссилик биз кўрабиз деб ният қилгон «Ўрта тўқай» дараси бўлади, жаноблар! – деб кўйди тантанавор. Устознинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатиб, сўзларини диққат билан тинглаб келаётган Бобур Мирзо Алп Баҳодирга юзланиб:

– Устоз, ўқиғон бўлсангиз айтинг-чи, тоғлар орасида бундай улкан дара қайси даврда пайдо бўлиб қолгон экан? Кейин яна бир нарсани изоҳлаб берсангиз, тепаликларга чиқиш пайти нечун аёқларингизни борҳо⁵² ерга қаттиқ-қаттиқ

⁵² Борҳо – дам-бадам.

уриб қўйдингиз? – деб сўрагани, Алл Баҳодир шогирдига маъноли қараб қўяркан:

– Амирзодам! Ҳазрат Беруний бобо тоғларнинг пайдо бўлиши тўғрисида фикр юрутуб: «Улар жуда қадимда, Ер юзида бўлиб ўтгон катта вулқонлар эвазига пайдо бўлгон», – деб ёзмишлар. Энди иккинчи саволингизга келсак, тоққа интилаётган киши шундай қилиб турса, аёқлари толиқиб қолмайдур! Мисли архар кўзисидек, чарчоқ нима эканлигини билмайдургон пайтингиз бўлгонидин сизга бундай муолажага эҳтиёж йўқ! – деб жавоб қилди шогирдининг тиришқоқлигидан кўнгли тўлиб.

(Вожаб! Бахтли тасодифни қаранг! Айни шу пайт буюк мутафаккир бобомиз Абу Райҳон Беруний ҳазратларининг муборак номлари зикр қилинган дамда (милодий 1492 йил 1 июл куни), дунёнинг нариги бурчида, биз – Буюк Турон давлати билан ҳамдўст Кастилия қиролигида, алломанинг «Уммонлар ортида улкан қуруқлик – янги қитъа бор!»-деган башоратига асосланган буюк сайёҳ Христофор Колумб уни топиш учун учта катта елканли кемада сафарга чиқиб кетади...

Сайёҳлар тўлқинлар оша очиқ денгизда икки ойдан ортиқ(!), аниқроғи етмиш кун сузсалар ҳам соҳил кўринмайди...

Ҳолдан тойиб, ҳафсаласи пир бўла бошлаган жасур денгизчилар «Алданибмиз! Орқага. уйга қайтамиз!»-деб шовқин-сурон солиб турганларида навбатда турган кузатувчи Родриго де Триана тўсатдан қирғоқни кўриб қолади...

Бу ҳолатни тасаввур этиш қийин, албатта.

Маллоҳнинг ҳаяжон билан: «Қадрдонлар! Ер! Ер!» – дея қилган ҳайқириғи бутун уммонни ларзага солиб юборган бўлса керак...

Денгизчилар кўйлаklarини ирғитиб ташлаб, кўзда қувонч ёшлари билан бир-бирларини қутлашар, кўлларини баланд кўтариб бор овозда қичқиришар, шодликларининг эса адоғи кўринмас эди.

Сайёҳларнинг шу дамдаги ҳис-ҳаяжонларини тасвирлаб беришга қалам ожизлик қилса керак. Шу боис бу манзарани ёритиб беришни мусаввирларимизга кўйиб берганимиз маъқул...

Донишманд бобомизнинг Янги дунё тўғрисидаги буюк кашфиёти орадан беш юз йил ўтиб ишботлангани эса, Инсоният тарихига ана шундай тарзда муҳрланиб қолганди).

Болалар кўзларини узмай, қалин тўқай билан қопланиб ётган, кўм-кўк ҳавзанинг тева-рак-атрофларига ҳайрат билан тикилишар, энг қизиғи, сой дарани тарк этиш жойида атайин икки тарафидан тоғлар қисиб кўйгандек тик ва торгина ўзандан оқиб чиқмоқда эди. Синчиклаб қараган одамга, мабодо, тоғларда тез-тез бўлиб турадиган зилзилалар кўпориб тоғ кўчкиси содир этгудек бўлса, ҳавзанинг орзи осонгина бекилиб қолиши мумкиндек туйилар эди.

Қачонлардир вақтлар келиб, табиатнинг бу мўъжизавий, улкан ҳавзаси инсониятга хизмат қилиши сайёҳлар учун, албатта, яширин сир эди.

Бобур Мирзо дарҳол шу ернинг ўзида тиз чўкканча, ён дафтарига улкан даранинг шакл-шамойилини, айрим нарсалар номларини изоҳ билан битиб кўйди. Пастда, сойнинг икки тарафида ҳам, қалин тўқайзорларни макон қилиб олган ёввойи тўнғиз, тўқай мушуги, йўлбарс каби йиртқич ҳайвонларнинг кўплигидан у жойларни яқин бориб кўришни хавфли билишиб, қирнинг катта-кичик тошлар чўнқайиб ётган ёнбағирликлари томон тушиб бордилар. Бир пайт, шу яқин атроф-

дан бир неча қушнинг «каки-да», «каки-да», «каки-да» деганга ўшаб сайраётган ёқимли овозлари кела бошлади.

Бобур Мирзонинг бутун диққат-эътиборини уларнинг жарангдор хонишлари маҳлиё қилиб қўйганди. Қушлар кўринмаса-да, шу яқин атрофда, тошлар, майда-майда буталар орасида юришгани аниқ эди. Уларнинг овозидан паррандаларнинг бениҳоя кўп эканлиги билиниб турарди.

Қувнаб кетган болажонлар қушларни чўчитиб юбормаслик учун уларга эҳтиёткорлик билан, бешарпа яқинлашиб бордилар. Какликлар шундоққина бута ва тошлар ўраб олган майдончада «бозор» қилишиб, ўйнаб юрганликларига нигоҳи тушган амирзоданинг кўзлари шошиб қолди.

Бу жой «Какликлар бозори» экан! Айниқса, ёнма-ён туриб олган бир жуфт ёш каклик югуриш бўйича худди мусобақа қилишаётгандай, қипқизил, нозиккина оёқчалари билан шундай тез чопиб кетишдики, кўз очиб юмгунча майдончанинг нариги четида пайдо бўлишди.

Амирзоданинг кўз олдида бир она каклик ўсма қўйиб олгандай энли, туташ «қош» ларини «чимирганча» ўнга яқин дўмбоқ-дўмбоқ поллонларини етаклаб, пилдираганларича бутазорлар орасига кириб ғойиб бўлишди. Бир неча қадам наридан эса бир гала каклик «дув» этиб кўтарилиб, шундоққина у бетга ўтиб қўнишди. Қушлар қишин-ёзин, бир умр шу маконда яшаганлари сабаб унча баланд ҳам, узоққа ҳам парвоз қилиша олмас, фақат қиш фасли кириб, бу жойларни қалин қор қоплагандагина емиш излаб, бир оз қуйироққа, қишлоқларга яқин жойларга учиб боришга мажбур бўлардилар. Какликлар яқин жойда ўйнашиб юрганидан, болалар наздида, худди уларни қувлаб тутиб олса бўладигандек туй-

иларди. Бу манзарадан Бобур Мирзонинг ғайрати жўшиб:

– Устоз, кабкларни қавлаб, илкимиз била ҳам тутуб олсак бўладиму? – деб сўраб қолди.

Алп Баҳодир шогирдининг шижоатидан қувониб:

– Йўқ, амирзодам! Бу хейли мушкул юмуш. Мен ҳам сиздек болалик чоғимда, кабкларни табиатда биринчи бор кўруб, шундай тасаввур қилгон эрдим. Алар кўзимга худ қавлаб, тутиб олса бўладигондек туйилгонди. Аслида, ундай эрмас, Амирзодам! Кабкларни фақат қопқон қўйуб, ё жаноб Муҳиббалининг шунқорлари била, ҳеч бўлмагонда, камондан отиб олиш мумкун, холос, – деб жавоб берди.

Бугунги кун режасида шикор кўзда тутилмагани боис, сайёҳлар «какликлар бозори» ни мириқиб томоша қилиш билангина чекландилар...

Улар ўзлари турган тепаликдан атроф манзараларига, айниқса, шимол тарафда савлат тўкиб турган Чотқолнинг пурвиқор, баланд, қорли чўққиларидан кўз узмай узоқ томоша қилдилар. Табиат манзараларига кўзлари тўйиб энди ўзаро суҳбатлаша бошлаган эдилар, Бобур Мирзо Алп Баҳодирга юзланиб:

– Устоз, аввалги мулоқотларимизнинг биринчида, шу атрофда ўзидин куй тарататургон «Сирли қоя» бор, – деб эдингиз. Мумкун бўлса, шуни кўрсатсангиз, – деди.

Бобур Мирзонинг гапидан сергакланган Алп Баҳодир муҳим бир нарса ёдига тушиб кетгандай:

– Ҳа, дарвоқе, яхши хотирга солдингиз, Амирзодам! Бунинг бирон бир душвор жойи йўқ, ҳозируқ бориб кўришимиз мумкун, – деганча болаларни бошлаб ўша қоя томон йўлга тушдилар.

«Сирли қоя» дегани улар забт этган тепаликдан анчайин пастда, баланд тоғлар бошланиши – даранинг дарвоза оғзида жойлашган экан.

Узун, бир неча қиррали, сомондай сарғайиб қолган биргина тош, мўъжиза янглиғ қирғоққа ўрнашиб қолибди. Қоядан таралаётган куйни эшитиш мақсадида келган ишқибозларнинг қадамларидан, унга тушиб бориш бир мунча осонлашиб, атрофлари текисланиб кетибди.

Отларни шу яқин атрофдаги буталарга боғлаб, қояга яқин келгандилар, Алп Баҳодир шогирдларига қараб:

– Жаноблар! Қулоқларингизни қояга яқин олиб борсанглар, ғариб навҳа эшитасизлар, – деди.

Ҳаммалари шоша-пиша қулоқларини тошга яқин олиб келдилар. Чиндан ҳам, қоядан саҳродаги бўрон ноласига ўхшаш, киши кўнглини ўртагувчи, найнинг дардли, элас бир садоси эшитилиб турарди. Алп Баҳодир ҳам тошга қулоқ тутиб кўриб: «Ҳозир дарадан муттасил эсувчи шамолнинг кучи маҳкам бўлмағонидин навонинг авжи ҳам баланд эрмас, жаноблар», – деб қўйди.

Амирзода ашаддий куй шайдоси бўлгани боис, қулоғини тошга қўйиб олганча, мароқ ва диққат билан тингларди. Бу антиқа ҳодисага қизиқиб кетганидан айланиб юриб деярли ҳамма тарафига қулоқ тутиб кўрди. Бобур Мирзонинг назарида сеҳрли оҳанг, ҳар қалай қоянинг орқа тарафида баландроқ эшитилаётгандай эди. Аслида, қоянинг олди, шамол урилаётган тарафида, қиличнинг бўйи баравар қиррали жой бор экан. Қояни синчиклаб юриб топиб олган Амирзода:

– Устоз! Бу қоянинг сирини топдим! – деб қолди.

Алп Баҳодир таажжуб билан шогирдига ўтирилганди, у қўли билан қоянинг олд тарафига ишора қилиб:

– Устоз, менинг назаримда, нола ҳўв ана бу тирдин чиқиб келаётур.

Устоз Бобурбекнинг синчковлигидан хурсанд бўлиб:

– Амирзодам! Тўғри топдингиз! Чиндан ҳам шундай бўлиши керак! Бу қоя ёнига учинчи бор келишим, бироқ ҳеч диққат била мулоҳаза қилиб кўрмагон эканмен, қойил! – деди ҳайрат билан. Сўнг: «Айтиб эдилар, қояда «зулм тиғи» деган бир тиг бор», – деб қўшиб қўйди.

Сайёҳлар шу кунга режалаштирилган барча юмушларни ортиғи билан адо этишганидан «Сирли қоя» ёнида қизғин суҳбат қуришиб бир оз туриб қолдилар. Бобур Мирзо Қуёшнинг ҳолатига назар солиб қўяркан:

– Устоз! Энди аср вақти кирибди холос. Манзилга ёниш учун вақтимиз бир мунча бор экан, отни қамчиласак, яна икки юмушни уддалагон бўлурмидик, – деди.

Алп Баҳодир «Қандай юмушлар экан?» – дегандай ялт этиб шогирдига ўтирилганди:

– Аввал, қадрдонларга совға учун табаррук тобулғу йиғочидан кесиб олиш, сўнг балиқ ови, – деб қолди.

Алп Баҳодир бир оз таажжублангандай:

– Амирзодам! Боя бу хавфли йўлдин ёнмаймуз деб қўйгон эрдим. Шунинг учун тобулғу йиғочини эртага, нонуштадин сўнг сизлар «Сулук ул-мулук»нинг сўнгги фасларини мутолаа қилиб тургунингларча, хизматкорлардин бирини олиб, ўзим кесиб келамен, лекин афу этгайсиз, «балиқ ови» деганингизни яхши тушунмадим.

– Андижонда эканлигимизда, мусоҳабаларимизнинг бирида, хотирингизда бўлса: «Хўрак қўймай, қуруқ қуллоб⁵³ била, Косонсойдин «Шоҳ

⁵³ Қуллоб – қармоқ.

қилмайдур, деб, қўлидаги қармоқни унинг олдиға ташлаганди балиқ заррача писанд қилмади.

Алп Баҳодир (хўраксиз) қуруқ қармоқни кўтариб-тушириб, унинг устиға, ёнларига тегизиб кўрди, балиқ ҳамон жойидан кўзғалмасди. Кейин қармоқни мўлжаллаб, унинг орзини тагига олиб келди-да, «Мана сенга» деганча, силтаб кўтариб юборганди, томоғидан илиб чиқиб кетди.

Болалар ўтлар устида типирчилаб ётган «шоҳ балиғи» ни кўриб хурсанд бўлиб кетишганидан чапак чалиб юборишди.

Устоз балиқни қармоқдан ажратиб оларкан, шогирдларига баланд тоғ дарёларида истиқомат қилувчи, сирти йиртқич қоплоннинг холдор танасига ўхшаш, бироқ гўшти жуда мазали «Шоҳ балиғи» тўғрисида билган яна кўп нарсаларни сўзлаб берди.

Болаларнинг илтимосига кўра устоз иккинчи балиқни ҳам бир-икки дақиқа ичида шу тарзда тутиб берди. Сўнг уларни ўз маконига қўйиб юбораркан:

– Жаноблар! Ёдда сақлаб қолишингларни сўраймен. Бу ҳол чун лоқайдлик ва ўз кучиға мағрурланиб кетишнинг мудҳиш оқибатидур, – деб таъкидлаб қўйди...

Алп Баҳодирнинг тадбирли, уддабурон, қолаверса, табиатнинг кўп сирларидан воқиф эканлиги, болаларнинг мурғак қалбларида унга нисбатан бўлган ҳавасни янада жўштириб юборган бўлса ажаб эмасди.

Бир пайт Алп Баҳодирнинг:

– Жаноблар! Сафаримиз қариди. Ҳар ким ўз тасарруфидаги анжомларни тахт қилсунлар! Ёнамиз! – деган буйруғи эшитилди.

Сайёҳлар баланд тоғлар билан туташ тепаликлар оралаб тушиб, кенг ёнбағирликлар бағрида ястаниб ётган яйлов бошиға етиб келганларида

узоқдан, ўтов тарафдан, кутилмаганда катта-катта бир неча ит чиқиб, бор овозлари билан хурганларича улар томон чопиб кела бошладилар... Суворийлар отлар ҳуркиб кетмаслик эҳтиётини кўриб, бир оз тўхтаб туришга мажбур бўлдилар.

Итларнинг йўловчиларга ташланаётганини кўрган ўтов эгаси:

– Қайт, «Қоплон»! Қайт! – деганча итлар кетидан қичқириб келарди.

Итлар ўз эгалари овозини эшитишлари билан тақа-тақ тўхтадилар. Чўпон бобо ҳаллослаганча йўловчилар турган жойга етиб келаркан:

– Узр, жаноблар, узр! Ит, ит эркан-да... Сизларни йўлдан қолдириб қўйди, айбга буюрмағайсизлар? – деганча ҳижолат бўлиб афу сўрагани Алп Баҳодир:

– Ҳечқиси йўқ, шубон⁵⁴ бобо, малул бўлмангиз! Шужоълиқларидин⁵⁵ кўриниб турадур, сағларингиз чун вафодор, ҳам жангари эрканлар. Булар «бўрибосар»ларму? – деб сўради, бобонинг ортида, узун тилларини ўткир тишлари устидан осилтирганларича хансираб, суворийлардан кўз узмай турган баҳайбат «дўст»ларига қараб.

– Ҳа, албатта, ўзларингиз вуқуф, бу атрофда сабуълар⁵⁶ бисёр. Аларга шундай кўппаклар бас келмаса, бошқалари ололмайду! – деб қўйди, чўпон бобо.

Бобур Мирзо кутилмаганда бир сакраб отдан тушди-да, жиловни Муҳиббалига тутқазиб, итлар томон юра бошлади...

Шогирдининг бу ҳаракатини кўрган Алп Баҳодир ҳаяжон ва саросима остида чаққонлик

⁵⁴ Шубон – чўпон.

⁵⁵ Шужоъ – шижоатли, довюрак.

⁵⁶ Сабуълар – йиртқич ҳайвонлар.

билан отидан туша солиб: «Амирзодам! Қайтинг! Қайтинг, амирзодам!» – деганча шогирди ортидан бир икки қадам босганди, валиахд ўша шижоат билан орқасига ўгирилиб ҳам қўймай, чап қўлини бироз кўтариб қўйди-да, бориб, ўнг қўлининг панжасини энг катта итнинг сержун бошига қўйди.

Во ажабо! Ҳозиргина қутуриб турган важоҳатли бойтеват бир зумда шаштидан тушиб, улкан бошини эгганча кўзларини юмиб, валиахднинг оёқларига суркала бошлади.

Шундан кейингина вужуди кўз бўлиб турган Алп Баҳодирнинг нафармон юзига қон югурган-дек бўлди.

– Хайрият-ей! Бўрибосарлар Мирзомга ташланиб қолмасайди, деган вартада⁵⁷ туриб эдим, – деб юборди, шай қилиб қўйган қиличини қинига жойлай туриб...

Устозидан бир уқия⁵⁸ кам ташвиш чекмаётган Абдуллоҳ вазиятни илтиш учун:

– Устоз! Паланг зотиға ташланадурғон сағ, ҳали ачасининг қорнида ҳам бўлмаса керак! – деганди бу мутойибадан ҳаммалари кулиб юбордилар.

Мусоҳибларнинг жарангдор кулгилари тахт ворисининг қулоғига етиб боргандан ҳамроҳлари турган томонга қараб, мийиғида жилмайиб қўйди.

Шу аснода сайёҳлар чўпон бобо билан андак суҳбатлашиб қолдилар. Бобо меҳмонларнинг бу ерлик эмасликларини билиб: «Қаердансизлар, жаноблар?» – деган саволига Алп Баҳодир ўзларининг кимлар эканликларини ифшо қилгиси келмади чори: «Андижонлуқ, оддий сайёҳларбиз», – деб қўя қолди.

⁵⁷ Варта – ҳалокатли жой, ҳалокатли ҳолат.

⁵⁸ Уқия – аниқлик, аниқлик, ўқиб олган (қозил. 120 г).

Ота уларнинг қимматбаҳо безаклар қадалган эгар-жабдуқ ва абзаллари остида, кенг яғринли, мускуллари бўртиб турган бўйдор, зотли отларига ҳавас билан тикиларкан бир аёқдан қимиз ичиб кетиш учун чодирга таклиф қилганди, Алп Баҳодир вақtlари бир оз зиқлигини айтиб: «Раҳмат, бобо, насиб этса, меҳмондорчиликни кейинги дафъа қилабиз», – деб узр сўради.

Гап орасида чўпон бобонинг: «Қамбар қоянинг куйини тинглаб, зиёрат ҳам қилгон бўлсангизлар керак?»-деган саволига, «Ҳа, албатта. Ҳозиргина ўша жойдан тушиб келаётирмиз», – деб жавоб бердилар.

Бобур Мирзонинг қулоғига қоянинг номи бошқачароқ эшитилганидан отага юзланиб:

– Бобо, нечун ул қояни «Қамбар қоя» деб атайдурсиз? – деб сўраганди, бобо Амирзодага маъноли қараб қўяркан:

– Тўғри илғаб олибсиз, бўтам. Бу хусусда, халқ орасида сўзлаб келинадургон ривоятда у «Қамбар қоя» деб ҳам аталадур, – деди.

Бобонинг гапларига қизиқиб қолган Бобур Мирзо:

– Бобожон, мумкун бўлса ўша ривоятни сўйлаб берсангиз? – деб қолди қоп-қора кўзларини парпиратиб.

Бобо: «Майли, майли, жоним бирла, бироқ йўлдин қолдириб қўймайманму», – деб бироз истиҳола билан Алп Баҳодирга юзланганди, Амирзоданинг кўнглига қараб: «Сўзлай беринг, бобо», – деган ишора билан бош ирғаб қўйди.

«Қадим замонда шу қишлоқлик Қамбарали исмли жуда хушсурат, паҳлавон чўпон йигит бўлгон экан», – деб, сўзини бошлади бобо ажин босган нуроний юзлари жиддийлашиб.

«Чўпон йигит хат-савод чиқариш учун имкон тополмағон бўлса-да, мусиқа шайдоси бўлуб, найда ўзи яратғон наволарни шундай маҳорат билан ижро этарканки, унинг сеҳридин одамлар «сел бўлуб оқиб», булбуллар сайрашдин тиниб қолар эканлар.

Кўпдан бери чўпон йигитнинг кекса ота-оналари якка-ёлғиз ўғиллари Қамбаралини уйлантириш, набира кўриш орзуси билан яшаб келар эканлар. Шу мақсадда қишлоқнинг манаман деган қизларига совчи бўлуб борайлик десалар ҳам, Қамбарали уларнинг раъйини қайтариб келар экан. Нега деганда унинг кўнгли хўжайини Самад бойнинг ягона қизи Муножатда экан.

Муножат ҳам Қамбарали сингари куй ва кўшиқ шайдоси бўлуб, улар бир-бирларини жондин ортиқ севар эканлар. Қиз хат-саводли, инчунун таъби назми ҳам бўлуб, ёр ишқида пинҳона ғазаллар битар, ҳижрон азобида тунларни тонгларга улаб, бедор ўтказар экан. Қамбарали томондин келғон совчиларға золим бой рад жавобини берибгина қолмай, уларни тамасхур қилиб қайтарибди.

Аччиқ қисмат олида иложсиз қолғон бечора ҳимоясиз ошуқлар бир кечада баланд тоғлар бағрига кириб ғойиб бўлиб кетишға азимат қилибдилар.

Қоронғу тушуб фалакда хира ой кўриниши била севишғонлар тоғлар сари мутаважжих бўлибдилар. Бундин хабар топғон бой бир неча барзангиларини жўнатиб, филҳол аларни тутуб келишларини буюрибди. Чин ошуқлар баланд тоғлар бағриға етай деб қолғонларида, орқадин бойнинг одамлари келиб уларни исканжаға олибдилар.

Қамбарали Муножатни жоҳиллар кўлига бермаслик учун жасорат билан мардона олишиб-

ди. Бироқ кўзига қон тўлғон ваҳший гумроҳлар кўпчилик бўлғонидин жасур йигитни тутуб беаёв, маҳкам калтаклашибдилар ва чалажон ҳолда ташлаб кетибдилар.

Ярим тунда бир оз хушига келган Қамбарали кўйнидин сўнгги бор чалиш учун қадрдон найини чиқорибди. «Нолаларим Муножатнинг қулоғига етиб борармикан», – дея ҳар қанча ҳаракат қилмасин, мажоли етмай, найни чала олмабди. Шунда уни бағрига босганча севгилисининг номини бир неча бор такрорлаб, оламдин кўз юмубди.

Бу фожеадан тоғлар ларзага келибди. Ҳатто, уюхлаб ётгон қушлар ҳам уйғониб, чирилаб юборишибди.

Мудҳиш воқеадан хабар топгон қадрдон ҳамқишлоқлари ўша заҳотиёт Қамбаралини излаб йўлга тушибдилар. Келишиб не кўз билан кўришмасин, йигит ҳалок бўлган жойда бир қоя пайдо бўлуб қолгон экан.

Ундан эса, найнинг тинимсиз, дилни ўртагувчи навоси таралиб турганмуш. Бу куй севгилиси билан қовуша олмагон ошиқ мутрибнинг армон ва изтироблар тўла мангу юрак нолалари эмуш».

Бу ривоятдан таъсирланиб кетган Алп Баҳодирнинг кўнглидан нималар кечди экан, чуқур хўрсиниб кўйди-да, кўзларига босиш учун дастрўмолини излаб қолди. Муҳаббат отли сеҳрли туйғу йигитчаларнинг мутаҳҳар қалбларига ҳали ташриф буюриб улгурмаган бўлса-да, Қамбаралининг фожиали тақдирига чин дилдан ачиндилар.

Бобонинг ҳикоясидан маъюс бўлиб қолган Абдуллоҳнинг: «Бобо, қизнинг кейинги тақдири қандай кечди экан?» – деганча нам кўзлари билан отага юзланганди:

– Айтишларича, Муножат Қамбаралининг ҳажрида йиғлаб-йиғлаб охири кўзларидин айрилиб, бир умр тоқ ўтгон экан. Йиллар ўтиб кўзлари кўрмай қолгон Муножат йўл топиб келиб, шу қоя ёнида жон бергон эмуш. Васиятига кўра уни ҳам шу қоя ёнига дафн қилгон эканлар. Халқнинг қаҳру ғазабига учраган бой эса кўп ўтмай, Қамбаралига қилгон зулм ва фисканинг шоматидин ўзи ва ўғлонлари тамом жувонмарг бўлуб, тез орада ном-нишонсиз бўлиб кетгон эмушлар, – деб жавоб берди бобо.

Шу пайт роҳибларнинг паришон бўлиб қолган хаёлларини бобонинг: «Жаноблар, шунча суҳбатлашиб турарканмиз, ўтовга боргонимизда яхши бўлур эди», – деган манзирати бузди.

Сўзлаб берган ривояти учун ҳаммалари бобога миннатдорчиликлар билдириб хайрлашдилар.

Бутунги кун режасида кўзда тутилган барча юмушларни ортиғи билан адо этган сайёҳлар манзил сари йўлга чиққанларида, Қуёш аллақачон баланд тоғлар ортига беркиниб, қорли чўққилардан келаётган сарин шаббода танга ором бериб бормоқда эди. Ҳар ким ўз хаёллари оғушида сукут билан бир оз юришгач, Бобур Мирзонинг дилидан бир байт ўтди ва оти устидаёқ дафтарига шундай битиб қўйди:

Кими ноҳақдин фақирга зулм ила фиска қилди,
Оқибат ўзни бадному, умрин қисқа қилди...

★ ★ ★

Суворийлар қўналгага мамнун, бир олам таассуротлар оғушида кириб келдилар.

Улар истиқболига пешвоз чиққан жиловдорлар тизгин ва қамчиларни қабул қилиб олишаркан, хуштакаллуфлик билан: «Тоғларни яхши тафарруж этиб келдингизларму, Амирзодам?» – дея таъзим бажо келтирдилар.

Айниқса, Бобур Мирзонинг кўнглини бугунги саёҳатдан олган таассуротлар тоғдек юксалтириб қўйганини қоп-қора, ёниб турган кўзлари ҳам айтиб турарди. Сайёҳлар от-уловларини топширибоқ, навкарлардек жадаллик билан бориб булоқ сувида ювиниб келдилар. Дала кийимларини кунлик либосларига алмаштириб, устозлари ортидан бакавуллар чодирини – кўчма матбах томон йўл олдилар.

Емакхонада уларни подшоҳ саройининг кекса ошпази, қўли гул пазанда Усмон тағойи, хушбўй зираворлар солиб тайёрлаган лазиз таомлар билан кутмоқда эди.

Йигитчаларнинг жангда голиб чиққан сипоҳийлардай баланд кайфиятини, навкарлардай иштаҳасини кўрган бакавуллар аслзода мижозларига чопқиллаб юриб хизмат кўрсатдилар.

Чиндан ҳам ёш сайёҳлар тонг саҳардан бери тоғ оралаб, гоҳ отда, гоҳ пиёда тирмашиб юрабериб андак очиқиб қолгандилар-да.

Дастурхонга қўйилган турли хил таомлар ичида Бобур Мирзонинг оғзига, айниқса, каклик гўштидан, зирик ва пиёзи ансурий солиб тайёрланган димлама ёкди.

Таомдан сўнг кибор хўрандалар олдига олма, ўрик, беҳи шарбатлари ва бир неча хил ширинликлар тортилди.

Меҳмонлар (Бобур Мирзони суйганидан, кўргани ҳамано такаллумга чорлагиси келиб турадиган) ажиб хуштаъб, кўпни кўрган Усмон тағойи ҳузуридаги мусоҳабалари қизиби: «Яхши-

лар суҳбатида бўлиш дилни ҳар хил ғубор ва қуйқалардан тозалайди, қалбларни эса чарогон этади», – деганларидай бироз фурсат ушланиб қолдилар.

Улар матбах чодирини тарк этганларида қўналгага оқшом чўкканди. Майсалар устида безоргина учиб юрган ёнарқўнғизларнинг (Бобур Мирзо уларни эркалатиб: «учоқ юлдузлар» деб ном бериб қўйган) бетартиб парвозлари тутаб энди улар ўтлар остида жимгина емиш излаб кетишган.

Пурвиқор тоғлар бағрида ҳукм сураётган самовий жимликни фақат жилғадан оқиб ўтаётган сувнинг бир маромда майин жилдирашию унга жўр бўлиб куйлаётган чигирткаларнинг хонишлари бузмоқда.

Қамарий тақвим ҳисобида роббиуссоний ойнинг бўсағаси бўлганлиги боис, фалакда тун малаги – Ойнинг ўзи кўринмайди. Гўё бутун борлиқни зулумот пардаси қоплаб олгандай.

Бироқ, осмон тўла, инжу-жавоҳирлардай товланиб, ғуж-ғуж юлдузлар шодаси сочилиб ётибди. Мусаффо тоғ ҳавосининг беғуборлигидан, уларнинг энг миттилари ҳам кўзга яққол ташланади.

Бобур Мирзо бир мунча вақт тунги сирли кoinотга маҳдиё бўлиб, унинг мафтункор, сеҳрли жиллоланаётган осмон ёриткичларини кузатиб турди.

Илми Ҳайъатдан олган сабоқлари ҳали кўп эмас, бироқ энг йирик осмон жисмларининг жойланиши, уларнинг ҳаракат йўналишлари, афижиюн ўринларини яхши ўзлаштириб олган.

Худди фалакиёт илмидан имтиҳон топшираётган мадраса талабасидек:

– Ҳу, ана бу, шимолий Қутб устида тургон қўшалок юлдуз – Фарқадон! Алардан бир мунча бери, Шарқ тарафда ўзидин гоҳ қизил, гоҳ

мовий нур сочиб турғони Суҳайл бўлса керак, у хейли олисда жойлашғон, шундан икки тусда товланадур, - деди пичирлаб.

Бироз чапга ўтирилиб олиб, кузатишни давом эттираркан:

– Бу жонибдари, ювошғина турғон юлдуз – Насри тойир! Ана булар эрса, тутқуч бермас «Етти қароқчи»лар! Худ, ҳеч нима бўлмағондек етгиси ҳам кўзларини пирпиратиб турибти.

Аларнинг барчаси чун улкан ва ҳадсиз йироқда жойлашғон бўлсалар-да, Улуғбек Мирзо бобом мингдин зиёд, чўқ йирикларини «тутуб», Зижира жойлаб қўйғон!

Аҳсан! Темурбек бобомлар рубъи маскунда «Адолат ўрнатамен!»-деб куйуб-ёнғон бўлсалар, кичик бобом «Фалакни жиловлаймен!» – деб ўтдилар.

Қизиқ, мен энди қай бир бобомнинг йўлини ихтиёр этсам экан-а?! – деб қўйди ички овозда.

Вожаб, бу жойнинг осмони ҳам шу қадар ёвуқ эрканки, худ истағон юлдузингни илгинг била – ўқ тутуб олса бўладиғондай!»

Сўнг нигоҳини фалакнинг шарқ тарафига қаратаркан: «Субҳидам палласи ушбу жойда Чўлпонни тафарруж этиш мумкун», – деганча, ниманидир дилидан ўтказди чоғи, бир сакраб тош устидан тушди-да, рўпарадаги чодир эшигини қия очди.

– Устоз! Мумкун бўлса, бу ёққа қараб қўйсангиз? – деди.

Кечки таомдан кейиноқ шошиб чодирига кириб кетган Алп Баҳодир бутун қазо бўлган намозларини ўқиб бўлиб, саловат айтиб ўтирган жойида (қулоғига Бобур Мирзонинг овози эшитилиши ҳамона), юзига фотиҳа тортди-да, қўлидаги тасбеҳни жойнамоз четига қўйиб, ташқарига чиқди.

– Амрингизга мунтазирмен, Амирзодам!

Бобур Мирзо мисвогини артиб филофчасига солиб кўяркан:

– Устоз, безовта қилгоним учун узр. Айтингчи, Андижонда эканимизда, айни шу пайт «Етти қароқчи» била «Тарозу» юлдузлари бир нима шимолроқда кўриниб эди, дари бу қадар ёруғ эмасдилар, – деди.

– Аҳсан! Тўғри фаҳмлаб олибсиз, Мирзом! Бунинг икки сабаби бордур: бири, биз турғон жой била Андижон оралигида ҳар нечук тури ўн беш, ўн олти йиғоч фосила, минг қаридин ғалаба умқи борлиғидур. Қаранг, ҳавонинг мусаффолиғи боис, бу жойда «Чўмуч» юлдузи болачаларини ҳам санаш мумкун эркан, – деди.

– Устоз! – деб қолди Бобур Мирзо фалақдан кўз узмай:–Хў ана бу юлдуз Суҳайлму? – деб сўради, Шарқ тарафда мудом чарақлаб турган, эндигина ўзи таҳмин қилаётган юлдузни кўрсатиб. Алл Баҳодир шогирдига юзланаркан:

– Амирзодам! Биласизму, Суҳайлнинг афижиюн чизиғи хейли жанубдин ўтқони боис бу ердин кўринмайдур.Тенгри насиб этса, бир кун келиб, албатта, кўруб, тафарруж ҳам қилиб оласиз! – деб қўйди.

Устоз билан шогирд шу тахлит анча вақт осмон жисмлари тўғрисида мусоҳаба қилиб турдилар. Бу суҳбат асносида Бобур Мирзонинг фалакиёт илмидан олган билимлари янада ойдинлашди.

Сўнг аста-аста босишиб келиб бир-бирларига «хайрли тун» тилаганларича, ўз хобхоналарига кириб кетдилар.

Валиаҳд хос чодирига кирибоқ, ўзи севиб мутолаа қилаётган Мавлоно Лутфийнинг нақшинкор лавҳ устида турган «Девони»дан бир неча саҳифасини кунт билан мутолаа қилди.

Хаёлига муҳимроқ нарса келди чоғи, келган жойига хатчўп қўйди-да, ирғиб ўрнидан туриб, осма токчадаги жуздондан бир неча варақ Самарқанд қоғозидан олди. Фонусга яқинроқ ўтириб, қитирлатганча нималарнидир тушира бошлади.

Матлаъда бежирим настаълиқ хатида: «Ўзумнинг бувижонимға! – деган сўзлар кўринди. Қуюқ қошларини чимирганча қаламни лабларига босиб бироз диққатини жамлаб турди-да, шариллатиб ёза кетди. Ҳа, демак шу ўтган беш кун ичида тоғлар ичида кўрган-кечирганларини, таасуротларини меҳрибон бувижониси билан баҳам кўргиси келибди-да, амирзоданинг.

Бобур Мирзога Тангри таоло инъом этган хислатлардан бири масаланинг туб моҳиятини қисқа сатрларда, юксак бадиият ила битиш қобилияти асқотиб, мактубни бир зумдаёқ:

«Ассалому алайкум, қадрли Бувижон! Косон тоғлари бағрига чиқиб, кўп сафолиқ Кўк дала доманаси бошидин қўнум топқонимизға бутун бешинчи кун. У маъвонинг табиатини таърифламоққа тил, сувратини тортмоққа эрса қалам ожиз!

Ғолибо, баланд тоғлар оралаб «Ўрта тўқай» дарасига қилгон бу кунги тафарружимиз кўп ғариб бўлди. Ёнишда «Қамбар қоя» деган жойни зиёрат эттук.

Бешалар⁵⁹ хейли қалин бўлғонидин ичкари кириш имкони бўлмади.

Чилғўза, болут, ножу, қанорада жўка дарахтлари қурч бўлуб ўсуб ётадур. Йўлда тобулғу учратиб эдук, йиғочидин совғага олишни мўлжаллаб қўйдук.

Бувижон! Биласиз, қушлар менинг жону дилим! Сайроқиларининг ўзидин олти турини кўруб, санадим! Чодиримға кун бўйи булбул била

⁵⁹ Беша – ўрмон.

«Какку»нинг ноласи эшитилиб турадур. Сизга дея мисли: «ябруҳус санам», гармонуш, килдору, тоғ райҳони киби шифобахш гиёҳлардин териб, жамлаб қўйдум.

Қолғон гапларни, иншооллоҳ, юз кўришғонда сўйлаб берамен. Сизни соғиниб, Бобурингиз», – деб ёзди-да, имзо чекди. Туморча шаклида бежирим қилиб тахлаб, сиртига: Пошшо бувим Эсан Давлатбегимга! – деб битиб, шу заҳотиёқ хизматкорлардан бирини чақирди.

Қўллари кўксиде турган хос хизматкор бош эгиб чодирга кираркан:

– Амринғизга мунтазирмен, Мирзом! – дея жавоб қилганди:

– Тағойи, бориб билинг-чи, эртага Андижон тарафга учуриш учун робита кабутарлардин қай бирлари бор экан?! – деб буюрди.

Топшириқни олган хизматкор: «Бош устига, амирзодам», – деганча ўтирилиб ташқарига йўналди.

Зум ўтмай чодирга қўлида бир жуфт кабутар билан хос бозбонни ўзиёқ кириб келди.

– Амирзодам! Захирада Андижон қалъасига шу икки: «Садаф» била «Лулу» қолиб эди, – деб ахборот берди.

Бобур Мирзо Оқпарни сўраганди:

– Амирзодам! Уни кеча эрталаб Тошкандга учурилиб эди, – деб қўйди.

Валиаҳд қушлардан бирини қўлига олиб меҳр билан патларини силади: «Қушоқ, қушоқ»,– дея эркалатди. Худди, кабутар зоти тил уқадигандай: «Ҳеч бир жойда тўхтамай, тўғри Андижон қалъасига, қадрдон жуфтинг олдиға-ўқ учуб бор!» – деб тайинлади.

Бозбон ташқарига чиқиб кетгач, фонусни пастлатди, устки кийимларини ечиб тартиб би-

лан қозикчаларга илди. Чоғроқ чорпояда анчадан бери ухлаб ётган икки қадрдон дўстига меҳр билан боқиб қўйди.

Тахт вориси ўзи учун тўшалган хос ўринга кириб ётганда, вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Кўнгли бугунги серфайз кун тухфаларидан таскин топган Бобур Мирзони бир зумдаёқ ширин уйку элитди.

НАВРЎЗИ АЖАМ

Ки бу сурур эрур олам афруз ҳам,
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.

Алишер Навои

•Ул подшоҳ (Бобур Мирзо) мусиқий
илмдин ҳам бохабар эрди...•

•Бобурномадан (Мусаввиди авроқ)

Қиш бўйи ёғиб ўтган паға-паға қорлар, аччиқ изғиринлар ортда қолиб, Фарғона мулкига элулус интиқлик билан кутган, ҳижрий 899 йилнинг баҳори – Наврўзи олам кириб келмоқда эди.

Кўҳна Наврўз бутун борлиқни ўзининг кўм-кўк либосига буркаб борар, қир-адирлару сув ёқаларида чаман бўлиб очилаётган чучмўма ва ялпизларнинг хушбўй ҳидидан, томлардан униб чиқаётган лолақизғалдоқларнинг алвон рангидан дил яйрайди. Табиатдаги бу уйғониш одамларнинг қалбига ҳам шуъла ташлаб қўйган.

Кетма-кет ёғиб ўтаётган ёмғирлардан экин-тикин ишлари қизиб, ҳали авжи паллага кириб улгурмаган бўлса-да, ерини соғинган деҳқон кўч-

кўронию омов-моласини олиб эзгу ниятлар билан даласининг бошига кўчиб чиққан.

Тупроқ обдан етилгунига қадар бажарилиши лозим бўлган юмушлар бисёр: сув йўллари, пайкал четларини тозалаш, текислаш, уруф саралаш, олачўқларни тиклаб, ертўлаларни тартибга келтириб қўйиш зарур.

Табиатда кун билан туннинг баҳорий тенг келиши, янгиланиш, яшариш палласи, янги кун – Наврўз тантаналари Ер юзида Вақт ибтидо-си сифатида илк бор қай жойда, қайси даврдан бошлаб байрам сифатида нишонланганлиги мудом «сир» бўлса-да, узоқ аждодларимиз бу қутлуғ кунни қай тарзда кутиб олганликлари ҳикматлар битиги – қадимий «Авесто»да, қолаверса улуғ бобомиз Абу Райҳон Беруний ҳазратларининг «Ўтмиш халқлардан қолгон ёдгорликлар» рисоласида ҳам батафсил баён этиб қўйилибди.

Наврўзи оламнинг азалий, ўша Қаюмарс⁶⁰ подшоҳлиги замонидан давом этиб келаётган таомилга кўра, подшо ҳазратларининг фармони билан тўрт нафар мироб (қадимда уларни Улуғ, Тўлуғ, Арслон, Қалқон деб атаган эканлар) Иламишнинг бошига чиқиб, тоғлардаги қор қатламининг чўғини билиб тушдилар.

Умаршайх Мирзо аълоҳазратларига етказилган маълумотда таъкидланишича Тангри тоғ (Олатоғ) да қорлар кўп қалин эрмиш. Шундан эл оғзида:

Қорлар бўлуғ бўлса, дарёлар тўлуғ,
Дарёлар тўлуғ бўлса, экинлар бўлуғ! –

деган нақд юрибди.

⁶⁰ Қаюмарс – Ер юзидаги биринчи подшоҳ (ривоят).

Наврўз шодиёналари Араб истилосидан сўнг кўп йиллар давомида нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки бутун шарқда ҳам, жоҳил ва мутаассиблар тазйиқига учради, бироқ инсоният ўзининг маънавий осори-атиқаларини асраб-авайлаб, тилдан-тилга, авлоддан-авлодга бекаму кўст етказиб келгани боис, халқ ўйинлари, куй-қўшиқлар, ўланлар жозибаси, қолаверса, шарқона пазандачилик санъатининг нозик қирралари ҳали ҳануз ўша-ўша, ўз оҳорини бир мисқол бўлса-да йўқотмай келмоқда!

Аршдан Ҳокими мутлақнинг Курраи заминга атаб, ВАҚТ деб аталмиш ўлчовни жорий қилган ўша рўзи азал куни илк бор жаранглаган биргина «БЎЛ» сўзи бутун борлиқни бир тартибга келтириб қўйгандан бери (Ўзи белгилаб берган) халқаси узра сузиб бораётган Бобо Қуёш Ҳутдан чиқиб Ҳамал буржигга кирганини Ердан келаётган илиқлик ҳам тасдиқлаб турарди.

Мухтасар қилиб айтганда Наврўз, Яратганининг Инсоният билан Табиат ўртасига абадул-абад қилиб ташлаган олтин кўприги!

Тўғри, Умаршайх Мирзо Фарғона мулкига мустақил ҳукмдор бўлган йиллари мавкибат аҳли: беклар ва мулозимлар орасида Наврўзни ҳали ҳам сингдиролмаб келаётган айрим мутаассиблар бор эди.

Ўшанда уларнинг барчасига етарли миқдордаги маънавий зарбани ётиғи билан олампа-ноҳнинг пири муршиди Бурҳониддин Муҳиддин қози жаноблари билан Хожа Абулмакорим бергандилар.

– Жаноблар! Таналарингга яна бир сидра ўйлаб кўрушни маслаҳат бергон бўлур эдим. Хўш, Тангрининг иродаси бирла Кун била Тун тенг бўлуб, мезон тарозусининг икки палласи ҳам адолат

чизифи устида учрашиб тургон бўлса, ажир бу – фазилатли куннинг белгиси-ку! Бундай Улуф кунни қадим-қадимдин ота-боболаримиз нишонлаб келгон бўлсалар. Шукурким, эл-улус замқарир қишдин эсон-омон, беталофат чиқиб олғонидин масрур бўлуб, байрам қилиб тургон бўлса, бунинг, ажир, нимаси ёмон?! Қолаверса, бу бўлғуси зирот ишларимиз арафасида ўтказилаётгон катта тадбир-ку!

Аслида, Умаршайх Мирзо ҳазратлари (оғаси Султон Аҳмад Мирзо каби) салтанат жilовини беклар кўлига тутқазиб кўядиган ҳукмдорлар тоифасидин эмас. Ҳукумат ишида хоҳ пинҳона, хоҳ ошкора, гарданкашлик йўлини тутган ҳар қандай юртбузуқи кажрафторни хилват жойда бир мушт билан «мулла» қилиб кўя оларди. Бунга бўлиб ўтган бир воқеани эслаш кифоя.

Кунлардан бир кун сўлоқмондай беклардан бири Суюн Танбалбек навбатдаги наврўзолди машваратларнинг бирида ҳукмдорнинг сўзларини диққат билан тинглаш ўрнига (ўзидан кетиб) у ёқ – бу ёққа аланглаб ўтирди. Устига-устак мажлис давомида ножоиз луқмалар ташлаб, ишни барбод бўлиш тарафига бурмоқчи ҳам бўлди.

Буни сезиб турган Умаршайх Мирзо йиғин охирида бекнинг қолишини буюрди. Ҳамма чиқиб кетгач, лаби-лунжи осилиб, қовоғидан қор ёғиб турган Суюнбекнинг қулоғига бир нима демоқчи бўлгандай ёнига имлади. Кутилмаганда босқондай мушт келиб, «қанр» этганча бекнинг туртиб чиққан, кенг иягига тушди.

Умаршайх Мирзо бир зум ўтгач, анча нарида чўзилиб ётган бекка қараб ҳам кўймасдан «ўзингдан кўр» дегандай аста-аста босиб ташқарига чиқиб кетди.

Ясовулбошининг гапларига қараганда, тўрт нафар чухра, Суюнбекни тўрт тарафидан кўтариб қоровулхонага олиб кириб жойлашибди. Бек у жойда кечаси билан алжираб чиқиб, эртаси чошгоҳга яқин ўзига келганмиш. Бекнинг неча дона тиши ўз жойини кушод тарк этиб кетганлигини эса аниқлашнинг имкони бўлмабди. Энг ёмони, бекнинг жағлари илгагидан чиқиб кетган экан. У бўлди, бу бўлди ҳозик ҳаким Абдумалик Боқига ҳам қийин бўлди. Катта бесўнақай жағни жойига келтириб қўйиш учун шогирди билан бир мунча тер тўкишларига тўғри келди.

Бу воқеа бир зумда саройга, кўп ўтмай бутун шаҳарга ҳам тарқалиб кетди. Кўпчилик: «Бояқиш, жабрни ўзига ўзи тилаб олди. Бежиз айтилмағонку, «ўйнашмағин арбоб била...» – деган нақлни эсга олдилар.

Абулмакорим жаноблари бўлса:

– Жаноби бек! Аълоҳазрат юртнинг отаси бўлгондин сўнг, кези келса ўғулларини суюб эркалайдур, керак бўлгон жойда бир-икки тарсаки тортиб қўйсалар, буни ёмон олмағайсиз. Худога айтгонингиз бор экан! Подшо ҳазратлари яна ҳам сизни бир мунча авайлаб урубдилар. Ҳай, ҳай, ҳай... Эгам у кунни ҳаром қилсун! Қишдоғи шикорда сиз йўқ эдингиз. Ўшанда баҳайбат эркак маралнинг бўйнига теккан муштдин тушганда борму, жағингизга!– деб юпатди Суюнбекни.

«Тил югуриги бошга», деб шуни айтсалар керакда.

Аслида, Андижонда «Зарб муштотарлар мактаби»га асос солиб кетган шахс Султон Умаршайх Мирзо жаноблари экан! Буни кейинги даврда чиққан, «дунёда ягона» деб ном олган зарб муштотар полвонлар Муҳаммадқодир барлос, Руслан Чағай, Ўткир Ҳайдар қавчинлар исботлаб қўйди-да!

Тонг саҳардан машқ ва мутолаага берилиб кетган Бобур Мирзо мрамар ғиштчалардан фарш қилинган очиқ майдончада бироз ҳордиқ чиқариш мақсадида хосхонасидан чиқди. Юзларини баҳор қуёшининг илиқ нурларига тутганча, эндигина севалаб ўтган ёмғир янада мусаффо қилиб юборган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Кейин кичик тошҳовуз бўйидаги сурхун новдалари сув юзидан бўса оламан деб эгилиб турган мажнунтоллар қуршовидаги айвончага ўтиб борганди ҳамки, рўпарада, ишкомли йўлакда, ўнг елкасида патнис билан келаётган Абдуллоҳга кўзи тушди.

Устазодани кўриб қувониб кетган Амирзода филҳол хизматкорлардан бирини дўстига кўмаклашиб юборишга буюрди. Яқин келиб қолган Абдуллоҳ, тахт вориси қўлларини ёзиб кутиб турганига қарамай, аввал икки қўлини кўксига қўйганча юкуниб, тавозе билан уч бора салом берди, шундан сўнггина улар қучоқ очиб кўришдилар. Дўстлар бир-бирларининг фариштали чеҳраларига завқ ва меҳр билан боққанларича диадан ҳол сўрадилар.

Бобур Мирзо пастак бўйли хизматкор тутиб турган, устига ҳарир мато тортилган катта патнисга кўз қирини ташлаб қўяркан:

– Дўстим Абдуллоҳ! Онча вазмин нимарсалар эркан кўтариб келаётгон юкинғиз? – деб сўради қизиқиб.

– Ҳа, Амирзодам, он ҳазратлари додамға Наврўз шарофати ила ояларға дея янги урф бўлгон тилло зийнатлардин буюруб эдилар. Шулар тайёр бўлиб қолгон эркан, ўзум олиб чиқаётгандим, – деди.

Кейин юзида майин табассум билан: «Яхшиям бўлди, Амирзодам, кўзумдин ўтуб тур-

фондингиз, шукурким, мана юз кўрушдук», – деб қўйди. Абдуллоҳнинг дилсўзларидан меҳри жўшиб кетган Бобур Мирзо ўнг қўлини дўстининг елкасига қўйганча, мусоҳабаларини давом этдириб, аркнинг шимол тарафига тушган подшоҳ хонадони томон йўл олдилар. Хизматкор ҳам бошида патнис билан пилдираганича улар изидан кетди.

Аслида бу икки дўст бир кун аввал аълоҳазратнинг Иламиш соҳилидаги катта Чорбоғида устозлари бош кун бўйи чавгон майдонида от суриб, гўй ургандилар.

Хонимлар ҳарамга тилло тақинчоқлар киритилаётгани тўғрисидаги муждадан аллақачон воқиф бўлишиб, эргалабдан бери заргар йигитнинг ташрифини кутиб ўтиришган эканлар.

Дарҳақиқат, усто Муҳаммад Абдул Мусо ва унинг шогирдлари томонидан тайёрланган зебу зийнатлар ҳар йили бир неча бор (байрам ва шодиёна кунлар арафасида) подшоҳ хонадони соҳибаларига ёқтириб, олиб қолишлари учун тақдим қилинарди. Жавоҳирлар туркуми аввал биринчи навбатда маҳди улё – Қутлуғ Нигорхонимнинг назаридан ўтгач, тартиб билан, ўз мавқеъларига қараб бошқа хонимларга ҳам тавсия этилар, айрим пайтлардагина бир-икки тақинчоқни «бадавий аёлларга созвор бўпти» деган истифнолар билан қайтариб юборганларини ҳисобга олмаганда, аксар патнис ҳарамдан тилло буюмлардан ҳоли чиқарди.

Бу тақдимотда Абдуллоҳ учун энг қийини хонимларнинг тақинчоқларга бўлган инжиқликларини кўтариш эмас, балки уларнинг: «Маҳди улё қай бирларини ёқтирдилар, нега мана бундан олиб қолмадилар, ўтган дафъа шу нусхадан олгандиларму йўқму, бирор янги, ноёб тақинчоққа бу-

юртма бердиларму?» – хусусидаги ҳиссиётли саволларига жавоб бериш. Устазода хонимларнинг шу ужурда берган барча сўровларини сабр билан тинглаб, мулоҳимлик билан жавоб қайтарар, ёш бўлишига қарамай ўз ҳунарини яхши билганидан унинг нозик жиҳатларини кўрсатиб, тақинчоқ танлашда хонимларга бегараз ёрдамини ҳам аямасди.

Хонимлар шу тариқа бир-бирларининг зеб-оро қутилари – ҳуққаларида (очиб кўрмаган бўлсаларда!) қандай тақинчоқлар борлигини, қачон олганликларини ҳатто саноғигача беҳато айтиб бера олардилар.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Атиги икки дона узук «ойимларнинг оппоқ, нозик бармоқларига ўтирмади» деган баҳона билан қолиб кетганини ҳисобга олмаганда патнис бўм-бўш эди.

Абдуллоҳ хонимлар масканидан кун чошгоҳдан ўтканида чиқиб келди. Бобур Мирзо хосхонасида дўстини кутиб, Фиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим (Умар Хайём) нинг «Наврўзнома» рисола-сини мутолаа қилиб ўтирарди.

Муҳиблар кўришибоқ, суҳбат мавзуси ўз-ўзидан шеърятга, ғазалиётга бурилиб кетди. Икки қадрдон дўст кичик тошқовуз бўйидаги қирғоқларида райҳон ва анвойи гул кўчатлари барқуриб ўсаётган мрамар йўлакчадан аста-аста қадам босишиб мириқиб суҳбатлашдилар. Мусоҳабанинг бош мавзуси Умар Хайёмнинг баҳор, Наврўзга бағишлаб форсийда битган бир неча рубоийлари хусусида бўлди. Улардан:

Бар чеҳраи гул насими наврўз хушаст,
Дар сухани чаман рўйи дил афрўз хушаст.
Аздайки гузашт ҳарчи кўйи хуш нест,
Хуш бош ва задаи мағўйи имрўз хушаст.

Чун лола ба наврӯзи қадаҳ гирад ба дасти,
 Бо лола рухи агар туро фурсат ҳасти.
 Ман нӯши нахури майки ин чархи кабуд,
 Ногаҳи туро чун хоки гирад он дасти, –

деб битилган бир жуфтани танлаб олишиб, аввал сўзма сўз, сўнг қофиялиқ қилиб, туркийга табдил қилишга уриндилар. Ҳар иккалалари ҳам зулсонайн бўлганларидан, бу юмушни осон бажардилар.

Бобур Мирзо шундан сўнггина кейинги кунларда битган бир машқини Абдуллоҳга қайта-қайта ўқитиб кўрди. Баъзи сўзлар ўзига ҳам ёқмаётганлиги боис, бошқа залворлироқ, мумтозларига алмаштирди. Шундан сўнггина у қуйидаги рубоий кўринишини олди:

Фалакда кетиб Хутлар ўрнига Ҳамал кирмиш,
 Сабз уруб қиру боғлар, борлиққа амал кирмиш,
 Нашъаси ҳар лаҳзасин хуррам айлар, эй Бобур,
 Бу нечук тароватким, кўнгулга жадал кирмиш.

Ёш шоирларнинг мунозаралари қизиб кетганидан тушлик пайти бўлганини ҳам сезмадилар. Уларнинг диққатини кекса хизматкорнинг енгил томоқ қириб: «Амирзодам! Сизни хос емакхонада Пошшо бувимлар тилаяптилар», – деган овози бўлди.

Амирзода хизматкор турган тарафга бир қараб қўяркан:

– Пошшо бувимга «Мирзоингизнинг азиз меҳмони бор эркан, бирга киришар эканлар», деб айтингиз, – деб қўйди.

Таъзим қилганча орқасига бир икки қадам ташлаган хизматкорнинг даҳанидан:

– Бош устиға, Амирзодам! – деган расмий жавоби эшитилди.

Абдуллоҳнинг тортинчоқлик билан: «Рухсат этсангиз, Амирзодам, мен борсам...» деган илтимоси эса инobatга олинмади.

Пошшо бувисидан узр сўраб чиққан Амирзода кенг, ёруғ меҳмонхонада дўсти билан бирга тушлик қилдилар. Суҳбат орасида мезбон дўстини эртагалик Наврўз тантаналаридаги сайр режаси билан таништирди, ўзлари учун муҳим ҳисобланган баъзи бир жиҳатларни келишиб олишди. Тушликдан сўнг Абдуллоҳ (дўстидан кўнглини узолмаётган бўлса-да): «Амирзодам, маъзур тутингиз, додамлар тилаб қолмагунча чиқсам дегандим», – деган сабаб билан саройни тарк этди.

Бобур Мирзо Абдуллоҳни саройнинг Бош дарвозасига қадар кузатиб қўяётганда муаззиннинг Дувахон масжидининг осмонўпар минораси мезанасидан аҳли муслимларни ёқимли қироат билан пешин намозига чорлаётган овози эшитилаётганди. Қулоқларига азон саси кириши ҳамано, икки дўст тўхтаб, ўша жойнинг ўзигаёқ тиз букиб ўтирдилар.

* * *

Кўкда туни билан чарақлаб турган гуж-гуж юлдузлар бирин-кетин Қуёшнинг заррин нурлари ортига яширинганча кўздан ғойиб бўлиб борар, Фарғона мулкида улур кун – Наврўзнинг оппоқ тонги отиб бормоқда эди.

Юртга Наврўз айёми кириб келаётганини билдириб, тонг сахардан Андижон қалъасининг маҳобатли деворлари узра тарала бошлаган карнай-сурнайларнинг садолари шаҳарликлар қалбида ўзгача шукуҳ, байрамона кайфият уйғотиб қўйди.

Андижоннинг барча маҳаллалари каби Ҳисори Даруннинг⁶¹ ғарбий дарвозасига туташ Заргарлик маҳалла аҳли ўтказаетган сумалак базми қизигандан қизиб борарди.

Эгнига янги бўз яктак, белига эса шоҳи қийиқ боғлаб олган яғриндор йигит аланга баравж бўлсин учун тез-тез ўчоқ даҳлизига тушиб, қўлидаги узун калтак билан чарсиллаб ёнаётган саржинларни ичкарироққа сурганича ўтнинг кўзини очиб турар, ўз юмушига бажонидил берилиб кетганидан атрофда чопқиллаб юрган болакайларнинг шодон қий-чувлари ҳам қулоғига кирмасди.

Қизлар қўлида меҳр билан галма-гал айланиб турган узун дастали кафтгир, сумалак ичида бир зум бўлса-да тинмайди. Мўъжизавий таом тағ олмасин дея қозон остига жам қилиб қўйилган бир ҳовуч тошни қўшиқ ва ўланлар жўрлигида шиқирлатиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга бир маромда «қувалаб» турибди.

Қишибилан торустахоналарда баҳорни соғиниб, ҳунарманд оталарига ёрдам бериб толиққан ўғил болалар эса ҳамма қийинчиликларни эсдан чиқариб, эрталабдан бери Жўйбозор⁶² бўйидаги сайҳонда варрак учирини билан машғул.

Қалъанинг жануби-ғарб тарафини ўраб турган бу мавзеда янтоқ томиридай чўзилиб кетган, бир-бирига туташ ва ўхшаш, базўр икки арава сирадиган эгри-бутри кўчалар кўп бўлса-да, адашиб қолмайсиз, ҳаммаларининг ўз нишонаси⁶³

⁶¹ Ҳисори Дарун – қалъа, арк ичи.

⁶² Жўйбозор – Андижон шаҳрининг жанубидан оқиб ўтувчи ариқ (шаҳар ҳудудига кирувчи тўққиз ариқдан бири).

⁶³ Ҳаммаларининг ўз нишонаси – маҳалла аҳли бажарадиган ҳунарини кўрсатиш учун бирон белги, масалан, косиблар маҳалласида бирор пойабзалдан нусха илиб қўйганлар.

бор. Қолаверса, бутун атрофдан кўҳна Анди-
жоннинг қоқ марказида жойлашган Катта жума
масжидининг кўкка бўй чўзган маҳобатли ми-
норалари ёхуд подшоҳ саройининг мовий гум-
базлари ортида бир маромда тебраниб турган
осмонўпар ҳавозалари маёқдай кўзга ташланиб
туради.

Якка пешайвон тагида қатор тушган маҳалла
доруғасининг хонаси, новвойхона, қассобхона,
баққолчилик, косибчилик дўконлари, саргарош-
хона тонг саҳардан то шомга қадар одамлар би-
лан гавжум. Маҳалла гузарининг яна бир кўрки-
катта Тошҳовуз бўйида улкан садақайрағочлар
савлат тўкиб турган, атрофи бўйра билан ихота
қилиб қўйилган чойхона. Кундузги турмуш таш-
вишлари бироз барҳам топгач, маҳалла аҳли
ҳордиқ чиқариб ўтирадиган севимли жой бу, ду-
нёда нима янгиликлар бўлаётганидан шу ерда
воқиф бўласиз. Ер юзида Туронзамин барпо
бўлибдики, уни ана шундай маъволарсиз тасав-
вур этиб бўлмайди. Маҳалланинг яна бир муҳим
жиҳати шаҳарнинг ҳар бир гузари, кўчалари тонг
саҳардан маҳалла аҳли томонидан ораста қилиб
супуриб-сидирилиб сувлар сепилиб қўйилади.
Ариқлар эса қишин-ёзин равон, покиза.

Аркони давлатнинг давлат арбоблари, бир
неча таниқли беклар қатори доврўғи мағрибга
қадар овоза бўлган моҳир заргарлар истиқомат
қиладиган бу номдор маҳаллада валиаҳднинг
қадрдон дўстларидан аҳли заргарлар пири устози
Муҳаммад Абдул Мусонинг ўғли устазода Абдуллоҳ
ва ёш бозбон Муҳиббалиларнинг ҳам хонадонлари
жойлашган.

Бобур Мирзо бундай улўф байрам кунлари (ҳар
қандай зарур юмушлари бўлганда ҳам бир чет-
га қўйиб) устози ва содиқ дўстлари атрофида

бўлишини, қолаверса, мавкабларини⁶⁴ шоҳона тўкин дастурхон атрофида ўзи меҳмон қилишни жон-дилдан ёқтиради.

Одатига кўра тонг саҳарда уйғонган Бобур Мирзонинг қувончлари еру кўкка сиғмайди. Ўриндан турибоқ, жадаллик билан гуштгирлик машқларини бажариб келди-да, гармобага кириб чўмилиб чиқди. Кийим жавонидан меҳрибон бувижониси Эсан Давлатбегим: «Мирзом Наврўз айёмига кийсун», – деб Андижоннинг кўли гул чеварларига тайёрлатиб қўйган янги либосини олди. Хушбичим зарбоф ёқасига, бежирим чокларига (яна бир бор) мамнун назар ташлаганча эгнига илди. Мўъжазгина қиличи ва дасторини хонтахта устига қўйиб, онаси ва эгачисини байрам билан қутлаш учун ошиқди.

Бобур Мирзо маҳди улё ва унинг мўътабар меҳмонлари фақат муҳим тантаналарда, улуғ айём кунлари тановвул қиладиган хос емакхонага кириб келганда хушбўй мушқу анбарлар таратиб, шода-шода инжу-жавоҳирлар билан безанган икки париваш – Қутлуғ Нигорхоним ҳамда унинг суюкли қизи ва доимий ҳамроҳи Хонзодабегимлар шоҳона тузалган хонтахта тўрисида нималарнидир суҳбатлашиб, нонушта қилиб ўтиришган эди.

Остонада Амирзоданинг истарали чехраси кўриниши ҳамон она-бола ўринларидан туриб дилдан саломлашдилар, қутлуғ айём билан бир-бирларини самимий табрикладилар. Кейин Бобур Мирзога қараб бир овозда:

– Саруполар қутлуғ бўлсун, Мирзом! Қуюб қўйғондек, ўзингизга ҳўб ярашубдур! Илоё, тепа-

⁶⁴ Мавкаб – улуғ кишилар (подшоҳ) ёнида дабдаба билан борувчи мулозимлар гуруҳи.

лаб-тепалаб кийиб юринг! – дея самимий тилаклар билдиришди.

Хизматкорлардан бири дарҳол тавозе билан кумуш патнисда Амирзода олдига бир жуфт ширмой нон, ёнида заррин косада ҳовури чиқиб турган ширчай, бир зум ўтиб хушбўй ошқўклар сепилган қиймали мастава келтириб қўйди.

Меҳрибонлари валиаҳдни ўзлари ёнида кўпроқ, яна бир неча дақиқа бирга бўлишини ҳар қанча хоҳлаб турган бўлсалар-да, улар олдида шошганча тамадди қилган бўлди. Сўнг «Эндигина устозим бирла дўстларим келиб қолишади, кутиб қолмасунлар», – дея дуо қилиб беришларини сўраб онажонисига юзланди.

Уларни тарк этаркан, шу тобдаёқ Чорбоққа бориб Пошшо бувисини айём билан табриклашини, шаҳар четидаги Хон кўриғи ўтлоқзорларида бироз сайр қилишиб, шаҳарда байрам тантаналари бошлангунига қадар етиб келишларини, кечки байрам дастурхони атрофида эса, албатта, улар билан бирга бўлишлигини айтиб, хайрлашди.

Бобур Мирзо ташқарига чиққанда сарой иторчиларидан бири:

– Амирзодам! Сизни Бош дарвоза олида жаноб Алп Баҳодир била бир неча суворий йигитлар кутуб турадурлар, – деган хабарни етказди.

* * *

...Бош майдонга туташ, катта тош йўлда салобат билан келаётган тўрт суворий майдон сарҳадига етиб келишгач, бироз секинлаб отларининг бошини ўнгга, карвонсарой дарвозаси томон бурдилар.

Хизматга шай турган жиловдорлар, рокибларни таниб, чопиб келдилар-да, таъзим бажо кел-

тиришиб қўлидаги тизгин ва тобулғу сопи ўрма қамчиларни қабул қилиб олишди.

Бу йилги Наврўз ийди Қурбон маросимларига уланиб, Андижонда баҳорий шодиёналар ўзгача шукуҳ, ўзгача тантана ва тўкин-сочинлик билан ўтиб борарди.

Мана бир неча йилдирки, салтанатда уруш-талашлар йўқ, юртда тинчлик – осойишталик ҳукм сурар, шундан эл омонликда, ҳунарда қут, зироатда барака билан фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бозор расталари худди куздагидек олма, анор, ношпоти, узумдан тортиб, қовун-тарвузлар билан тўла.

Ҳамманинг оғзида темурийзода ҳукмдор Умаршайх Мирзонинг баланд ҳимматлилиги ва улўф доиялилиги⁶⁵. Сабаб Наврўз шарафига ўтказилаётган кураш, чавгон, улоқ-кўпқари, қабақ уриш, тирандозлик каби мусобақа ёлибларига дея ҳазинаи омирадан бир неча лак ақча динор, тавсан отлар, семиз қўйлар, ўз ҳисобидан ҳам бир талай нақдиналар ажратган эмиш.

Жакбар жарчининг кеча бозор майдонида тарқатган хабарлари ҳам шуни тасдиқлаб турибди. Шаҳарга теварак-атрофдаги даҳа ва қасабалардан байрам тантаналарини тамошо қилиш учун ташриф буюрганларнинг кўплигидан Бош майдон, кўчалар, савдо расталари, такяхоналар, чойхоналар, боғу сайилгоҳлар одамлар билан гавжум. Ҳамманинг юз-кўзида Наврўз шодиёнаси. Ҳаммадан ҳам болалар қўлидаги сув қуйиб чалинадиган (сопол) «булбулча» хуштакларнинг хонишлари бир зум бўлса-да, тинмайди. Айниқса, карвонсаройлар бостирмалари фосола қўйилмай, икки тарафига қатор қилиб арқонлаб ташланган отлар, туялар, хачирлар билан тирбанд.

⁶⁵ Доия – орзу, умид, мақсад.

Уловларини топширган чавандозлар энгил-бошларини бироз тартибга келтирган бўлдиларда, Бош майдон узра унинг тўрисиغا мўътабар меҳмонлар учун ясаб қўйилган махсус айвонча томон равона бўлдилар.

Азиз меҳмонларни бу ерда саройнинг ёши улур дастурхончиси Усмон тағойи хуштакаллуфлик билан кутиб турарди. Катта ёқутдай товланиб турган гилам устида давра қуриб ўтирган (буюк муғанний ва шоир Хожа Юсуф Андижоний набираси) номдор бастакор Хожа Юнус Андижоний бош сарой мутриблари Бобур Мирзога нигоҳлари тушган ҳамано ўзлари мароқ билан чалаётган куйни қўйиб, дарҳол валиаҳд ёқтириб эшитадиган «Наврўзи ажам»ни ижро эта бошладилар. Кекса дастурхончи Амирзоданинг шижоатга тўла фариштали чеҳрасига, хигча белидаги ироқи шамширига, ёшига қараганда бўйдор, алифдек тик қаддига ҳавас билан боқаркан:

– Наврўзингиз муборак бўлсун, Амирзодам! Хуш келибсиз! – деб, аввал Бобур Мирзога таъзим қилди, сўнг шерикларига қараб:

– Хуш келибсизлар, жаноблар! Айёмларингиз муборак бўлсун! – деб қўйди мулоимлик билан.

Меҳмонлар курсиларга жойланиб олишгач, қўл очиб дуо қилган бўлди-да:

– Амирзодам! Кўнгиллари не истайдур? Шарбат келтирайинму ё гулоб? – деб яна Бобур Мирзога мурожаат қилганди, халқнинг кўз олдида нўш қилиб (тамшаниб) ўтиришни ўзига эп кўрмаган валиаҳд: «Раҳмат тағойи, ҳеч нарса керак эрмас», – деб қўли билан ҳам «йўқ» ишорасини билдирди.

Бобур Мирзо муғаннийлар юксак маҳорат билан ижро этаётган куйнинг сеҳридан, жозибасидан гоҳо-гоҳо тебраниб қўяр, гўё унинг ҳар бир пораси қалбига, бутун вужудига сингиб бораёт-

гандек эди. Мумтоз куй Бобур Мирзони бутунлай ром этиб кўйганини кузатиб турган мутриблар, кетиданоқ «Насри Сегоҳ»ни улаб юбордилар.

Айвончадан майдоннинг нариги четида айиқ ўйнатаётган йигитнинг сўзларини аниқ эшитиб бўлмаса-да, унинг барча ҳаракатларини, ундан сал берида гапи тугаши билан қўлидаги чилдирмасини гижбанглатиб турган чувак юзли, жиккаккина чўққи соқол кўфирчоқбознинг ичакузди ҳангомаларини эшитиб, томоша ҳам қилиш мумкин эди. Кўфирчоқбозларнинг лаҳжасидан, зардўзи либосларидан Бухорои шарифлик эканликларини сезиб олиш қийин эмасди. Айниқса, баланд дор атрофи, кураш майдони давра қуриб олган томошабинлар билан лиммо-лим. Ҳар икки даврада ҳам олди қатордаги ишқибозлар белларидаги қийиқларини ергаёқ тўшаб, чордона қуриб олишган. Қийиқриқлар, қаҳқаҳалар, олқишлар авжида.

Кураш майдонида полвонларнинг беллашувига ҳакамлик қилаётган елкадор, дов одамни узоқдан таниб қолган Бобур Мирзо бундан икки йил аввал, Экин-тикиндаги ҳандалак сайлида бўлиб ўтган воқеа ёдига тушиб, мийиғида кулимсираганча устозига маъноли қараб кўйганди, Алл Баҳодир шогирдига юзланиб:

– Амирзодам! Ҳойнахой полвончамиз Мардонали ҳам шу ерда бўлсалар керак, чақиртирайинму? Илгидаги қувват ошдимикин, йўқму, яна бир сидра текшириб кўйгон бўлурдингиз, – деб кўйди ҳазиломуз.

Бу мутойибадан дўстлар енгилгина кулиб олдилар. Бундай байрамларда, сайилларда, катта тўйларда бўлиб ўтадиган йирик мусобақаларни Али полвоннинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кураш майдонида унинг гапи – ҳукм!

Биров икки қилолмайди! Ҳалол, адолатли ҳакам эканлигини, курашда ҳатто ўз ўғлига ҳам ён босмаслигини бутун юрт билади.

Айтишларича, бугунги беллашувларга Ўш, Ўзганд тарафлардан, ҳатто Ўратепа ва Хўжанддан ҳам катта полвонлар ташриф буюрган эмишлар.

Иттифоқо, кураш мусобақалари ўтказилаётган давранинг шундоққина ёнида турган бир неча отличқа кўзи тушган Бобур Мирзо: «Кимлар бўлди экан, қуюшқондин чиқиб кетгон бу рокиблар?!» – деган таассуф билан устозига юзланди...

Алп Баҳодир: «Ҳозир аниқлаймиз, амирзодам!» – деганича хизматкорлардан бирини суворийлар кимлар эканлигини билиб келиш учун жўнатди. Хизматкор бир зумда бориб келди-да: «Беклардан, Султон Аҳмад тағойи ўғиллари била эканлар», – деб айтди. Буни эшитган тахт вориси жиддий тарзда:

– Аҳмад Танбалму эркан?! Устоз, байрам кунлари Бош майдонга улов миниб кириш қатъий ман қилингон эди-ку! Ким рухсат берди, бу авбошларга?! – деганди, – «Тўғри айтадурсиз, амирзодам. Улуғ айём кунни кайфиятингизни бузмасангиз дегандим. Бу номаъқулчиликни шу бугуноқ тагига етуб кўябиз», – деб қўйди Алп Баҳодир жиддий оҳангда...

Бироз ўтиб бу юртбузуқиларга қарата Бобур Мирзонинг: «Кажрафтор мардаклар», – деган сўзлари эшитилди. Устоз ҳам буни тасдиқлаб бош ирғаб қўйди. Мутаҳҳар кўнглида кек сақламаслик руҳида тарбия олган Амирзода ўша заҳотдаёқ бу фасодни дилидан чиқариб ташлади.

Бобур Мирзонинг нигоҳи дорбозларда.

Баланд тикилган дор тепаси. Ҳамманинг кўзи ҳаяжон билан таранг тортилган арқон устида, қўлидаги лангарчўпни маҳкам тутганча чаққ

қонлик билан чошиб, бир оёқда ҳақкалаб, баъзида умбалоқлар ошиб, қалтис усуллар билан ўз санъатини намойиш қилаётган дорбоз йигитда. Унинг барча ҳаракатларини пастда устози бошқариб турибди.

– Аббосхон!

– Хў лаббай, устоз!

– Энди отингизни қўндай йўрттириб, турган жойингиздин тўртинчи киндикка довур, тўхтамасдан, қандай қилиб бораркинсиз. Даврадаги оғаларингизга бир кўрсатинг-чи?!

– Хўп бўлади, устоз! – деганича, арқон устида пилдираб бориб учинчи киндикка етганда тўхтаб олади.

Уста:

– Аббосхон!

Дорбоз:

– Хў лаббай, устоз!

– Мен сизга тўртинчи киндикка довур чошиб боринг десам, нечун учинчи киндикдаёқ тўхтаб қолдингиз?

– Устоз! Сиз айтгон тўртинчи киндикка қараб кетаётгандик, ёвуқ қолғонда бир учма секретки чиқиб қолди... Отим секраб ўтишга кўнмаётир.

– Нечун? Отингиз чун тавсан эди-ку!

– Билмон, қорни очиб қолибдур шекилли, ўғуз сўраяпти.

– Шу тобда ким ҳам сизнинг отингизга хўрак олиб чиқиб беради.

Томошагўйлар хоҳолаб кулиб юборишади. Кулги босилгач:

– Аббосхон, ҳо Аббосхон! Бир ғайрат қилалинг энди? Отингизни кўндирилинг! Халойиқ: «Ўтсун», – деб қўймаяпти.

– Яхши, устоз. Мен тулпорим била бир гаплашайин, ажабмас, «хўп» деб юборса. Устоз, сиз ҳам

ҳиммати баланд юртдошларимиздин дорбознинг отира ўғуз олиб бериш учун, ҳады сўранг-чи, йўқ дейишмас.

– Хўп, хўп бўлади, – деб атрофдаги томошабинларга назар ташлайди, шу пайт ноғорачию сурнайчилар бор маҳоратларини ишга солиб «Ёр келди»ни чалиб юборишади. Байрамона яса-ниб олган томошабинлар бирин-кетин даврандан чиқиб, устанинг олдига ёзиб қўйилган шоҳи қийиққа кўнглидан чиқарган эҳсонларини ташлай бошлайдилар.

Чорсидаги ёрмоқлар бир зумдаёқ кўпайиб, бир тўп бўлиб кетади. Шунда қизиқчилардан бири менга ақча беришмаяпти дегандай қилиб аразлаб, ўзини йиғлаётганга солиб олади. Буни кўрган уста қийиқдаги шоҳрухий тангалардан бир сиқимини олиб унинг қўлига тутқазиб қўйганди, у чопиб бориб, оппоқ соқоллари кўксига тушиб, мўъжазгина гиламча устида савлат тўкиб ўтирган кекса отахоннинг кучорига ташлаб келади.

Бобо қизиқчига: «Кўй, кўйсанг-чи, мени ҳижолат қилма!» – деса ҳам парво қилмай, қўлларини очиб ундан дуо сўрайди. Мўйсафид қўлларини кенг ёзиб, Яратгандан эл-юртга тинчлик-фаровонлик, зироат ишларида ривож, шундай улўф кунларга етказганига шукроналар келтиради. Отахонга иқтидо қилиб, ҳамма билакларини кўтардилар. Бу нуроний зот ўз даврида «лочин» лақаби билан машҳур бўлган, ҳозирда Фарғона мулкининг жами дорбозларига пири-устоз, асакалик Темуртош ота эканини ҳалойиқ таниб турарди.

Бобур Мирзонинг таклифи билан азииз меҳмонлар айвончадан тушиб келаётгандилар, кекса дастурхончи Усмон тағойи самимий илтифот билан меҳмонларга юзланиб:

– Амирзодам! «Олачўқ»имизга кириб, бир илимдин сумалак ялаб чиқиб кетмасангизлар хафа бўлурмиз, – деганча илдам бориб обдастани олдида, меҳмонлар кўлига сув тутди.

Уларнинг шошиб турганликларини фаҳмлаб, кўкда чарақлаб турган баҳор Қуёшига разм солиб кўяркан:

– Жаноблар! Кун ҳали чошгоҳга ҳам келмабдур, Тенгри рост келтурса, томошаларнинг борчасига улгурғайсизлар, иншооллоҳ» – деганча меҳмонларни ундаб зинапоя томон юрди.

Алп Баҳодир мутлақо рад этиб бўлмас таклиф олдида ожиз қолганидан шогирдларини олиб, жилмайганча унинг кетидан эргашди. Бобур Мирзо йўл-йўлакай устозига бош ирғаб кўйганди, у азиз меҳмонларни тик туриб, тавозе билан кузатиб кўяётган сарой муғаннийлари олдига ақча ташлаб келишга ҳам улгурди.

Улар айвонча рўясидан тушиб, сал нарида, улкан бир жуфт садақайрағоч соясига тикилган мовийранг чодирга кириб бордилар.

Нилий барқут дастурхонлар солинган кенг хонтахта усти ҳар турли нозу неъматлар, анвойи салқин ичимликлар билан лиқ тўла экан. Дуои фотиҳадан сўнг меҳмонлар олдида дарҳол ёғли патир ушатилиб, бир пиёладан хушбўй иссиқ чой, кетидан заррин тақсимчаларда кўксомса тортилди.

Усмон таройи меҳмонларни дастурхондаги Наврўзнинг тансиқ таомларига таклиф этаркан: «Жаноблар, олинлар, олишиб ўтиринлар!» – деганча туриб осма токчадаги икки тугундан бирини олиб ёнига кўйди. Тиллоранг дастурхон устидан тугилган кўкқарға шоҳи чорсини ечиб, катта заррин чинни идишдаги сумалак, гижда нонлар, кўк сомса, яна бир лагандаги халимни оларкан:

– Амирзодам! Буларни Заргар маҳалла доругаси жаноб Валибек дўкай чиқариб юборгон эканлар, – деганча иккинчи дастурхонни ҳам олиб, очди.

– Мана буниси эса хоконликлар бериб юборгон насиба. Бояқиш тонг саҳарда-ўқ келтиришиб эди, ҳали тоби чиқиб улгурмагон, сомбуса, қатлама патирлари ҳам илиқ турибди, – деб авайлабгина, бир-бир сумалаклар солинган идишлар қопқоғини очди. Тансиқ таомнинг хушбўй иси бир зумда чодир ичини тутиб кетди. Пиёлаларга тўлдирилган сумалаклар патнисга терилиб меҳмонларга узатилди.

Эшик оға тавозе билан уни аввал Бобур Мирзога тутди. Валиаҳд қуллуқ қилгандек хиёл бош эгиб, «аввал катталарга» деган имо билан устозини кўрсатиб таомга биринчи бўлиб қўл узатмади.

Хуллас, ҳар бир меҳмон олдига бир жуфтдан сумалак тўлдирилган пиёла ва бошқа егуликлар тортилди. Мўйсафид биров қаддини ростлаб оларкан, қўлларини ёзиб:

– Жаноблар! Мана энди сизларнинг таъбларингизга ҳавола. Тановвул қилиб кўриб, уларнинг қай бирлари моҳир пазанда эканликларини айтиб берсангизлар бўлғони, – деб қўйди кулиб.

Ҳаммалари бир муддат жажжи ёғоч қошиқларда жимгина сумалакхўрлик қилдилар. Бир пайт кекса дастурхончи худди қум ичидан ёмби топиб олгандек қувониб:

– Ҳа, голибо Амирзодам, чийзи қолибдур хаёлимни паришон бўлишига. Сизнинг номингизга дея хоконликлар дастурхони била келгон бир руқъа бор эди, – деганча бошидан кулоҳини олиб, ичидан авайлабгина туморча қилиб таҳланган хатни таъзим билан Бобур Мирзога узатди.

Валиаҳд хатни қўлга оларкан шошиб, болаларча қизиқувчанлик билан ўқишга тутинди.

Хатда: «Амирзодам! Шеърятнинг телба ошуғи бўлғоним сабаб Сиз битгон барча байтларни муттасил мутолаа қилиб борамен. Хушомадға санамағайсиз, Мирзом?! Авваламбор, тилинғиз равон, ташбеҳларинғиз чун ўзгача, «овоз»инғизни шуароларнинг бирон-бириникиға менгзаб бўлмас! Сиздин бунданда тавре байтлар, келғусида бисёр сару сомонлиқ ғазаллар айтмоғинғизни тилаб қоламен.

Хокон тарафларға қадам ранжида этғонинғизда бизни ҳам тилаб қўйсанғиз, ғарибинғизнинг кўнглини беҳад чароғон этғон бўлурдинғиз. Камоли эҳтиром ила «Қаландар Носир муаллим», – деб имзо чекибдилар.

Бобур Мирзо хатни ўқиб бўлғач, «чун таниш исм» деганча муаллифнинг номини бир-икки бор ярим овозда такрорлаб қўйди. Сўнг: «Менинг махтутотларим қай тарзда бу кишининг илгига тушиб экан?» – деган ўй билан бироз таажжубда турганди, ҳамма нарсадан воқиф бўлиб ўтирган Алп Баҳодир шогирдига қараб:

– Амирзодам! Сиз катталарға эътибор бермағон бўлсанғиз керак. Ўтғон йили Қаландар Носир муаллим деган зот била бир маросимда бўлиб, бир товоқдан бўлмаса-да, бир қозондин ош еганбиз. Ёдинғизда бўлса, устазода Абдуллоҳнинг мучал тўйларига ясоғлиқ тўпчоқ олиб, ўғиллари била ташриф буюрғондилар.

Кейин, Абдуллоҳни кўрсатиб:

– Зотан, бу кишиға она тарафдин ёвуқ қаёшлиғи бор, – деб қўйди.

Калаванинг учини топиб олган Амирзода худди гуноҳ иш қилиб қўйган боладай, бошини ҳам қилиб, жимгина ўтирган Абдуллоҳға қараб: «Ҳа, гап буёқда экан-да!»-дегандай маъноли жилмайиб қўйди-да, қўлидаги хатни аввалгидек тахлаб, ук-

пар қадалган бежирим дасторининг қатига жойлаб қўйди.

Меҳмонлар нозу неъматлар учун Яратганга шу-кроналар келтириб ўринларидан тураётгандилар кекса дастурхончи Бобур Мирзога юзланиб:

– Мирзом! Сизга сумалаклардин қай бири ёқди? – деб сўраганди, Бобур Мирзо:

– Усмон тағойи, аслини олғонда, ҳар иккиси ҳам хўб лазиз тайёрланибдур. Заргарлар новвот солиб юборгонларму, сумалаклари худ ҳолвайтарнинг таъмин берадур!

Хоконликларникига келсак, чун хушбўй, ҳам хуштаъм чиқибдур! Тўғрисини айтғонда, манга хоконликлар тайёрлағон сумалак ёққандай бўлди, деганча ҳамроҳларига қараганди улар ҳам валиаҳднинг фикрини маъқуллаб, бошқа сўз демадилар. Ҳаммалари бир овоздан хоконликларнинг пазанда эканликларига тасаннолар айтдилар.

Дўстлар ушоққина мактубда нималар битилганлигини билишни жуда-жуда хоҳлаб турган бўлсалар-да, амирзодадан сўрашга ботинолмадилар.

Усмон тағойи меҳмонларни мамнуният билан кузатиб қўяркан, Алп Баҳодирга қараб паст овозда:

– Бугун сайил томошаларига аълоҳазрат ташриф буюрар эканларму? – деб сўраганди, устоз Бобур Мирзони ишора қилиб:

– Йўқ! Подшоҳ ҳазратлари тантаналарнинг якуний қисмига иштирок этадилар. Бугун эрта томошаларнинг тасарруфи Амирзодамизнинг уҳдаларида, – деб қўйди. Бобур Мирзога бу янги, муваққат лавозим эрталаб, падари бузруквори олди-дига саломга кирган пайт топширилган эди.

Бугунги режада чавгон бўйича уч давра беллашув кўзда тутилгани сабаб, Умаршайх Мир-

зо эрталабданоқ атрофига барча мавкибат аҳли – беклар, амирлар, сарой мулозимларини олиб, Иламишнинг сўл соҳилидаги катта чорборига қараб йўл олгандилар. Мусобақаларнинг Бош ҳаками ҳам, Бош нозири ҳам аъло ҳазратнинг ўзлари.

Хаёлига нима келди экан-а, Бобур Мирзо Алп Баҳодирга юзланиб: «Устоз! Бир лаҳзага?..», деганча ҳамроҳларидан ажралиб, созандалар кўним топган айвон томон одимлаб кетди... Бу пайт му-триблар ҳам байрамона кайфиятда Наврўзнинг тансиқ таомлари тортилган тўкин дастурхон атрофида ҳазил-ҳузуллар билан бироз тамадди қилиб ўтирган эканлар.

Даврага Бобур Мирзонинг қайтиб келаётганини кўрган Хожа Юнус Андижоний жаноблари дарҳол кўлидаги пиёлани дастурхон четига қўйди-да, даст ўрнидан туриб шогирдининг истиқболига пешвоз чиқди.

Мана, уч йилдирки, валиаҳд мусиқа сабоқларини Бош муғанний жанобларининг ўзларидан олаётган эди. Кўллари кўксида турган Хожа жаноблари: «Мирзом! Бизга не хизмат?»-деди, мулойим овозда.

Бобур Мирзо: «Устод! Ғижожақда «Чоргоҳ»ни бир такрорлаб қўйсам», деганди, «Бош устига, Амирзодам», дея шошиб камонни олиб тавозе билан шогирдига узатди. Шундоққина гилам устига чўк тушиб олган Бобур Мирзо чолғуни тиззасига қўйиб, аввал қулоғига яқин олиб борди ва бирин-кетин тўртала торини ҳам созлигини кўриб қўйди. До-ирачи йигит тортиниbroқ келиб куйга усул бериб туриш учун навозанданинг биқинидан жой олди. Иккала мутрибнинг ҳам итоаткорона кўзлари Бош муғаннийда эди... Унинг биргина қўл имоси билан созлардан ёқимли куй тарала бошлади...

Бобур Мирзонинг чаққон бармоқлари гижжак дастаси узра моҳирлик билан ҳаракатланиб, сеҳрли наво доира жўрлигида ўзгача жозиба кашф эта кетди. Машшоқлар бу куйни гўё илк марта тинглаётгандай беихтиёр жилмайганлари-ча келиб ижрочиларни ўраб олдилар...

«Ноёб нарсалар кўп бўлмайди...» деганларидек, ҳузур бахш этаётган мумтоз куй тингловчилар наздида бир зумдаёқ тутаб қолгандай эди.

Устод ижродан кўнгли тўлганлигини билдириб: «Яхши! Орий, Амирзодам! Кейинги дафъа чолғонингизда дунасердин сўнг ва авжи паллада чийзи қочурум қилиб қўйсангиз, яна ҳам ҳузурбахш чиқадур. Наводаги нозук қочурумлар тингловчининг завқини ошириб, бир вақтгача қулоғи остида жаранглаб турадур. Бироқ бунда ҳам меъёрни сақламоқ зарур! Ҳозир сиз куй қандоқ ёзилғон бўлса, шундоқ ижро этдингиз...»-деди.

Бобур Мирзо ўрнидан кўзгаларкан, устозига бош эгиб миннатдорчилик изҳор этди-да, кўнгли тўлгандай бўлиб ҳамроҳлари томон жилиб кетди.

Сайилгарлар дорбозларга ҳадялар улашиб қўғирчоқбозлар томоша кўрсатаётган жойга ўтиб бордилар. Бобур Мирзо дорбозларнинг чиқишларини сал четроқдан сиполик билан кузатиб турган бўй-бастлари тенг, кўзлари қисик, сарғишроқ абришим жужундан бир хил либос кийиб олган тўрт нафар хорижлик меҳмонларга кўзи тушиб:

– Устоз, ажнабийлар кимлар эркан? – деб сўрагани, Алп Баҳодир:

– Чинлуқ тожирлар, амирзодам, – деб қўйди.

Хитойлик савдогарларга ҳамроҳ бўлиб турган тилмоч йигит Бобур Мирзони таниб қолди чоғи, ҳамроҳларига ўтирилиб паст овозда бир нималар

деганди, дарҳол тўртовлари ҳам Амирзодага тавозе билан бош эгганларича, уч бор юкиниб, ўз тилларида «Нин Хао», деб салом бердилар.

Бобур Мирзо ҳам ҳурмат билан бош эгиб жавоб қайтариб қўйди. Йўл-йўлакай кичикроқ давра ўртасида ўзини илми ғойиб ҳунарнинг устаси фаранги Исаак Арон деб таништираётган ҳуққабознинг чиқишларини ҳам бир зум томоша қилишгандек бўлди. Одамларнинг кўз олдида сандиқчага солинган кабутарнинг ном-нишонсиз йўқолиб қолгани томошабинларни ҳанг-манг қилиб қўйганди. Буни кузатиб турган Бобур Мирзо мийинида кулганча ҳамроҳларига қараб:

– Қушчани ҳуққабознинг енгидин излаш керак! – деб қўйди, қатъият билан.

Сойирлар Бош майдон узра давом этаётган барча томошаларни мароқ билан кузата бориб, унинг канорасида, қабақ уриш беллашувлари ўтказидаётган жойга келганларида ўйин авжи паллага кирган экан.

Мусобақада қатнашиш истагини билдирган тирандозлар сони ҳакамлар рўйхатида юз нафарга яқинлашиб қолибди. Мерган суворийларни тақдирлаш учун ажратилган маблағ, қимматбаҳо совғалар шу жойнинг ўзидаёқ, одамларнинг олқишлари ва ноғоралар садоси остида эгаларига топширилар, ютуқларни қўлга киритган ғолибларнинг шодликлари бениҳоя сарбаланд эди.

Даврага Бобур Мирзонинг Алп Баҳодир бош дўстлари билан кириб келаётганини кўрган халойиқ авонлар аралашувини кутиб ўтирмай, дарҳол ҳурмат ва эҳтиромлар кўрсатиб, (ўйин яхши кўриниши учун) мўътабар меҳмонларнинг олдиларини бўшатиб қўйдилар.

Бош ҳакам навбатдаги иштирокчининг номи-ни шаҳарнинг «Уйлуқ даҳасидин, моҳир тирандоз

Қамбар Муқим», -деб эълон қилганди, майдонга бўй-басти келишган, йигирма беш ёшлар чама-сида елкадор йигит (ўнг қўлини кўксига босиб) шаҳдам қадамлар билан кириб келди.

Устоз тирандозни таниб, амирзода турган тарафга ўтирилганча:

– Жаноб Ҳасан Яъқуббекнинг часпон йигитларидин, курашда ҳам ҳейли мардона ўғлон дейишади, – деб қўйди Бобур Мирзогина эшитадиган овозда.

Ўйин қондасига кўра иштирокчи отни чоптирган ҳолда майда ходачалар билан четан шаклида ихота қилинган майдоннинг бу бошидан кириб, йигирма қари нарига, ичига сомон тикиб одам шакли берилган қабақни нишонга олиши талаб қилинади.

Тирандоз (жилови қўйиб берилган) от устида чопа бориб камондан имкон қадар кўпроқ ўқ узишга интилар, майдоннинг у четига етиб боргач, зудлик билан ортига, яна шу тариқа ўша ҳаракатларни амалга ошириб қайтади. Албатта, бу мусобақада мўлжални тўғри олишдан ташқари отнинг тезлигига ҳам катта эътибор берилиб, шу зайл ҳар бир иштирокчига (иқтидор даражасини синаб кўриш учун) уч курур шароит яратилади. Узилган ўнта ўқдан саккизтаси нишонга бехато текканидан, натижа яхши баҳоланиб томошабинларнинг олқишлари, дўл ва ноғоралар садоси остида ҳакамлар Қамбар Муқимни зотдор той билан мукофотлашга қарор қилдилар. Бу аввалги тирандоз эришган натижадан икки найза юқори эди.

Беллашув борган сари қизиб бораётганини кузатиб турган Бобур Мирзо руҳланиб кетганидан Алп Баҳодирга юзланиб:

– Устоз, руҳсат этсангиз мен ҳам қатнашсам, – деганди Алп Баҳодир: «Қандай бўларкин, Амир-

зодам», – деб бироз иккилангандай, шогирдига қарагани, Амирзоданинг хушрўй чеҳрасидаги шижоат ва қатъийликни кўриб: «Амирзодам, сиз нима десангиз, шу!» – деганча елка қисиб қўя қолди.

Бобур Мирзо зудлик билан тулпорини келтиришларини буюрди. Бир зумдаёқ Амирзоданинг истаги бажо келтирилиб, (ўзининг махсус, чавандозлик кийимларини солиб юрадиган чармпўшти билан) қаршисига тозий чарма «Зуҳал»ини етаклаб олиб келдилар.

Кўп ўтмай Бош ҳакамнинг ўнг қўли кўксиде турган шаҳзода томонга қарата баланд овозда:

– Ҳурматли жаноблар! Навбат суюкли Амирзодамиз, теурийзода валиаҳд Заҳририддин Муҳаммад Бобур зоти олийларига! – деган сўзлари жаранглади.

Бу муждадан воқиф бўлган томошабинлар олқиш ва қийқириклар садоси остиде қарсақлар чалиб, янаде жонланиб кетдилар. Юз-кўзларида шижоат учқунлари чақнаб турган валиаҳд сафдан чиқиб, вазминлик билан тўрт оёқли «дўсти» ёнига келди-де, йўлбарс ҳамла қилгандек, бир сапчиб (узангига ҳам оёқ қўймай), эгарга миниб олди. Бобур Мирзонинг от устига қандай чиқиб олганини атрофдагилар пайқамай ҳам қолгандилар.

Алп Баҳодир шогирдини қабақ уриш майдонига кузатиб қўяркан, паст овозда: «Амирзодам, новакни совуққонлик ила узушни унутмасангиз бас!»-деб қўйди холос.

Валиаҳднинг қўлига улкан мис патнисде найзалар тўла садоқ, ўзи буюргандай, ўн беш манлик⁶⁶ «камони чочий» олиб келиб тутқаздилар. Бобур Мирзонинг ёши ҳисобга олиниб, аввалига,

⁶⁶ Ман – 503, 68 г оғирлик.

ҳакамлар ўн манлик камон ҳам офирлик қилишини айтиб тургандилар, бироқ Амирзода «бир уқия кам эмас!» ўн беш манлик камон, ўн тутамликдан тийр беришларини сўради. Ноилож қолган ҳакамлар валиаҳднинг «буюртма»сини бажаришга мажбур бўлдилар.

Во ажабо! Буни кўриб турган «Зуҳал»нинг ҳам ғайрати жўшиб кетдими, чегара чизиги устига келишлари ҳамано, кутилмаганда бир силтаниб орқа оёқларида тик туриб олди-да, гўё халққа салом бераётгандай қаттиқ пишқириб, кишнаб юборди.

Томошабинлар хурсанд бўлиб кетганларидан мириқиб кулишиб, гулдурос қарсақлар билан «алик» олишди. Эхтирослар босилгач, одамлар бирданига жимиб қолдилар. Ҳамманинг нигоҳи Бобур Мирзода.

Майдон узра «Олға!» сўзи жаранглаши заҳоти қумсоат тўнтарилиб, жилови шундайича эгарнинг қошига бир айлантриб ташлаб қўйилган «Зуҳал» чопиш йўлаги бўйлаб қуюндай елиб кетди.

Эгарга қуйиб қўйгандек ўрнашиб олган Бобур Мирзо оёқларидаги бор куч билан тақимида отнинг қапталини қимтиб, майдоннинг у четига етиб боргунига қадар, камондан икки маротаба ўқ узишга муваффақ бўлди. Бироқ, нишонга унинг биригина текканди.

Отнинг учқурлиги ҳар қанча юқори бўлса-да, қайтишда тирандоз нишонга икки найзани беҳато қадаб, елкаси оша садоридан олган учинчи ўқни узишга улгуролмай қолди. Амирзода майдон боши (чегара чизиги)га етиб келаркан (қоида бўйича шай турган, бироқ отилмай қолган найзани камондан чиқариб, яна тирдонга қўйди), бир он фурсатни қўлдан бермай отининг бошини чапдастлик билан қайтариб олди-да, иккинчи имкониятдан фойдаланишга киришиб кетди.

Бир бориб келишдаёқ ҳаяжонларини босиб олган валиаҳд муттасил машқларда орттирган тажрибаси етарли бўлганидан ўйин расамадини тездаёқ эгаллаб олганди. Шундан иккинчи даврани катта муборизлардай ҳар бир ҳаракатни беҳато, шиддат ва чаққонлик билан адо этар, натижада камондан узган тўрт ўқнинг барчасини деярли бир жойга – «қабақ»нинг нақ кўкрак қисмига қадаб ташлади.

Амирзода сўнги уринишни яна ўша тезликда, ўша маҳорат айна пайтда, ўзига ишонч ва бамайлихотирлик билан, осонгина бажардиқўйди.

...Одамларнинг шодон қий-чувлари янада авж олиб кетганди.

Бироз ўтиб, бош ҳакамнинг мамнуният билан:
– Валиаҳд шаҳзодамизнинг уч имкониятда отғон жами тирлар сони 12 та бўлуб, шундан роппа-роса 11 таси аниқ нишонга тегди! Фолибо, қумсоат суратидаги қумдан бир дақиқага етадиган қисми эса ортиб қолди», – деган сўзлари жангларни.

Бобур Мирзо эришган ютуқдан қувонган устози, дўстлари, хайрихоҳлари бор овозда: «Қойил! Яшанг, амирзодам! Ҳаббоза! Ҳаббоза!» – дея ҳайқиришар, қарсақлар чалишиб қутлашар, чиндилдан қувонаётганликлари шундоққина юзкўзларидан биллиб турарди. Бир сўз билан айтганда, томошага ўзгача файз ва шукуҳ кириб келганди.

Бобур Мирзонинг чиқиши томошабинлар наздида гўё жуда тез, бир зумдаёқ тугаб қолгандай бўлди.

Қабақ уриш майдонида ўтаётган бу қизиқарли воқеаларни Хожа Абулмакорим ҳазратлари ҳам бир четда, қўлда тасбеҳ ўтирганча, сиполик билан

кузатиб турган эканлар. Амирзоданинг чиқиши ниҳоясига етгач, ёнидаги ҳамроҳига ички қониқиш билан қараб кўяркан:

– Мушриф жаноблари, кўраяпсизму, амирзодамизнинг чун часпонлигини? Хуросонни билмадиму, вале бутун Мовароуннаҳрда ҳам шу ёшда бу темурийзодага тенг келадурган бирон бир чавандоз сипоҳий топилмаса керак! – деганча юзларида табассум билан Бобур Мирзо турган томонга қараб ишора қилиб кўйди. Мушриф жаноблари ҳам:

– Тўғри айтадурсиз, хожам. Илоё, Амирзодамизнинг умрларини Аллоҳ зиёда қилган бўлсун. Хожам, бу ҳикоятни Сиз ҳам ўқуган, балки эшитган бўлсангиз ажаб эрмас. Кунлардан бир куни Нўширавон ҳазрати олийлари Бобак Ориздан сўрабдилар: «Жанговар одамлардан қайси бири машҳурроқ?». У киши: «Ўқ ва ёй соҳиблари» дея жавоб берган эканлар, – деб кўйди.

Бобур Мирзо хушбичим пешанасидаги майин терларни артганча отини етаклаб майдондан чиқиб келаётгани, хизматкорлардан бир нечаси Амирзоданинг қўлидан «Зуҳал»ни қабул қилиб олиш учун чопиб бордилар.

Майдонда томошабинлардан жимлик сўралиб, ҳакамнинг ифтихор билан бутун атрофга: «Ҳурматли жаноблар! Биродарлар! Зоти олийлари, Амирзодамиз Бобур Мирзо қўлга киритган бутунги ютуқ, эрталабдан буён қайд этилган барча натижаларнинг энг юқориси бўлди!» – деган сўзлари таралди.

Ҳакамлар Бобур Мирзони қандай соврин билан тақдирлаш учун мунозара бошлаб, бир тўхтамга келгунларига қадар, Алп Баҳодир шогирдларини олиб, ўнг қўлларини кўксиларига босганича беллашув майдонини тарк этиб кетдилар.

Ҳамроҳлар биров холироқ жойга чиқиб олишганди, Абдуллоҳ Бобур Мирзога юзланиб:

– Мирзом! Ҳозироқда дилимдан бисёр ковок бўлса-да, бир байт ўтрон эди. Андеша чекмасангиз шуни...

Бобур Мирзо дарҳол устазодага қараб:

– Дўстим Абдуллоҳ! Шундай улур Наврўз куни ҳам киши ўз надимидин хафа бўладиму! Ўқунг! – деди қизиқиб.

Абдуллоҳ ҳам биров истиҳола билан (ҳали «Зуҳал»ни томошабинларга қараб пишқириб, кишнаб юборганига писанда қилиб):

– Амирзодам!

Шаштинғиз зўридин шерлар ҳуркайдур
Отинғиз қувониб кўпук пуркайдур... –

деганди, бу ҳазиломуз байтдан дўстлар хандон отиб кулиб юбордилар. Айниқса, кенг елкаларини силкитиб кулаётган Алп Баҳодирнинг қаҳқаҳаси ҳаммаёқни тутиб кетди.

Сайилгарлар аста-аста босиб кураш майдонига кириб келганларида, ҳалиги «Бесиёқ мардаклар» Бобур Мирзо шу ерда эканлигини билиб қолишган чоғи ўша заҳотиёқ гумдон бўлиб кетган эканлар. (Бироқ, улар қолдирган бир тўп тезак, афсус, Бош майдоннинг покиза ҳуснига раҳна солиб қўйганди)

Кўғирчоқбозлар кўлларига кийиб олган қаҳрамонларини барқут мато тортиб қўйилган парда ортидан чиқариб «Качал полвоннинг саргузаштлари»ни қўйишаётган экан. Биров томоша қилишган бўлди-да, уларга тортиқлар улашиб йўл-йўлакай айниқполвоннинг чиқишларига ҳам назар ташлаб ўтдилар.

Абобакр «Маймоқ полвон»га жилмайганча тикилиб қараркан, худди раҳми келган одамдай:

– Хаҳ, бечора полвон! Бешангда «ялло» қилиб юрғондинг... Алал-оқибат иллка тушубсен-да! Хеҳ аттанг! Бундай бўлади деб сира ўйламагон эрдим, – деб дўстлари турган томонга маъноли қараб қўйганди, ҳазилнинг сирини фаҳмлаб олган Амирзода кулиб қўйди.

Шогирдларининг кулгисидан гап нимада эканлигини тушунолмаётган турган Алп Баҳодир елка қисиб Абобакрга юзланганди, у қўли билан айиқ полвонни кўрсатиб:

– Хў, ўша Косон тоғларидаги «Беша хўжайини!» – деди.

Бу гапни эшитган устоз ҳам кулиб қўйди.

Сўзларим нишонга тегди деб қувониб турган Абобакр ҳазилни кучайтириш учун Абдуллоҳга юзланаркан:

– Устазода Абдуллоҳ! Суюнчи берсангиз ҳам бўладур, мана, «Маймоқ полвон»ни ҳам ҳибсга олиб, авахта қилиб қўйубдилар. Эмди Косон тоғлариға ҳеч бир таваҳҳум қилмай чиқсангиз бўлаверар экан, – деганди, Абобакрнинг тагдор ҳазилидан хижолат бўлган Абдуллоҳ дўсти билан мубоҳаса қилиб ўтирмай:

– Тўғри айтадурсиз, унсим Абобакр! Яхшики, сиз у жойда йўқ эдингиз. Бўлғонингизда борму, ваҳимаға тушуб қолғонингиздин, «Лоҳавл»ни⁶⁷ ўқиб юборгон бўлур эдингиз, – деди.

Бундан эса ҳаммалари кулдилар. Улар бироз ҳазил-хузулар билан бўлиб Эсан Давлатбегим хизматкорларидан бири кичиккина, туморча қилиб тахланган нома билан Бобур Мирзони кутиб

⁶⁷ «Лоҳавл» – қўрққан пайтда ўқиладиган дуо.

турганини ҳам сезмай қолибдилар. Хизматкор таъзим билан енгил томоқ қириб:

– Амирзодам! Пошшо бувимлар сизга ушбуни бериб юборғондилар, – деган-

ча руқъани қўшқўллаб Бобур Мирзога узатди. Амирзода мактубни очиб дарҳол ўқишга тутинди. Хатда: «Мирзом! Эрталаб, Сизлар Чорбоғни тарк этибоқ, ҳали бир сут пишими вақт ўтмай, Тошкандин ҳолойингиз Хўб Нигорхоним бир неча аробада, ёвуқ уруқ-қаёшлар била кириб келдилар. Фолибо, тушликда келсангизлар иркитоб қиласизлар деб, ўзингиз ёқтирғон ялпизли сомбуса буюрғон эдим», – деб чиройли муҳрларини ҳам босиб қўйибдилар. Бобур Мирзо жилмайганча хатдан нигоҳини оларкан, дилидан: «Шукурким, шундай меҳрибон пошшо бувимлар бор», – деган фикрни ўтказди. Хизматкорга кетиш учун изн бера туриб: «Албатта, дўстлари била кўпчилик бўлиб борар эканлар, деб айтингиз», деди-да, хатни устозига узатди.

Хат билан танишиб чиққан Алл Баҳодир кўзларини юмганча жилмайиб, бошини секин-аста тебратиб қўйди.

Ҳамроҳлар улуғвор куннинг файз-футурларга бой туҳфаларидан мамнун ҳолда сиполик билан мусоҳабаларини давом этдириб, отлари ёнига томон жилиб кетдилар.

Бир пайт узоқда Бош майдоннинг энг четида қарсак чалишиб, хоҳолаб кулаётган бир тўп одамнинг сийрак даврасига кўзи тушган Амирзода: «Бу қандайин тамошо бўлди эркан?» – деганча, жадал юриб шубҳали одамлар тўдаси томон борди.

Ўртада совиб қолган чилдирмага алёр айтиб, бармоқларини қирсиллатиб ўйнаётган ўрта ёшлардаги кишининг хотинча қилиқларини кўрган Бо-

бур Мирзо шу заҳотиёқ бундай бесиёқ томошани тўхтатишларини, махсимчага қўшиб унинг ака-баччасини ҳам тутиб филҳол авахта қилишларини буюрди.

Валиаҳд эндигина отига минаётган эди, шоп мўйловли авон⁶⁸ бошлиғи келиб:

– Амирзодам! Сиз кўрғон беҳамият касларни тутуб, иккисини ҳам авахта қилиб қўйдук... Айтишларича, Сайхуннинг қуйи тарафларидин келгон эмушлар, – деб ҳисобот берди. Унинг ташвиш билан бераётган ахборотини эшитган одам гўё тиш-тирноғигача қуроолланган бир гала ўта хавфли душман қўлга олинибди шекилли, деган хаёлга бориши табиий эди. Бу хабардан Бобур Мирзонинг юзини бироз қониқиш ҳислари елиб ўтгандек бўлиб: «Зудлик била келгон жойиға қавлаб юборинглар!» – деди-да, мийиғида бироз жилмайиб қўйди.

Бир сакраб отига миниб олган валиаҳд тезлик билан дўстлари томон йуртириб кетди.

Кўкда қуёш чарақлаб турган бўлса-да, бир гала дайди булутлардан тушаётган йирик-йирик ёмғир томчилари суворийлар катта тош йўлга чиқиб олишлари ҳамано тезлашиб кетди.

Бобур Мирзо эгарда ўтирган жойида ўтирилиб, нигоҳини Бош майдонга қаратганди, ўйинларни мириқиб томоша қилаётган сайлгарларнинг бирортасида безовталиқ кўрмади.

Шундан бўлса керак, дилидан буюк бобокалони, соҳибқирон Темурбекнинг: «Улуғ байрамлар, тантанаю тамошолар, ўйин-кулгилар, фақат тинч ва осуда юртға ярашадур», – деган пурмаъно сўзларини ўтказиб қўйди.

⁶⁸ Авон – миршаблар.

МУШОАРА

Умар Шайх Мирзо адабиётни севар эди.
У сиёсий ва ҳарбий фаолият билан банд
бўлганига қарамай, кўп китоб ўқир эди.

Айни дамда форс тилини яхши билган
ҳамда таъби назми ҳам бўлган.

Азиз Қажумов, академик

Султон Умар Шайх Мирзо ҳазратлари Ах-
сикентдан қайтганларига бир ҳафта бўляпти.
Юртпарвар ҳукмдор одатига кўра ёзни кўҳна ва
баҳаво маскан- пойтахтда ўтказганига қарамай,
бу давр ичида салтанат маркази ва унинг те-
варагига тушган барча қалъаларга ҳам таш-
риф буюрди. Хушманзара ўланзор ва жилғалар
бўйига шоҳона чодирини тиклатиб, эл-улус
ҳолидан хабар топиш ниятида мавкибат аҳли би-
лан энг чекка қишлоқларгача борди. Бир мунча
вақтини ер-сув билан борлиқ зироат муаммола-
рига бағишлади... Ўзганд билан Ўш оралиғидаги,
пурвиқор тоғлар доманасига⁶⁹ тушган Моду қалъ-
асини мустаҳкамлаш, арк ичига қўшимча бино-
лар қуриш, сув йўлларини таъмирлаш ишларига
ҳазинаи омирадан талайгина ақчалар ажратди.
Андижондан бош меъмор Мулло Фазлиддин жа-
нобларини чақиртириб, то ишлар йўлга тушгунча
кейинги уч кечани кўрғоннинг шимол тарафидан
оқиб ўтувчи “Мунчоқсой” бўйидаги “Беррагиёҳ”
яйловида ўтказди.

Бу жойларнинг наботот олами анчадан бери
олий ҳукмдорнинг завқини ошириб, ўзига маф-
тун этиб келарди. Бундай сўлим оромгоҳни Бо-
бур Мирзога илинган подшоҳ ота ўша кунидек

⁶⁹ Домана – тоғ этаги.

тахт ворисини олиб келиш учун Андижонга хос чопари Мазид набира бош бир неча чуҳраларни жўнатди.

Вакиллар саройга кириб келганларида хуфтон намози аллақачон ўқиб бўлинган, шаҳар осуда тун кўйнида эди...

Хобхона деразаси ортида “Тахт ворисини ким уйғотади?” деган “муаммо” устида бўлаётган шивир-шивирлардан уйғониб кетган Бобур Мирзо безовталик сабабини билиш учун (қиличини белига тақиб) шошганча ташқарига чиқди. Мазид набира орқасида жилмайганча қўл қовуштириб турган икки хизматкорга эътибор ҳам қилмай, шутур-пари билан бош эгиб саломлашар экан, мулоқот аввалидаёқ чопарни: “Отам соғ-омонмулар?” деган савол билан қарши олди...

Бор гапдан хабар топган валиаҳд бир дақиқа ҳам ўйланиб ўтирмади, дарҳол муздек қудуқ сувида юз-қўлларини чайиб олди-да, устозига одам жўнатди. Ўзи эса шу кунларга режалаштириб қўйган барча машқ ва машғулотларини бир-бир хаёлидан ўтказаркан, зудлик билан сафар тадоригини кўра бошлади.

Устоз Алп Баҳодир саройга кириб келганда Бобур Мирзо аллақачон йўлга шай ҳолда турарди.

Она, барибир она экан!.. Ўғлининг ҳаётида ўқгин-ўқтин содир бўлиб турадиган бундайн жўшқин дамларни энди кўраётган бўлмаса-да, ишонган тоғи, кўзининг оқу қаросини кузатиб қоларкан:

– Мирзом! Бироз тонг ёришса, сўнг йўлга чиқсангизлар бўлармиди... – деди, тахт ворисини авайлагандай бўлиб.

Зотан, Бобур Мирзонинг тийнатида бажарилиши лозим бўлган иш олдида на иссиқ, на совуқ, на кеча ва на кундузнинг аҳамияти бўлмаганидан:

- Онажон! Хавотирға сира ўрин йўқ! Фақат отажоним кутиб қолмасунлар, дейман!—дея жавоб қилди.

Она-бола шундан кейингина бир-бирларига меҳр кўзлари билан тикилганларича жилмайиб хайрлашдилар...

Суворийлар тун ярмидан оға бошлаганида подшоҳ ота томон от суриб кетдилар. Улар кўшиннинг илғор қисмидай, ўша тунда шундайин жадал ҳаракатландиларки, валиаҳд эргалабки нонушта учун ёзилган дастурхон атрофида подшоҳ отасининг ёнида ўтирарди... Умар Шайх Мирзо ҳазратлари тахт ворисининг истарали чеҳрасига меҳрла боқаркан:

- Мирзом! Қоронғуда йўл босиш азият турдирмадиму?—деб сўраган эди, Бобур Мирзо кеча тунда содир бўлган кичик бир воқеани эслаб турган бўлса-да, ошкор этгиси келмагандай:

- Йўқ, отажон! Деярли,.. ҳеч қандай,..-дея жилмайганча сирли нигоҳ билан устозига қараб кўйди.

Табиатан ўткир зеҳн соҳиби бўлган темурийзода ҳукмдор йўлда бирон ходиса рўй берганини гўё фаҳмлагандай, савол назари билан Алп Баҳодирга юзланган эди, устоз кўлидаги пиёлани дастурхон четига кўйиб, таъзим ила подшоҳ ҳазратлари томон ўтириларкан:—Он ҳазратлари! “Кўрпа” деҳасиға келгонимизда кечув излаб юрмай, йўлимиздин чиқиб қолгон бир ариқнинг торроқ жойидин отларимиз била-ўқ секраб ўтишға қарор қилдук. Туймагон эканбиз, чухралардин бири анчадан бери пинакка кетиб, оти устидаёқ мудраб келаётгон экан... От секраганда бояқиш чухра шалоплаганча сувга ағанаб тушди! Ариқ кўп чуқур эмасди, шундан уни уйқуси очилиб, ўзига келиб олгунга қадар, бир мунча жойғача кўйиб бериб турдук...

Бобур Мирзо болаларча самимият билан: “Биз эса чухрани сув ёқалаб кузатиб бордук”-дея кўшиб кўйди.

Подшоҳ ҳазратлари мийиғида кулганча амирзодадан кўз узмай:

- Чухра, сувдин ўзи чиқиб олдимۇ ё сизлар кўмак бериб юбордингларму?-деди, қизиқиш билдириб.

Бобур Мирзо: - Йўқ, отажон. Устоз: “Чухрага ҳеч ким ёрдам бермасин!”-дея буюрганди, ўзи ариқ лабидаги ўтларға тормошиб юруб аранг чиқиб олди... Устознинг, шумшайиб турғон чухраға қараб: “Муқим! Кўрпаға кириб-ўқ кўзунг уйқуға кетғон эканда... Қандай тушлар кўраётғон эдинг, эсингда қолғон бўлса бизға бир сўйлаб бер?” деган саволи Модуға етиб келгунимизға қадар тамаскур ва ҳангамаларға сабаб бўлди,-деди.

Бундан подшоҳ ҳазратлари ҳам (ўзини тўхтата олмай) кулиб юборди...

Неажабки, валиаҳд Модуға келибоқ одатига кўра ўзини табиат кучоғига отмади, аксинча, эртдан кечгача қалъаға қамалиб олиб, бутун вақтини меъмор жанобларининг ёнида ўтказди... Аввалига шу яқин орадаги баланд тепаликка чиқиб, мусавирликдан олган сабоқларига таянганча улкан қалъанинг шакл-шамойилини қоғозға туширди. Кейин унинг ичидаги иншоотларнинг азмойишини олиб, бир-бир таҳлил қилиб чиқди. Айниқса, озиқ-овқат, дон-дун, қурол-аслаҳа заҳиралари сақланадиган омборларни, яширин қудуқ (кичик сардобани), қамал пайти ташқарига чиқиш учун мўлжалланган махфий йўл (лаҳим)ни синчиклаб кўздан кечирди. Катта-катта қадамлар билан уларнинг ички томонларини ўлчар, бир нималарни ҳисоблаб кўрар, баъзида эса Мулло Фазлиддин жанобларини қалъа қурилишига оид саволлар шода-

сига кўмиб ташларди. Меъмор жаноблари ҳам Бобур Мирзо берган барча саволларга жону дили билан жавоб беришга ҳаракат қилар, баъзи пайтлари эса (негадир) амирзоданинг қаршисида ёш боладай қизариб, каловланиб қоларди... Чиндан ҳам, Бобур Мирзонинг қонида улур бобокалонларидан ўтиб келаётган меъморчилик, бунёдкорлик санъатига бўлган меҳр ва иштиёқ ҳислари уфуриб турарди...

Бу кунлар ичида Алп Баҳодир жаноблари ҳам вақтини беҳуда ўтказмади. Олий ҳукмдорнинг фармониغا биноан, қалъа ҳизматкорларидан бирининг ҳамроҳлигида (оддий чўпон қиёфасида) “Чиғирчиқ” довони орқали то Жили сувга қадар чиқиб борди ва Кошғарга ўтган карвон йўлини кўздан кечириб, шу яқин орада, жилват унгурлардан бирига ин қуриб олган бир гала қароқчи йўлтўсарлар манзилени аниқлаб тушди...

Рўзи азалдан чеку чегараси бўлмаган – Вақт деб аталмиш “умр ўлчови” олдида уч кеча-кундуз бир лаҳзадай гап экан, кўз очиб юмгунча ўтди-кетди! Бироқ, шу қисқа фурсат ичида бўлғуси императорнинг меъморчиликдан олган сабоқлари унинг хотира саҳифаларига ўчмас бўлиб муҳрланиб қолганди.

Доруссалтанатга қайтаётган амирзода от устида тебранганча ширин хаёллар гирдобида кетиб бораркан, келгусида, вақтики келиб, Андижон билан Қубо ўртасида маҳобатли ва бекаму кўст бир қалъа барпо қилишни дилига тутиб борарди.

Мана, ўшандай катта-кичик ташвишлару қувончлар оғушида кечган ҳижрий 889 йилнинг ёзи ҳам тутаб, тарихнинг ўчмас саҳифаларига айланди-қолди...

* * *

...Юртчилик экан-да, Фарғона мулкида яна баъзи бир муаммолар туғилиб қолган бўлса ке-

рак, Умар Шайх Мирзо ҳазрати олийлари Ҳисори даруннинг Катта тошқовуз лабида қад кўтарган “Кўшки ораста” остида Хожа Мавлонойи қози жаноблари бирла Қавс қуёшининг илиқ нурларидан баҳраманд бўлиб, нималарнидир муҳокама қилиб ўтирибдилар. Юрт раҳнамоларининг салтанат мустақкамлигию юрт осойишталигига доир ўзларининг махфий гаплари борга ўхшайди. Чунки, атрофда улардан бўлак ҳеч кимса йўқ. Ҳатто девон аҳлидан ҳам бирон кишини таклиф этмабдилар... (Ҳа, дарвоқе, куни кеча подшоҳ ҳазратларининг исмини ўзгартириб юрувчи хос одамларидан бири Мўғулистондан қайтган эди...)

Бир оз аввал, узоқдан фақат шуни кузатиш мумкин бўлди-ки, он ҳазратлари даст ўрнидан туриб кетди-да, Шарққа қарата, душманига қилич солаётган мубориз янглиф босқондай муштини кўтариб, шиддат-ла сермаб қўйди... Қизиқ, Умар Шайх Мирзо жаноби олийларининг айнан кимлар ёхуд нималар ҳақида сўзлаётганини аниқ уқиб бўлмасди, фақат: “Абобакр дуглат” деган ном қулоққа чалингандай бўлди холос!

Кўп ўтмай, суҳбат поёнига етди чоғи, мусоҳиблар қўларини дуога очиб кафтларини ихлос билан юзларига тортганларича ўрниларидан қўзғолдилар.

Подшоҳ ҳазратлари шарият пешвосига кетиш учун изн берибоқ, орқада изма-из келаётган икки мулозимга девонда ўз ишлари билан машғул бўлишларини буюрди ва қалъанинг шимоли-шарқий тарафига олиб борувчи хиёбон бўйлаб виқор-ла одимлаб кетди.

Арк ичининг Мирзо дарвозаси яқинида қад кўтарган олий иморат – “Байт-ул фузало” рўясида куймаланиб юрган хизматкорлардан бири салобат билан яқинлашиб келаётган подшоҳ ҳазратларига

кўзи тушган ҳамоно даҳлиз томон чошиб кириб, унинг қўштабақали ҳашамдор эшигини қия очди-да, шошганча: “Жаноблар! Олампаноҳ ташриф буюрмоқдалар!” деган хабарни етказди.

Анжуман аҳли тобора қизиб бораётган мунозарани тўхтатиб, дарҳол подшоҳ жаноби олийларини кутиб олишга шайландилар...

Умар Шайх Мирзо ҳазратлари ҳашаматли бинонинг нақшинкор пешайвони қаршисида бир зум тўхтаб, аввалига мовий мрамрдан фарш этилган саҳн четида барқ урган садарайхонларга, сўнг, ўртадаги кенг, турфа гуллар қоплаб олган, жилоси кўзни олувчи чаманзорга ҳавас билан тикилиб турди... Катта атиргуллар атрофига доира шаклида териб қўйгандай ғуж-ғуж бўлиб ўсаётган ёронгул, анжабар, савсан, эмангул, настарин, гулибеорлар ҳали ҳам оҳори тўкилмай, гулшанга чирой бериб турарди. Айниқса, гулхонанинг тўрт тарафида тўрт туп, оппоқ гулларини кўз-кўз қилиб турган суман, унга гўё маъшуқанинг сочларидай чирмашиб олган сунбулнинг тим қора новдалари чаманзорга ўзгача тароват ва мавзунлик касб этган.

Ҳадиқаи Эрамни эслатувчи сержило манзара олампаноҳнинг кайфиятини кўтариб юборди чоғи, хиёл энгашганча қўлларини кенг ёзиб, райхонлар узра юргизди. Хушбўй гиёҳдан таралаётган ифродан ҳовучлаб олиб, иштиёқ билан ҳидлади... Шу дамда темурийзода ҳукмдорнинг кўнглидан нималар кечди экан-а?! Беихтиёр дили равшан тортиб, катта бобоси султон Мирзонинг чеҳрасини эслатувчи, (бирок феъл-атвори мутлоқ акси бўлган) фариштали юзини майин табассум елиб ўтгандай бўлди... Сўнг остона ҳатлаб, даҳлизда қўллари кўксида бош эгиб турган хизматкорга хушбичим, кузлик мовут чакмони билан қарқара ўтағаси санчилган чорпеч

дасторини қолдириб, ёнидан ярақлаб турган чу-
стий дўпписини олди. Унинг тахини хафсала билан
ёзиб бошига кийди ва салом бериб хонага кириб
борди. Тавозеъ билан қойим турган мажлис аҳлига
бир-бир назар солганча юриб, мавлоно Муҳаммад
Солиҳнинг такаллуф билан: “Аълоҳазрат! Юқориға,
юқориға ўтсунлар?!” деган илтифотига қўли билан
“Йўқ!” ишорасини билдириб қўйди-да, ўртароққа
тўшаб қўйилган барқут якандозларнинг бирига тиз
чўкди.

Аҳли маҳфил шундан кейингина бирин-
кетин ўз жойларини эгалладилар. Ҳамма ўр-
нашиб олгач, подшоҳ ҳазратлари жужун чор-
қуб остидан кийган оппоқ яктагининг енгла-
рини бир-икки қатлаб, қўлларини дуога очди.
Қалам аҳли ҳам унга иқтидо қилиб билаклари-
ни кўтардилар.

Шу орада ҳозиргина зикр қилинган араб тили
сарфидан баъзи бир қоидаларни ўзи учун муҳим
ҳисоблаб қисқа жумлалар орқали ён дафтарига ту-
шириб олаётган Бобур Мирзонинг нигоҳи подшоҳ
отанинг кўзларига тушгач, хиёл бош эгди ва ота-
бола саломлашгандай, кўз уриштириб қўйдилар.
Абдуллоҳ эса, подшоҳ ҳазратларига илгари бун-
чалик яқин жойда бўлмаганидан хижолат тор-
тиб, катталарнинг ортида бўлишларига қарамай,
қунишиб олганча, Бобур Мирзонинг пинжига ки-
риб олди...

Аслида, олампаноҳнинг ташрифи даврага
қандайдир баланд кайфият, ўзгача файз олиб
кирганлиги барчанинг юз-кўзидан ҳам сезилиб
турарди...

Нигоҳини анжуман аҳлига қаратган киши ав-
вало, малик уш-шуаро Муҳаммад Солиҳ жанобла-
рини, амир Ҳасан Яъқуббекни, маснавийнавис
Мир Сарбараҳна жанобларини, сўнг, ҳар даврада

ҳозир у нозир Шайх Мазидбекни, қўли гул хаттот – амир Дарвешбекни, шунингдек, бутун оиласи билан Ахсидан кўчиртириб келинган, олампаҳоқнинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган шоир мавлоно Садоий Ахсикатий жанобларини, истеъдодли ёш шоир Юсуф Бадиий, таниқли олим, шеършунос аллома Амир Хожа Содир жанобларини, хушовоз мут-риб, ҳукмдорнинг қайин оталаридан бири бўлмиш Хожа Ҳусайнбек жанобларини, бир четда камтарона бош эгиб, мудом сукут сақлаб ўтирган мавлоно Сафоий Андижоний ва яна бир неча ҳали номлари элга танилиб улгурмаган, бироқ “умидли” дея тан олинаётган шоирларни кўриши мумкин эди... Айниқса, бир четда ийманибгина ўтирган, ингичка мўйлаби хушбичим юзига ярашиб турган йигит ўзига Муродий деб тахаллус қўйибди...

Аҳли анжуман хийладан буён бундай мушоараларга таклиф этиб келаётган бу йигит ўқиган ғазаллар барчага манзур бўлиб, руҳий завқ бағишлаб келар, шундан бўлса керак, шеърят ихлосмандлари олдида бир қадар нуфузга эга бўлиб бормоқда...

Муҳаммад Солиҳ жаноблари аввалги анжуманда ўқилган шеърини муаммонинг ечимига доир бир ойдинликни киритиб қўйди-да, нуроний юзига ярашиб турган мошгуруч соқолини силаб: “Жаноблар! Навбат шеърхонликқа!” деди, мамнуният ила.

Айни шуни кутаётган бўлса керак, Умар Шайх Мирзо ҳазратлари ҳам хотиржамроқ ўрнашиб олиш ниятида бир қўзғолиб олдилар...

Хонага пашша учса билингудек жимлик чўккач, раис жаноблари Ҳасан Яъқуббекка юзланиб: “Марҳабо, амир жаноблари! Мушоара матлаъсига ўзингиз кўрк бағишлаб берсангиз?!” деди.

У салобат билан ўрнидан тураркан, паҳлавон-келбат гавдасини ростлаганча, аълоҳазрат ўтирган тарафга бош эгиб қўйди, кейин баланд овозда:

Шеърят гулзориға кирмак азал осон эмас,
Киргач, ул гулшанда гул термак азал осон эмас...

– матлаъли ғазалини ўқий бошлади... Шоирнинг овози йўғон бўлганидан атрофга гўё момақалдиروقдай таралаётган эса-да, шеърят шайдолари бошларини қуйи солганларича кўзларини юмиб олиб, жон-диллари билан тинглаб ўтирар эдилар... Ғазални:

Эй Ҳасаний, бўлғил огоҳ, келса бўстондин насим,
Мубталолиғ дардини тортмак азал осон эмас, –

байтлари билан яқунлаб, битикдан кўз узаркан, анжуман аҳлига бир-бир кўз югуртириб қўйди...

Атрофдан: “Бале, бале! Ҳейли чошнилик ғазал бўлубтур... Офарин, жаноби амир!”–деган олқишлар ёғилаётганига қарамай, Умар Шайх Мирзо ҳазратлари жимгина бош ирғаб қўйиш билан чегараланди...

Раис жаноблари шу зайл навбатни Мир Сарбараҳна жанобларига берди. Шоир бир талай машқларидан бирини танлаб қолганларини пайгирига солди, кейин саҳифани икки қўли билан кенг ёзиб, текислаб олди. Бу одати бўлса керак, матндан кўз узмаган ҳолда, ўта қалин ва узун соқоли қошлаб олган иягини олдинга бир чиқариб қўйди-да, атрофдагиларга мулозамат ҳам қилиб ўтирмай, қироат билан ўқий бошлади:

Бир коса сув қадри чўлда билинғай,
Жон тортғон дўст қадри йўлда билинғай.

Номардға инонма, бўларсен пушмон,
Бил, сўнгги пушаймон, ўзингга душман.

Сўзунг гавҳар эрса, беҳуда сочма,
Дуч келгон ҳар касга сиригни очма.

Ранжлар чекиб топгон бир бурда нонинг,
Қадринг баланд қилур, хотиржам жонинг.

Киши асли мумсик, феъл-атвори тор,
Сўрамағил ундин, дағи, қишда қор...

Ниҳоят, шу йўсинда битилган узундан-узоқ
маснавийсини:

Мир, дилда бор сўзин шу тахлит айтди,
Кими очилиб қалби, казб йўлидин қайтди...

деган мақтаъ билан яқунлади. Кейин эса синч-
ковлик билан ўтирганларга бир назар ташлаб қўйди.

Аҳли анжуман аввалига шоирни бир қадар
қизиқиш билан тинглаётгандек эди... Бироқ,
чўзилиб кетган шеър ярмидан ўтгач, подшоҳ
ҳазратларидан ҳар қанча истиҳола қилиб турган
бўлсалар ҳам, (жўрттага бўлса керак) бир жойдан
енгил хомуза саси эшитилгандай бўлди... (Садо,
шаддод шоир Сафар Соқийга тегишли экан. Чунки
кетидан томоқ қириб қўйганда билиниб қолди...)
Олий ҳукмдор эса кафтини жарига қўйиб, чуқур
сукутда, қунт билан эшитиб ўтирарди...

Умар Шайх Мирзога нигоҳи тушган киши унинг
ички ҳиссиётларини билиб ололмаса-да, ҳар ҳолда,
шеърдан кўнгли тўлмаётгани юз-кўзларидан ҳам
сезилиб турарди...

Неажабки, Абдуллоҳ уни шунчаки тинглабгина
қолмай, зийраклик билан байтлар ҳисобини ҳам

олиб ўтирган экан. Бир пайт дафтари ҳошиясига 29 рақамини ёзиб, Бобур Мирзога кўрсатган эди, бунга кўзи тушган валиаҳд (нимага ачинди экан...) пастки лабини тишлаб, енгил бош чайқаб кўйди...

Шеър ўқиб бўлинганига қарамай, негадир бирон киши ўз фикрини баён этишга шошилмас, аксинча, барча жимиб қолганди... Ва ниҳоят, мажлис раиси бир нима дейиш ниятида энди оғиз жуфтлаётган эди, кутилмаганда подшоҳ ҳазратлари асталик билан бошини кўтариб:

– Мавлоно! Жаддларимиздин мерос бўлуб келмиш пурмаъно ибора ва мақолларни жамлаб қофияпаймолиғ қилишда ҳейли жонбозлик кўрсата билибсиз... Шеърингизни қандай номлағон эдингиз? –деб сўради.

Мир Сарбараҳна жаноблари подшоҳ ҳазратларининг қизиқиш билдираётганидан мамнун ҳолда: “Баёни дил!”–дея жавоб берди тўлқинланиб.

Аълоҳазрат мийиғида жилмайиб кўяркан:

– Шу дамда шеърингизга бошқа, маъқулроқ ном ўйлаб кўйғондим, хўп десангиз...–деганча, уёғини айтмай, тикилиб турганди, шоир жаноблари шоша-пиша:

– Бош устиға, Аълоҳазрат! Бош устиға!..–деб кўйди, бироз ялтоқлангандек бўлиб.

Умар Шайх Мирзо атайин юзига жиддий тус бериб: “Уни, “Сўз кўрки-мақол, шоирнинг кўрки-соқол” деб атасак” деди.

Бу мутойибадан шоирлар хандон отиб кулиб юбордилар...

Навоий ҳазратларининг:

Аҳли ҳирад ростдин ўзгани демас,

Вале, ҳар рост ҳам деғулик эмас,

деган ҳикматли ўғитларидан хабаримиз бўлса-да, яна бир нарсани қаламга олиб ўтмасак бўлмас... Бояқиш шоирни жижилик пайти “турпоқлаб” қўйилмаган экан чоғи... Ё тавба! Жағининг пастидаги соқоллари тўшининг мўйларига туташиб кетибди-я! Яхшиямки, Сарбараҳна дегани сочини устарада қирдириб, доим бош яланг юрадилар. Бўлмаса...мажнунсифат бўлиб қолиши тайин экан. Шунинг учун бўлса керак, анжуман аҳли киноя билан: “Андижонлиқ иккинчи Жомий” деб атарканлар. Бунга сабаб, Умар Шайх Мирзо ҳазратлари Самарқандда эканларида мавлоно Абдурахмон Жомий билан мулоқотда бўлиш шарафига муяссар бўлган эканлар. Бу ҳақда қайси бир йиғинда (ул зотнинг қиёфалари тўғрисида) сўзлаб берган эдилар...

Қарангки, Сарбараҳна жанобларининг наздида эса бу “тахаллус” гўё ашъорларини назарда тутиб қўйилғон эмиш..

Даврага қандайдир, баланд руҳ, хушнудлик аломатлари кириб келган бўлса-да, ўқилаётган шеърнинг мазмун-моҳияти, теранлигига бўлган талаб ортганди.

Мажлис раиси кейинги навбатни Шайх Мазидбекка берган эди, у киши даст ўрнидан туриб тавозеъ билан икки қўлини кўксига босганча: “Жаноблар! Биз шеъримизни ҳали бундайин анжуманларда ўқиладурғон даражада ёзолғонимиз йўқ...”, дея тан олиб, чин дилдан уэр сўраб қўйди.

Шундай қилиб, навбати келган икки-уч нафар шоир даврада шеър ўқишга ботина олмадилар...

Мажлис раиси мавлоно Садоий жаноблари билан кўз уриштириб қўйган бўлсалар керак, у кишининг чиқишини кейинроққа қолдириб, навбат-

ни Юсуф Бадиийга берди. Эл ардоғида бўлган ёш шоир чуст кўпиб, аввал аълоҳазратга, сўнг бошқа анжуман иштирокчиларига унсиз бош эгиб мусаллама билдириб кўяркан: “Жаноблар! Мен бир жуфт мусаллас ола келгон эдим”, деди самимият билан.

Бу такаллумдан илҳомланиб кетган подшоҳ ҳазратлари: “Қани, шоири даврон, “сунинг”!” деб кўйди...

Ҳукмдорнинг ўринли мутойибасидан яна кулгу кўтарилади.

Бадиий Андижоний бир зум жамоанинг тинчланиб олишини кутиб турди-да, ёқимли овозда ёддан ўқий бошлади.

Эй, табиб! Жисмимни кўйгил, дилабгор бар-
рима боқ,

“Не бало бўлди санга?” деб, бу танг аҳволима
боқ.

Ишқ сиригини этсам баён, тоқатинг етгаймукин?!

Эй, воиз! Бас қил риёни, фақат адолатдин сўзла,
Ки қилгон шоъе амалинг, ва ё ҳидоятдин сўзла.
Магар кажрав эса кўнглинг, йитгин-у мадрус
эт коминг!

Дарҳақиқат, қалам аҳлидан камдан-кам киши бу мавзуга кўл урганиданми ё ўқилган мусалласларнинг мазмун-моҳияти ва шакли-шамойили ҳар қалай талаб даражасида бўлганиданми, уларни таҳлил қилиб ўтирмадилар. Қайтага, бир неча киши: “Офарин, шоири даврон! Офарин!” дея рағбатлантириб кўйишни лозим топдилар. Ҳатто, Амир Хожа Содир жаноблари ҳам бу мавзу хусусинда фасоҳат ила ўз фикрини билдираётган экан, кўлдан кўймай давом эттиришни, “Шеър-

ят бўстони”да бир гул янглиғ, мусалласотнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаб, келгусида бундан-да оҳорлироқ, теран ва ўткир мусалласлар ёзишда омадлар тилади.

(Орада кимдир: “тайёрлашда ҳам” дея (яна ўша Сафар Соқий жаноблари бўлса керак) луқма отиб қўйган эди, буни “илғаб олган” бир неча киши бехтиёр кулиб қўйдилар.)

Аллома сўзида давом этаркан: “Жаноблар! Ҳисобга олиб қўйишларингни сўраймен,.. мусалласот, яъниким уч сатрли шеър ҳам Мағрибда, ҳам Машриқда, ижод аҳли орасинда урф бўлгон сўз санъати бўлуб, аксар, биринчи ва учунчи мисралар қофияланиб келингон.

Сизда эса, Юсуфбек жаноблари, биринчи ва иккинчи сатрлар қофияланибдур... “Мазмун ва моҳият шаклдин устун” деган қоидага амал қилинса, бу қусур эмас. Қайтага, бу янги “Бадийий Андижоний усули” бўлибдур! Бу усулнинг афзал томони шундаки, яқуний сатрға эркинлик бериб, мақсадни тўла ва кенгроқ очиб беришға имкон яратилгон...” деди.

Навбат Сафойий Андижонийга берилганда, анжуман аҳли, ҳар дамгидек, у кишидан мазмун-моҳияти теран бирон оҳорли нарса эшитиш истагида эканлар чоғи, сув сепгандек жим бўлиб қолди.

Сиполик билан атрофга бир назар солиб олган шоир: “Жаноблар! Луғз сўз санъатиға доир форсийда бир маснавий ёзиб эдим, Сизларға ёқармикин?...” деганча, уни пастроқ овозда ўқий бошлаганди, “Сафойий жаноблари, мумкун бўлса, чийзи баландроқ...” деган таклифлар тушди. Шоир: “Хўп бўлади, жаноблар”, дея бир оз баланд овозда (бошидан) ўқишни давом этди.

Фасли дай буду хама жо баста ях,
Жойи худ чархофалак ҳам гашта шах.
Шаст дар даре фиканда муйсафед,
Менишинад бас сабиру боумед.
Кай намояд хадяе бахри фарах?
Як саворй мерасад ногах зи рах.
-Чун ба се нухро накарддй чамъ гу?
Рохи дигархо нарафтй - гуяд у.
Бо табассум чол мегуфт ин сухан:
Аз гапи холй кучо суде ба ман?
Нест аслан хочате бар гуфтуту,
Чамъ овардам, нашуд он сию ду.

Боз гуфт:

Чумла чидду чахд карему талош,
Хона аз гандум шудй лабрез, қош.
Ризқ мебахшад Худованди карим,
Рав ба рохи худ, мадех ту тарсу бим.

Хисса аз қисса:

Бошад аз ин гуна қисмат беҳисоб,
Фикр бинмо, чувстучуяш кун, биеб.

Хукмдор, унинг ҳар бир мисрасини зӯр иштиёқ билан тинглаётгани, кўзларини юмиб олиб бош ирғаб маъқуллашидан ҳам сезилиб турарди...

Маснавий луғз ўқиб бўлингач, ҳали ечими топилмай турибоқ, юзларидаги завқ ҳисларини яширолмай қолган подшоҳ ҳазратлари: “Офарин, шоири даврон! Хўб ажиб, тўқ маънолиқ ва тўқ қофиялиқ воқебанд чистон бўлибдур!” деб қўйди... Кейин дарҳол қоғоз ва қалам келтиришларини буюрди-да, унинг туркий таржимасига тутинди... Хиёл ўтмай, олампаноҳнинг қўлидаги оппоқ саҳифада, шеърнинг мазмун-моҳияти битилган шундай сатрлар пайдо бўлган эди: “Замҳарир

қиш. Яхлаб қолғон дарёни тешиб қуллоб солиб ўлтурғон балиқчи чолға раҳми келғон бир отлиқ йўловчи: “Бобо! Тўққузни учға уруштуруб қўймағон экансиз-да?!” дея луқма ташлаган эди, балиқчи чол: “Эй, ўғлум! Нега энди уруштурмас эканмен,.. албатта уруштурғонмен!.. Вале, ўттуз иккига етқазишни имкони бўлмаса, на илож!” дея жавоб берди. Бу мулоқотнинг остида яшириниб ётғон моҳиятни топинг!” Аксар ижод аҳли зулликсонайн бўлсалар-да, насрга ўгирилган шеър мазмунини дона-дона қилиб, мутаржимнинг ўзи ўқиб бердилар...

Бобур Мирзо раис жанобларидан бир лаҳзага изн сўрадию энгашганча орқа тарафдан келиб, подшоҳ отанинг қулоғига бир нималар деди... Хукмдор жилмайганча ўгирилиб, қўлидаги чистонни валиаҳдга тутқазар экан: “Мирзом! Хойнаҳой, қофияға солишга азимат қилғон кўринасиз?”-деб қўйганди, амирзода бош ирғаб тасдиқлаб қўйди-да, худди отасидан қимматбаҳо совға олгандай қувониб, пилдираганча ўз жойига ўтиб кетди.

Мажлис шу ерга келганида анжуман таомилга кўра таваққуф қилиниб, Садойи ғазалларига басталанган бир жуфт ашула ижро этилди. Аввалги дафъа эса шоир Муродий ғазалига басталанган кўшиқ куйланган эди. Албатта, ашулаларни танбурда юксак маҳорат билан мутриби хушлаҳжа Хожа Хусайнбек жаноблари навозандалик қилиб берди. Кўшиқ тутаб, санъат ихлосмандлари бир қатор бай-байлашиб олгач, подшоҳ ҳазратлари ўрнидан туриб, шоирни ҳам, муғаннийни ҳам самимият билан қутлаб қўйди. Ажабмас, яна бир неча ижродан кейин подшоҳ ҳазратларининг қалбидан ўрин олиб, мукофотга лойиқ топилса.

Сафойи Андижоний ўқиган маснавий чиндан ҳам кўпчиликни ўйга толдириб, хаёлини ўғирлаб

қўйган экан. Янги нақшларнинг сеҳрли саслари қулоққа кириб турганига қарамай, айримларнинг фикри-зикри мудом муаммонинг ечимида бўлгани сабаб, оҳанглар жозибасидан баҳра ололмай қолдилар... Ҳатто Бобур Мирзо ҳам Абдуллоҳ билан бошларини бир жойга қилиб олиб, жўшқин илҳом билан муаммонинг туркийдаги назмий кўриниши устида ишламоқдалар. Ҳар икки бўлғуси шоир ҳам муқобил сўзлар танлаш ва ҳижола сони тўғрисида алоҳида-алоҳида, мустақил иш юритаётган бўлсалар-да, гоҳо-гоҳо бир нималар ҳақида фикр алмашиниб, пичирлашиб қўймоқдалар...

Сафой Андижоний ўқиган шеър подшоҳ ҳазратларининг дидига жуда ёқиб қолган кўринади...

Ҳукмдор оппоқ варақдан текис қилиб бир бўлакча йиртиб олди-да, мусаддас курси устига қўйди ва (настаълиқ хатида) топшириқнома ёза бошлади. Ёзувни тугатиб имзо чекди, сўнг шоҳона кумуш узугининг кўзи билан муҳрлаб қўйди. Хизматкорлардан бирини чақиртириб, унинг қўлига икки букланган ҳужжатни топширар экан, қулоғига ҳам бир нималар деб тайинлади.

Хизматкор: “Хўп бўлади, олампаноҳ! Бош устига, бош устига, аълоҳазрат” деганча ўтирилиб ташқарига чиқиб кетди.

Хиёл ўтмай, қўлида салмоқлигина ақча солинган чарм ҳамён билан ғазна мулозимларидан бири кириб келди. Ёрмоқни қўшқўлаб ҳукмдорнинг илкига тутқазди-да, бир зум олампаноҳдан кўз узмай сукут сақлаб турди,.. қўшимча топшириқ бўлмагач, орти билан юриб хонани тарк этди.

Олампаноҳ қўлида нақдина билан бир-бир босиб Сафой Андижонийнинг ёнига келди, аввал шоир билан кучоқ очиб кўришди, қўлини маҳкам қисганча қўйиб юбормай: “Шоир жаноблари! Бу

Сизга!" дея бўйнини қайиш ип билан қисиб боғлаб сурғучлаб қўйилган, бироқ кўрар кўзга ўтдай жилава қилиб турган сап-сарик чарм халтачани унинг кўйнига солиб қўйди!..

Албатта, бу темурийзода подшоҳ учун тез-тез такрорланиб турадиган одатий ҳол эди, холос.

Атрофдан: "Офарин! Офарин шоири даврон! Олампаноҳимизга ҳамду санолар бўлсун! Олтин бошлари омон бўлсун!"-деган нидолар янграр, Умар Шайх Мирзо эса худди ҳеч нарса эшитмаётгандай, ўзини тағофилга солиб келди-да, хотиржам ўз ўрнини эгаллади.

Шу дамда барчанинг нигоҳи юзлари қизариб кетган, икки кўлини кўксига босиб, подшоҳ ҳазратларига, кейин бутун анжуман аҳлига қулук қилаётган Сафойи Андижонийга қаратилган эди... Эҳтирослар босилгач, шоир подшоҳ ҳазратларига қандай қилиб миннатдорчилик изҳор этишни билолмай турганди, шоирни бу ҳолатдан олампаноҳнинг ўзи қутқарди: "Мавлоно! Бу, "хамир учидин патир", холос! Тенгри қаламингизни, тафаккурингизни, қувваи ҳофизангизни бундан-да қавий қилсун!"-деб қўйди-да, ўтириш учун изн берди. Шоир жаноблари жойига ўрнашиб олгандан кейин ҳам кўпчиликнинг нигоҳи унда эди...

Сўзга чечан, ҳазил-мутойибага бой, пок кўнгилли шоирлар, гарчанд, дилида ҳазиломуз тилак ва истаклари запланиб турган бўлсалар-да, подшоҳ ҳазратларидан истиҳола қилишиб, жилмайганларича: "Мукофот муборақ бўлсун!" дейишдан нарига ўтолмай ўтирардилар...

Ҳамма учун бир қилиб, якуний мутойибани раис жанобларигина айта олдилар: "Сафойи-жон! Анжуман тутагач, аллакимларнинг хушомадларига учуб, улар била кетиб қолманг дағи! Ҳамёнингизни

менга бериб қўйсангиз, елкамға ортиб уйингизга қадар ўзум элтиб берамен...”-деганди, мажлис аҳлигина эмас, подшоҳ ҳазратлари ҳам кулиб юбордилар...

Айни дамда мушоара руҳи кайфиятига яна бир бора кўтаринкилик, ўзгача шукуҳ эпкинлари кириб келган эди...

Подшоҳ ҳазратларининг ноёб истеъдод соҳиби, камтарин шоир Сафой Андижонийга кўрсатган мурувватларидан, бир қараганда барча мамнундек кўринса-да, аслида, сарой аъёнлари орасида “чачала томир” отиб кетган, ўртамиёна, вале калондимоғ шоирлар кўнглини хўл ўтиннинг тутунига ўхшаш, аччиқ дуд қолаб олган эди...

Гарчи талх ва нордон туюлда-са, бор ҳақиқатни яшириб, сипоришлаб нима қиламиз... Ўша пайтда улар ҳатто тил учида бўлса ҳам шоири давронни табриклаб қўйишга ярамадилар... Аниқроғи эса, дилларида тўнглаб қотиб қолган кибр ва ҳавойи ғурур ҳислари йўл бермади...

Бошидан кўп иш ўткарган донишманд жаддларимиз: “Букрини гўр ўнглайди” деб, бежиз айтмаганларидек, бундайин худбин касларнинг чиркин қалблари самимият нишоналаридан йироқ бўлгани боис, улардан яхшилик ва кенг феъллик уруғларини излаш тошбақа тухумидан кабутар боласи чиқишини кутиш билан баробардек эди...

Бундайин аянчли ҳолни покдил, самимиятли йигитча Юсуф Бадиий Андижоний синчковлик билан кузатиб ўтирган экан: “Муҳтарам раис жаноблари! Менда бир таклиф бор”, дея мурожаат этиб қолди.

Муҳаммад Солиҳ жаноблари подшоҳ ҳазратларига юзланиб қўяркан: “Марҳамат, мавлоно!” дея бош ирғаб қўйганди, “Мумкун бўлса, Мавлоно

Фирдавсий ҳазратларининг “Шоҳнома”сидин бир шингилни ёдға олиб ўтсак?” деди.

Бу таклиф аввало, алломанинг чин мухлиси бўлмиш подшоҳ ҳазратларига, қолаверса, аксар қалам аҳлига ҳам маъқул тушганидан: “Айни муддао бўлур эди... Марҳамат, ўзингиздин эшитайлик?!” дея қўлаб-қувватладилар. Бадиий Андижоний: “Хўп бўлади, жаноблар”, деб розилик билдириб қўяркан, ўрнидан туриб: “Мутолаа завқини туйғонсизлар, деб ўйлаймен, ҳазратнинг маснавийда битгон шундай абёти бўлиб эди:

Агар безаи зоғи зулмот сиришт,
Наҳй зери товуси боғи беҳишт.
Баҳангом он беза парварданаш,
Зи анжири жаннат даҳи арзанаш.
Даҳи обаш аз чашмаи Салсабил,
Бидон беза гар дам дамад Жабраил.
Шавад оқибат бечай зоғ-зоғ,
Барад ранжи беҳуда товуси боғ”,⁷⁰

дея ёддан ўқиб берди.

Шеър форс адабиёти мухлисларининггина эмас, албатта, Умар Шайх Мирзо ҳазратларининг қалбини ҳам жунбушга келтириб юборгани “Офарин! Чун топиб айтилгон ҳикмат!” деган олқишларидан сезилиб турарди..

Чиндан ҳам, шеърый асар ҳиссиёти баланд, диди нозик, нуктадон шоирлар қалбига айрича таъсир қилганидан, ўзларига ёқиб қолган байтлар-

⁷⁰ Мазмуни: Қора қарғанинг тухумини жаннат боғи товуси тагига қўйсанг-да, ва у очган жўжани тариқ ўрнига жаннат анжири билан боқсанг-да, чанқоғини Салсабил чашмаси суви билан қондирсанг-да, бу тухумга Жаброилнинг ўзи дам солган бўлса-да, барибир жўжа қора қарға бўлади, жаннат товуси хизмати эса бекор кетади!

ни қайта-қайта такрорлашиб қўяр, бир-бирларига ҳар бир мисрасининг фазилатларидан сўзлашар, алломага таҳсинлар айтишар, хуллас, бир сўз билан таърифлаганда, жамоага жаҳон мумтоз шеърятининг ибратомуз ҳикматлари таъсиридан туғилган илиқ муҳит ҳукмронлик қила бошлаган эди...

Бир пайт хонага девон мулозимларидан бири салом билан кириб келди-да (ҳукмдорга тааллуқли зарур хабар бўлса керак), бош эгганча унинг орқа тарафидан келиб, қулоғига қандайдир ахборотни етказиб чиқиб кетди.

Ахборот муҳим ҳам қувончли экан шекилли, подшоҳ ҳазратларининг истарали чехрасида зоҳиран қониқиш аломатларига ўхшаш майинлик кўзга ташлангандек бўлди.

Хиёл ўтмай, Умар Шайх Мирзо ҳазратлари ўринларидан туриб, жавоҳир кўзли кумуш узути безаб турган чап қўлини аста кўтариб қўяркан, амрона тарзда: “Кўзғолиш йўқ, жаноблар! Мушоара давом эттирилсун!” деганча ташқарига йўл олди.

Қалам аҳли учун шундай фармон янграганига қарамай, улар “гур-р” этиб ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қўйганларича олий ҳукмдорни кузатиб қўйдилар.

Умар Шайх Мирзо ҳазратлари анжуманни тарк этишлари ҳамоно, гўё қисқа муддатли танаффус эълон қилингандек, давра иштирокчилари орасида жонланиш, қизгин фикр алмашувлар бошланиб кетди... Бу орада кимлар ўзлари ёқтирган, кўнгила яқин шоирларнинг ижод намуналаридан гула кўтариб олдилар, баъзилар эса бир-бирлари билан ёзмишларини мавоза қилдилар...

Муҳаммад Солиҳ жаноблари мажлис тасарруфини қўлга оларкан: “Жаноблар! Энди шун-

дай келишиб олсак, ҳозирғи навбатни Муродий домуллаға бериб, сўнг амирзодамиздин эшитсак, нима дейсизлар?” деган эди, орадан қизиқ-қизиқ ҳангомалар айтиб ҳаммани кулдириб юрадиган, баъзида чуқур маъноли байтлар ўқиб қоладиган, андак абдолваш шоир Сафар Соқий туриб (ҳар сафаргидек, ўзини баланд овозда “Сафар Соқий” дея таништириб кўяркан): “Жаноблар! Агар, мендин ҳам уч дақиқа вақтни аямасангизлар, рубойи деб аташга балки арзимас, вале тўрт қатор шеърим бор, шуни ўқуб бергон бўлув эдим”, деди.

Анжуман раиси “муаммо бўлиши мумкин эмас” дегандай: “Оре, оре! Ўқийсиз, ўқийсиз, мавлоно”, дея розилик билдириб (ҳали он ҳазратлари борлигида навбати келса ҳам шеър ўқимаганлигини юзига солмай), шоирнинг кўнглига таскин бериб қўйди.

Муродий домуллани катталарнинг сири босиб қолдими, ҳар ҳолда, яқиндагина битирган ғазалини бироз ҳаяжонли овозда ўқий бошладди:

Жаҳондин кетсам, эй дўстлар, бир дили қон ўтди, дерсиз,

Муҳаббат ўқи - ёйиға кўкси қалқон ўтди дерсиз?

Сиру асрорлари пинҳон, иқомат айлаган зиндан

Туню кундузи хуфтон – бир ломакон ўтди, дерсиз?

Ишқ наҳрининг гирдобиди жисми пора – пора,
Тенгрига минг этиб нола, у серармон ўтди, дерсиз.

Умидлар бағридин тоғрач илинжин, муддао завқин

Ҳажр саҳросидин излаб, нотавон ўтди, дерсиз!?..

Келиб оламға тоғди бир давосиз, ишқ – муҳаббатни

Муродға етмайин Муродий зор, сарсон ўтди, дерсиз.

Ғазал ўқиб бўлиниши ҳамоно даврада биринчи бўлиб аллома Амир Хожа Мулло Содир жанобларининг: “Боракалло, шоири даврон! Хўб чошнилик ғазал бўлубдур... Офарин!” деган сўзлари янгради.

Бошқалар ҳам алломанинг чин дилдан билдираётган олқишларига қўшилдилар.

Мақтовлар тугагач, фозили фунун сўзида давом этаркан: “Азизлар! Аруз, назм кишварида анинг “фарзи” бўлуб, бизға Араб дунёсидин муқаддас китобимиз Қуръони Карим оятлари янглиғ кириб келгон! Инчунун, шеърят бўстониимизни унингсиз тасаввур этиб бўлмайдур. Арузнинг рамал, ражаз, мутақориб баҳрлари ва саккиз аслари хусусинда сизларда етарли маълумот бўлғони боис ул ҳақда тўхталиб ўтурмайлуқ. Биламизким, унинг имкониятлари уммон қадар ҳадсиз, зероки, машриқнинг мўътабар шуаролари ёзгон энг гўзал абётлари айнан шу вазнда таркиб тоғгон! Хоссатан, баҳр – арабий сўз бўлуб, денгиз демакдур. Арузда шеър битмак эса мисли денгиздин дур термак била баробардур!” дея сўзини яқунлади.

Хонада алломага: “Раҳмат, устод! Аллоҳ умрингизни бундан-да зиёда қилсун!” деган самимий истаклар янгради. Раис жаноблари ҳам қўлларини кўксига босиб Мулло Содир жанобларига ўзининг

самимий миннатдорчилигини билдириб қўяркан, “Ваъдага мувофиқ, шеър ўқиш навбатини Сафар Соқий жанобларига берсак”, деди.

Шоир жаноблари ўз навбатини жойида тик ҳолда кутиб турарди... Шоша-пиша ўртага чиқиб келди-да, эҳтиром ила бош эгиб, раис жанобларига уч бора мамнунлигини изҳор этибоқ, жиддий тусда ўқий бошлади:

Ўшал кун³ шоҳ, гадо, барча жам бўлур,
Меҳр-мурувват йитиб, шафқат кам бўлур,

Эй Сафар, муфттин кеч,.. бадомўз ўлсанг
Гар олтин бўлса-да, бошинг ҳам бўлур.

Такалум аввалидаёқ шаҳодат бармоғини юқорига кўтариб олган шоир тўрт мисра шеърини шундайин завқ-шавқ билан ўқиди-ки, анжуман аҳли беихтиёр унга маҳлиё бўлиб қолгандилар...

Мийиғида жилмайганча шоирга тикилиб турган Мулло Содир жаноблари шеър маъқул тушганидан қувониб: “Рубоий қойилмақом тарзда битилибди!” дедию, кулиб юборди... Алломанинг кулгуси жуда қаттиқ таъсирланган пайтларда келганини камдан-кам киши гувоҳи бўлгани боис, қалам аҳли ҳайрат билан жилмайганларича устоздан кўз узолмай турардилар...

Эҳтирослар босилгач, раис жаноблари анжуманни давом эттирар экан, шоирга: “Офарин, шоири даврон!” – дея қуллуқ қилди ва жамоага юзланиб: “Жаноблар! Ва ниҳоят, шеър ўқиш навбати Бобур Мирзоға!” деди. Бу ахборотни эшитган қалам аҳли бирданита жим бўлиб қолди...

³ Рўзи – маҳшар кунига ишора

Бобур Мирзо аввалига, Абдуллоҳни ҳам даврага бирга чиқиш учун қистагандай, ўнг қўли билан имо қилган эди, катта даврани сири босиб турган ёш шоир (қизариб кетганча) икки қўлини кўксига босиб, дўстига миннатдорчилик билдириб қўйди.

Бобур Мирзо шундан кейингина шошмасдан ўртага чиқиб келди... Жамоага бир-бир юзланиб, бош эгиб қўяркан, аллома ўтирган томонга қараб: “Муҳтарам устозлар!” дея қўлидаги икки саҳифани кўрсатиб: “Каминада айни дамда икки шеър бор: бири ўзумнинг рубоийдаги машқим, иккинчиси мавлоно Сафойй Андижоний жаноблари форсийда битгон луғзнинг туркий табдили. Қай бирини ўқуб берай?” деб сўради. Мажлис аҳли (айни шу дамни кутиб ўтирган эканларми), бир овозда: “Мирзом! Ҳар иккисини ҳам, ҳар иккисини ҳам!” дея жавоб бердилар... Ёш шоир “хўп бўлади” дегандай бош ирғаб, жарангдор овозда, аввал ўзи ёзган шеърни ўқий бошлади:

Тенгрим! Олам кезарға мисли Дулдул от бер манга,

Йўл азобин енгтали азму шижоат бер манга.

Дилда туғён, тушди ишқ, туркий назм бўстониға,
Айтар ҳар сўзумға тот, бисёр фасоҳат бер манга.

Тингловчилар Бобур Мирзо ўқиган рубоийдан шундай таъсирланиб кетдиларки, бехитиёр қарсак чалиб юбордилар... Амирзода олқишларни бўлиб, дарҳол таржимага ўтди ва Сафойй Андижонийга юзланаркан, “Устоз Сафойй жаноблари! Шеърингизға “Мансуба” деб ном қўйдим, қарши эмасмисиз”, деб сўради. Сафойй жаноблари дарҳол ўрниларидан туриб:

“Мен розимен, Амирзодам. Мантиқан яхши ном қўйибсиз...” деди.

Маснавий лугзнинг таржимаси шундай сатрлардан иборат эди:

Замҳарир қиш эрди, тегра яхмалак,
Донг қотиб уюхлар кўҳна чархпалак.
Муз тешиб дарёга қуллоб ташлаб чол,
Сабрла ўлтирар,.. тиз чўкиб беҳол.
Гар, бир дирҳам ҳадя келмайдур қўлдан,
Баногоҳ, бир рокиб ўтаркан йўлдан,
Дер: Нечун тўққузни учға урмадинг?!
Барча юрғон йўлдин ажаб, юрмадинг?!
Мўйсафед жилмайди, чекди ун анга:
–Абас такалумдин не суд бор манга?!
Аслида, йўқ ҳожат, бундай даккиға,
Урдим,.. лек етмади ўттуз иккиға...

Яна айди:

Шунча жаҳд қилсак-да, жамул жам бўлуб,
Уйимиз бурдойға кетмади тўлуб..
Ризқимиз Аллоҳдин, бешикеб дема,
Йўлингдин қолмағил, ғамимни ема!

Қиссадин ҳисса:

Бундайин қисмат кўп, учрар эрта-кеч,
Мулоқот хурдасин ўйла, топ ва еч!

Бобур Мирзо ўқиган нафақат рубоий, балки маснавий лугзнинг туркий таржимаси ҳам ижод аҳлида катта таассурот қолдириб, ҳисларини жунбушга келтириб юборди... Бу ҳолни уларнинг чеҳраларида жилва қилаётган майин табассумларидан ҳам сезиб олиш қийин эмасди...

Раис жаноблари мажлис аҳлига юзланиб: “Бу икки маҳтутот хусусинда қандай фикр ва мулоҳазалар бор?” дея мурожаат қилганди, Мулло Со-

дир жанобларидан бўлак бирон киши оғиз жуфт-лашга журъат қила олмади...

Аллома жаноблари ёш шоир томон ўтирилиб: “Мирзом! Хушомадга йўймағайсиз, беназир бўлгон таъби назминғизни мен билгон бирон бир шоирникига менгзаб бўлмайдур... Шеърятда ўз услубингиз ва айтар сўзунгиз қатъий шакл топиб бораётғони эса кишини қувонтиради. Чуқур мутолаа ва тинимсиз машқдин толмаслирингизни билламен... Жаноблар, Сизларга маълумки, рубоий сўз санъати шарқона шеърятимизнинг энг кўҳна ва ажралмас бир ирмоғи саналиб, қофияпаймолиғда икки тармоққа, яъниким: “ҳосий рубоий” ва “рубоийи тарона” тизимларига бўлинадур. “Ҳосий рубоий”да биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар бир қофияда келса, “рубоийи тарона”да эса ҳар тўрттала сатр ҳам қофияланмоғи лозим. Кўриниб турибди, Сиз битгон рубоий “ҳосий рубоий” тизимиға мансуб бўлуб, бир сидра кўриб чиқсангиз, ҳазаж баҳрининг аҳрам шажарасиға тўғри келмоқда. Жаноблар! Бир нарсани унутуб қўймасликларингизни сўраймен,.. ҳар қандай қофиялангон тўрт сатрни рубоий деб атаб бўлмайди! Рубоий, аввало, арузнинг қоидаларига бўйсунмоғи ва чуқур маъно, фалсафий мушоҳада касб этмоғи даркор!”

Аллома сўзини якунлар экан, Бобур Мирзога юксак ишонч ва эҳтиром билан истиқболда улуғ шоир бўлишини тилаб: “Ашъорларинғиз доврўғи етти иқлимға қадар кетсун!” дея дуога қўл очди.

Раис жаноблари алломанинг барча ниятларига чин дилдан қўшилар экан, унга раҳматлар айтди ва сўзининг охирида: “Жаноблар! Сафойижон ўқиган маснавий луғзнинг жавобини ким топа билди?- дея ўтирганларга мурожаат қилганди, нотўғри талқин қилиб қўйишдан

чўчиб, ҳамон ўйланиб ўтирган мажлис аҳлидан садо чиқмагач, -азизлар, демак, бунинг жавобини кейинги анжуманга қолдираминиз-да, энди сизларни бир эълондин воқиф этадургон бўлсам: куни кеча Самарқанддин сарой кутубхонасига келтирилгон китоблар орасинда, небахтки, Навоий ҳазратларининг “Ҳамса”сидин бир неча нусха бор экан”, деди.

Бу муждадан ижод аҳлининг юз-кўзларида беихтиёр қувонч учкунлари порлади ва у ер-бу ердан аҳли жамоанинг мамнунлик ила: “Офарин, офарин! Жуда улур иш бўлубдур!”, “Навоий ҳазратларининг пурмаъно суҳбатлариға дохил бўлиш насиб этмаса-да, шукрларким, энг ноёб мусаннафотидин мутолаа қилиш шарафиға муяссар бўлур эканмиз!” деган сўзлари янгради.

Юсуфбек Алишер Навоий ҳазратларини (пинҳона), ўзининг шеърятдаги пири муршиди ҳисоблаб юргани боис бу муждадан қувончларини яшира олмай, ёш болалардек кўзлари пирпираб кетди...

(Ёш шоир Курраи заминда мана шундай улур мутафаккир борлигидан, ул зот билан бир замонда яшаб келаётганидан беҳад фахрланар, чунки, ҳў, ўша, болалик пайтлари, устод Хожа Содир жанобларининг мактабида сабоқ ола бошлаган кезлариёқ ҳазратнинг ижод намуналари билан танишиш шарафиға муяссар бўлган эди. Ўшандан буён сўз сеҳриға, шеърнинг кучиға банди бўлиб қолган ёш Юсуфбек алломанинг Фарғона мулкиға етиб келган барча китобларини йиллар давомида қидиртириб (отаси шаҳарнинг маърифатли кишиларидан бўлиб, касибчиликда ҳам пеш эди. Ўғлининг келажагига бефарқ бўлмаган ота бу ишда ўзи бош-қош турганди) юриб қўлга киритганди. Мана шундай хонадонда тарбия кўрган

тиришқоқ бола уларни мўъжазгина оила кутубхонасида асраб-авайлаб келар, қайта-қайта мутолаа қилишдан завқланар, баъзи пайтлари шеърнинг жозибасидан мутаасир бўлиб, айрим ғазалларига мухаммаслар борлаган эди. Бироқ ҳазратдан истиҳола қилганидан-ми ҳеч кимга кўрсатмай келарди... Юсуфбекдаги шеърятга бўлган муҳаббат буларгина эмас, унинг қувваи ҳофизаси қавий бўлгани боис (қўлидаги) Навоий абётининг барчасини ёд олиб эди. Узоқ қиш кечалари, сандал атрофида бўлиб ўтадиган оилавий суҳбатлар чоғи, отасининг истагига кўра ҳазратнинг ўнлаб ғазалларини, рубойларини (Аллоҳ берган ширали овозда) қироати билан ўқиб берарди...

Юсуфбекнинг бирдан-бир орзуси – Навоий ҳазратлари билан юз кўришиш!

Магарам, аллома рўйхушлик берсалар, бир умр ёнларида хизматида бўлиш, ул зотдан сабоқ олиш - олий мақсади эди. Буни қарангки, Юсуфбекдаги шеърини истеъдод ҳам, йигит кишига хос шиддат-шижоат ҳам, тенгдошлари ҳавас қилса арзигудек мартабада экан! Хиёл ўтмай отаси ва устози Амир Хожа Содир жанобларидан дуони олиб, “Қаердасан Ҳирот!” дея Бухорои шариф томон кетаётган карвон савдогарлари сафига қўшилиб олди. “Яхши ният била киши етар муродга!” деганлари ҳақ гап экан. Не бахтки, Тангрининг шафоати ила Юсуфбек, ... Самарқанди фирдавсмонандаёқ ҳазратнинг муборак қўлларини юзига суртиб, пешларини тавоф қилиш маснадига эришди! Юсуфбекнинг юксак одоби, ёқимли феъл-атвори, қолаверса, шоирлик истеъдоди ҳам, бир мулоқотдаёқ Навоий ҳазратларига ёқиб тушди! Шу зайл, ёш шоирни аллома ўзига шогирд ва айни чорда (кичик) дўст қилиб олди. Қарангки, улар яхши – ёмон кунларда ҳам, тўю тантаналарда

ҳам, бир сафда умргузаронлик қилишиб, жаҳонга устод-шогирдлик анъаналарининг юксак садоқат намуналарини кўрсатдилар! Ҳазрат Самарқандда ҳам, Ҳиротда ҳам, ҳатто Астрободда бўлганида ҳам, Юсуфбекни ҳибзи ҳимоясида тутиб, бир қориндан тушган инисидек олиб юрди... Бир сўз билан айтганда, Юсуф Бадиий Андижоний жаноблари пиру комилнинг қанотлари остида, Ҳиротда нашъу намо топди!

Биламизки, Навоий ҳазратлари ўзигача ва ўз даврининг қалам аҳли хусусинда сўз юритар экан, “Мажолис ун-нафоис” асарида суюкли шогирди Юсуф Бадиий Андижоний ҳақида шундай сатрларни битади:

(Бадиий Андижоний) ... Бузургмониш ва мутасаввир йигит бўлди. “Фақирдин ўзга киши онинг шеърисида сўз, айта олмас эди...”

Ўша қимматли тазкирада яна шундай жумлаларни ўқиймиз: “Аммо яхши суҳбати бор эди ва кўпрак синф ва аруз билар эди...” Қўлига қалам олган бир ижодкорга бундан зиёд бахт бўлиши мумкинми?!)

Қалам аҳли бундайн эзгу ишлар раҳнамоси Умар Шайх Мирзо ҳазрати олийларининг ҳақларига дуолар айладилар.

Бир пайт орқа тарафда ўтирган шоирлардан бири тўсатдан қаттиқ “У-ух!” деб юборди... Шу заҳотиёқ, атрофидагилар “Кирпи! Кирпи!” дея ҳойҳойлашиб қолдилар...

Шоирларнинг ҳаяжонларини тушунса бўларди, чунки анжуман очиқ далада эмас, нақ подшоҳ саройида ўтказилаётган бўлса...

Аён бўлдики, ҳалиги жон оғриғида “ух” тортиб юборган киши, девор таги билан мушукдай бешарпа келиб қолган кирпини кафти билан босиб олибди!..Бир лаҳзалик, аммо кутилмаган азоб-да!

Буни эшитган мажлис раиси дарҳол хизматкорни чақирди. Хона мутасаддиси даҳлизга чиқадиган эшикни атайин қия очиқ қолдириб, орқасида мук тушиб олганча, шоирлар гурунгни тингшаб⁷² ўтирган экан.

У зум ўтмай, қўлида хокандоз билан хонага кириб келди-да, кўзлари типратиканга тушгач, худди йўқолиб қолган қимматбаҳо нарсасини топиб олгандай шошганча бориб, аввал ҳалиги азият чеккан одамдан узр сўради, сўнг ғужанак бўлиб олган жонзотни авайлабгина думалатиб, куракча устига чиқарди.

Худди ноёб жониворни “маофа”да кўтаргандай паҳпаҳлаб ташқарига олиб чиқиб кетаётган эди, раис жаноблари: “Кечирғайлар тақсир, бу маҳлуқ қай тарзда бизнинг анжуманга ташриф буюриб қолди экан?” деди, гапни мутойибага буриб.

Тавозеъ билан қўли кўксидида турган хизматкор “... дайди эмас” деган маънода сийрак соқоли чўзинчоқ ияги билан кирпига ишора қилиб: “Мавлоно жаноблари! Бул “зот” сарой хизматкорлари рўйхатида туради”, деди. Кейин “Ҳар дам хаёллиғим қурсун, кеча тунда ўрта эшикни очиқ қолдиргон эканмен, хизмат жойларини ташлаб, бошқа хоналарга сайрға чиқиб кетгон экан, эрталабдин буён, шу бало қидириб ҳам тополмай тургон эдим. Ҳайрият! Раҳмат сизларга, кўмакдошимни топиб бердингизлар!..” деди, бош эгиб миннатдорчилик билдираркан.

Муҳаммад Солиқ жаноблари жилмайганча хизматкордан кўз узмай: “Яна бир карра кечирғайлар тақсир, ул “зот”ингизға қандай вазифа юклатилгон эканки, ҳатто ҳар кимнинг ҳам номи битилмайдургон сарой аҳли рўйхатида бу

⁷² Тингшаб – ўзгалар суҳбатини яширин ҳолда тинглаш.

арзандангизнинг номлари турса,.. йўғ-е, турсалар?!”

– Раис жаноблари, бу жонзот бажарадурғон юмуш бир қадар масъулиятли,.. яъниким, икки катта хонанинг тозалиғи шул жонзот уждасида... Мана, бир неча йилдирки, бу жониворнинг тасаруфида бўлгон хоналардан майда кемирувчиларни қўя турайлик, ҳатто чумоли ҳам тополмайсиз,.. тутуб, ўша жойнинг ўзидаёқ, ... деганча, у ёғини айтмай,.. давомини қўлда кўрсатиб қўя қолди...

Энди Сизларнинг ширин суҳбатларингиз қулоғига кириб, яшириниб олгон жойидин чиқиб келибди-да,– деди, гўё кирпи учун узр сўраётгандай...

Анжуман аҳли умрида биринчи марта кирпи кўраётган одамларга ўхшаб, куракчадаги ғужжак бўлиб ётган жонзотдан кўз узолмай турардилар...

–Демак, ноибингизни ҳам шеърятга ихлоси баланд эканда,– деди Сафар Соқий суҳбатга зеб бергиси келиб... (Улар анчадан бери ҳамсуҳбат бўлиб келарканлар чоғи...)

Хизматкор “Ҳа, Сафаржон дўстим”, деганча унга юзланиб: “Ахир, айтадилар-ку, “Мол эгасига ўхшамаса, харом ўлармиш...” деб жавоб берганди, Сафар Соқий сўзни яна илиб кетаркан: “Унда кирпингиз ҳам анча-мунча қалам тебратиб турсалар керак”, деганди, орада енгил кулги кўтарилди.

–Ҳали айтғонимдай, бул “зот” била бир неча йилдин буён бир сафдамиз, вале, ҳануз бирон-бир нарсасини айтиб бермади... Ҳа, ғолибо, бир кун эркалатиб: “Тиконий жаноблари!” деб чақирғон эдим, пириллаганча ёғнимга келғони рост,..–деди, жилмайиб.

Бундан кўпчилик пиқирлаб кулиб қўйдилар.

Кимдир: “Ахир, бу муҳибингизда зувон бўлса сизга бирон нарса сўзлаб беради-да!” деган-

ди, хизматкор у кишига қараб: “Кечирғайлар, шоир жаноблари,.. бу маҳлуқни сизгина эмас, кўпчилик, гунгалак ҳисоблаб келадилар... Аслида, ундай эмас! Қайси йили эдийкин,.. хотиримдин кўтарилибди... Ҳар ҳолда эрта баҳор эди, даҳлизда ётгон эдим. Вақт алламаҳал бўлғонда ичкаридин бир ниманинг кишнаганга ўхшаш овози эшитилиб қолди... Шошганча фонусни илкимга олиб, ичкарига кирдим... Не кўз билан кўрайинки, кирпичи жонивор орқа оёқларида турганча қаддини бироз кўтариб, янги тўпчоқ бўлғон қулуннинг овозига ўхшаш товуш чиқариб турарди... Албатта, унинг кишнаши бироз майин, бироқ жарангдор эди...”, деди. Кўпчилик танирқагандай⁷³ бўлиб, “Ё, Оллоҳ! Шундоқ ҳам бўларканми-а?” деб кўйдилар.

Баъзилар эса “Йўғ-е, бўлмагон гап, тақсир...” дея хизматкорнинг гапларига ишонқирамай турганди, Бобур Мирзо ўтирган жойидан сакраб туриб, ўртага келди-да, анжуман аҳлига қараб: “Жаноблар! Устоз Алп Баҳодир жаноблари бир ўғри каззобни қўлга олиш учун, қабристонда уч кеча тунаб қолишига тўғри келгон экан... Бир тунда, Ой шуъласида, кишнагон кирпичини ўз кўзи била кўргонини сўйлаб бергон эди...” деганди, хижолатчиликдан аланглаб турган хизматкор: “Аллоҳ умрингизни зиёда қилсун, Амирзодам! Раҳмат Сизга! Мени ёлғончи бўлуб қолишдин сақладингиз”, дея қайта-қайта қуллуқ қилиб юборди...

Муҳаммад Солиҳ жаноблари яна хизматкорга юзланиб: “Тақсир, мана, Мирзомнинг гувоҳлигида бир “чиририк”дин ўтуб олдингиз... Ажабо, Сизни шеъриятга ошино эканлигингиздин кушод беҳабар эканмиз-а!.. Бир-икки шингил бўлса-да, бизни ҳам ижод намуналарингиз

⁷³ Танирқаган – ҳайрон қолган

била танишиш шарафига муяссар этсангиз бўлармиди?” – деди.

Хизматкор бироз ўнғайсизланиб оларкан: “Жаноблар! Аслида, хат-саводи йўқ оми одаммен,.. вале ўзум ёқтиргон маталларни ёд олиб, жамлаб юрамен. Баъзан-баъзан, ўзумдин ҳам янгилари чиқиб кетади холос”, деди...

Сафар Соқий орага: “Тўғри, тўғри, “Бир кишига” иш буюрсанг, матал тўқийди” деб бежиз айтилмагонку...” дея қистириб қўйди.

Кейин барча бир овозда: “Қулоғимиз сизда, тақсир. Ўша янгисидин эшитайлук, эшитайлук?!” – деган илтимослар тушганди, хизматкор рози бўлгандай бош эгиб қўйди-да:

“Осмондин чалпак ёғишин кутма,
Лек дардларингни ичингга ютма...

Иккимчиси: Сабр қилинг сингилжон, кўп нарсалиқ бўларсиз,.. “Эгачинғиз эрга текканда”, деб қўйди-да, Сафар Соқийга юзланиб: “Сизга ҳам насиб этар мукофоот, фақат “Туянинг думи эрга текканда”, деганди, шоирлар хандон отиб кулиб юбордилар.

Сафар Соқий “Майли-майли, туянинг думи ҳам бир кун эрга тегиб қолар” – дея ҳануз ғужанак бўлиб ётган кирпига ишора қилиб, – анави “игначопонингиз” мунча тумтайиб олмаса, – деди.

Хизматкор: “Бояқиш кўпчиликнинг олида тортиниб турибди-да, шоири даврон!...” – деганча, ташқарига чиқиб кетди.

Сафар Соқий унинг ортидан: “Унсинғизни қўйнинғизга солиб олинг, қўйнинғизга!”⁷⁴ – деб қолганди, йўл-йўлакай хизматкорнинг даҳанидан: “Бул зотнинг хизматиға яраша қадрлайдурғон бўлсам, бошимгаёқ қўйиб олишим керак”,.. деб қўйди.

⁷⁴ Бир кишига – дангасага демоқчи.

Муҳаммад Солиҳ жаноблари: “Мана, жаноблар, андак ҳангамалашиб ҳам олдук”, дея “Устод, Сизда қандай фикрлар бор?”—дегандай, аллома Амир Хожа Содир жанобларига юзланганди, у киши “бир лаҳзаға” дегандай шаҳодат бармоғини кўтариб: “Жаноблар! Гоҳида, мана шундай ҳазил-хузуллар бўлуб турғони яхши, албатта. Ҳали эслаб ўтғонимиздек, бизга Араб дунёсидин кириб келғон жонзотлар рўйхатиға мушук била робита кабу-тарларини ҳам кўшуб кўйишингларни сўраймен. Унгача эса, мушукнинг барча юмушларини ортиғи била мана шу беминнат кирпичлар бажариб келғонлар!”—дея изоҳ бериб кўйди. Шу тариқа муттасил икки ҳафтада бир маротаба, подшоҳ саройида ўтказилиб турадиган навбатдаги шеърят базми ўз поёниға етиб борарди...

Мажлис раиси адабий даврада иштирок этган барча қалам аҳлиға ўз ташаккурини билдира туриб, уларға соғлиқ-омонлик, осуда турмуш ва ижодий ютуқлар тилаганча мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Улар ўрниларидан турибоқ, кўнгил яқин сафдошлари билан (қайтадан) қучоқ очиб кўришар, бир-бирлари билан ёзмишларини алмашиб олар, баъзида савол-жавоблар маиший мавзуларға ҳам уланиб кетар, эркин мулоқот қизигандан қизиб борарди... Ярим ой давомида кўнгил меҳробида тахланиб қолган “дард”ларини тўкиб олган шоирлар ўзларини гўё осмону фалакда, фаришталардек ҳис этишар, чунки улар шу дамда дунёнинг барча ташвишларини унутиб юборган эдилар!

Ана, бир неча шоир Абдуллоҳни ўраб олиб, Бобур Мирзонинг рубойиси ва маснавий луғзидан нусха кўчириш билан банд. Валиаҳд эса алломанинг пинжига кирволиб, анчадан бери ўйлантириб

келаётган айрим маълумотларга ойдинлик киритиб олмоқда...

Бир пайт ўша икки табақали нақшинкор эшик “ланг” очилиб, остонада (саройда “Чатик қош” лақаби билан танилган) бош шиговул Масъуд тағойининг хушсурат чеҳраси пайдо бўлди.

У икки қўлини кўксига босиб, баланд овозда қалам аҳлига мурожаат этаркан, “Жаноблар! Подшоҳ ҳазратларининг фармонлариға бинонан, бирон-бир киши ҳам хато қилмай, барча хос меҳмонхонаға ўтсун экан! Дастурхонимиз Сизларға мунтазир!” деган сўзлари янгради.

Ижод аҳли ўзаро суҳбатларини давом эттирарканлар, ёшларига, илм ва тафаккур даражаларига қараб сафланганларича, бир-бир босишиб тақлиф этилган манзил томон жилиб кетдилар...

Ҳамма чиқиб кетгач, ҳайҳотдай хонада Бобур Мирзо билан Абдуллоҳгина қолган эдилар холос...

Улар зўр иштиёқ ва қунт билан хомаларини қитирлатганларича, анжуманда пишиқтириб олган “қоралама”ларини оппоқ қоғозга қайта ёзиш билан машғул эдилар...

БОЛАЛИКНИНГ СЎНГГИ КУНИ...

«...Ахси қўрғони баланд,
жар устида воқе бўлубтур,
иморатлар жар ёқасида эрди.

Ушбу таърихда душанба
куни рамазон ойининг
тўртида Умаршайх Мирзо
жардин кабутар
ва кабутархона била учуб,
шунқор бўлди.

Ўттуз тўққуз ёшар эрди...»

«Бобурнома»дан

Султон Умаршайх Мирзо жаноби олийлари бир неча йиллар муқаддам кўҳна Андижоннинг сўлим гўшаларидан бири «Улуғ хон қўриғи»да барпо этган, анвойи ношпотларию шириндан-шакар узумлари билан доврўғи кетган муҳташам чорбоғ.

Гирдо-гирдини беш пахсали девор муҳофаза қилиб турган қўрғонни ташидан ҳам шохлари тарвақайлаб кетган азим ёнроқлар ўраб олган.

Чорбоғ этагидан оқиб ўтаётган Андижонсойнинг шарқироқ суви соҳил бўйлаб мўътадил муҳит яратиб турар, Бобур Мирзо ёз келиши ҳамано мисдай қизиб кетувчи Арк ичида қолмай, ҳарб ва гуштгирлик машқларини шу маъвода ўтказишни хуш кўрарди.

Хонзодабегимнинг мучал тўйлари шарофати билан ўтказилган катта маросимда барча аёлларга қимматбаҳо совғалар улашган подшоҳ ҳазратлари навбат мўътабар қайнонаси Эсан Давлатбегимга келганда ўша чорбоғни пешкаш қилиб юборганди.

Боғ Пошшо буви қаламравига ўтгач, «Бобур Мирзоға» атаб, аввал қўйи тарафга чавгон, қабақ

уриш, кураш майдонлари, энг четга кўрғон девори бўйлаб махсус зотдор отлар сақланадиган сайисхона, чорпо учун ёпиқлар, улардан бироз қочириб, хизматкорлар ихтиёрига бир неча хоналар қурдирди. Кейинги йилга келиб, фахри, диликаптар узумларнинг сурхун новдалари соя ташлаб турган саҳндан нарига, икки ошиёнлик асосий бинога мос қилиб арақи усулда пештоқлари нақшинкор, катта, ёзлик айвон, матбах ва шарқона тарзда мўъжазгина ҳаммом солдирди. Ҳар ҳолда, ўн беш таноб ерга навли кўчатларга ортиқча футур етказмай ҳам, режа билан анча нарса жойлаштиради булар экан.

Албатта, маҳди улё кейинги қурилиш ишларининг барчасини (куёв ўғли подшоҳ бўлганда ҳам, унга ифшо этгиси келмай) ўз сандиғидан молиялаштиради. Ишлар ниҳоясига етгач, Умаршайх Мирзо ҳазратлари келиб, чорбоғни завқ билан тамошо қилди. Юксак дид билан бу ерда барпо этилган кўркам иншоотлар саховатпеша ҳукмдорнинг кўнглига шукуҳ бағишлаб юборди чоғи, кори хайр йўлида бир неча жонликлар сўйдириб, юртга ош берди. Анжуманда бинолар тарhini чизган меъморга, сидқидилдан хизмат қилган барча усталарга совға-саломлар тортиқ қилди. Айниқса, муҳим ҳарб ишлари билан Кошғарга йўл олган «кичик хон дода»нинг Андижонда бўлиши ва маросимдаги иштироки йиғинга ўзгача файз бағишлаганди.

Чорбоғ сой соҳилида барпо бўлганидан, ўшанда, унга «Соҳили дилфизо» деб ном бергандилар.

Дарвоқе, чорбоғнинг яна бир қулай томони шунда эдики, унинг кунботар тарафидаги «Хўжа тўпи» мавзесидан сал нарида, Эсан Давлатбегим тасарруфидаги Султон Юнусхон Мўғулистондан кўчирма қилдириб келган икки минг нафар лашкарнинг хонадонлари жойлашганди.

Тонг саҳардан чорбор ҳудудига кириб келган икки сувори (устоз ва шогирд) отларини жиловдорлар қўлига топшириб (Бобур Мирзо ров кириб Пошшо бувисига кўриниш бериб чиққач), машқ майдони томон ўтиб кетдилар.

Хиёл ўтмай улар тарафдан қиличлар жарангию шогирдининг маҳоратидан кўнгли тўлиб бораётган Алп Баҳодирнинг шавқ билан: «Оре!» «Оре!» «Аҳсан!» «Аҳсан!» – деган ҳайқириқлари қулоққа чалина бошлади.

Сипоҳларнинг бутунги режадаги машқи, жанг олиб бориш усулларида бири «Пиёданнинг жанг майдонидаги ҳаракатлари», деб номланарди.

Бобур Мирзо бу машқни устози кўрсатгандек, лочинкўз бўлиб, ҳақиқий жанг олиб бораётган навкардай ўта шиддат билан қилич ўйнатиб, «рақиб»ига гоҳ чапдан, гоҳ ўнгдан, гоҳида олдиндан шердай ташланар, қани энди, унинг ҳимоясида кафтдай очиқ жой топа олса!

Алп Баҳодирнинг жанг олиб бориш услуби мутлоқ ўзгача, ўта мураккаб, яшин тезлигидаги алдамчи ҳаракатлар, кутилмаган жойдан ҳужум ва метин ҳимояга асосланган.

Бобур Мирзо шу зайл то «Бас!» деган буйруқ берилгунга қадар, муттасил қилич чопиб, бир неча ўн маротаба «жангга» кирди. Валиаҳднинг шижоати шу даражада баланд эдики, агар ўша сўз эшитилмаганда, «жанг»ни тушгача давом эттиришга ҳам тайёр эди.

Қиличлар жаранги тўхтаб, сипоҳлар бошдан дубулғаларини олиб, андаккина нафасларини ростлаб олдилар.

Бир зум ўтиб, отлар дупури эшитила бошладди. Ҳа, муборизлар энди чавгон майдонига ўтган эдилар. Бу Амирзоданинг ёқтирган ўйинларидан бири.

Чавгон, аслида, катталар машғулоти бўлса-да, тақими билан отининг қапталидан маҳкам қимтиб олган тахт вориси бор бўйи билан гўйга интилиб, энгашганча шундай ҳаракатлар қилардики, қарши тарафда турган отнинг устида чавандоз борлигини ҳам сезмай қоларди.

Ахир чавгон калтаги гўйга етиб, унга зарба ҳам бериш керак-да!

Ҳали замон кун қизиби, навкарлар ташналикдан қийналиб қолмасликлари учун рамазон ойи киргандан бери бироз қисқартирилган режадаги машқлар олиб борилмоқда.

Кун чошгоҳга боргандагина барча шовқинлар тиниб, устоз ва шогирд юз-кўзларидаги терларни артганларича ўша нақшинкор пештоқли айвонга чиқиб келдилар.

Бобур Мирзо ҳар доимгидек машқларни зўр иштиёқ ва шавқ билан бажарганидан эғнидаги оқ яктаги тердан баданига ёпишиб, истарали чеҳраси лоладай қизариб кетганди.

Хизматкорлардан бири чошиб келиб ҳар иккала сарбозга ҳам янги сочиқлар тутди, кейин айвон четида турган кенг, дастали елпигични олиб уларга бироз шабада бахш этишга уннади.

Қарангки, Темурийзодалар тарихида энг кўнгилсиз воқеалардан бири сифатида қолган ўша кунги сана – сешанба, ҳижрий саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил, рамазон ойининг беши эди.

Во ажаб! Кажрафтор чарх айнан ўша куни, бир лаҳзадаёқ Бобур Мирзонинг бахтиёр болалигига чек қўйиб, катталар сафига қўшиб қўйиши ёлғиз Ўзидан бўлак ҳеч бир зотга маълум эмасди!

Баногоҳ, хизматкорлардан бири улар томон тез юриб келиб, таъзим бажо келтирди-да, саросима билан: – Амирзодам! Ахсидан чопар! – деди титроқ овозда.

Бобур Мирзо дарҳол сергакланиб: – Айтинг! Келсун! – деди. Йўлакда чопар либосидаги хипчадан келган йигитнинг гавдаси кўринган ҳамон Подшоҳ отасини хосчопари – шутурпари Мазид набира эканини таниб кўнгли қандайдир ноҳушликни сезгандай шув этиб кетди.

Хизматкор ўзини нилий мрамардан фарш қилинган йўлакдан четга олиб, уни имо билан валиаҳд қошига чорлади.

Чопар шитоб келиб, бироз нарида тиз чўкиб таъзим қиларкан: – Амирзодам! Шақоват!!! Фожиа рўй берди! – деганча у ёғини айтолмай, овозлари бўғилиб қолди.

Бобур Мирзонинг юзлари жиддий тус олиб: – Сўйланг! Қандай фалокат?! – деб сўради жарангдор овозда.

Чопарнинг афти бўздай оқариб кетганди. Бир амаллаб ҳиссиётларини босиб олган чопар: – Падари бузрукворингиз олампаноҳ Султон Умаршайх Мирзо жаноблари кеча Аҳси қалъасида кабутархонада мудҳиш воқеа даст бериб ёруғ дунёни тарк этиб кетдилар, – деди-да, бошини ҳам қилганча ҳўнграб юборди.

Кутилмаган мусибатдан Бобур Мирзо ҳам, устози ҳам, беихтиёр, бор овозда: «А-а-а!!!» деб юборганларини билмай қолдилар.

Муборизлар даҳанидан шерлар наърасидай отилиб чиққан ана шу биргина сўз бутун чорбоғ ичини ларзага солиб ташлаганди.

Орага даҳшатли бўрон олдидан бўладиган сирли сукунат чўкканди.

Алп Баҳодир вазиятни кўлга оларкан, чопарни ўз ёнига чорлаб, таъқиб билан фожиа тафсилотларини сўрай бошлади. Чопар ниманики ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлган бўлса, бирма-бир, ипидан игнасигача, минг бир изтироб билан сўзлаб берди.

Ҳатто, Сайхундан подшоҳ ҳазратларининг жасадини олиб чиқишда қатнашганини, чиқиб жар билан бирга ўпирилиб тушган кабутархонанинг қолган қисмини кўздан кечирганини, фалокат олампаҳоқ «Оқпар»ни Марғинонга учириб юборганидан сўнг содир бўлганини ҳам айтиб ўтди.

Чопарнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб, оғир тин олган устоз маънос нигоҳи билан унинг кўзларига боқаркан: – Шутурпари жаноблари! Фақат ўз мулоҳазанғизни айтинг?! Бу фожиада суиқасд аломатлари сезилмадиму сизга?! – деди қатъият билан.

Бу саволдан чопарнинг юзи янада жиддийлашиб: – Жаноб Алп Баҳодир! Олампаҳоқнинг атрофидағи мазбут кишилар ҳам сўйлаб берсалар керак, бироқ бу ходисани «Фалокат оёқ остида», деганларидек, кутилмағон бахтсизлик содир бўлди, деб ҳисоблаймен, – деди ишонч билан.

Алп Баҳодир бир нуқтага тикилганча унинг гапларини диққат билан тинглаб ақл мезонидан ўтказаркан, чопарнинг фикрига қўшилгандай ўкинч ва алам билан аста бош чайқаб қўйди.

Чиндан ҳам бу улур инсоннинг темурийзода Султон Умаршайх Мирзо шахсига бўлган садоқати бениҳоя баланд эди.

Умр бўйи нафақат унинг ўзига, балки сулола давомчиси – Бобур Мирзога бор маҳоратини, жанг олиб бориш санъатини сингдириб юборишни бутун онгли ҳаётининг мазмуни ҳисобларди.

Алп Баҳодирдаги бу фазлу камолот, кўп йиллар давомида жангу жадалларда синалиб шакланган, ёруғ дунёда ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайдиган, инсондаги мустаҳкам эътиқод ва дўстлик ришталари асосида пайдо бўлган ноёб туйғулар эди.

Бобур Мирзо бошини қуйи солганча, шамдай қотиб турган жойида қулоғига кираётган шутур-парининг ҳар бир сўзини диққат билан мулоҳаза қилар, отасининг фожиявий тарзда ҳалок бўлганига сира-сира ишонгиси келмасди, чунки унинг тасаввурида падари бузрукворининг сиймоси ҳеч қандай нарсадан қайтмайдиган, паҳлавон темурийзода, ҳақиқий девкуш, анча-мунча куч кўзғота ололмайдиган метин қоядек гавдаланиб қолганди.

Бобур Мирзо машъум хабардан жунбушга келган ҳиссиётларини бироз босиб оларкан, чопарга бир неча саволлар бериб, фалокатнинг кичик тафсилотларига қадар сўраб-суриштирди. У ўз кўзи билан кўрган, аниқ билганларинигина сўзлаб алам билан: «Амирзодам! Сизга яна бир нарсани айтсам, Олампаноҳнинг муборак таналари метиндай бикр эканлар. Фолибо, икки терак бўйидин зиёд тепаликдин шунқор бўлсалар-да, жонлари таслим бўлмагон эканлар. Ўпирилма пайти гумбурлаб чиққан шовқинни қалъа ичида тургон барчамиз эшитгон бўлсак-да, Сайхуннинг бўйига учиб чиққунимизга қадар, Худо еткузгондек, гузарда бир тўп маллоҳ, қайиқчи ва солчилар ҳордиқ чиқариб ўлтургон эканлар. Фалокатни кўрибўқ, дарёда сув катта бўлишига ҳам қарамай, ҳаммалари филҳол сувга ёўта уруб Олампаноҳни қутқариб олишга киришибдилар. Биз қалъадин чиқа солиб, кечувга етиб келганимизда падари бузруворингизни авайлаб қайиққа ётқизиб қўйгон эканлар. Зудлик била маофа келтуруб, Тошқўрғондаги хосхоналарига олиб чиқиб қўйгонимизда, аксар мучалари соғдай, икки муштини маҳкам тугуб, хиёл жилмайгандай жим ётардилар. Фақат сўл қулоғидин андак қон сизиб қолгон экан, холос. Волидан муҳтарамалари Султонбегим хоним бош икки тайиб, инингиз Жаҳонгир Мирзо, Али

Дарвешбек, Мирзоқули Кўкалтош, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло киби беклар ва бир неча чухралар то тонгга қадар Олампаноҳнинг пой-идин бир қадам жилмай турдилар. Тайиб тез-тез томирларини тутуб, даҳанлариға ойна кўюб қўяр, нафаслари билинар-билинемас чиқиб турарди. Жон узилишдин чийзи аввал Султонбегим хоним бир юмуш била ташқариға чиқсон пайтларида калима келтурғондек бўлиб, бир нима дебдилар, вале беклар бирор нарса уқиб ололмай қолибдилар. Энг сўнггида, Сизнинг исминғизни айтиб чақирғонларини эса барча эшитибди!

Эй, Амирзодам! Он ҳазратларининг жонлари узилгон маҳал қалъада қиёмат кўпуб, кўрғонларзага келди! Ахсида ҳозирча аза очмасликка, маййитни эса бугун чошгоҳда Тошқўрғонға дафн этишга қарор қилганларидин сўнггина мен бу тарафға қараб чопдим».

Шу дамда алам ўтида ёниб турган валиаҳднинг хаёлидан «лип этиб» отаси билан боғлиқ икки манзара ўтди. Биринчи ўтган қишда шикор пайти тушовга бўйин бермаётган баҳайбат эркак марални бўйнига бир мушт уриб, ҳушидан кетказиб қўйганию, мучал тўйи куни бир эмас, учта зотдор той, ироқи шамшир, олтин тўқали чарм камар, шоҳона либослар тортиқ қилаётиб ўғлининг белини маҳкам қисиб қўйганини эслади.

Кафтнинг орқаси билан кўз ёшларини сидириб ташларкан, қиблагоҳига бўлган чуқур эҳтиром-ла: «Отажоним...» деган биргина сўз юрагининг туб-тубидан отилиб чиққандай бўлди.

Аслида ҳам, ота-бола ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром шу даражада баланд эдики, Олампаноҳ ҳар қанча сизлаб эркалатмасин, юксак тарбия кўрган Бобур Мирзо атиги бир маротаба бўлса-да, падари бузрукворининг юзига тик боққан эмас!

Султон Умаршайх Мирзо салтанат ташвишларидан ҳоли бўлган чоғлари бироз ҳордиқ чиқариш учун бек ва умароси билан ўтириб қолгудек бўлса, кўнгли бирдан валиаҳдни тилаб қолар, Амирзода Андижонда бўлсагина подшоҳ ота уни зудлик билан қошига келтириб қўйишларини буюрарди.

Бир неча йил аввал шундай воқеа бўлиб ўтганди. Олампаноҳ Самарқанддан келган меҳмонлар билан бўлиб, шаҳзодани икки кун кўролмади. Ўғлини соғинган ҳукмдор филҳол базм бўлаётган жойга Бобур Мирзони олиб келишларини буюрди.

Тахт вориси икки кўлини кўксига қўйиб, таъзим билан отаси ўтирган хонага кириб келди. Олампаноҳнинг кайфияти осмон қадар баланд экан, хурсанд бўлиб кетганидан: «Боракалло, чўмбирий Мирзом!» – дея эркалатганча қўлларини ёзди. Бобур Мирзо барчага салом берди-да, дастурхончилар йўлакчасидан чопиб бориб отасининг бағрига отилди. Кўришиб бўлгач, унинг қулоғига секин бир нималар деб шивирлаб қўйганди, ҳукмдор думалоқ қорнини силкитиб бор овозда кулиб юборди. Кулги аралаш: «Тўғри, тўғри айтадурсиз Мирзом, қушод хотиримдин кўтарилибдур, узр, шундай сўз бериб эдим», – деганча ўзини аранг тўхтатиб олганди.

Олампаноҳнинг бунчалик ҳузур билан кулишига сабаб Бобур Мирзонинг: «Отажон, мен катта йигит бўлиб қолдум, энди бу ном била Жаҳонгир Мирзони эркалатсанғиз бўлади», – деганди ўшанда.

Алп Баҳодир шогирдининг ортидан келиб, елкасига қўлларини аста қўйди.

– Амирзодам! Ўлим ҳақ! Бу – Тенгрининг иши! Бандасининг умри битгон экан, анга ҳеч бир зот ёрдам бера олмайдур! Аввало, Яратгон эгам, Олампаноҳимизни ўз раҳматиға олгон бўлсун!

Бундайн таҳликали дамда ўзимизни йўқотмай, тийрак турмоқлигимиз лузум! Ўзингизни қўлга олинг, Амирзодам! – деди салобат билан.

Устозининг сўзлари кўнглига таскин берди чори, Бобур Мирзо Алп Баҳодирнинг юзига маъюс боқиб қўяркан, чопар билан хизматкорнинг кетиши учун изн берди.

Улар жилиб бораётганди: «Мақсуд тағойи! Пошшо бувимга ихбор қилдингизму?» – деб сўради синиқ овозда.

Хизматкор: «Ҳа, Мирзом! Хабарингиз бор, Пошшо бувимлар «Мўғул тўпи» га кетиб эдилар. Арава жўнатгонбиз, ҳозир-ўқ етиб келсалар керак», – деган жавобни берганча рамгин бир қиёфада бино томон одимлаб кетди.

Ўзлари ҳоли қолишгач, Алп Баҳодир Бобур Мирзонинг билагидан олиб, аста-аста босганлари-ча айвон ўртасидаги нақшинкор хонтахта ёнига келдилар.

– Мирзом! Кўргулукму, қисматму, Аллоҳнинг иноятиму, буни аниқ айтолмаймен, – дея, босиқлик билан гап бошлади устоз, – бовужудким, шу лаҳзадан эътиборан Фарғона мулкининг тасарруфи Сизнинг уҳдангизга тушди!

Сиз ҳамма нарсани унутуб фақат салтанат, элулус тақдири ҳақида қайғурмоғингиз керак! Афсус, бундайн мушкул ва залворли юмуш, биайни, Сизнинг ўсмирлик даврингиз бўсағасига тўғри келиб турибдур. Сиз энди шу дамдин шогирд эмас, салтанатнинг қонуний ҳукмдорисиз!

Менинг камтарона хизматларим эса айни шу нуқтада поёнига етди! Минг бор узрлар сўрайманким, вазият энди уззукун Сизнинг қошингизда бўлмоқлигимга йўл бермайдур! Рози бўлғайсиз, Мирзом?! Тузунгизни кўп ичдим, вале хизматингизни оз қилдим.

Бобур Мирзо қадрдон устозининг бу сўзларидан тўлқинланиб кетаркан:

– Ундоқ деманг, устоз! Сиз менга жуда кўп нарса ўргатдингиз. Аввало, Сиз ризо бўлмоғингиз керак! – деди.

«Шукрларким, – дея сўзини давом эттираркан, – хушомадга йўймағайсиз, Мирзом! Шу кунда, шу ёшда таъби назминғизни айтиб ўтирмай, ақл-фаросат, азму шижоат, кучқувват ва муборизлиқта ҳеч бир темурийзода Сизга тенг келолмайдур! Улуғ бобокалонинғиз Соҳибқирон Темурбекнинг тузукларини кўп мутолаа қилдингиз. Мана, энди юрт бошқаришда Сизга бирдан-бир дастур – ана шу! Тахтга ўтиришинғиз ҳамоно, неажабки, тегранғизда дўст ҳам, душман ҳам бисёр бўладур. Муҳими, аларни ажрата билмоқлик. Яна бир зарур гап. Қай йўл била бўлса-да, отанғизнинг садоқатли бекарини илгинғиздин чиқормағайсиз, вале, ихтиёринғизни ҳам аларга бермағайсиз! Сизга бу ишда энг яқин маслаҳатгўй Пошшо бувинғиз – Эсан Давлатбегим бўладилар!

Шу пайт ҳалиги хизматкор чопиб келиб: «Амирзодам! Пошшо бувим келиб-ўқ, зудлик била Сизни тилаяптилар», – деди.

Бобур Мирзо бош ираб: «Ҳозир», – деб қўйса-да, устозидан ажралгиси, уни ташлаб кетгиси келмас, бир-бирларига меҳр кўзлари билан боққанларича унсиз туриб қолгандилар...

Алп Баҳодир охири: «Боринг, Олампаноҳ!!! Боринг! Пошшо бувимлар мунтазир бўлуб қолмасунлар. Ушбу дамда ҳар бир дақиқа ғанимат! Мендан кўнглинғиз тўқ бўлсун. Мен ўла-ўлгунча сизнинг хизматинғизга тайёремен!» – деган сўзлари кўз ёшлари билан бирга чиқар, маҳзунликнинг эса адоғи кўринмасди.

Ҳузунли ҳиссиётлар гирдобида қолган Алп Баҳодир шогирдини сўнги бор бағрига босиб кузатиб қоларкан, илтижо билан: «Эй, Тенгрим! Мирзомни ўз паноҳингда асра! Ҳали у бола!» – дея қайта-қайта пичирлаб қўяр, гўё яккаю-ягона ўғлини аёвсиз жангга киритиб юбораётган отадай йўлақда кетиб бораётган Бобур Мирзодан нигоҳини узолмасди.

Бир зум ўтиб ҳушёр тортган Алп Баҳодир шогирдининг ортидан: «Мирзом! Иншооллоҳ, келажакингиз порлоқ! Сизни буюк ишлар кутиб турадур. Сиз ҳали ҳеч ким уддалай олмагон юмушларни бажарасиз! Бунга имоним комил!» – деб қўйди, ички бир ишонч билан.

Фарғона мулкининг қонуний ҳукмдори қулоғига Алп Баҳодирнинг сўнги сўзлари етиб келмаётган бўлса-да, бино олдига келганда бир лаҳзага тўхтади... Ортига ўгирилиб нигоҳини устози турган тарафга қаратди. Қалин дарахтлар ортида Алп Баҳодирнинг қораси кўринмай қолганди. Бобур Мирзо турган жойида ўша томонга қараб уч қатла бош эгиб, таъзим бажо келтирди. Шундан кейингина остона ҳатлаб, саройнинг аъён ва ақобирларини жамлаб ўтирган Пошшо бувиси томон жадал юриб кетди.

ХУФИЁНА БИТИМ

Узун Ҳасан ва Танбал золим
ва фосиқ ва кофирваш одамлар
эди, раият вилоят эллари булардин
бисёр оғриб эдилар.

«Бобурнома»дан

«Бу фитналарни ангиз қилғучи,
мундин қочиб борғонларни ёмон-
лиққа тез қилғучи худ Узун Ҳасан
ҳаромнамак экандур. Барчаси Сул-
тон Аҳмад Танбал борғон била зо-
ҳир ва ошкора ёмонлиқ мақомида
бўлдилар...»

«Бобурнома»дан

Бедиёнат судур бидъати
саййи адур била – зарур,
Бу нокас агар олийдур фиску
фужур анинг комидур.

Алишер Навоий

Ахсидан келган машъум хабар нафақат подшоҳ
хонадони соҳибларини, балки Андижон аҳлининг
ҳам кўнгилларига маҳзунлик солиб қўйди.

Кўк юзига «қора парда» тортилгандай, кечга бо-
риб Андижон осмонида ҳар куни чарақлаб турган
юлдузлар ҳам кўринмади. Гўё бутун Фарғона мул-
ки ўзининг «баланд ҳимматлиқ ва улур доиялиқ»
подшоҳига аза тутаётгандай эди.

Хуфтон намозига азон айтилиб, таровиҳ
ўқиш учун ташриф буюрган намозхонлар сафи
шаҳарнинг энг катта Дувахон масжиди хона-

қоҳига сифмай бутун ташқариларга ҳам жойна-
мозлар тўшалди.

Хожа Мавлонойи қози жаноблари масжид
меҳробидан туриб жамоани нохуш хабардан
воқиф қиларкан: «Муҳтарам жамоати муслимийн!
Подшоҳи аъзам Султон Умаршайх Мирзо жано-
блари кеча рамазон ойининг тўртинчи куни, пе-
шин била аср намозлари орасида, Ахси қалъасида
фалокат даст бериб, дорул бақоға рихлат қилиб
кетдилар», – деди қайғу билан.

Мудҳиш хабардан таъсирланган аҳли жа-
моа беихтиёр: «Ё Олло! Ё тавба!» – деб юборди.
Ҳиссиётлар бироз босилгач, қози ҳазратлари раи-
ятга мурожаат қиларкан: «Қани, аҳли муслимийн,
Яратганга илтижо қилайлук, илоҳо, саховатпеша
олампаноҳимизнинг охиратлари обод, ётгон жой-
лари биҳишт боғчаларида бўлсун!» – дея дуога қўл
очди. Сафдаги барча мўминлар ҳазратга иқтидо
қилиб, яқдиллик билан билақларини кўтардилар.
Эътиқоди баланд мусулмонлар эса: «Муборак ра-
мазон ойида омонатни топшурмоқ– ислом кишиси
учун Эгамнинг махфирати», – дея бир-бирларига
тасалли бердилар.

Кимдир: «Ҳазрат! Олампаноҳимизнинг жонла-
рига суиқасд қилинмадимикун?» – деб сўради.

Ҳазрат: «Йўқ! Беклар маҳкам туруб азмойиш
олибдилар, вале, ҳеч қандай суиқасд аломатлари
топилмабди. Афсуслар бўлсинким, тасодифий фа-
локат содир бўлгон экан»

«Бобур Мирзо шу ерда эканларму», «Маййитни
Андижонга келтирибдиларму», – деб сўрагандилар,
қози ҳазратлари: «Ҳа, валлаҳд шу ерда эдилар,
бутун салтанатни қабул қилиб олди, жаноблар!» –
деди қониқиш ҳисси билан.

Одамлар орасида: «Хайрият! Хайрият! Айни
муддао бўлибдур!» – деган сўзлар эшитилди. «Вали-

аҳдимиз ҳали бола-ку!» – деганлар ҳам бўлганди, Ҳазрат: «Тўғри айтадурсиз жаноблар, тахт вориси ҳали ёш, вале, шу кунда шу ёшда адолат, шуъжоат, ақлу фаросат ва муборизлиқта, бу темурийзодага бас келадурғон бирон-бир кимсани нафақат Фарғона мулкида, балки, бутун Мовароуннаҳрда ҳам топиш амримаҳол», – деб таъкидлаб қўйди. Кўпчилик: «Тўғри, тўғри айтадурсиз, ҳазрат», – дея Хожа Мавлонойи қози жанобларининг сўзини қўллаб-қувватладилар, сўнг бу йил Наврўз айёми кунлари қабақ уриш майдонида Бобур Мирзо эришган ютуқларни эсга олдилар. «Маййитни Андижонга келтириш масаласига келсак, – деди ҳазрат сўзини давом эттириб, – Йўқ! Подшоҳимизнинг жасадлари Аҳси қалъасига, Тошқўрғонга дафн қилинадурғон бўлди», – деди. Кейин аҳли жамоага қараб: «Жаноблар! Бандаси Рубъи маскунга ҳукмдорлик қилғонда ҳам, Тенгрининг олида жуда ожиз экан! Яхши биладурсизлар, Искандар Зулқарнайндек буюк фотиҳ ҳам, ўша Худо берган, ўттиз икки йилгина умрни кўрди. Уни лоақал яна бир йилга, нафақат бир йилга, атиги бир кунга, бир соатга бўлса-да, узайтира олмади! Инсон учун умр ризқи Аллоҳ томонидан берилган искарт экан!» – дея сўзини якунлади ҳазрат.

Умаршайх Мирзонинг ўлиmidан кўпроқ ҳунарманд-ҳирфагарлар озурда бўлдилар. Чунки, темурийзода ҳукмдор улуснинг бу қатламини мудом ҳифзи ҳимоясида тутиб, бир неча йиллардан буён барча солиқлардан озод қилиб келарди. Тинчлик-осойишталикдан сўнг аҳли синоатга бундан ортиқ яна нима керак! Жамоа ҳамжиҳатлик билан муқаддас ой охирига қадар ўқиладиган таровиҳ намози ва ундан ҳосил бўладиган барча савобларни Султон Умаршайх Мирзонинг муборак руҳи покларига бахшида этишга аҳд қилдилар.

Тун... Атроф тим-қоронғи, зимистон...

Кўкда сузиб юрган бетайин қора булутлар Ой юзини тўсибгина қолмай, ҳавони ҳам дим қилиб қўйган. Таровиҳ намозидан чиққан аҳли му-сулмон аллақачон уй-уйларига тарқаб, шаҳар кўчаларидаги тунги ҳаракат сепсилиб қолган. Аҳён-аҳёнда эломоннигина: «Осуда уюқлайверинг биродарлар, юрт тинч!» – деган овози эшитилади.

Сой даҳаси томонга тушган эски чорбоғлардан бири... Унинг ичкари хоналаридан бирида уч киши шамнинг хира ёруғида, пичирлашганларича нималарнидир хуфиёна муҳокама қилиб ўтирарди. Мусоҳаба мавзуси ўта махфий бўлса керак, эшикни маҳкам ёпиб, ҳовли томонга қараган деразанигина қия очиб қўйишган. Ним қоронғи хонага кириб қолган одам дарҳол бу кимсаларнинг кимлар эканлигини билиб олиши мушкул. Синчиклаб назар солайлик-чи, кимлар бўлди экан бу каслар?!

Тўрида ҳар замонда чап қўли билан сергўшт гарданини тез-тез қашиб қўяётган кас ташидан Аҳмад Танбалга ўхшаб кетяпти. Шамдон унга яқин бўлганидан қисик кўзлари, қалин шоп мўйлови остидаги дўрдоқ лаблари, қолаверса, чиқиб турган йўғон қорни ҳам «айтиб» турибди. Бу тахлит жасад Фарғона мулкида фақатгина унга тегишли. Чорбоғ унинг тасарруфида бўлса керак, хизматкорга барча топшириқларни ўзи беряпти. У гоҳ-гоҳ: «Хаҳ шумтака», – деб тиззасига мушглаб қўяр, нимадан-дир, кимдандир қаттиқ норози бўлаётгани асабий чиқаётган ҳирқироқ овозидан ҳам сезилиб турибди.

Ўнг тарафда, унинг биқинида тўшакка така қилиб олган норғул одамнинг гавдаси Ҳасан Яъқуббекнинг бўй-бастини эслатади. Бир пайт дастурхондан бир нима олиш учун чўзилиб, юзи шамдонга яқинроқ бориб қолганда билинди: чин-

дан ҳам ўша экан. Унинг серсоқол тунд башараси, қалин туташ қошлари ифшо этиб қўйди. Суҳбат асносида ундан бирон-бир муҳимроқ фикр чиқмаса-да, ўзини шерикларидан сипороқ тутишга ҳаракат қилар, шу зайл Танбалнинг ҳамма гапларини хушомад билан маъқуллаб ўтирарди.

Демак, улар ҳаммаслак!

Учинчиси ким бўлди экан?!

Кўринишдан оёқ-қўллари узун бу одам яна бир марта саросима бўлиб дераза раҳига келди. Токчага қўлларини тираганча узун бўйнини ташқарига чиқариб, у ён-бу ёнга аланглаб қўйди.

Бордан чигирткаларнинг басма-бас чириллашларидан бошқа шарпа қулоғига кирмагач, бироз хотиржам бўлгандай жойига келиб чўк тушиб ўтирди. Дастурхон четида турган гулоб тўла кўзани қўлга олиб, ҳамроҳларининг косаларини тўлдириб қўйди. Унинг овози деярли эшитилмасди, вужуди қулоқ бўлиб, фақат шерикларинигина тингларди, холос. Кўринишдан хийла эҳтиёткор одамга ўхшайди.

Бир пайт Аҳмад Танбал унга: «Узун! Бурноғи йилги қишда, саройда бўлуб ўтрон воқеа эсингдаму?» – деб мурожаат қилиб қолди. Қандайдир, муҳим нарсани ёдга олиб.

Ҳа, демак, у, ўз номи ўзи билан, Узун Хасан!

Суҳбат анчадан бери давом этиб келаётган бўлса-да, ҳамтовоқларнинг боши ҳамон бир жойда.

Хуфиёна учрашув, хуфиёна суҳбатнинг поёни кўринмасди.

Қизиқ... Умаршайх Мирзо тириклик чоғи унинг узангисиди бўлиб юрган бу бекларни, мавкибат аҳлидан ажратиб бундай хилватга ким ёхуд нима етаклаб келди экан?!

Подшоҳнинг хос фуқаролари, унинг хонадонига яқин бўлган кишилар, Андижонда ҳозир бўлган

барча беку амирлар, аҳил-иттифоқ бўлиб, жон тортишиб турган долзарб бир пайтда...

Тўғри, ҳали марҳумга аза очилгани йўқ, лекин жами яқинлар уйларига бормай, мотамсаро бўлиб саройда тунаб қолаётган бўлсалар.

Ўзи азалдан «Кимга тўй, кимга аза» экан. Бу кун кекса хизматкорга ҳам қийин бўлди.

«Чорбоққа Меҳмонлар келар эмуш», – деган хабар етказилгандан бери оёқда, рўза оғиз нарса тиним билгани йўқ. Чарчокдан кўзлари юмилиб кетаётган бўлса ҳам, «Тилаб қолсалар, ғофил бўлуб қолмайин, дағи», – дея айвонда у ёқдан-бу ёққа босар, мудом бир қулоғи ичкарида.

«Ахир, эндигина сахарликка туриш керак, унга-ча бирозгина мизғиб олсам ёмон бўлмасди», – дея, кўнглидан ўтказди бобо. Кейин: «Астағфирулло! Эркак кишилар ҳам онча кўп гаплашадилар экан-а? На бирон маротаба кулдилар ва на баландроқ овоз чиқардилар», – деб қўйди ўзига ўзи таажужда.

Ўттиз йилдан зиёд Арк ичида гулчилик билан шуғулланган кекса боғбон, Аҳмад Танбалнинг минг турли ваъдаларига ишониб, бу ерга келиб қолганига уч-тўрт йил бўлган эди..

Бобо темурийзода ҳукмдорлар хизматида кўп бўлди, дилни яйратувчи, кўзни қувонтирувчи анвойи гуллар етиштирди, шунга яраша мурувват ҳам кўрди.

«Ҳа, майли, Аллоҳ инсоф-товфуқ берсун буларга», – деб қўйди-да, таомдан хабар олиш учун аста-аста босиб ўчоқ бошига қараб юрди.

Иттифоқо, эшик яна тиқиллаб, маҳтал бўлиб турган кекса хизматкорнинг: «Султон Аҳмадбек жаноблари! Ош тайёр бўлганига анча бўлди, сузиб келайинму?» – деган ялинчоқ овози эшитилди.

Ва ниҳоят, бир зум ўтиб, ичкаридан Танбалнинг: «Майлинг...» деган ғўлдираган жавоби келди.

Чинни товоқдаги хушбўй таом Аҳмад Танбалнинг иштаҳасини қитиқлаб юборди чоғи: «Узун! Таом гўр кетмасун! Бир аёқдин, фақат бир аёқдин!» – деб қўйганди, у индамай ўрнидан туриб жавондаги чоғир тўла кўзани олиб келди. Учта косага сила қўйиб илжайганча эгаларига узатди-да, яна жойига элтиб қўйди. Ҳасан Яъқуббекнинг тил учида қилган: «Қандай бўларкин, жаноблар?!» – деган лўқмаси эса орзида қолиб кетди.

Ҳамтовоқлар қўлларидаги косани тубига қадар сипқориб қўйдилар-да, сўнг таомга қўл узатдилар.

Хуфиячилар таомдан кейин ҳам, тун яримлаб қолаётган бўлса-да, тарқалишга шошилмасдилар.

Кекса хизматкорнинг сабри тугаб, ахийри ички бир куч билан қандай қилиб эшик ёнига бориб қолганини сезмай қолди. Беихтиёр, қулоғини эшик тирқишига тутди. Во ажаб, Танбал айни шу дамда, хуфиёна суҳбатга якун ясаётган экан: «Жаноблар! Хуллас калом, гап шу! Бобур қайсарнинг феъл-атвори ҳаммага маълум. Адолат учун ҳеч кимни аяб ўлтурмайди. Магар, у тахтда бўлур экан, бизларнинг йўлумиз банд, илгимиз қисқа! Бас, имкони бўлгоч-ўқ, уни салтанатдан четлатишимиз керак! Келишдикму, жаноблар? – деганди икковлари ҳам бир овозда: «Йигит сўзи, келишдук, келишдук!» – деган сўзларни бир неча бор такрорладилар.

Бобонинг гуноҳкор қулоғидан кириб борган бу фитна сўзлар унинг аъзойи баданини титратиб, кўз ўнгини қоронғи қилиб юборганди. Ҳаяжонларини босолмаган кекса хизматкор шу заҳотиёқ ўтирилиб ташқарига отилди. Чиқаётиб даҳлиз остонасига қоқилиб кетди-да, йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Бояқиш қаттиқ изтиробдан бир қадам ҳам босолмай чиққан жойигаёқ ўтириб қолганди.

Даҳлиздаги тапир-тупирдан сергакланган Аҳмад Танбал жасадига хос бўлмаган тезлик билан

салчиб ўрнидан турди ва важоҳат билан ялангоёқ айвонга чиқиб келди.

Кўзининг пахтаси чиқиб кетган Танбал кела солиб мўйсафиднинг ёқасига чанг солди: «Тур ўрнингдан, қари кўппак! Ҳамма гапларимизни тинглаб турғон экансен-да!»-деганча ердан даст кўтариб тикка қилиб қўйди. У тинмай пишилар, юзида эса қон қолмаганди. Бобонинг ёқасини қўйиб юбормай, зуғум билан итобга ола бошлади: «Гапир! Нималарни уқдинг?! Бизнинг гапимизни Пошшо бувинга сотуб, садақа оламен дедингму?!»

Негадир, шу пайт бобонинг ҳаяжонларидан асар ҳам қолмаганди, бироқ унинг қаршисида икки йўл турарди: бири тўғри, бор эшитган гапини айтиб, умрининг қолган қисмини тақдир ихтиёрига топшириб қўйиш, иккинчиси: ёлғон гапириб, ялиниб, қутулиб кетиш учун диёнатиға қарши иш тутиш.

Бобо, албатта, виждони кўрсатган биринчи йўлни танлади ва фавқулодда дадиллик билан Танбалнинг чақчайган кўзларига тик боқаркан: «Тўғри, сенинг сўнгги сўзларингни ҳаммасини эшитдум. Кўзларингни туз тутқур, темурийзодалардин нима ёмонлиқ кўрдингни, бу болада шунча қасдинг, адоватинг бўлса?! Танбал! Бузуқ ниятингдин қайт! Шайтонга ҳай бер! Бу ишинг учун, Андижон аҳли сени то қиёматга қадар кечирмайду!»

Кутилмаган жавобдан эсанкираб қолган Танбал: – Ўчур унунгни, айроқчи! Менга ақл ўргатма, абушқа! Ҳозир-ўқ жонингни суғуруб оламен! – деди ғазаб билан.

– Мен ёшумни яшаб, ошумни ошаб бўлғон одаммен! Ўлумдин эса заррача кўрқмаймен, қайтара, шундайин улуг айём кунлари! – дея бир икки силтаниб унинг исканжасидан чиқиб кетмоқчи бўлди, бироқ бояқиш бобонинг мадори етмади.

Одам қиёфасидан чиқиб кетган Танбалнинг бақувват панжалари эса борган сари чолнинг бўйнига ботиб борарди.

Кекса хизматкор муқаррар ўлими олдидан бор кучини тўплаб яна бир нималар демоқчи бўлди, бироқ томоғи бўғилиб бораётганидан овози чиқмай қолди. У сўнгги кучини тўплаб, Танбалнинг яқин турган жирканч башарасига қарата тупуриб ташлади-да, шилқ этиб тушди.

Қотил шундан кейингина чолнинг бўйнини чангалидан қўйиб юборди.

Узун Ҳасан шоша-пиша ёнидан дастрўмол чиқариб, унинг ифлос башарасини артишга тутинди. Бутун вужудини қалтироқ босган Танбал эса жоҳилона нафрат кўзи билан тикилганча, мурдадан нигоҳини ололмай қолганди.

Ҳаммаларининг назарлари мардларча омонатни топшириб, беозоргина букчайиб қолган кекса хизматкорда эди.

Во ажаб! Маййитнинг серажин, нуроний юзида совуқлик аломатлари эмас, қандайдир адолат қурбонларидагина бўладиган қолибона кайфият шуълалари уфуриб турарди.

Узун Ҳасан билан Ҳасан Яъқуббек қўлларини очиб, худди бобога таъзия билдиргандек, омонатгина юзларига тортиб қўйдилар. Унинг очиқ қолган кўзларига дош беролмадиларми, ёпиб қўйдилар-да, икки қўлтиғидан кўтариб ҳужраси томон олиб кетдилар.

Қора гуруҳ тонгга яқин, юлдузлар эртанги куннинг порлоқ бўлишидан огоҳ этаётгандек, секин-аста сўниб, Қуёш нурлари шарқ осмонини ёрита бошлаганда, чорбоққа қандай келган бўлсалар, ўша тартибда, бирин-кетин чор атрофга тарқаб, гум бўлиб кетдилар...

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Таваллуд	9
Муҳим хабар	14
Чиндан келтирилган совға	17
Самарқанд сори	22
Ҳаңдалак сайли ёхуд биринчи чандиқ	89
Шикор	116
Гезада қарши олинган тонг	152
Сирли қоя	174
Наврўзи ажам	225
Мушоара	261
Болаликнинг сўнгги куни	298
Хуфиёна битим	310

Адабий-бадий нашр

Дурбек Қўлдошев

ИМПЕРАТОРНИНГ ТУГУЛИШИ

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент — 2018**

Муҳаррир **Фахриддин Ҳасанов**
Бадий муҳаррир **Асқар Ёқубжонов**
Саҳифаловчи **Умид Сапаев**

**Нашриёт лицензияси: АИ №160. 14.08.2009 й.
8.02.2018 да босишга рухсат этилди.
Қороз бичими 84x108 ¹/₃₂. Шартли босма табоқ 16,8.
Нашриёт-ҳисоб табоғи 17,5. Адади 5000.
Баҳоси шартнома асосида. 05-сонли буюртма.**

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**«ИРАК Ю'ЛИ ПОЛИГРАФ» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100170, Тошкент ш., Авайхон кўчаси, 98А.**

19200 c

192000



Дурбёк Қўлдошев 1949 йилда Андижон вилояти Пахтаобод шаҳрида туғилган. 1971 йилда Андижон пахтачилик институтини тугатган, мутахассислиги бўйича муҳандис-гидротехник. Уюк йиллар давомида Кишлоқ ва сув хўжалиги тизими ташиқлотларида меҳнат қилган.

Ижод намуналари республика газета ва журналларида эълон қилинган. 2012 йилда “Кўк қаргалар учиб келмайди” номли хикоялар тўплами чоп этилган.

“Императорнинг туғилиши” муаллифнинг тарихий манбалар асосида яратилган кўп йиллик ижодий изланишлари самарасидир.

Д. Қўлдошев ҳозирда Андижон вилоят Чўлпон жамоат фондининг ижрочи директори вазифасида фаолият юритиб келиди.



ISBN 978-9943-07-580-1



9 789943 075801